

Ilm kelajagimiz
ravnaqidir

№-4. 2023



СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР SURKONDARYO: ILM VA TAFAKKUR СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ SURKHANDARYA: SCIENCE AND CONTEMPLATION



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ТРАНСФЕРИ МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ЦЕНТРА РЕГИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ТРАНСФЕРА
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И ЦЕНТРА РАЗВИТИЯ НАУКИ И
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИ

SURKHANDARYA REGIONAL TERRITORIAL INNOVATION ACTIVITY AND TECHNOLOGY
TRANSFER AND SURKHANDARYO SCIENTIFIC JOURNAL OF SCIENCE AND
TECHNOLOGY DEVELOPMENT CENTER

Илм келажасгимиз равнақидир

СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР
SURKHANDARYO: ILM VA TAFAKKUR
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ
SURKHANDARYA: SCIENCE AND
CONTEMPLATION

Илмий мақолалар журнали

N-4 2023



ТАЪСИСЧИЛАР;
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИ
МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

Ҳар чорақда 1 марта чиқади.

**Jurnal 25-05-2020 yil. №11-079
raqami bilan ro'yxatga olingan.**

O'zbekiston Respublikasi OAK ning 2021 yil
12 dekabrda № 01-06/25-04 raqamli xati
asosida ro'yxatga olingan.

Ommaviy axborot vositasi davlat
ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVONNOMA N-11-079.

My.gov.uz. Yagona interaktiv. davlat
xizmatlari portali.
N 8102-325e-cd96-f50a-53b3-3119-7970

Hujjat yaratilgan sana: 2020-05-25.

Ariza raqami: 19051279.

НАШР ИНДЕКСИ 190-111.

ЖУРНАЛ «ADAD PLYUS» МЧЖ
матбаа бўлимида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Бунёдкор кўчаси 28-уй.
Босишга рухсат этилди: 07.11.2023.
Қоғоз бичими 60x84 1/8.
Босма табоғи 12,0. Офсет босма.
Офсет қоғози. Адади 100.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма № 19.

Техник ходимлар:
Хидиров Холмат
Мамаражабов Ғайрат
Умаров Икром
Саҳифаловчи:
Қўшоқова Моҳигул

Таҳририят манзили: Сурхондарё вилояти
Термиз шаҳри "Баркамол авлод" кўчаси 43 уй.
tursunovsafullo12@mail.ru
Тел: 876 223 07 66.
+99 891 577 90 50,
+99 894 200 49 55,
+99 891 229 22 29.

Бош муҳаррир:

Главный редактор:

Chief Editor:

Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич
Тарих фанлари доктори, профессор
Термиз давлат университети

Бош муҳаррир ўринбосари:

Заместитель главного редактора:

Deputy Chief Editor:

Пардаев Тошкенбой Раджабович
Тарих фанлари доктори, доцент
Термиз давлат университети

Журналнинг илмий котиби:

Файзуллаева Мавлуда тарих фанлари
доктори, Термиз давлат университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Абдуқодир
Асқаров Аҳмдали
Каримов Соҳибназар
Муртазоева Раҳбархон
Сағдуллаев Анатолий
Абдуллаев Улуғбек
Ашуров Адҳам
Дониёров Алишер
Шамсиддинов Рустам
Эшов Баходир
Обломуродов Наим
Ботирова Халима
Эргашева Юлдуз
Бўриев Очил
Давлатова Саодат
Ғоффоров Шокир
Раҳмонов Фахриддин
Қаршиев Ислом
Турсунов Жавли
Турсунов Нурулло
Холмўминов Хусан
Тўхтаев Абдуғани
Хайитов Шодмон
Ирисқулов Олимжон
Саидов Илхом
Якубова Диларам
Саидов Бахтиёр
Акчаев Фаррух
Усмонов Муртоз
Қурбонова Манзила
Исаев Ойбек
Умаров Икром
Қодирова Олия
Менглибоев Акмал
Аҳмедов Сардор

ЖАМОАТЧИЛИК

КЕНГАШИ:

Турдиев Тоштемир
Убайдуллоева Барно
Ёрматов Фахриддин
Назирова Бахтиёр
Қўшбоқов Панжи
Воҳидов Шодмон
Қодирова Дилбар
Раҳимов Баходир
Юнусова Хуршида
Хасанова Нодира
Бобожонова Дилором
Эшонқулов Абдужаббор
Алланов Қилич
Тилекулов Гауҳар
Алиқулов Рустам
Мирзаев Ибодулло
Панжиев Нормамат
Жабборова Шоира
Чориев Иргаш
Ҳотамов Очилди
Туропова Моҳдил
Муртозоев Бобоназар
Тошев Камолиддин
Эргашева Сайёра
Аҳмедова Гулчеҳра
Хидиров Холмат

1921-1922 ЙИЛЛАРДА СУРХОНДАРЁ ХУДУДИДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИ

Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич,

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси муdiri,
тарих фанлари доктори, профессор

Аннотация: Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохатлар туфайли тарихчи олимларимиз томонидан ўлкада совет ҳокимиятининг ўрнатилиши билан боғлиқ тарихий жараёнларни холисона ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, XX асрнинг 20-йилларида Сурхондарё худудида совет режимининг ўрнатилиши натижасида вужудга келган қаршилик ҳаракати шу қадар кескин тус олдики, уни ҳар томонлама тадқиқ этиш ўша даврни реал тасаввур қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўз ва иборалар: Босмачи, Совет ҳукумати, Миллий озодлик ҳаракати, Анвар Пошшо, Иброҳимбек, большевик, жадиждлар.

Аннотация: В связи с реформами, реализуемыми в новом Узбекистане, наши историки уделяют особое внимание объективному изучению исторических процессов, связанных с установлением Советской власти в стране. Например, в 20-е годы XX века движение Сопротивления, возникшее в результате установления советской власти в Сурхандарьинской области, стало настолько острым, что его всестороннее исследование имеет большое значение в реалистическом восприятии того периода.

Ключевые слова и фразы: Босмачи, советское правительство, Национально-освободительное движение, Анвар-паша, Ибрагимбек, большевик, джадиды.

Abstract: Due to the reforms implemented in the new Uzbekistan, our historians are paying special attention to the objective study of historical processes related to the establishment of Soviet power in the country. For example, in the 20s of the 20th century, the resistance movement that arose as a result of the establishment of the Soviet regime in the Surkhondaryia region became so

sharp that its comprehensive research is of great importance in the realistic perception of that period.

Key words and phrases: Bosmachi, Soviet government, National Liberation Movement, Anwar Pasha, Ibrahimbek, Bolshevik, Jadids.

Шарқий Бухорони босиб олган большевиклар чор Россиясининг миллий камситиш, мустамлакачилик, талончилик ва зўравонлик сиёсатини давом эттирди. Ҳатто, бунга қўшимча тарзда миллий эътиқодларни поймол этиш, хур фикрли зиёлиларни йўқ қилиш, миллий тил, маданият ва адабиёт вакиллари тазйиққа олиш, ўзларига қарши чиққан ҳар қандай чиқишларни йўқ қилиш учун барча усулларни қўллади.

Қизил аскарлардан жабр-зулм қўрган оддий аҳоли тез-тез кўзғолонлар кўтариб турди. Халқ ҳаракатлари йирик қўрбошилар томонидан бошқарилиб турилди. Жумладан, Лақайда – Иброҳимбек, Бойсунда – Хуррамбек, Жарқўрғонда – Ўтанбек, Шерободда – Мустафоқулбек, Қумқўрғонда – Салом Калта, Балжувонда – Давлатмандбий, Қоратегинда – Фузайл Махсум, Дарвозда – Эшон Султон сингари беклар бошчилик қилишди.

Туб аҳолининг адолат йўлидаги кураши Совет ҳукумати томонидан нотўғри талқин қилиниб, унинг қатнашчиларига «босмачилар» деган тамға ёпиштирилди. «Босмачи» – туркийча «босмоқ» сўзидан олинган бўлиб, хужум қилиш тушунчасини англатади. Чор Россияси даврида йўлтўсар ва қароқчиларга нисбатан шундай ном ишлатилган. Лекин 1918 йилда Қўқондаги Туркистон Мухторияти большевиклар томонидан ваҳшиёна равишда қонга ботирилгач, «босмачи» номи билан

миллий-озодлик ҳаракати қатнашчилари атала бошланган. Шунинг унутмаслик керакки, 1918-1931 йилларда айрим қуролли тўдалар гўёки қаршилик ҳаракати қатнашчилари сифатида оддий аҳолини талаш, қишлоқларга босқин уюштириш билан шуғулланганлар. Шу боис бундай тўдалар аҳоли томонидан қўллаб-қувватланмаган, уларни кўп ҳолларда деҳқонлар ва қаршилик ҳаракати қатнашчиларининг ўзлари жазолашар эди. Шундай бўлсада, совет тарихшунослигида ана шундай жиноятчи тўдаларга нисбат берилиб, бутун қаршилик ҳаракати иштирокчилари камситилган ва «босмачилар» сифатида атаб келинган. Бу тамға 1920 йил кузидан бошлаб Бухоро истиқлолчиларига нисбатан ҳам қўлланилган. Мустабид режимга қарши кураш олиб борган аждодларимиз эса ўзларини «мужоҳидлар» деб аташган. Мустақиллик йилларидаги тарихшунослигимизда «босмачилар» атамасидан воз кечилиб, ўрнига «истиқлолчилик», «қаршилик ҳаракати», «миллий озодлик ҳаракати» атамалари кенг қўлланилмоқда[6,Б.37-38-56-60].

1921 йил июнида Шарқий Бухорода вазият кескин тус олди. Миллий кучларга қарши туриш учун экспедицион корпус таркибига кирувчи 8-ўқчи полк йирик қишлоқларда ўрнаштирилди. 3-кавалерия бригадаси Кўлоб ҳудудида ҳаракатланар, Роганов бошчилигидаги 2-кавалерия бригадаси таъминот йўлларини кўриқлар, Я.Мелькумов бошчилигидаги 1-кавалерия бригадаси Қоратегин ва Дарвозда жанг олиб борар эди. Миллий кучлар фаолиги ортгач, Кўлобдаги 2-кавалерия бригадаси билан Қаршидаги 3-Етгисув кавалерия полки Қоратегин ва Дарвозда жанг қилаётган 1-кавалерия бригадасига ёрдам учун юборилади. Йўл-йўлакай, 2 кавалерия бригадаси Файзободдаги истиқлолчиларни тор-мор этади. Уларнинг қолдиқлари Жирғатолдаги Фузайл Махсумга бориб қўшилишади. Натижада унинг йигитлари мингтага етади[13,Б.63].

1921 йилнинг июнида Фузайл Махсум ва Эшон Султон 1700 кишилик қўшини

билан Дарвоз ва Қоратегинга юриш қилишади. Бу ерга матчолик кўрбоши Абдухофизбек ҳам икки ярим минг кишилик йигити билан келган эди. Фарм шаҳри қуршовга олинди. Бу ерда 50 нафар қизил аскар, Қоратегин ревкоми Умаров ва озиқ-овқат комиссияси раиси Нусратулла Махсум ҳам бор эди. Фақат 1- ва 3-кавалерия полкларининг ёрдамга келишигина қамални бартараф этиш имконини берган. Абдухофизбек қўлга олинган[14, Б.68-69].

Бундан кейинги даврда Шарқий Бухородаги қаршилик ҳаракатига Иброҳимбек етакчилик қилди. Иброҳимбек илгари Ҳисор бегига қилган хизматлари учун қоровулбеги унвонига, кейинчалик Амир Олимхон томонидан девонбеги, тўпчибоши ва лашкарбоши лавозимларига кўтарилган. 1921 йил баҳорида Саид Олимхон томонидан Иброҳимбек девонбеги қизил аскарларга қарши курашаётган Бухородаги бутун қўшинларнинг Олий бош қўмондони қилиб тайинланган[15,Б.9].

Миллий озодлик ҳаракатининг кучайиб кетишига йўл қўймаслик ва аҳолини ўз томонига оғдириб олиш мақсадида большевиклар сиёсий ташвиқотни кучайтиришга мажбур бўлдилар. Жумладан, 1921 йилнинг 18-20 июль кунлари вилоятларда деҳқонлар қурултойи чақирилди. 19 июлда Бойсунда ўтказилган қурултойда 200 киши қатнашди. Унда вилоят маориф бўлимининг янги бошланғич мактабларни ташкил этиш, туман ва кентликларда мактаблар ислохотини ўтказиш тўғрисида Абдулла Изитдин, вилоятдаги сиёсий аҳвол ҳақида Олимжон Оқчурин нутқ сўзладилар. Қурултойда Қизил Армия барча йўқсиллар ва меҳнаткашларнинг ҳалоскори эканлиги қайд қилиниб, унга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилинди[8,Б.22].

1921 йил август ойида Туркфронт қўмондони М.М.Лазаревичнинг буйруғи билан Ҳисор экспедицион корпусига Я.Мелькумов бошлиқ этиб тайинланади. Кўп ўтмай, фронт қўмондонлиги

Я.Мелькумовга 1-Туркистон кавалерия дивизиясини Шарқий Бухородан олиб чиқиб кетишни буюради. Дивизия аввал Душанбега жойлаштирилади. Сўнгра, 1921 йил сентябрь ойининг охирларида Бойсунга, ундан Самарқандга олиб чиқилади. Бу ерда Туркфронт кўмондонлигининг 1921 йил 4 августдаги 972/525-сонли буйруғи билан 1-Туркистон кавалерия дивизияси тарқатилиб, ўрнига 1-алоҳида Туркистон кавалерия бригадаси ташкил этилади. Шу билан Ҳисор экспедицион корпусининг фаолияти тўхтатилади[13;73].

Экспедицион корпуснинг Шарқий Бухородан чиқиб кетиши Иброҳимбекка қўл келди. 1921 йилнинг августида бўлиб ўтган жангларда унинг қўли баланд келди. Амир Олимхоннинг эсдаликларида ёзилишича, Иброҳимбек қисқа фурсат ичида 10 минг кишилик қўшин тўплаб, Кўлоб, Балжувон, Қоратегин ва Дарвоз бекликларини ёв қўшинларидан тозалади[4,Б.19]. Шарқий Бухородаги стратегик устунлик яна миллий кучлар қўлига ўтди.

Шундай вазиятда Файзулла Хўжаев топшириғи билан Душанбега Бухоро Республикасининг Фавкулудда мухтор вакили Отаулла Хўжаев келди. Ҳукуматнинг мақсади қўзғолонларни тинч йўл билан ҳал қилиш ва иложи бўлса, миллий кучлар билан битим тузиш эди. 1921 йил 12 августда Балжувонда бўлиб ўтган учрашувда Отаулла Хўжаев билан Давлатмандбек Камолиддинбек ўғли ўртасида 8 моддадан иборат битим тузилди. Келишувга қўра, Давлатмандбек ва Эшон Султон Балжувон ва Фарм ревкоми лавозимига тайинланадилар[16,Б.71].

1921 йил 17 сентябрда Файзободдан 26 км жануби-шарқдаги Қоратепа қишлоғида Давлатмандбек ва Эшон Султон ташаббуси билан бухоролик қўрбошиларнинг биринчи курултойи чақирилди. Курултойга 7 мингга яқин йигит ўз қўрбошилари билан бирга қатнашишди. Иброҳимбек Бухоро қўрбошиларининг Олий бош кўмондони этиб сайланди ва унга «Ислому лашкарбошиси» унвони берилди. Курултой

қатнашчилари БХСР ҳукуматининг Фавкулудда Мухтор вакили билан қўрбошилар ўртасида тузилган битимга қўра, ўн кун ичида қизил қўшинлар Бухородан чиқиб кетиши, ақс ҳолда мужоҳидлар бутун фронт бўйлаб юриш бошлашини маълум қилишди[22.Б.47].

Қизил аскарларнинг чиқиб кетиши пайсалга солингач, Иброҳимбек 17 сентябрдан бошлаб ҳужумга ўтди. 23 сентябрда 4 минг кишилик қўшини билан Душанбени қуршовга олди. 25 сентябрда Ҳисор ва Кофирнихон ҳам озод этилди. Иброҳимбек 2 октябрь куни Душанбе гарнизони бошлиғи Т.Морозенкога сўзсиз таслим бўлишини таклиф этиб ультиматум юборди. Рад жавобини олган Иброҳимбек қаттиқ штурм билан шаҳарни эгаллади[16,Б.72-73]. Лекин 18 октябрда гарнизонга ёрдам бериш учун етиб келган қизил аскарлар Душанбени яна қайтариб олишга муваффақ бўлишди[14,Б.71].

Шарқий Бухорода жанглар қизиб турган бир пайтда кураш майдонига яна бир йирик йўлбошчи – Анвар Пошшо (1881-1922) кириб келди. Анвар Пошшо Туркиянинг машҳур давлат арбоби ва йирик кўмондони, усмоний турк султонининг куёви эди. Биринчи жаҳон уруши йилларида Анвар Пошшо Туркиянинг бош вазири сифатида фаолият юритди. Урушдан кейинги йилларда Анвар Пошшо Россияга кетишга мажбур бўлган эди. 1921 йил 20 октябрда 2 нафар ёрдамчиси: Баргинли Муҳиддинбек ва Ҳожи Самибей (Салим Пошшо) билан Ботумидан чиқиб, Тифлис, Боку, Красноводск, Ашхобод, Марв, Байрамали, Чоржўй шаҳарлари орқали Бухорога келади[3.Б.386].

Анвар Пошшо Бухорода Усмонхўжа Пўлатхўжаев ва Файзулла Хўжаевлар билан музокаралар ўтказгач, озроқ муддат бу ерда қолади. 8 ноябрда эса Бухорони тарк этиб, Шарқий Бухорога жўнаб кетади ва Қарши яқинидаги Қиликул атрофида қўрбоши Мулла Нафас туркман билан учрашади. Анвар Пошшо Туркистондаги миллий озодлик ҳаракати сафига қўшилар экан, 1921 йил 9 ноябрда

биринчи марта баёнот беради. Унда шундай дейилади: «Орқадощлар! Туркистоннинг муқаддас даъвоси йўлида олиб борилаётган курашга мен кўшилгани келдим. Ичингизда биз билан меҳнат қилишни истовчилар бўлса, таклиф қиламан, қасам ичсин! Лекин, ичингизда бола-чақаси руслар қўл остида бўлганини ўйлаб андиша ва тараддуд кўрсатувчилар бор бўлса, улар ҳам очикчасига айтсин. Буюраман! Тўпланганлар курашмоқ учун онт ичдилар»[1,Б.202].

Анвар Пошшо Қарши ва Шеробод вилоятлари орқали Қабодиёнга етганда Шеробод вилоятининг ҳарбий нозир, турк армиясининг собиқ полковниги Ҳасан Афанди ва Термиз милициясининг бошлиғи Усмон Афанди (у ҳам турк эди) ўз йигитлари билан унга келиб кўшилди. Анвар Пошшо Ҳисор беклигининг Қараменди (ҳозирги Фахробод) қишлоғидаги Бобобек тўқсабонинг ҳовлисига ўзининг 90 нафар йигити билан келиб тушганда у билан учрашиш учун Иброҳимбек ҳам келади. Аммо Иброҳимбек жадидларни ёқтирмас эди. Уларни юрт бошига тушган барча кўргуликлар айбдори сифатида билади. Унинг фикрини ҳатто Анвар Пошшо ҳам ўзгартира олмайди. Иброҳимбек буни қизилларнинг найранги сифатида тушунади ва Анвар Пошшо билан унинг йигитларини қамоққа олдириб, Кўктошга, Мулла Алибой Марқанинг ҳовлисига жўнатади[11,Б.43]. Бўлиб ўтган воқеалардан дарак бериш учун Амир Олимхонга хат йўллайди[15,Б.11].

Бу воқеалар хусусида Заки Валидий фикр юритар экан: «Бухоро амирига содик қолган таваккалчи лақайлар ўзлари ҳам билмасдан, руслар фойдасига иш қилиб, Пошшони асир олишиб, бутун режаларимизни остин-устун қилиб ташлашди», деб ёзган эди[2,Б.141].

Кўп ўтмай, Амир Олимхон ушбу нохуш хабарлардан воқиф бўлгач, Иброҳимбекка хат ёзади. Унга Анвар Пошшога ҳурмат бажо келтириши лозимлиги, агар душманга қарши кураш

истагида бўлса, унга ёрдам бериши кераклигини уқтиради[4;20].

Анвар Пошшо бир ой тутқунликда ётган пайтида Иброҳимбек Душанбе қамалини давом эттиради. 1921 йилнинг ноябрь ойи охирларида БХСР МИҚ раиси Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Бухоро милициясининг командири Али Ризо, ҳарбий нозир Дониёр Афанди Бойсунга келишади. Шу ердан Душанбега қараб йўл олишади. Сариосиё, Регар, Қоратоғдаги қаттиқ тўқнашувлардан кейин отряд Душанбе гарнизонига бориб кўшилади. 36 пулемётга эга бўлган гарнизон жуда қаттиқ қаршилик кўрсатади.

1921 йил 9 декабрь тун қоронғусида Усмонхўжа Пўлатхўжаев музокара олиб бориш учун Душанбе гарнизонининг ҳарбий комиссари Морозенко, унинг ёрдамчиси Мухин, РСФСР ва Шарқий Бухоронинг бош консули Нагорний ва бошқа командирларни чақиртирди. Уларга Душанбени топшириш ва сўзсиз таслим бўлиш ҳақидаги буйруққа қўл қўйишни буюради. Лекин командирлар рад жавобини беришгач, улар бўғиб ўлдирилади. Гарнизонни қуролсизлантириш ишлари Али Ризо билан Дониёрга топширилади. Уларнинг сўзига ишонмаган 3 - батальон командири Гринцевич қуролли қаршилик кўрсатади. Фақат 13 декабрда Бойсундан етиб келган 7-ва 8-полк бўлинмаларигина У.Пўлатхўжаев отрядини тор-мор этади [8,Б.25-26].

Анвар Пошшо уларнинг мағлубияти сабабларини билмоқ учун Иброҳимбекни юборади. Иброҳимбек билан олдиндан ёмон муносабатда бўлган У.Пўлатхўжаев, Али Ризо Афанди, Дониёр Афанди ва Сурайё Афандилар музокарадан бош тортиб, унинг қўшинларига қарши ўт очадилар. Бу тўқнашув Иброҳимбек ғалабаси билан якунланиб, Сурайё Афанди қўлга олинади ва Кўктошда турган Анвар Пошшо ихтиёрига топширилади. Шундан сўнг кўп ўтмай, Усмонхўжа Пўлатхўжаев бошчилигидаги жадидлар Афғонистон ерларига ўтиб кетишади[11,Б.50].

1921 йилнинг декабрь ойида Анвар Пошшо Кўктошда кўрбошиларнинг кенгашини чақиришга эришади. Ушбу кенгашда Анвар Пошшо «Ислоннинг жами курулли кучлари бош кўмондони» деб эълон қилинади. Анвар Пошшо Бухоро тахтига даъво қилмаслиги, Совет ҳокимияти тугатилгач, Амир Олимхонни тахтни қайтариб олиш учун чақиришини маълум қилади. Кенгашнинг барча қарорларини Амир Олимхон маъқуллаган эди[19,Б.113].

Шундан сўнг Анвар Пошшо миллий кучларнинг ўн минг кишилиқ кўшинини тўплашга эришди[9,Б.57]. Душанбени қамал қилиш қайтадан бошланди. Иброҳимбек шаҳар гарнизони бошлиғига ўринсиз қон тўкилишига йўл қўймаслик учун 1921 йил 20 декабрда ўз талабномасини юборади. Унда шундай дейилади: «Тезлик билан юртимиздан йўқ бўлингиз – тўрт томонингиз қибла! Талофатсиз чиқиб кетишларинг учун имкон яратиб бераман. Бундан ташқари, отларингизни ем-хашак билан таъминлайман. Фақат тезроқ қорангиз ўчса бас»[7,Б.73].

1922 йил 10 – 15 апрелда Бойсун атрофидаги Кофрун қишлоғида бўлган Туркистон кўрбошиларининг курултойида Анвар Пошшо Олий бош кўмондон қилиб сайланади. Шу тариқа, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидан тортиб то Хоразм воҳаси ва Шарқий Бухорогача бўлган катта ҳудудда Анвар Пошшо бошчилигида истиқлолчиларнинг умумий fronti тузилади [10,Б.309]. Шарқий Бухородаги барча ерлар (ҳозирги Термиз шаҳри ва Бойсун марказидан ташқари) Анвар Пошшо қўлига ўтади. Унинг қароргоҳи Бойсун яқинидаги Кофрун қишлоғида эди.

1922 йил 9-12 июнда икки колоннадан иборат Қизил Армия қисмлари шиддатли ҳужум туфайли Мирқоракўз, Бибиширин, Етимак, Питак, Оқжар, Кофрун, Қизил Чорбоқ, Инқобод, Паданг, Пулҳоким, Сарикамиш, Работ қишлоқларини эгаллаб олади. 12-15 июндаги жангларда Анвар Пошшо

кўшинлари қаттиқ сиқув остида Работ ва Кофрунда мағлубиятга учрайди [23,Б.78]. Ягона ҳарбий кўмондонликка бўйсунмаган, замонавий уруш олиб бориш тажрибасига эга бўлмаган, ўзаро келиша олмаган миллий-озодлик кучлари ҳал қилувчи жангларда яқдил ҳаракат қилмаганлиги туфайли турли томонга чекиниб, асосий жанг майдонини ташлаб кетадилар.

Қизил аскар қисмларининг ҳар икки колоннаси 1922 йил 15 июнда ҳал қилувчи ҳужумга ўтади. Хужжатларда ёзилишича, чап колонна қисмлари Бойсун, Инқобод, Работ теваарак-атрофида 10 чақирим фронт бўйлаб ҳужумга ўтди. Миллий кучлардан 200 киши ўлдирилиб, 20 киши асирга олинади. Булардан ташқари 200 бош қорамол, 37 туя ва Анварнинг шахсий буюмлари қўлга туширилади[23,Б.89].

Анвар Пошшо ва Ботмон тўқсаболарнинг 2000 кишилиқ йигити Деновда жойлашган эди. 16 июнь тонгида 8-кавалерия бригадаси Бандихондаги тоғ дараси орқали Жарқўрғонга етиб олди. 17 июнь эрталаб 1-кавалерия бригадаси Денов, Юрчи, Сарийосиёни эгаллади. Ўша куннинг охирида бу жойга пиёда аскарлар ҳам кириб келди... 18 июнда колонна қисмлари Бешкентни эгаллашди[23,Б.90]. Анвар Пошшо 24 июнга ўтар кечаси Дарбанд атрофида ўзининг 3000 кишилиқ кўшини билан Кақуриннинг 8000 кишилиқ яхши курулланган совет дивизиясига қарши ҳужум қилди ва у тор-мор қилинди[12,Б.7].

1922 йил 4 август жума куни мусулмонларнинг Қурбон ҳайитига тўғри келди. Бу пайтда Анвар Пошшо ўзининг оз сонли аскарлари билан Балжувондан 12 чақирим шимоли-шарқда жойлашган Обдара қишлоғида эди. Шу куни қизил аскарлар билан бўлган жангда Анвар Пошшо шаҳид бўлди.

Анвар Пошшонинг ўлими юзасидан бир қанча фикрлар бор. Г.Агабековнинг эсдаликларида ёзилишича, бўлиб ўтган

жангда миллий кучлардан атиги 3 кишигина қутулишга улгурди. Жанг майдонида 28 та ўлик қолди. Улар орасида Анвар Пошшо ҳам аниқланди. Қилич зарбидан унинг боши ва танасининг бир қисми олиб ташланган экан. Ёнидан Куръон топилди[5,Б.68].

Бошқа манбаларга қараганда, уни кавалерия полки командири, арман Яков Мелькумов ўлдирган. Бу хизмати учун у «Қизил Байроқ» ордени билан қайта мукофотланган[17,Б.128].

Архив ҳужжатларида кўрсатилишича, 1922 йил 4 августда Балжувондан 12 км узоқликдаги Обдара қишлоғида қизил аскарларнинг 15-кавалерия полки Анварнинг орқа томонига яширинча ўтиб олган. 16-кавалерия полки эса тўғридан ҳужум қилган. Куршов дарагини эшитиши билан, Анвар Пошшо ва Давлатмандбий 100 нафар сара жангчиси билан куршовни ёриб чиқмоқчи бўлишган. Лекин қизил эскадронга қўшимча кучлар ёрдамга етиб келгач, Анварни беш жойидан ярадор қилишган. Давлатмандбий ҳам оғир яраланган. Кўп ўтмай улар вафот этишган[23].

Бошқа хабарларга кўра, Анвар Пошшо Балжувондан 25 км узоқликдаги Чакан қишлоғида, жанг вақтида ҳалок бўлган. Шоир Кўрмуроднинг «Жанги охир» қиссасида айтилишича, Анвар пошшога 4 август куни кўкрагига иккита ўқ теккан бўлса-да, 8 август куни ҳали тирик эди[20,Б.67].

1922 йил 16 август куни Бухоро телеграф агентлиги томонидан чиқарилган шошилинич хабарномада Анвар Пошшонинг беш жойидан ярадор бўлиб ўлдирилганлиги қайд этилади[16,Б.50].

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқилса, Анвар Пошшонинг ўлими тўғрисида аниқ факт йўқлиги аён бўлади. Негаки, Анвар Пошшодай улуғ одамнинг ўлими ҳақидаги дарак роппа-роса 12 кун ўтгач расман эълон қилиниши, 4 август санасини шубҳа остига солиб қўяди. Унинг боши танасидан жудо қилиниши ва бу ишни Мелькумов амалга оширганлиги тўғрисидаги хабарлар ҳақиқатдан

йироқдир. Негаки, Агабеков ва Мелькумов арманлардан бўлиб, Анвар Пошшонинг арманлар қирғинини уюштирганликда айблалар, шу боис унинг ўлимида ўз ролини оширишга интилишлари аниқ эди.

Бу борада И.Умаровнинг маълумотлари диққатга сазовордир. У Анвар Пошшонинг шахсий тансоқчиси Шосаид Холиёровнинг невараси Бўритош Шодиевадан ёзиб олган маълумотга кўра, Анвар Пошшо оғир яраланиб ўлими яқинлашгач, шахсий тансоқчиларига ўзини Ал-Ҳаким Термизий ва Султон Саодат мақбаралари яқинида дафн этишини васият қилади. Шосаид ярадор бўлган кўмондонни отга миндириб, ҳеч кимга сездирмасдан олиб кетади. Шеробод атрофида Анвар Пошшонинг жони узилади. Эски Термизга келгач, Абу Бакр Варроқ Термизий мақбарасига яқин жойда, кечкурун ўзининг салласи билан Анвар Пошшонинг жасадини кафанлаб, жанозасига шахсан бош бўлиб дафн этади. Шундан кейин Балжувонга қайтиб келиб, Анвар Пошшонинг ўлими ҳақида маълум қилади[18,Б.68-69].

Эътиборли томони шундаки, Амир Олимхон ўз эсдаликларида Анвар Пошшонинг жасади Чакан мавзеидаги Ҳазрати Султон деган ном билан машхур бўлган зиёратгоҳга қўйилганлигини айтиб ўтади[4,Б.21]. Қолаверса, унинг жанозасида икки мингдан ортиқ киши қатнашганлиги маълум. Анвар Пошшо кўмилган жой кейинчалик Ҳазрати Шоҳ мозори номини олган.

Хулоса қиладиган бўлсак, советлар ўлкада қадимдан шаклланиб келган асрий қадриятларни ўзгартириш учун зўравонлик билан йўл тутиши туб аҳолининг норозилигини келтириб чиқарди. Миллий озодлик ҳаракатини тўхтатиш учун большевиклар куч ишлатишдан ташқари, турли хийла-найранглардан тортиб, то маълум даражада ён босишларгача боришди. Шунга қарамай, бу кураш яна узоқ йиллар давом этди ва большевикларни катта куч сарфлашига мажбур этди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Abdullah Receb Baysun Turkistanli. Turkistan Milli Hareketleri. – Istanbul, 1945. – S. 202.
2. Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Бўлингани бўри ер. –Тошкент: Адолат, 1997. – Б. 141.
3. Ahmed Zaki Velidi Togan. Hatiralar. 2-baski. – Ankara, 1999. – S. 386
4. Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Тошкент: Фан, 1991. – Б. 19, 20, 21.
5. Агабеков Г. Ч.К. за работой. –Москва: Стрела, 1931. – С. 68.
6. Алимова Д. А. История как история, история как наука. Том I. Историческое сознание. –Ташкент: Узбекистан, 2008. – С. 37-38, 58-60.
7. Донохонов Э. Муҳаммад Иброҳимбек жиходи ҳақида янги маълумотлар // Ўзбегим. Ватан серияси. Звезда Востока журналі кутубхонаси. –Тошкент, 1992. – Б. 73.
8. Ҳайит Н., Усмон Т. Кураш йиллари. –Б. 22, 25-26.
9. Ильютко Ф. Басмачество в Локае. С 4 схемами. Москва-Ленинград. 1929. –С. 57
10. Иркаев М.И. История гражданской войны в Таджикистане. – С. 309.
11. Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек Лақай. –Тошкент, 2006. – Б. 43, 50.
12. Нермин Менеменси ўғли. Анвар Пошо Туркистонда // «Саодат» журналі, 1992 йил, 9-сон. – Б. 7.
13. Мелькумов Я.А. Туркестанцы. –Москва: Воениздат, 1960. – С. 63, 73.
14. Поляков Ю.А., Чугунов А.И. Конец басмачества. – С. 68-69, 71.
15. Ражабов Қ. Иброҳимбек қўрбошининг жасорати // «Таълим ва инновацион тадқиқотлар» журналі, 2021 йил 5-сон, октябрь. – Б. 9, 11.
16. Ражабов Қ. Бухорога Қизил армия босқини ва унга қарши кураш. –Б. 50, 71, 72-73.
17. Силантьев Р.А. Мусульманская дипломатия в России: история и современность. – Москва: ИПК МГЛУ «Рема», 2010. – С.128.
18. Умаров И. Миллий мустақиллик учун курашганлар. – Б. 68-69.
19. Зевелев А.И., Поляков Ю.А., Чугунов А.И. Басмачество: возникновение, сущность, крах. — Москва: Наука, 1981. – С. 113.
20. Как погиб Энвер-паша в горах Таджикистана? Таджикская версия. <https://iacentr.ru/publications/pogib-enver-pasha-v-gorakh-tadzhikistana-tadzhikistanskaya-versiya/>
21. ЎзМА, 47-фонд, 1-рўйхат, 135-иш, 56-варақ.
22. ЎзМА, 48-фонд, 1-рўйхат, 48-иш, 309, 310, 312-313-варақлар.

ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР РИВОЖЛАНИШИ ҲАҚИДА "ЎТМИШ"ДАГИ ВА ЗАМОНАВИЙ ЁНДОШУВЛАР

Якубов Ўткир Шермамович,
Термиз давлат педагогика институти
доценти, география фанлари номзоди.

Резюме. Мазкур мақолада демографик жараёнларнинг ривожланиш тарихи, демография ва шу доирада тадқиқот олиб борган олимларнинг тарихий ва замонавий ёндошувлари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар. Демография, демографик жараёнлар, идеал давлат доктринаси, табиатнинг абадият қонуни, мальтузионизм, Нео-Малтусчилар.

Резюме. В этой статье размышляет об истории развития демографических процессов, демографии и исторических и современных подходах ученых, проводивших исследования в этих рамках.

Ключевые слова. Демография, демографические процессы, доктрина идеального государства, закон вечности природы, мальтузионизм,

неомальтузианцы.

Resume. Mazkur reflects on the history of the development of demographic processes, demography and historical and modern approaches of scientists who conducted research within this framework.

Keywords. Demography, demographic processes, the doctrine of the ideal state, the law of the eternity of nature, Malthusianism, neo-Malthusians.

Кириш. Машхур француз демографи А. Ландри (1874-1956) “Демография тарихи XX аср ўрталарида ўз фанининг ривожланишини сарҳисоб қилган энг қизиқарли тарихлардан бири ва амалда қилинганидан кўра чуқурроқ ўрганишга лойиқдир” деган эди. Ушбу баҳо берилганидан бери ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди. Бу вақт ичида дунё аҳолиси икки баравар кўпайди ва маълум демографик муаммолар ҳамма жойда - барча қитъаларда ва барча мамлакатларда намоён бўлди ва шу пайтгача жуда чекланган муомалага эга бўлган “демография” сўзи унинг аниқ илмий маъноси кундалик фойдаланишда сўнгги ўн йилликларда кучайиб борди[1;Б.3-10].

Шу билан бирга, махсус илмий ва демографик тадқиқотлардан ташқари, қадимги юнонча “демография” иборасининг сўзма - сўз таржимасидан келиб чиққан ҳолда, ушбу атаманинг яна бир, учинчи халқ тавсифи, бошқача айтганда, умумий характеристикаси, умуман аҳолининг ҳолати каби тушунчаси мавжуд ва кенг қўлланилади[1;Б.3-10].

Тадқиқот методлари. Мақолани тайёрлашда омилларни таҳлил қилиш усули (табiiй омиллар, иқтисодий омиллар, демографик омиллар, этник омиллар) тарихий қиёслаш усулларида фойдаланилди.

Муҳокама ва мулоҳазалар. Қадимги хитой ва қадимги юнон фалсафасида биринчи марта мамлакат аҳолиси сони ва ижтимоий ривожланиш (Конфуций, Платон, Аристотель) ўртасидаги муносабатлар масалаларига тўхталган. Аҳоли ҳаётининг айрим

жихатлари ҳақидаги бу дастлабки билимларнинг барчаси вақти-вақти билан муҳокама этилиши баробарида ўша даврларда тизимлашмаган. Ўша даврларда аҳолини мустақил ўрганиш объектига ажратиш шартлари ҳали ривожланмаган, бу ҳақда ғоялар фарқланмаган илмий билимларнинг умумий массасида тасодифий шаклланган.

Афлотун идеал давлат доктринасида эркаклардан фақат 30 ёшдан 55 ёшгача фарзанд кўришни талаб қилиб, никоҳ муносабатларининг муайян нормаларини ўрнатишни таклиф қилган. У шундай деб ёзади: “биз никоҳлар сонини аниқлашни ҳукмдорларга қолдирамиз, шунда улар урушлар, касалликлар ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда давлат имкони қадар кўпаймаслиги ёки камаймаслиги учун иложи борича доимий эркаклар сонини ушлаб турадилар”

Аристотель аҳоли муаммоларини кўриб чиқишда эркин аҳолиси кам бўлган давлатни идеал деб ҳисоблаган. Фуқароларнинг камлиги ижтимоий тотувликнинг пайдо бўлишига ҳисса қўшади, бу эса аҳолининг кўплиги билан тотувлик эришиб бўлмаслигини қайд этган. Аҳолининг ортиқча қисми ер билан таъминланмаган айрим фуқароларнинг қашшоқликка тушиб қолиши туфайли ғазаб ва жиноятлар сонининг кўпайишига ёрдам беради деб ҳисоблаган. Афлотундан фарқли ўларок, Аристотель аҳолини тартибга солиш чораси сифатида мустамлака тарафдори эмаслигини намоён қилган, лекин, масалан, касал болалар ва ногирон чақалоқларни ўлдиришни қонунийлаштиришни таклиф қилган. Агар давлат қоидалари бунга йўл қўймаса, жамият ҳар бир оила учун ўз фарзандлари сонини белгилаши кераклигини айтган.

Шарқда эса, Конфуций экин майдонлари миқдори ва аҳоли сони ўртасидаги идеал нисбатни аниқлашга ҳаракат қилган. Ушбу нисбатнинг бузилиши қуйидагиларга олиб келиши мумкинлигини айтган:

– агар аҳоли кам бўлса, ҳайдаладиган ерларга ишлов бериш қийинлашади ва натижада солиқлардан воз кечишга тўғри келади;

– аҳолининг ҳаддан ташқари зичлиги ҳам, қашшоқлик, бекорчилик яъни ишсизлик ҳамда ижтимоий кескинлик ҳолатларини келтириб чиқаришини айтган.

Конфуцийнинг фикрлари шуни англатадики, аҳоли ўсишини давлат томонидан тартибга солиш ва масалан, аҳоли зич жойлашган ҳудудлар аҳолисини кам аҳоли жойлашган манзилларга кўчириш каби чораларни кўриш зарурлигини таъкидлаган.

Руҳоний бўлган инглиз иқтисодчиси Томас Мальтус 1798 йилда “аҳоли қонуни бўйича тажриба” китобини нашр этган. Олим ўзининг илмий ишида дунё аҳолисининг туғилиш, никоҳ, ўлим, ижтимоий-демографик тузилиш қонуниятларини биологик омиллар нуқтаи назаридан тушунтиришга ҳаракат қилган.

“Малтузианизм”, аҳолига буржуа қарашлари тизими, унга кўра ишчиларнинг мавқеи капиталистик тизимнинг ижтимоий шароитлари билан эмас, балки табиатнинг “абдий” қонунлари билан белгиланади, бу тирикчилик воситаларининг тахмин қилинган ўсиши аҳоли ўсишидан орқада қолишидан иборат ва “Малтузианизм” инглиз буржуа иқтисодчиси Т.Р.Мальтус шарафига номланган Буржуа демографиясининг асосий тенденцияларидан бири.

Мальтус аҳолининг кўпайишида биологик омилларнинг ҳал қилувчи аҳамиятини таъкидлаб, одамларнинг биологик хусусиятлари туфайли аҳоли экспонент равишда кўпайиш тенденциясини, яшаш воситалари эса фақат арифметик прогрессияда кўпайиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда аҳоли туғилишини бошқариш ғоясини илгари суради.

Мальтуснинг ғояларига кўра, аҳоли сони ва яшаш воситалари сони ўртасидаги мутоносбликни ҳособга олиб эпидемиялар, очарчилик, урушлар, оғир

меҳнат, одамларни йўқ қилиш билан тартибга солиниши кераклигини таъкидлайди ва ўз замондошлари билан бу ҳақидаги ёзишмалар мавжуд бўлган.

Мальтуснинг бу мисантропик тушунчалари Осиё ва Африка халқлари аҳолисининг юқори ўсиш суръатларидан келиб чиқиб инсоният учун хаёлий таҳдид ҳақидаги ирқчилик уйдирмалари билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Унинг қарашлари тажовузкор империалистик доиралар томонидан фатҳ урушларини бошлашда фаол фойдаланилган.

Мальтус томонидан ишлаб чиқилган аҳоли концепцияси ижтимоий қонунларга эмас, балки биологик омилларга асосланади. Англиялик олим назариясининг асосий қоидалари куйидагилардан иборат:

– Ер юзи аҳолиси геометрик прогрессив равишда ўсиб бораётганлиги;

– Озиқ-овқат, пул ва ресурсларни ишлаб чиқариш, одамлар доимо уларга муҳтожлиги, уларни ишлаб чиқариш арифметик прогрессив тамойилларига мувофиқ содир бўлиши;

– Дунё аҳолисининг ўсиши табиатда мавжуд бўлган кўпайиш қонунлари билан бевосита боғлиқлиги;

– Айнан ўсиш жамият фаровонлиги даражасини белгилаши;

– Инсоният жамиятининг ҳаётий фаолияти, унинг ривожланиши ва фаолияти табиат қонунларига бўйсунуши;

– Озиқ-овқат миқдорини кўпайтириш учун инсоннинг жисмоний ресурсларидан фойдаланиши кераклиги;

– Уларнинг ривожланиши ва мавжудлигида ер юзи аҳолиси мавжудлик воситалари билан чекланганлиги;

– Фақат уруш, очарчилик, эпидемиялар ва касалликлар сайёрада аҳоли ўсишини тўхтатиши мумкинлиги эътироф этилади.

Мальтуснинг қарашларининг шаклланишига ўша давр фалсафасининг таъсири катта бўлган, жумладан, жамиятда содир бўладиган барча ҳолатлар табиат билан боғлиқ деб ҳисобловчи

Ж.Ж.Руссонинг қарашлари ҳам таъсир кўрсатган. Унинг отаси Даниель Мальтус Оксфорд университетиде тарбияланган ва жуда ўқимишли одам сифатида танилган. Даниель Мальтус XVIII аср фалсафаси ва сиёсий назариясининг тарафдори бўлган, унинг энг таниқли вакиллари билан шахсан таниш бўлган ва доимий ёзишмаларда бўлган; Д. Юм. ва Ж. Ж. Руссолар унинг энг яхши дўстлари ҳисоблаган ва баъзан уларнинг уйига ташриф буюришган[2;5].

Мальтус ўзининг замонавий иқтисодчи-лари билан доимий муносабатларни сақлаб турган, улардан Жан-Батист Сей, Жан Сисмонди ва Давид Рикардо унинг энг яқин дўстлари бўлган ва Мальтуснинг илмий хизматларини жуда қадрлаган ва ҳатто “рента назарияси”нинг барча элементлари Мальтус томонидан аниқланганлигини ва илмий нуқтаи назарда шакллантира олмаганлигини таъкидлашган[2;20]

Шунингдек, ўша даврдаги замондошларидан Де Траси, Джемс Милл, Мак-Коллох, Гарнье, Дюшатель, Росси, Торнтон, Дж.-Ст.Милл каби мончестер мактаби иқтисодчилари Мальтусни ўз даврининг мутафаккири деб ҳисоблашган.

Нео-Малтусчилар - А.Товус, В.Вогт ва К.Боулдинг (АҚШ), Ф.Осборне (Британия бирлашган қироллиги), Г.Бутол (Франция) ва бошқалар Малтус ёндошувларини замонавий шароитларда (XX асрнинг биринчи ярмида) ҳам қўллашга ҳаракат қилишган ва ривожланаётган мамлакатларда аҳоли ўсишининг юқори суръатлари Мальтуснинг тўғрилигини тасдиқлайди деган таълимотни илгари суришган.

Табиийки, аҳоли ҳақидаги илмий ғояларнинг шаклланиши унинг ижтимоий ривожланиш билан алоқаси тушунчаларини ишлаб чиқиш билан узвий боғлиқ бўлиб, унда Европа мамлакатлари файласуфлари ва иқтисодчиларининг бутун галактикаси иштирок этди. XIX асрда “Мальтусизм” низоси катта эътиборни жалб қилди, натижада аҳолини ўрганишнинг иқтисодий жиҳатларини чуқурлаштиришга ҳисса қўшди.

Қадимги хинд мутафаккирлари ҳам аҳолининг сони ва ўсиши ҳақида гапиришган, аммо улар, аксинча, кичик аҳоли давлат учун фалокат “Давлатнинг кучи одамлардан иборат” (милоддан аввалги IV аср, Каутиля) деб ҳисоблашган. Шу билан бирга, ўша пайтда Ҳиндистонда 50 миллионга яқин одам яшаган. Чунки у даврда ерга ишлов бериш ва суғориш ишларини олиб бориш учун кўплаб ишчилар керак бўлган, аммо эпидемиялар ва урушлар кўплаб қурбонларни талаб қилган ва умр кўриш давомийлиги ҳали ҳам жуда паст бўлган – тахминан 20 йил. Давлат сиёсати бу туғилишни рағбатлантиришга қаратилган [3;Б.24-26].

Демографик омилнинг устуворлиги ҳақидаги мулоҳазалар капиталининг дастлабки тўпланиши даври баъзи Европа файласуфларининг асарларида ишлаб чиқилган (Т. Мен, А. Сера, С. Фортрей). Уларнинг меҳнатга лаёқатли аҳолини давлат ҳокимияти ва бойлигининг асоси деб қараган.

Аммо шу билан бирга яна бир нуқтаи назар мавжуд бўлган, яъни аҳолининг ҳаддан ташқари ўсиши “ҳаддан ташқари кўпайиш” натижасида аҳоли ҳақиқий таҳдидни яратиши мумкинлиги, бу ўз навбатида ер, озик-овқат ресурслари етишмаслиги муаммосини янада кучайтириши мумкинлигини таъкидлаган (Д. Тоусенд, Р. Уоллес).

Маърифат даврида Жан Жак Руссо ижтимоий ривожланишнинг тўғридан-тўғри демографик шартлилиги ғоясини билдирган яъни ер уларни боқиши мумкин бўлган даражада кўп аҳоли бўлиши кераклигини, "ҳаддан ташқари аҳоли ахлоқий бузилишнинг зарурий ва узоқ сабабидир" деган ғояни илгари сурган [3;Б.35].

Инсоният тарихи бундай ўзгаришларни ҳали бошидан кечирмаган бир пайтда аҳолининг кескин ортиши янги демографик вазиятни қарор топтирган. Мазкур вазият билан боғлиқ назарий тушунчалар XX асрнинг биринчи ўн йилликларида бошланган. Биринчи қадамлар одатда француз демографи Адольф Ландри ва

америкалик демограф Уоррен Томпсоннинг исмлари билан боғлиқ. Айнан, Ландри “демографик инқилоб” атамасини таклиф қилган.

“Демографик ўтиш” атамаси кейинроқ пайдо бўлган — бу ҳақда биринчи марта 1945 йилда америкалик демограф Фрэнк Нотштейннинг мақоласида айтиб ўтилган. Шу билан бирга, “демографик ўтиш” атамаси социолог ва демограф Кингсли Девиснинг мақоласи сарлавҳасида ҳам пайдо бўлган. Олим Нотштейн билан бир хил ғояларни ишлаб чиққан, шунингдек, “ўтиш” нинг асосий ғояси бўлган “янги демографик мувозанат”га ўтиш ғоясини аниқ шакллантирган. Бу Ландрига туюлганидек, депопуляция хавфини туғдирадиган унумдорлик ва ўлим мувозанатининг хавфли йўқолиши эмас, балки ўлим балансининг бир туридан

бошқасига ўтиши, “аввалгисига қараганда камроқ йўқотиш” демакдир.

Хулоса. Аслида, ривожланаётган мамлакатлардаги ҳозирги демографик вазият уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, тиббиётнинг ривожланиши туфайли ўлимнинг сезиларли даражада камайиши ва одамларнинг табиий кўпайишининг чекланмаганлиги билан боғлиқ. Демографик жараёнларни тартибга солишнинг объектив зарурати нео-Малтусчиларнинг бола туғилишини чеклаш чақириқлари доирасида эмас, балки меҳнат шароитлари ва одамлар ҳаётини ўзгартириши мумкин бўлган кенг ва прогрессив ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар мажмуаси орқали амалга оширилиши мумкинлигини асослаш ва уқтириш демографиядаги дунёвий муаммолигича қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Шелестов Д.К. Возникновение и развитие демографической науки//Российский демографический журнал. 2002, № 1 (6).
2. “Т.Р. Мальтусъ. Опытъ закона о народонаселении” Переводъ И.А. Вернера. Издание К.Т.Солдатенкова. Выпускъ 111. Москва. Типография О.И. Лашкевичъ и К. Тверская, домъ Савинскаго подворья. 1895 г.
3. Коростелев Г.М., Краев В.С.
4. Буржуазные концепции народонаселения: критический анализ. – М.: Финансы и Статистика, 1981 г.

RELATIONSHIP BETWEEN RELIGIOUS AND MUSICAL CULTURES IN HISTORICAL DEVELOPMENT OF SOCIETY

Karimova Naila Minnigayanovna,

senior lecturer, associate professor of the Department of Music Education,
Termez State University.

Karimova Kamilla Vyacheslavovna,

teacher of the department of music education,
Termez State University.

Аннотация: Понятия религии и искусства всегда были тесно связаны. Религия, и искусство – один из важнейших факторов развития любой цивилизации. И религия и искусство – основная регулирующая часть социальной структуры общества. В статье исследуются

соотношение религии и искусства. Исторически сложилось так, что многие мастера культуры и искусства поддерживали религию, а другие выступали против неё. И в наше время многие творческие люди обращаются к религиозным темам и создают блестящие

образцы религиозного искусства. И религия, и искусство способно просвещать людей.

Ключевые слова: религия, искусство, история культуры, цивилизация, псалмопение, мифоритуальная модель, философы, музыковеды, теологи.

Annotation: The concepts of religion and art have always been closely related. Religion and art are one of the most important factors in the development of any civilization. Both religion and art are the main regulating part of the social structure of society. The article examines the relationship between religion and art. Historically, many cultural and artistic masters supported religion, while others opposed it. And in our time, many creative people turn to religious themes and create brilliant examples of religious art. Both religion and art have the ability to enlighten people.

Key words: religion, art, cultural history, civilization, psalmody, mythoritual model, philosophers, musicologists, theologians.

Introduction. Historically, during the period of their development, religion and art not only interacted, but also penetrated each other, united with each other and formed unique phenomena in the history of culture. Religion and art are two important factors in the development of any civilization. They are very organically woven into the structure of society and are its main regulatory component. It is impossible to understand the connection between religion and art from a scientific point of view without studying the history of their origin and development. In history, the problem of the origin of religion and art has always been hotly debated, and these heated discussions continue to this day. The problem of the relationship between religion and art has not lost its relevance in our time. The history of art and religion involves a discussion of both phenomena in connection. The problem of the relationship between religion and art has been studied by both theologians and atheist thinkers. The connection between religion and art was considered by Karl Jaspers [1], Kaufmani Fritz [2], Oscar Moro Abadia [3]

and others. This connection has been a leading theme in the research of these thinkers.

Main part. The purpose of our work is to study the mutual need of religion and art for each other. The mutual need of religion and art for each other is substantiated by Vogt von Ogden (1879-1964) in his book "Art and Religion". Religion and art need each other, art - to make its concepts universal, to fill the moral content, and religion - to be expressive, to be heard, to give pleasure, to strengthen the imagination, to ignite determination (through symbols, sacraments, rituals, music) [4, p.288].

Music as a form of spiritual culture originated and developed in the direct process of the formation of humanity, absorbing the emotional and intonational manifestations of people's activity, and through them - different aspects of human existence, forming an axiological cross-section of people's consciousness.

The history of musical culture is closely connected with the history of spiritual (religious) music (cult music of ancient religions of Egypt, Babylon, India, China, Judea, Byzantium). No society has escaped the stage of complete and unconditional subordination of music to the needs of religion. Therefore, the question of the relationship between religious and musical cultures in the historical development of society has important theoretical and practical significance. These issues are still being considered by philosophers, musicologists, and theologians.

The results of the analytical review show that the cultural prerequisites for the emergence of art with its primary aesthetic function are laid during the heyday of class society and are associated with the separation of physical and spiritual activities. In this regard, the prominent Hungarian music researcher Denes Zoltai turns to the thoughtful statement of Democritus, in which the ancient Greek philosopher, as a condition, a logical prerequisite for the emergence of music as an art, sees the relatively strong domination of man over nature and the development of the spiritual and aesthetic ability to enjoy, which

presupposes the satisfaction of immediate physical needs [5, p. 88].

The division of spiritual activity into an independent type of human activity played a pivotal role in cultural and historical development, entailing the differentiation of individual forms of human consciousness and, above all, the separation of independently existing science and religion from the primary syncretic spiritual complex.

From antiquity begins the centuries-long process of comprehending the laws of nature, its demythologization, and the destruction of the canons of magical thinking. The goal of ancient musical-aesthetic systems (Damon, Pythagoras, Aristotle, Plato) is to overcome the tendencies of dominance of the religious-mythological reflection of the world, the struggle for aesthetic consciousness in a "pure" form. An important point in the development of musical aesthetics is the idea of *Musica humana*, with its harmony, the balance of opposing forces, revealing the predisposition of the human soul to musical influence (Alcmaeon).

In late antique (early Christian) philosophy, music was seen as the most important of the arts, which, through non-violent aesthetic means, provided the believer with immersion in a direct connection with the object of faith. Neoplatonic musical aesthetics with its mysticism, embodied in psalmody, became the ideological basis for ancient Christian religious music, which prepared a new understanding of it. According to religious interpretations, Christian religious music (primarily Gregorian) served as an aesthetic presentation of the ideas proclaimed by the church.

A powerful leap in the development of church music was polyphony as a type of polyphony with the simultaneous combination and development of a number of independent melodies, which enriched the intonation and emotional palette of religious music.

Johann Sebastian Bach also addressed this topic. Bach's music is always a little elevated above the world. The source of its greatness is the author's faith, his faith in the true existence of one God. And, the feelings expressed by his

music are not exactly the feelings of a Man, but rather of a "humanized" God. Musicologist Boleslaw Jaworski had every reason to call Bach's music "the sounding Gospel." Music and faith went hand in hand with him.

The composer wrote: «In religious music, God is always present with His grace». The music of J. S. Bach has such an irresistible effect on the listener, awakening in him a feeling of something incomprehensible and inevitable. In musical circles the comparisons "Wohltemperiertes" are well known Klavier («Well-tempered clavier») by J.S. Bach with «...the Gospel for every serious artist striving for the highest ideal» (A. Rubinstein), with the «musical bible» (L. Beethoven), with «daily bread» and "...my grammar..." (R. Schumann).

Revealing the essence of cult (church) music, researchers focus on its main elements - effective and verbal-musical. The process of the influence of cult music on a believer develops spontaneously, transforming over time into a theatrical performance, the basis of which was the word.

During the sound of a spiritual work, a moral generalization of emotions occurs, in which those present, on the one hand, are embraced by a single, inherently suggestive, emotional experience that unites people, a common feeling, and on the other hand, they receive aesthetic pleasure from communicating with the phenomenon of art, which for Church eating is unacceptable. This means that the subordination of sacred music to purely pragmatic goals, no matter how high and significant they may be, limits and distorts its socio-aesthetic functions as an art form that cultivates a specific sensory-figurative form of perception of the eternal essence at the level of everyday consciousness. The ability of music to speak the language of human feelings enhances its influence on a person and allows us to perceive musical works as concentrated models of the structure of the world. Apparently it is no coincidence that the church sought to limit parishioners' access to direct participation in church singing, entrusting it to professional singers (choristers), without losing hope of finding a way to dissolve

community singing in worship by using its unifying power [6, pp. 19-20].

Modern musicians are also quite passionate about religious issues, and although Jimi Hendrix noted that his religion was music [7], they also pay considerable attention to traditional teachings. Religious themes and motifs play an important role in modern music; a striking example of this is the musical “Jesus Christ Superstar,” which offered a new interpretation of the biblical story.

Modern musicians, in turn, do not leave aside religious motifs and images in their work, which indicates the importance of religious issues even in modern society.

Conclusion. So, the above allows us to state that in the structural hierarchies of

specific cultures, religion and art can occupy different positions relative to each other, and also differ in the degree of functional connection with the elements of the mythological and ritual model. Religion and art are independent subsystems of culture that have a common goal, but go towards achieving it in different ways, set by different pictures of the world. Art, like religion, arises at the earliest stages of the development of society and gradually becomes a powerful tool for understanding the world, a great means of spiritual formation of a person. In interaction with art, religion turns to the spiritual life of a person and interprets in its own way the meaning and goals of human existence.

Literature:

1. Jaspers, Karl. The Origin and Goal of History translated by Michael Bullock. New Haven, CT; Yale University Press, 1953
2. Frilz Kauffman, “Art and Religion”, Philosophy and Phenomenological Research, Vol.1, No.4 (Jun. 1941), – pp. 463-469, 465).
3. Abadia, Oscar Moro, Morales, Manuel R. Gonzalez. Towards a Genealogy of the Concept of “Paleolithic Mobiliary Art”/ Oscar Moro Abadia, Manuel R. Gonzalez Morales, Manuel // Journal of Anthropological by: University of New Mexico [Elektronniy resurs], – URL: <http://www.istor.org/stable/3630753> Accessed:30/11/2018.
4. Von Ogden V. Arn & Religion. - New Haven, CT: Yale University Press, 1921. –288 p.
5. Золтаи Д. Этнос и аффект. История философской музыкальной эстетики от зарождения до Гегеля / Д. Золтаи. – М.: Прогресс, 1977. – с. 88
6. Антонова О.А. Музыкальное искусство и религия /- О.А.Антонова, З.М.Кузнецова. – Томск: Изд-во Томский университет, 1986. – с. 19-20
7. The Religion and Political Views of Jimi Hendrix. URL:<http://hollowverse.com/jimi-hendrix>.

СУҒДИНИНГ ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ХАЛҚАРО САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН

Абдуқаюмов Асрор Раимович,

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи
кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

Аннотация: мақолада Марказий Осиёнинг қадимги тарихий ва маданий ўлкаларидан бири Суғдиёнинг илк ўрта асрлар давридаги халқаро савдо алоқалари тарихий манбаларга асосланган ҳолда тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Суғдиёна, илк ўрта

асрлар, Буюк Ипак йўли, транзит, хунармандчилик.

Аннотация: в статье исследованы международные экономические отношения Согдианы, один из исторических и культурных областей Центральной Азии в раннем средневековье на основе

исторических сведений.

Ключевые слова: Согдиана, раннесредневековье, Великий Шелковый путь, транзит, ремесло

Resume: The article explores the international economic relations of Sogdiana, one of the historical and cultural regions of Central Asia in the early Middle Ages on the basis of historical information.

Key words: Sogdiana, Early middle ages, Great Silk Road, transit, craftsmanship.

Илк ўрта асрлар даври Суғдда хунармандчилик ва савдо-сотиқнинг юксалишидаги ижтимоий-иқтисодий омиллар, хунармандчилик ва савдо марказлари тараққиётининг ички, минтақавий ва халқаро савдо-иқтисодий жараёнидаги ўрни каби масалаларни ўрганиш Ватан тарихининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Савдо-иқтисодий алоқалар ривожига бевосита савдо-транзит йўллари ва уларда зарурий шарт-шароитлар мавжудлиги билан тавсифланади. Инсоният тарихида турли ўлкалар ва халқлараро савдо-иқтисодий алоқалар ривожига Буюк Ипак йўли муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг йўналишларидаги савдо алоқаларининг бошланиши инсоният фойдали меҳнат билан шуғулланишни ва ўз маҳсулотини ўзгалар маҳсулоти билан алмаштиришни ўрганган даврига бориб тақалади. Бироқ, минг йиллар давомида Буюк Ипак йўли бўйлаб олиб борилган кенг миқёсли савдо-иқтисодий алоқаларни доимо бир хил ривожланган, деб бўлмайди. Зеро, асосий савдо алоқалари олиб борилган йўллар чорраҳасида жойлашган Марказий Осиё минтақасидаги тарихнинг турли давларида содир бўлган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва табиий-экологик жараёнлар халқаро савдо-иқтисодий алоқалар ривожига ва аксинча, инкирозига сабаб бўлган.

Минтақада қадимги савдо-иқтисодий алоқа йўлларининг шаклланиши ва ривожланиши мураккаб тарихий жараён бўлиб, у иқтисодий хўжалик турларининг пайдо бўлиши, тарқалиши ва тараққий

этиши, аҳоли миграцияси ва этногенез жараёнлари, шаҳарсозлик маданияти ривожига, ўзаро маҳсулот алмашинуви ва савдо-сотиқнинг вужудга келиши, ривожланиши ҳамда қатор ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда кечган (Мавлонов, 2008. 4-б.). Бу жараёнларни ўрганиш Суғднинг мазкур даврдаги савдо-иқтисодий алоқалари тарихини оидинлаштиришда катта ўрин тутаяди.

Суғднинг савдо-иқтисодий алоқалари тарихини ўрганишда мазкур даврда фаолиятда бўлган, маҳаллий (ички), минтақавий ва трансминтақавий (ташқи) алоқаларда катта аҳамиятга эга бўлган савдо-транзит йўллари тарихини таҳлил этиш муҳимдир. Чунки, мазкур даврдаги минтақавий ва халқаро савдо-иқтисодий алоқалар ривожига суғдий тужжорларнинг кенг миқёсли фаолиятлари буни тақозо этади. XX-XXI аср бошларида амалга оширилган изчил манбашунослик ва тарихий-археологик тадқиқотлар асрлар давомида халқаро савдо-иқтисодий ва алоқалар чорраҳасида жойлашган, хунармандчилик ва савдо-сотиқда қадим анъаналарга эга бўлган мамлакатимиз ҳудудида қадимги тош давларидаёқ илк алоқалар учун хизмат қилган йўллар шаклланиб бошлаганининг кўрсатувчи ашёвий далилларни қўлга киритиш имконини берди.

Илк ўрта асрлар даврига келиб Суғднинг, умуман, Марказий Осиёнинг савдо-сотиқ йўллари тизимида жиддий ўзгаришлар содир бўлди, бу даврда минтақада юзага келган туб ижтимоий-сиёсий ҳамда экологик ўзгаришлар ички ва ташқи савдо-иқтисодий алоқаларнинг ўзига хос хусусиятларига ҳамда йўналишларига катта таъсир этганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, милодий IV асрдан VI аср ўрталарига қадар бир неча туркий сулолалар ҳукмронлигининг ўрнатилиши ҳамда VI асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг Туркий хоқонлиги таркибига киритилиши минтақада янги сиёсий вазиятни юзага келтирди. Бундай ҳолат ўз навбатида, қадимги давларда шаклланиган

анъанавий савдо-иқтисодий алоқалар ва транзит йўллари йўналишларига ўз таъсирини ўтказди. Хусусан, энг қадимги ва антик даврда қарор топган савдо ва транзит йўлларининг айрим йўналишлари ўз аҳамиятини йўқотиб, улар ўрнида мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятга боғлиқ ҳолда савдо ва транзит йўлларининг янги тармоқлари шаклланди.

Халқаро савдо-иқтисодий алоқалар ва савдо-транзит йўллари аҳамиятининг ортиб бориши ўз навбатида, Суғдда ички йўлларнинг ривожланиб боришига замин яратди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, илк ўрта асрлар даврида урбанизация жараёнлари асосан янги қурилган шаҳарчалар ва уларнинг атрофидаги қалъа-кўрғонлар ҳисобига ўсди, чорвадор қабилалар орасида ўтроқ ҳаётга ўтишнинг жадаллашуви ҳунармандчилик соҳаларининг кўпайиши ва кенгайишига, бу эса савдо-сотиқнинг ривожланишига туртки берди. Бироқ, бу даврдаги ички савдо ва ташқи савдо-иқтисодий алоқалар ривожидан Суғднинг Буюк Ипак йўли чорраҳаларида жойлашган йирик шаҳарлари ўз маъқеини сақлаб қолди. Шу сабабли ички савдо-алоқа йўлларини тадқиқ этишда энг аввало, Суғд марказий шаҳарларини ўзаро боғлаб турувчи йўллар ва ушбу йўллардаги бекат вазифасини ўтаган манзиллар хусусидаги тадқиқотлар таҳлилига тўхталамиз.

Суғднинг ички йўллари қадимдан минтақанинг нафақат ижтимоий, этник ва маданий, балки савдо-иқтисодий ривожидан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Савдо-алоқа йўлларининг шаклланиши ва ривожланиши соҳа мутахассисларининг доимий диққат марказида бўлиб келган. Жумладан, қадимги давр Ўрта Осиё урбанизацияси ва илк шаҳарлари борасида муҳим изланишлар олиб бораётган олим Б.Эшов ўзининг “Миллоддан аввалги VII-IV асрларда Суғдиёна тарихи ва маданияти” номли тадқиқотида қадимги (ички) йўллар ҳамда уларнинг Суғдиёна тараққиётидаги ўрни борасида муҳим хулосаларни келтиради (Эшов, 1999, 96-111-бб.).

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки,

минтақада ҳукмронлик қилган туркий сулолалар даврида Ўрта Осиёда маҳаллий бошқарув тизими деярли тўлалигича сақлаб қолинди. Марказий ҳокимият билан бўлган муносабат ва тегишли ижтимоий-иқтисодий вазият сабабли Суғднинг кўрилатган давр савдо-иқтисодий алоқалардаги иштироки ва маъқеи барқарор ривожланиб борди. Бу эса Суғднинг ички савдо ва ташқи савдо-транзит йўлларига сезиларли таъсир кўрсатди. Жумладан, эфталлийлар ҳукмронлиги даврида Жанубий Суғднинг сиёсий ва иқтисодий маъқеи анча ошади. Аввало, Куйи Қашқадарёдаги Нахшаб шаҳрининг ҳукмдор қароргоҳларидан бири бўлганлиги (Массон М.Е., 1973. с. 24.), кейинчалик эса Кеш шаҳрининг маълум муддат бутун Суғднинг сиёсий марказига айланганлиги ва энг муҳими, воҳа худуди орқали Марказий Суғддан Жануби-Шарқий Эрон, Тоҳаристон ва Ҳиндистон худудларига олиб борувчи муҳим савдо-транзит йўлининг ўтганлиги Жанубий Суғднинг савдо-иқтисодий алоқаларда муҳим ўрин эгаллашига олиб келган эди.

Нахшаб ва Кешни воҳанинг шу даврдаги марказий шаҳарлари сифатида уларни, том маънода, ички йўлларнинг асосий бошланғич нуқтаси деб ҳисоблаш мумкин. Чунки, бу шаҳарлар географик жиҳатдан воҳанинг ғарбий (куйи) ва шарқий (юқори) худудларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий марказлари сифатида қадимдан мавжуд бўлиб келган. Ҳар иккала шаҳар ички йўллар орқали Самарқанд Суғди билан боғланган бўлиб, бу йўналишлар ички савдо ва транзит алоқаларда муҳим ўрин тутган. Жумладан, Самарқанддан жанубга кетувчи асосий йўлларнинг бир йўналиши Жом довони орқали ҳозирги Кўкдала даштлари ва Кўнғиртоғнинг шимолий ёнбағирлари орқали ўтган. Бу худудда илк ўрта асрларда ўтроқ маконлар кам учрайди. Улар асосан, кўчманчи чорвадор қабилаларнинг қишлоқ қароргоҳлари ва қудуқлари бўлиб, улар Самарқанд-Нахшаб йўлининг муҳим бекатлари вазифасини бажарган. Шу билан бирга воҳадаги қадимги йўлларни ўрганиш

давомида тўпланган маълумотлар Самарқанд-Нахшаб оралиғидаги даштларда мазкур даврдан йирик истеҳкомлар кўринишидаги кўрғонлар пайдо бўлганлигини кўрсатади. Жумладан, Кўкдаладан 20 км.ча ғарбда жойлашган Ҳазорбуқа ва Қоратепа ёдгорликлари (Мавлонов, 2008, 134-б.) шу даврда маҳаллий чорвадорларнинг қишлоқ қароргоҳлари бўлиши билан бир қаторда савдо-транзит йўлининг оралик бекатлари сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Суғднинг йирик савдо марказлари Самарқанд ва Бухородан келувчи йўллар Нахшабда туташиб, бу ердан жанубий йўналишда Амударёнинг ўрта оқимидаги кечувлари – Келиф, Керки, Бурдалиққа олиб чиққан. Бу йўналиш қадимги даврлардан Суғднинг ғарбий ўлкалар билан савдо-иқтисодий алоқалари ривожига муҳим ўрин тутган.

Самарқанддан жанубий йўналишда Тахтақорача довони орқали Жанубий Суғднинг кўриляётган даврдаги йирик сиёсий ва иқтисодий маркази Кеш шаҳрига олиб борувчи ички йўллари тармоғи шаклланган бўлиб, бу йўналиш Суғднинг жанубий ўлкалар, жумладан, Тоҳаристон ва Ҳинд воҳалари билан олиб борилган савдо-иқтисодий алоқаларида катта аҳамият касб этган. Бу йўналиш Қашқадарё ўрта ҳавзасида жойлашган марказлар, яъни Субаҳ-Хузар сўнгра Темир Дарвоза орқали Термизга олиб чиққан. Сўнги йилларда олиб бориляётган археологик тадқиқотлар туфайли Ғузордарёнинг ўнг қирғоғида, яъни Қашқадарёга қуйилиш жойидан 7-8 км узокликда савдо ва транзит йўлларидаги муҳим бўлган Ялпоқтепа ёдгорлиги ўрганилмоқда. Субаҳ рустоқи (ҳозирги Ғузор тумани) ушбу савдо-транзит йўлида муҳим бўлган бўлиб, мил.авв. I аср - милодий VIII асрларда Суғднинг ички савдо ва ташқи савдо-транзит алоқаларида катта ўрин тутган. Шунингдек, мазкур даврда Кешдан Ҳисор тоғлари (Тошқўрғон довони) орқали Тоҳаристонга олиб ўтувчи йўллардан фойдаланиш ҳам анча фаоллашади.

Савдо-иқтисодий алоқалар ривожига

Ғарбий Суғд худуди орқали ўтган транзит йўлларининг ҳам ўрни муҳим саналади. Хусусан, V аср охири – VI аср биринчи ярмидан бошлаб Суғднинг ташқи савдо алоқаларида Самарқанд – Бухоро йўналиши ҳамда тармоқларининг аҳамияти оша бошлайди. Савдо-транзит йўлининг бу тармоғи Зарафшон дарёсининг чап қирғоғи бўйлаб ўтган бўлиб, илк ислом даври ёзма манбаларида “Шохроҳ” (“Шох йўли”) номи остида тилга олинади. Ўзининг афзалликлари туфайли бу йўналиш Амударёнинг ўрта оқимидаги кечувлар орқали ўтадиган йўлга нисбатан савдо қарвонлари учун анча қулай ва самарали бўлиб чиқди (Адылов, 2002, с. 21-23.).

Самарқанддан Бухоро йўналишидаги Рабинжон, Дабусия ва Кармина каби йирик хунармандчилик ва савдо-сотик марказлари орқали бу савдо-транзит йўли Зарафшон дарёсининг қуйи оқимидаги Пойкенд шаҳристони ҳамда Амударё кечувидаги Фороб савдо пунктига етиб борган. Амударёнинг сўл қирғоғида жойлашган Омул (Чоржўй) Форобдан кейинги савдо маркази ҳисобланган. Ғарбий Суғд Суғднинг нафақат ғарбий ўлкалар, балки, Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи орқали Шимолий Кавказ ва Қора денгиз соҳиллари мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларида катта аҳамиятга эга бўлган. Жумладан, VI асрнинг охирларидан эътиборан Суғд савдо аҳли Амударёнинг ўнг соҳили бўйлаб дарёнинг қуйи оқимида жойлашган Кат шаҳри орқали шимолий йўналишда ҳам фаол савдо-сотик олиб борганлар.

Шубҳасиз, Суғднинг ва минтақанинг савдо-иқтисодий алоқаларида Самарқанд шаҳри ҳамда Самарқанд Суғдининг савдо-транзит йўллари алоҳида аҳамиятга эгадир. Зотан, манбаларда Самарқанд йирик савдо маркази эканлиги, шу сабабдан бу ерга жуда кўплаб мамлакатлардан тижорат мақсадларида савдогарлар келиши таъкидлаб ўтилган (Бичурин, 1998, с. 251.). Шунингдек, Самарқанд Суғдининг Зарафшон дарёси ўнг соҳилида жойлашган рустоқларидан ўтган савдо-транзит йўллари орқали Чоч, Фарғона, Шарқий

Туркистон ўлкалари ва Хитой билан савдо-иқтисодий алоқаларда муҳим маркази ҳам ҳисобланган. Жануби-шарқий йўналишда Самарқандни Зарафшоннинг юқори оқими бўйлаб Суғднинг йирик марказларидан бири - Панжикент билан боғлаган савдо-транзит йўли орқали Тоҳаристоннинг шимолий худудлари билан савдо-сотик алоқалари амалга оширилган.

Шимолий йўналишда воҳанинг қадимий муҳофаа иншооти Кампирдевол тизимига қирувчи Катвондиза (Ахунбабаев, 1994, 16-19-б.) савдо маркази Сирдарё ўрта ва қуйи этаклари билан савдо жараёнларида муҳим ўрин тутган. Шарқий йўналишдаги йирик савдо марказлари Баркат, Хушуфағн, Бурнашад орқали савдо-транзит йўллари Уструшонага, Сирдарё бўйидаги Хўжандга ҳамда Фарғона водийсига, шунингдек, Чоч ўлкасига олиб чиққан. Ушбу савдо-транзит

йўллари Суғднинг мазкур даврдаги фаол савдо-иқтисодий алоқаларни амалга оширишда ҳамда минтақа ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожига муҳим аҳамият касб этган.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиб ўтиш мумкинки, туркий сулолалар ҳукмронлигининг ўрнатилиши Суғднинг савдо-иқтисодий алоқалари ривожига замин яратди. Турк хоқонлиги ва Суғд савдо аҳлининг муштарак манфаатлари эса Суғдда хунармандчилик ишлаб чиқаришининг тараққий этишига ҳамда халқаро савдо-сотик жараёнларида юқори мавқе эгаллаган суғдий тужжорларнинг илк ўрта асрлар даврида бу борада катта ютуқларга эришишига олиб келди. Суғд савдогарлари фаол савдо-иқтисодий алоқалар олиб бориш билан бир қаторда мазкур давр маданий ютуқларининг кенг ёйилишида ҳам муҳим ўрин эгалладилар.

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати:

1. Адылов Ш. Эфталиты и западный Согд // Археология, история и культура Средней Азии: Тез.докл.межд.конф. - Ташкент,2002. - С. 21-23.
2. Ахунбабаев Х.Г. Рустаки и селения Самарканда на пути в Шаш и Фергану // Буюк Ипак йўлидаги Марказий Осиё шаҳарлари: Илмий-амалий анжуман мат. - Самарқанд,1994. - Б. 16-19.
3. Бичурин Н.Я.(Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Часть II. - Алматы: Ылым,1998. - 348 с.
4. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. - Тошкент: Академия, 2008. - 432 б.
5. Мавлонов Ў., Маҳкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. - Тошкент: Академия, 2004. - 132 б.
6. Массон М.Е. Столичные города и области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. - Ташкент, 1973. - 98 с.
7. Эшов Б.Ж. Милоддан аввалги VII- IV асрларда Суғдиёна тарихи ва маданияти: Тарих фанлари номз.дисс... - Тошкент, 1999. - 156 б.

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Аннаева Зарифа Мусурмонқуловна.

Термиз давлат университети

Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Аннотация: Табиий муҳитни инсон юритадиган хўжалик фаолиятининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш билан боғлиқ кўпгина муаммолар кенг кўлам касб этади. Шу нуқтаи назардан улар фақат халқаро ҳамкорлик асосида ҳал қилиниши даркор.

Калит сўзлари: глобал, экология, озон қатлами, экотизим, иқлим ўзгариши, биохилма-хиллик, регионал, атмосфера, инсоният, БМТ, пестицид.

Учинчи минг йилликнинг бошланиши муҳим икки тамойил билан характерланади. Биринчидан, ҳозирги цивилизация глобал экологик муаммолар (иқлим ўзгариши, озон қатлами емирилиши, ичимлик суви ифлосланиши ва етишмаслиги, ўрмон ва тупроқ инқирози, биохилма-хиллик қисқариши, ортиқча ҳажмдаги чиқиндилар ҳосил бўлиши ҳамда уларни зарарсизлантириш муаммолари ва бошқалар) билан тўқнаш келди.

Иккинчидан, дунё жадал суръатларда ўзгариб бормоқда. Шунинг учун ўтган даврдаги мезонлар билан келгусидаги истиқболни белгилаш у ёқда турсин, ҳатто бугунги ҳодисаларни ҳам баҳолаб бўлмайди. Инсоният цивилизациясининг ҳозирги тарихий ривожланиш босқичида бир қатор ижтимоий, иқтисодий, маънавий муаммолар алоҳида аҳамият касб этмоқда [1,Б.18]. Жумладан, экология билан боғлиқ масалалар, табиат экотизими емирилишининг кенгайиб бориши, биологик хилма-хилликнинг қисқариши, табиий муҳит глобал ўзгаришининг таҳдиди, саноат объектларидаги ҳалокатлар, хўжалик ва бошқа турдаги фаолиятнинг атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига салбий таъсири дунё ҳамжамиятини хавотирга солмоқда. Глобаллашув жараёнининг юқори суратларда жадаллашуви кўплаб локал,

регионал ва глобал экологик тизимлар инқирозига сабаб бўлмоқда[2,Б.34]. Кундан-кунга ўсимлик ва ҳайвонларнинг кўплаб турлари камайиб ёки бутунлай йўқ бўлиб кетмоқда. Иқлим ўзгариши, музликларнинг эриши, тупроқ емирилиши, ўрмонларнинг йўқолиб бориши, ер юзида ҳароратнинг кўтарилиши, ичимлик суви танқислиги, озик-овқат етишмовчилиги, турли юқумли касалликларнинг тарқалиши каби офатлар бугунги кунда инсониятни жиддий ташвишга солмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, шу пайтгача инсон цивилизацияси туфайли ер юзида ўрмонларнинг 66 фоизи йўқотилган, 2 млрд гектар унумли тупроқ қишлоқ хўжалик ҳисобидан чиқариб борилган, 200 дан ортиқ ҳайвонот ва ўсимлик турлари йўқолиб кетган, атмосфера ҳавосидаги кислород миқдори 10 млрд тоннага камайган[3,Б.87].

XXI аср бошига келиб сайёрамызда йилига 5-7 млн гектар ер қишлоқ хўжалиги тасарруфидан чиқиб кетди. Кунига 44 гектар майдон саҳрога айланмоқда. Атмосферада миллионлаб тонна миқдордаги зарарли моддалар пайдо бўлаётганлиги ачинарли ҳолдир. Ҳаво ҳарорати кейинги 200 йил ичида ўрта минтақаларда 2-3 даражага, шимолий ва жанубий кутбларда 10 даражагача кўтарилган. Сайёрамызда инсонларнинг ишлаб чиқариш ва ҳаётий фаолияти натижасида пайдо бўладиган чиқиндилар миқдори миллиардлаб тоннани ташкил этаётган бир шароитда уларни қайта ишлаш қобилиятига эга бўлган тирик организмлар бу даражадаги ишни бажара олмасдан қолмоқда[4,Б.43]. Сабаби, кишилар томонидан атроф муҳитга қайта ишлашга яроқсиз минглаб тонна сунъий моддалар чиқариб ташланмоқда. Олимларнинг таъкидлашича, 30-50- йиллардан сўнг тиклаб бўлмайдиган жараёнлар бошланади

ва улар XXI-XXII асрлар оралигида глобал экологик фалкатга олиб келиши мумкин. Айниқса, саноати ривожланган Европа мамлакатлари бу вазиятга бошқалардан кўра эртароқ дуч келиши мумкин. Чунки бу минтақада табиий ресурслар деярли тугаб бормокда, улар бу эҳтиёжни четдан келтириладиган маҳсулотлар эвазига қондиришга ўтганлар. БМТ маълумотлари бўйича ҳар йили дунё океанига 30 млрд тонна нефт маҳсулотлари, 50 минг тонна, пестицидлар ва 5 минг тонна, симоб ташланади. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва оқава сувларни тозалаш муаммолари алоҳида аҳамият касб этмокда. Саноатда жуда кўп миқдорда сув ишлатилади. Масалан, 1 тонна пўлатни эритиш учун 200 м³, 1 тонна қоғоз ишлаб чиқариш учун 100 м³, 1 тонна синтетик ипак тайёрлаш учун эса 2500 дан 5000 м³гача сув сарф қилинади. Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда ривожланаётган мамлакатларда 1,5 миллиард аҳоли тоза ичимлик сувидан мунтазам фойдалана олмайди. Қанчадан-қанча давлатларда эса ичимлик сувини фақат пул эвазига сотиб олиш мумкин. Айни пайтда дунёдаги минерал захираларга бой минтақаларни эгаллаш учун қудратли давлатлар ўртасида тинимсиз “манфаатлар” жанги бормокда. Ёқилғининг ёниши натижасида ҳар йили атмосферага 20 млрд тонна атрофида карбонат ангидрид газы ташланмокда. Газларнинг атмосферадаги миқдори секин аста кўпайиб бормокда, охирги 100 йил ичида бу кўрсаткич 10 фоиздан ошди [5,Б.95]. Карбонат ангидрид газы космик фазода иссиқликнинг тарқалишига тўсқинлик қилмокда, бу эса Ер ҳарорати исиб кетишига олиб келмокда. Газларнинг атмосферага чиқарилиши ультрабинафша нурлардан Ернинг асосий ҳимоячиси бўлган озон қатламининг 9 фоизини йўқ қилди. “Озон туйнуғи”нинг умумий майдони АҚШ ҳудудига тенг майдонни ташкил қилади.

Сайёрамизга таъсир қилаётган иссиқлик эффекти ходисаси ҳам бугуннинг энг долзарб муаммоси ҳисобланади. 1959 йилга келиб, атмосферада углерод оксиди

миқдори 13 фоиз, сўнгги 39 йил ичида 17 фоизга кўпайди. Бунинг натижасида Ер юзасининг ҳарорати кескин кўтарилиб бормокда. Маълумотларга кўра, Ер юзи ҳароратининг 10С⁰ га ортиши дунё океани сатҳининг 17 см гача кўтарилишига олиб келади[6,Б.56]. Охирги юз йилликда океаннинг глобал сатҳи тахминан 15см.га кўтарилди. Агар иссиқхона газлари эмиссиясининг ҳозирги суръати сақланиб қолса, 2100 йилга бориб, океан сатҳи яна 65 см.га кўтарилиши мумкин. Бу эса миллионлаб квадрат километр куруклик учун, демакки, миллионлаб одамлар учун таҳликали вазиятни вужудга келтиради. Кейинги ўн йилликда Ернинг муз қатлами эриши тезлашмокда. Олимлар фикрича, бу турли газлар келтириб чиқараётган кенг миқёсдаги ҳаво исишидан далолат берувчи белгилардан биридир. Муз қатламини йўқотиш нафақат об-ҳавога таъсир этади, балки катта сув тошқинларини ҳам келтириб чиқаради, кенг кўламли муз эриши у жойлардаги ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига ҳам хавф солади. Арктика денгизларида музликлар майдони 1978 йилдан 1996 йилгача 6 фоизга қисқарган. Бу йилига 34300 квадрат километр муз майдонлари эриб кетяпти деган гап. Кейинги 30 йил ичида музликлар қалинлиги 40 фоизга камайган. Мутахассисларнинг фикрича, 2050 йилга келиб, тоғ музликларининг 1/4 қисми йўқолади. 2100 йилга бориб эса йирик муз массивлари фақат Аляска, Патагония ва Ҳимолайда сақланиб қолади[7,Б.54]. Мутахассисларнинг кайд этишича, экологик инқироз ҳудудларида инсоннинг умри умуммиллий даражадан 10-15 йилгача қисқариб бормокда. Орол денгизи ҳавзасида экологик инқироз аллақачон глобал даражага чиқди ва бу Ер шарининг миллионлаб аҳолиси яшаш шароити ва саломатлигига ёмон таъсир қилмокда. Чунончи, ичимлик сув танқислиги, респиратор ҳамда буйрак касалликлари, камқонлик ва генетик заифлашувнинг ортиши, оналар ва болалар саломатлиги ёмонлашуви кузатилди. Айни пайтда мазкур экологик инқирозларга фақат

Марказий Осиё минтақаси эмас, сайёрамиздаги деярли барча мамлакатлар тўқнаш келаётир. Бошқача айтганда, яқин ўтмишда йўл қўйилган хатоларни тузатиш айна кунда барчанинг гарданига тушган. Оролбўйи аҳолисининг касалланиши ичимлик сувининг ифлосланиши ва етарлича таъминланмаганлиги, қишлоқ жойларда ижтимоий ободончилик ва иқтисодий ривожланганликнинг пастлиги билан ҳам боғлиқ. Қуриган денгиз қаъридан ҳар йили 140 млн. Тоннага яқин туз атмосферага кўтарилмоқда[8,Б.76]. Орол тузлари Норвегия ўрмонларида, Греландия музликларида ва Антарктидада яшовчи жонзотлар қонида ҳам топилган. Марказий Осиё минтақасида ХХІ асрдаги энг катта муаммолардан бири сув ресурслари тақчиллиги бўлиши мумкин. Сув ресурслари таъминоти бўйича Ўзбекистон энг ноқулай ҳудудда жойлашган. Масалан, Сирдарёнинг бир йиллик сув оқими 37,9 км³ ни ташкил этади. Бу сувнинг 28,0 км³ (73,8 фоизи) Қирғизистон ҳудудида, 5,59 км³ (14,8 фоизи) Ўзбекистон ҳудудида, 4,08 км³ (10,8 фоизи) Қозоғистон ҳудудида шаклланади. Амударё сувининг бир йиллик миқдори 78 км³ ни ташкил этиб, унинг 62,9 км³ (80 фоизи) Тожикистон ҳудудида, 4,7км³ (6 фоизи) эса Ўзбекистон ҳудудида шаклланади[9,Б.201]. Кўриниб турибдики, сув ресурслари шаклланиш нуқталари асосан қўшни давлатлар ҳудудларида жойлашган. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг сувга бўлган эҳтиёжини қондиришда муайян муаммоларни келтириб чиқармоқда. Экологик саломатлик масаласи миллийликдан халқаро миқёсда ривожланиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан доимий эътибор предметига айланди. ЖССТ маълумотларига кўра, аҳолининг саломатлик ҳолати ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига 50-60 фоизга, экологик муаммоларни ҳал этишга 20-30 фоизга ва фақат соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланишига 15-20 фоизга боғлиқ [10,Б.23].

Аҳоли саломатлиги ва жамият

фаровонлигига хавф солаётган атмосфера ҳавоси ифлосланишига қарши кураш атроф-муҳитни муҳофаза қилишда алоҳида ўрин тутди. Умуман олганда, экологик муаммолар нафақат бизнинг минтақамизда, балки бутун дунёда долзарб ҳисобланади. Инсониятнинг келажаги ушбу муаммоларнинг нечоғлиқ тезлик ва ҳамкорликда бартараф қилинишига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Зеро, ушбу муаммо чегара билмаслиги, миллат, халқ, давлат танламаслиги ҳақиқат. Шундай экан, экологик муаммоларни айрим давлатларгина эмас, бутун жаҳон ҳамжамияти биргаликда бартараф этиши лозим. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ассамблеяси томонидан 1992 йилда Риоде-Жанейрода ташкиллаштирилган “Ер муаммолари бўйича олий даражадаги учрашув” деб номланган Конференсияда БМТнинг атроф-муҳит муҳофазаси ва тараққиёт бўйича Концепцияси (ЮНСЕ-92 муҳокама қилинди ва ХХІ асрга ташриф дастури қабул қилинди. Конференция атроф- муҳит ҳолатининг ёмонлашаётганлигига чек қўйиш ва ХХІ асрдаги барқарор ҳаёт учун асос яратиш чораларини белгилади. Шунингдек, Рио декларациясида барча турдаги ўрмонларни бошқариш, сақлаб қолиш ва барқарор ривожлантириш глобал конценсуси тамойиллари тўғри баёнот қабул қилинди

Халқаро ҳамжамият инсоннинг нафақат яшаш ҳуқуқи, балки тўлақонли ва соғлом турмуш кечириши учун зарур атроф муҳит шароитларига шароитларига ҳам бўлган ҳуқуқларининг муқаддас ва дахлсизлигини аллақачон эътироф этган. Бундан роппа-роса 36 йил аввал Стокгольм шаҳрида БМТ атроф-муҳит муаммоларига бағишланган анжуманида башарият келажаги учун муҳим ҳужжат - Атроф-муҳит дастури ишлаб чиқилди. Кўп ўтмай БМТ ушбу тарихий анжуманиш бошлаган сана, яни 5- июнни – “Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни” деб эълон қилди[11,Б.43]. БМТ муамога ўз вақтида эътибор қаратган бўлсада, сўздан амалга ўтилиши учун анча йиллар керак бўлди. Бу бежиз эмасди, албатта. Саноат, илм-фанда

юз берган улкан ўзгаришлар, жадал тараққийётдан эсанкираб қолган одамзод табиат ҳам жонли вужуд эканлигини, олмоқнинг бермоғи борлигини мутлақо унутиб қўйди. Айниқса аср табиий ресурсларни пала-партиш хўжасизларча истифода қилишда рекорд ўрнатди, замин ҳам, гардун ҳам, сув ҳам ҳайвонот ва наботот дунёси ҳам, боринги, барча безабон дунё инсониятнинг манфаатига беаёв “хизмат” қилдирилди. Миллионлаб йиллар давомида ўз қонуниятлари билан яшаб келган табиат одам аралашуви билан қисқа вақтда ҳавф ёқасига келиб қолди. Атмосфера ҳавосининг бузилиши, сувнинг ифлосланиши чўлланиш, жониворлар ва ўсимликлар турларининг кескин қисқариб кетиши, лўнда қилиб айтганда, экологик тизимнинг издан чиқиши инсоннинг келгуси тақдирини ҳам хавф остига қўйди. 2008 йил БМТ томонидан “Ер сайёраси йили” деб эълон қилинди [12,Б.45].

Жаҳоннинг нуфузли минбарларидан табиатни асраш ҳақида оташин даъватлар янграмоқда. Янги минг йиллик остонасига келиб, дунё мамлакатлари экологик тангликни очик-ошкора эътироф эта бошлади. БМТнинг 2000 йилда ўтказилган Мингйиллик саммитида экологик барқарорликни таъминлаш инсониятнинг ёруғ истиқболи учун асосий гаровлардан

бири эканлиги қайд этилди. Ушбу анжуманда қабул қилинган Мингйиллик декларациясида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласи саккизта глобал мақсаднинг бири сифатида белгиланди. Лекин мамлакатлар инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни тиклашни устувор вазифа деб билмас экан, ҳужжат нечоғлиқ муҳим бўлмасин, қоғозда қолиб кетаверади. Кўриниб турибдики, табиий муҳитни инсон юритадиган хўжалик фаолиятининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш билан боғлиқ қўпгина муаммолар кенг қўлам касб этади. Шу нуқтаи назардан улар фақат халқаро ҳамкорлик асосида ҳал қилиниши даркор. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда экологик муаммоларни бутун инсониятга хавф солиб турган таҳдид сифатида қараш керак. Бизнинг назаримизда, юқорида санаб ўтилган муаммоларни ҳал қилишда биринчи навбатда инсонларнинг табиатга бўлган муносабатини ўзгартириш, экологик онги ва маданиятини шакллантириш, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида экологик хавфсизлик масалалари муҳим ўрин эгаллашига эътибор қаратиш, экологик барқарорликни таъминлашда халқаро ҳамкорликни кучайтириш алоҳида аҳамият касб этмоғи лозим.

Адабиётлар:

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим ўзгариши бўйича рамкавий конвенцияси бўйича Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Миллий ахбороти. Тошкент., 1999.
2. Валуконис Г.Ю, Мурадов Ш.О. Основы экологии. Том I Обхая экология, Ташкент, “Меҳнат”, 2001.
3. Нигматов А. Экология нима? Т, 2002.
4. Турсунов Х. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997.
5. Холмуродов Н. Сурхондарё табиати ва унинг муҳофазаси. – Тошкент: “Чинор”, 1998.
6. Эргашев Т. Умумий экология. – Тошкент, 2003.
7. Эргашев А., Эргашев Т. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.–Тошкент, 2005.
8. Тилавов Т. Экологиянинг долзарб муаммолари. – Қарши, Насаф, 2003.
9. Тўхтаев А.С. Экология. Тошкент., Ўқитувчи, 2001.144-б.
10. Экология. Интерактив қўлланма. – Тошкент.
11. Зокиров Х. Табиатни муҳофаза қилишнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва экологик жиҳатлари. – Термиз, 2009.
12. Зокиров Х. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш. –

Термиз, 2010.

SURXONDARYO VILOYATI IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISHDA SOHALAR SAMARADORLIGINI OSHIRISH

Xolmanova Feruza Uralovna,

Termiz davlat universiteti Jahon tarixi kafedrasida katta o'qituvchisi,
tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Annotatsiya: Ushbu maqola viloyatimiz engil sanoatidagi ipakchilik sohasini rivojlantirishga qaratilgan chora-tadbirlar va amalga oshirilayotgan ishlarga bag'ishlangan. Surxondaryo iqlim jihatidan juda qulay, unumdor tuproq va to'rt faslli vohadir. Shunday ekan qishloq xo'jaligi ekinlari bilan birga ipakchilik sohasini rivojlantirishga ham katta imkoniyatlar mavjuddir. Ipak nafaqat engil sanoatda balki farmatsevtikada, meditsinada, aviatsiya sanoatida ishlatiladi.

Kalit so'zlar: O'zbekiston, Xitoy, "Sino Silk" "Huashen silkworm PRO" dehqonchilik, chorvachilik, parrandachilik, bog'dorchilik, pillachilik.

Аннотация: Данная статья посвящена мерам и проводимой работе, направленной на развитие шелковой промышленности в нашего региона. Сурхандарья – это очень благоприятный климат, плодородная почва. Поэтому наряду с выращиванием сельскохозяйственных культур здесь открываются большие возможности для развития шелковой промышленности. Шелк используется не только в легкой промышленности, но и в фармацевтике, медицине, авиационной промышленности.

Ключевые слова: Узбекистан, Китай, «Sino Silk» «Huashen silkworm PRO» земледелие, животноводство, птицеводство, садоводство, коконирование.

Abstract: This article is dedicated to the measures and ongoing work aimed at the development of the silk industry in the light industry of our region. Surkhondaryo is a very favorable climate, fertile soil and four-season oasis. Therefore, along with agricultural crops, there are great opportunities for the development of the silk industry. Silk is used

not only in light industry, but also in pharmaceuticals, medicine, and aviation industry.

Key words: Uzbekistan, China, "Sino Silk" "Huashen silkworm PRO" farming, livestock, poultry, horticulture, cocooning.

Ipakchilik qishloq xo'jaligining muhim tarmoqlaridan biri bo'lib, to'qimachilik sanoatini xom ashyo bilan ta'minlaydi. YUNESKO tomonidan o'zbek shoyi matolari, atlas va adras tayyorlashning qadimiy texnologiyasi nomoddiy madaniy merosni muhofaza qilish ro'yxatiga kiritilgani buning amaliy tasdig'idir.

Dastlabki bosqichlarda erkin raqobatga asoslangan bozor ipak gazlama sanoatining zaif tomonlarini yaqqol ochib tashladi. Bular quyidagi sabablardir:

- eski texnologiyalar bilan qurollanganlik;
- sun'iy ipakdan bo'lgan ipak gazlamalarga talabning yo'qligi;
- tashqi raqobat past darajadali.

Bizga ma'lumki, mustaqillikning dastlabki yillarida ipakchiligimiz dovrug'i pasayib, aholi orasida ipak qurti parvarishlashga ishtiyoq susaygan edi. Oqibatda pilla yetishtirish, uni chuqur qayta ishlash va eksport qilish ko'rsatkichlari keskin tushib ketdi.

Xalqimiz dehqonchilik, chorvachilik, parrandachilik, bog'dorchilik bilan birga azaldan pillachilik bilan ham shug'ullanib keladi. Aytish kerakki, bugungi kunga kelib voha pillakorlarining azaliy orzusi ushaldi. Ipakchilik tarmog'i mutaxassislari pilla xom ashyosini qayta ishlab, ko'proq daromad olish yo'lida izlanishlar olib bordi. 2014-yilda tashkil etilib, eski uskunalar bilan ish boshlagan "Surxon ipagi" MChJ da 2017-yilda

texnik-texnologik jihatdan to'liq modernizatsiyalash ishlari bajarildi. Xitoy Xalq Respublikasidan pillani qayta ishlash, ipak yigirish, ipak momig'i ishlab chiqarish uchun uskuna va texnologiyalarning so'nggi modellari keltirib o'rnatildi. 2020-yildan buyon korxonada 200 nafar ishchi-xodimlar faoliyat ko'rsatmoqdalar. Bu korxonada sun'iy dasta va ipak matodan mahsulot tayyorlanadi. "Surxon ipagi" MChJ jamoasi faqat pillani qayta ishlash bilan chegaralanib qolmay, chiqitsiz texnologiya asosida qalin gilamlar ham tayyorlashmoqda[1].

Surxondaryo viloyatida gilam ishlab chiqarish korxonasi 2019-yilda bir tani tashkil etgan. Bu gilamlar "Surxon ipagi" uyushmasida ishlab chiqarilgan.

Korxonada mahsulotlariga Osiyo va Yevropa qit'asi davlatlari xaridor hisoblandi. 2017-yil 2 mln. 139,6 ming dollar miqdoridagi mahsulotning xorijiy mamlakatlarga eksport qilingani korxonada sexlarida sifatli va raqobatbardosh ipak mahsulotlari tayyorlanayotganidan darak beradi.

Qisqa o'n yil ichida Surxondaryo viloyatida pilla yetishtirish borasida muhim yutuqlar qo'lga kiritildi, birgina 2016-yilda 3 ming 394 ta fermer xo'jaligi tomonidan qariyb 1 ming 553 tonna pilla yetishtirilganligi fikrimiz isbotidir[2]. Pilla yetishtirishning ko'payib borishi uni qayta ishlovchi tarmoq faoliyatini takomillashtirish chorasini ko'rib chiqishga sabab bo'ldi.

2017-yil 24-martda F-4481-son "Respublika ipakchilik tarmog'i korxonalarini yanada qo'llab-quvvatlash chora tadbirlari to'g'risida"[3] gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoyishi chiqdi. Bu farmoyishda pillachilikni rivojlantirish yo'nalishlari aniq ko'rsatib berilgan bo'lib, respublikada pilla va ipak tayyorlash yagona "O'zbekengilsanoat" uyushmasiga birlashtirilib, uning raisi O'zbekiston Respublikasi Vaziriga tenglashtirildi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 29-mart PQ-2856-son "O'zbekipaksanoat" uyushmasi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"[4], 2018-yil 4-dekabrda PQ-4047-son "Respublikada pillachilik tarmog'ini yanada

rivojlantirishga doir chora tadbirlar to'g'risida" va "Pillachilik tarmog'ini yanada rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" gi qarorlaridan so'ng tarmoqda tub burilishlar qilindi.

Masalan, ipak qurti urug'ini viloyatga Toshkent, Farg'ona, Xorazm va Namangandan keltirish tashvishi barham topdi[5]. 2017-yilda respublikamizda 14 ming tonna pilla yetishtirildi, 2018-yilda 18 ming tonna. 2020-yilda bu ko'rsatkich 21 ming tonnaga yetdi[6].

2017-yil sentyabr oyida O'zbekiston Respublikasi ipakchilik sohasida dunyo mamlakatlari ichida yigirmanchi davlat sifatida Xalqaro Ipakchilik Kengashi (ISC) ga a'zo bo'ldi. Bundan tashqari, so'nggi yillarda viloyat ipak xom ashyosini qayta ishlash alohida drayverga aylanib bormoqda. Hozirgi vaqtda ipakni qayta ishlovchi 3 ta korxonadan 944 ming tonna quvvat yaratilgan. 2021-yilda Denov tumanida "Sino Silk" MChJ tomonidan 150 tonna quvvatga ega ipakdan tayyor mahsulotlar ishlab chiqarish loyihasi ishga tushirildi[7].

Viloyatimizning Angor tumanida Xitoy davlati ishbilarmonlari hamkorligidagi "Huashen silkworm PRO" qo'shma korxonasi sermahsul va ipakchan ipak qurti urug'i navlarini yetishtirish va mamlakatimizdagi fermer xo'jaliklari va zvenolarini ta'minlaydigan yetakchi korxonalardan biri hisoblanadi. Korxonada 2017-yilda 11 ming quti ipak qurti urug'i yetishtirilgan bo'lsa, 2018-yilda bu ko'rsatkich 50 ming qutiga yetkazilib, 3 marta hosil olishga erishildi "Huashen silkworm PRO" qo'shma korxonasi mamlakatimiz ipakchilik sanoatini sifatli xom ashyo bilan ta'minlashda, voha aholisi uchun yangi ish o'rinlari yaratishda muhim ahamiyat kasb etadi. Mazkur korxonada 70 nafar, mavsumiy 370 nafar kishi ish bilan ta'minlandi[8].

Ipakchilik sohasida yetakchi hisoblangan Xitoy, Hindiston, Janubiy Koreya va Yaponiya kabi davlatlar investorlari bugun O'zbekistonga ishonchli hamkor sifatida qaramoqda. Buning asosiy sababi, pillachilik qisqa vaqt ichida mavsumiy tarmoqdan doimiyga aylantirilib, qulay ishbilarmonlik muhiti yaratilganidir. Gap shundaki,

yurtimizda tarkibida kamida 4-5 ta korxonani birlashtirgan pillachilik klasterlarini yaratish sa'y-harakatlari allaqachon boshlab yuborildi. Ularda ipak qurti ozuqasini yetishtirishdan tortib, pilla olish, ipak yigirish, mato to'qish va undan tayyor mahsulot ishlab chiqarishgacha bo'lgan barcha bosqich qamrab olinadi. Shu bilan birga, foydalanishga topshirilayotgan pillachilik majmualari qoshida parrandachilik, asalarichilik, chorvachilik hamda quyunchilikni rivojlantirish, ikkilamchi qishloq xo'jaligi mahsulotlari yetishtirish imkoniyati paydo bo'ldi. Jahon bozorida bir kilogramm ipakning bahosi 38-40 dollarga teng. Agar u kalava qilinsa, narxi 55 dollargacha ortadi, undan mato to'qib, kiyim-kechak tikib sotilsa, daromad 3 barobar ko'payadi[9].

Vaholanki, ipak kalavasining har bir kilogrammidan 11 metrgacha mato to'qiladi, xuddi shuningdek, gilamchilikni rivojlantirish ham aholi ehtiyoji uchun juda muhimdir. Tarmoqda yuz berayotgan yangilanishlar, yaratilayotgan qulay shart-sharoitlar innovatsion loyihalar ijrosiga ham keng yo'l ochib, noan'anaviy mahsulotlar ishlab chiqarishni yo'lga qo'yishda rag'batlantiruvchi omilga aylandi. Negaki, ilgari pillachilikda faqat tola olingan bo'lsa, bugungi kunda ipak momig'i tayyorlanayapti. Bundan tashqari xitoylik hamkorlar bilan birgalikda tut bargidan shifobaxsh choy, ipak qurti, g'umbagidan esa antiqa yog' ishlab chiqarishni yo'lga qo'yish borasida ishlar amalga oshirilmoqda.

Belgilangan rejalar amalda o'z isbotini topsa, respublika iqtisodiyotida pillachilik tarmog'i muhim o'ringa ega bo'ladi. Mutaxassislarining qayd etishicha, bir litr g'umbak yog'i jahon bozorida 200 dollar atrofida baholanadi. Biroq shu paytgacha g'umbakning har kilogrammi parrandachilik, baliqchilik sanoati korxonalariga ozuqa sifatida 3-4 ming so'mga sotilgan.

Farmakologiya va kosmetologiya sanoatining muhim xom ashyosi sanalgan g'umbak yog'iga tashqi bozorda talab g'oyat yuqori. U xushro'ylashtiruvchi sovun hamda shampunlar, shuningdek, malham va surtmalar ishlab chiqarishda asosiy xom ashyo

hisoblanadi. Bunday vositalar jarrohlikdan keyin qolgan chandiqlarni yo'qotish, soch to'kilishining oldini olish xususiyatiga egaligi bilan alohida qadrlanadi. Bugungi kunda g'umbak yog'i korxonasi uchun zarur uskunalar Xitoy kompaniyalari bilan erishilgan kelishuvga ko'ra yurtimizga keltirilmoqda.

2018-yilda Surxondaryo viloyatida 51 ta, Respublikamiz bo'yicha 151 ta pillaxona mavjud bo'lgan[10]. Viloyatimizda shu yilga kelib innovatsion pillaxonalar soni ko'paydi. Termiz tumanining "Yangiariq" SIU va uning "Oqtepa" massivida ikkita, "Namuna" SIU hududida ikkita Xitoy texnologiyasi asosida bunyod qilingan pillaxonalar mavsumga tayyor holatga keltirildi. Pillaxonada ipak qurti plyonka ostida boqiladi. Innovatsion pillaxonalarning yana bir afzallik jihati shuki, ipak qurti pilla o'rash jarayonida sun'iy dastalar ishlatiladi.

2020-yil viloyat bo'yicha 1600 tonna "kumush tola" xirmoni to'lib, reja uddalandi. Sho'rchi tumani 154,7 tonna, Sherobod tumani 145 tonna, Angor tumani 129,7 tonna, Muzrabot tumani 116,1 tonna, Qiziriq tumani 95 tonna, Bandixon tumani 45 tonna, Boysun tumani 44,8 tonnadan sifatli xom ashyo topshirib munosib hissa qo'shishdi.

Respublika miqyosida "O'zipaksanoat" uyushmasi tomonidan 2017-yilda 30,9 mln. dollar, 2018-yilda 50,79 mln. dollar va 2019-yilda 72,1 mln. dollar hisobida ipak mahsulotlari eksport qilindi.

Viloyatda ipak xom ashyosini qayta ishlash alohida o'sish nuqtasiga aylanib, hozirgi vaqtda ipakni qayta ishlovchi 3 ta korxonadan 944 ming tonna quvvat yaratildi. Qo'shimcha 150 tonna quvvatga ega ipakdan tayyor mahsulotlar ishlab chiqarish loyihasini amalga oshirish bo'yicha ishlar davom ettirilmoqda[11].

"O'zbekipaksanoat" tomonidan BMT ning Oziq-ovqat va Qishloq xo'jaligi tashkiloti (FAO) va Sanoatni rivojlantirish tashkiloti, Germaniyaning (GIZ), Yaponiyaning (JICA) hamkorlik agentliklari bilan birlikda qo'shma loyihalarni amalga oshirish bo'yicha ishlar olib borilmoqda. Hozirgacha xalqaro darajadagi 15 ta

ko'rgazma va biznes forum O'zbekistonda (6 marta), Avstriyada (2 marta), Hindiston, Fransiya, Belgiya, Germaniya, Niderlandiya, Yaponiya va Xitoyda tashkil etildi[12]. Ipakchilik sohasida rivojlangan mamlakatlardan yetti nafar malakali mutaxassislar tizimni rivojlantirish uchun ekspert sifatida uyushma raisining

maslahatchisi sifatida ish olib bormoqda.

Xulosa qilib aytish mumkinki, bugungi kunga kelib voha pillakorlarining azaliy orzusi ushalgan. Negaki ipakchilik tarmog'i mutaxassislari faqat pilla xom ashyosini qayta ishlab, ko'proq daromad olish yo'lida izlanishlarni davom ettirishyapti.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. "Surxon tongi", 2018 yil. № 14 (17414)-son.
2. Surxondaryo viloyati hokimligi iqtisodiy taraqqiyot va kambag'allikni qisqartirish bosh boshqarmasi hisobot ma'lumoti, 2020.
3. <https://lex.uz/docs/3146175>
4. <https://lex.uz/docs/3149416>
5. Surxon tongi", 2018 yil 7 aprel. 26 (17426) -son.
6. "Yangi O'zbekiston", 2020 y. 5 mart 47 (7549) son
7. Surxondaryo viloyat hokimligi iqtisodiy taraqqiyot va kambag'allikni qisqartirish bosh boshqarmasi hisobot ma'lumoti. 2020 y.
8. Surxon tongi", 2018 yil 30 may. 41 (17441)- son.
9. <https://xs.uz/uzkr/post/ozbek-ipakchiligi>.
- 10 "Surxon tongi", 2018 yil, 20 yanvar. 6 (17406) - son
11. O'zbekiston milliy arxivi, M.52 -jamg'arma, 1 ro'yxat, 16 - ish, 49-varaq.
- 12 " Yangi O'zbekiston", 2020 yil 7 avgust, 147- son.

БУХОРО ХОНЛИГИ ТАРИХИ ТАРИХНАВИСЛАР ТОМОНИДАН ЎРГАНИЛИШИ ВА ТУРЛИ ЁНДАШУВЛАР

Жураев Боходир Турдалиевич

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти илмий тадқиқотлар, инновциялар ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

b.jurayev@dtpi.uz

Бухоро хонлиги тарихи доирасида тадқиқотчилар ва олимлар томонидан кўплаб илмий тадқиқотлар, рисолалар, мақолалар яратилган бўлиб, тадқиқотлар асосан XVI-XVIII асрлардаги тарихнавислар томонидан ёзиб қолдирилган манбаларга таянилган ҳолда ёзилган.

Бундан ташқари мавжуд каталоглар орасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти шарқ қўлёзмалари каталогини ҳам келтириб ўтиш ўринлидир[10;45].

Мустақиллик йиллари даврида

манбашунослик тарихига катта ҳисса қўшган олимлардан Б. А.Аҳмедовнинг "Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари"[1;Б.152] ва "Ўзбекистон тарихи манбалари"[1;Б.352] каби илмий асарлари нашрдан чиқди.

Тадқиқ этилаётган даврга оид ёзма манбалар гуруҳи ниҳоятда кўп бўлиб улар қаторига XVI-XVIII асрлар тарихий ҳаётини ўзида акс эттирувчи тарихнавислар томонидан битилган асарларни киритиш мумкин. Жумладан, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома", Хондамирнинг "Ҳабиб ус-сияр", Мулла Шодийнинг "Фатҳнома", Муҳаммад Юсуф Муншининг

“Тарихи Муқимхоний”, Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома”, Фазлуллох ибн Рўзбеҳоннинг “Меҳмонномаи Бухоро”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Шарафномаи шоҳий” (“Абдулланома”), Абудрахмон Давлат Толёнинг “Тарихи Абулфайзхон”, Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдулланома” (XVIII асрнинг биринчи ярми) ҳамда Муҳаммад Қозимнинг “Номаи аламоройи Нодирий”, Абулғози Баходирхоннинг “Шажарайи турк” асари каби асарларини келтириш мумкин. Бу тарихий манбалар қисман ўрганилган ҳолос.

Юқорида келтирилган тарихий манбаларда тарихий воқеалар ва жараёнлар ҳукмдорларнинг ҳокимиятга келиш кетма-кетлиги, уларнинг ҳокимият юритиши хусусидаги маълумотлар, тахт учун ўзаро курашлар, ихтилофлар ҳамда курашаётган томонлар ўртасида тузилган сулҳлар, диний ва ижтимолий мезонлар, шунингдек, адабий анъаналар ва улар орасида тавафутлар кенг ёритилган бўлади.

Тарихнавислар томонидан ёзилган тарихий манбаларда муаллифларнинг дунёқараши ва ўша давр оммасининг фикрларини ўзида акс эттиради. Шунингдек мазкур асарларда давлат қурилиши ҳамда дипломатик муносабатлар ҳақидаги маълумотларни ҳам топиш мумкин. Ёзма манбаларда иқтисодий, ҳуқуқ ва таълим тизими, ижтимоий аҳвол ва хўжалик турмуш тарзини ёритиб берувчи маълумотлар кам бўлса-да, бу уларнинг қийматини асло пасайтирмайди. Чунки муаллифларнинг сўзларидан бундай маълумотларни аниқлаб олиш мумкин.

Ушбу даврга тарихини ўзида мужассам қилган манбалар кўп бўлиб, улар қисман европа ва рус тилларида босилиб чиққан. Ўзбекистонда эса ушбу тарихий манбалардан айримлар рус ва ўзбек тилларида таржима қилинган бўлиб, XX асрнинг ўрталаридан уларнинг нашрлари эълон қилинганлигини кўриш мумкин. Мазкур вақтда давр тарихини ёритиб берувчи асосий тарихий манбалардан “Абдулланома”, “Убайдулланома”,

“Меҳмонномаи Бухоро” ва бошқаларнинг таржималари нашр қилинди [12,Б.33].

Олима Р.Г.Мукминова ҳам бу даврнинг ижтимоий-сиёсий тузуми, ер-ҳуқуқий муносабатлари тарихини ўрганишга муносиб ҳисса қўшган тадқиқотчилардандир. Жумладан, Шайбонийхоннинг катта ҳажмли ягона вақфномаси «Вақфнома» ни рус тилига таржима ва ер муносабатларига оид қисмларини тадқиқ қилиб, унинг факсимелияси билан нашр эттирди [7;Б.353].

Умуман олганда Ғиёсиддин Хондамир Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон ҳамда Ҳиндистоннинг ўрта асрлардаги тарихига оид 10 га яқин асар яратганлиги маълум. Биз учун муҳим бўлган Хондамирнинг энг йирик асари “Ҳабиб ус-сияр фи ахбор ва афроз ул-башар” (“Инсон хабарлари ва фарзларида дўстнинг таржимаи ҳоли”) 1520-1524 йиллар мобайнида ёзилган ва вазир Каримуддин Хожа Ҳабибуллох Соважийга бағишланиб, асар номи ҳам қисман шу вазир исми билан боғланган. Асарда қадим замонлардан, то 1524 йилга қадар Шарқ мамлакатларида, хусусан, Эрон, Афғонистон, Ироқ ва Марказий Осиёда содир бўлган воқеалар қаламга олинган. Унинг XV асрнинг сўнгги ва XVI асрнинг биринчи чорагида Мовароуннаҳр ҳамда Хуросоннинг умумий аҳволини акс эттирган учинчи жилд учинчи ва тўртинчи қисмларидаги маълумотлар янгилиги билан катта илмий қимматга эгадир. Мазкур асар ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди.

Мазкур давр тарихига оид манбалардан яна бири – “Бадойиъ ул-вақойиъ” (“Нодир воқеалар”) номли асар бўлиб, унинг муаллифи XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида ўтган Зайниддин Восифийдир. У 1485 йили Ҳиротда туғилган.

Зайниддин Восифий Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг кўпгина шаҳарлари Самарқанд, Бухоро, Ясси, Саброн, Шохруҳия, Тошкент ва бошқаларида истиқомат қилди ва мударрис, имом, тарбиячи, масалан, Суюнҷохоннинг кенжа

ўгли Наврўз Аҳмадхоннинг тарбиячиси бўлиб хизмат қилди, Шоҳруҳияда бўлган йиллари эса Келди Муҳаммадхон ҳукуматида қози аскар лавозимида турди. Восифий 1551 йили Тошкентда вафот этди ва муқаддас манзилгоҳлардан шайх Хованд Тохур мазорига дафн қилинди[6;Б,246-247].

Восифийнинг “Бадойиъ ул-вақойиъ” номли тарихий-мемуар асарида 1512-1532 йиллар орасида муаллифнинг Хуросон ва Мовароуннаҳрда кўрган-кечирганлари, ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий вазият баён этилган. “Бадойиъ ул-вақойиъ”да Мовароуннаҳрнинг XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига оид қимматли маълумотлар кўп. Асар 1538-1539 йиллари ёзиб тамомланган.

“Бадойиъ ул-вақойиъ” нинг қўлёзмалари кўп бўлиб, ЎзР ФА Шарқшунослик институти кутубхонасида ўндан ортиқ нусхаси сақланмоқда[11;Б.13]. Мазкур тарихий манбанинг танқидий матни рус олими А.Н.Болдырев томонидан икки жилдда чоп этилган[2;Б.23]. Асар шунингдек, Хоразмда 1826 ва 1907 йилларда Диловархожа ва Муҳаммад Амин тўра томонидан ўзбек тилига таржима қилинган[6;Б.246-247]. Айрим парчалар рус тилида А.Н.Болдырев ва В.П.Юдин[3;Б.45] тарафидан эълон қилинган. “Бадойиъ ул-вақойиъ” асари ўзбек тилига А.Н.Болдыревнинг танқидий матнидан фойдаланган ҳолда Н.Норкулов томонидан таржима қилинган ва нашр этилган[4;Б.216]. “Миръот ул-мамолик” (“Мамлакатлар кўзгуси”) XVI асрда ўтган турк адмиралли Сейди Али Реис асаридир. У 1554 йил бошида Суриянинг Басра шаҳридан саёҳатини бошлайди. Ушбу денгизчи ҳамроҳлари билан биргаликда Ҳиндистон, Бадахшон, Мовароуннаҳр, Хоразм, Дашти қипчоқ, Хуросон ва Ироқи Ажам (Ғарбий Эрон) га саёҳат қилган. Юртига қайтгач, 1556 йилда саёҳат қилган мамлакатлари хусусидаги маълумотларни ўз асарига муҳрлади. Асарда муаллиф саёҳат қилган мамлакатларнинг XVI аср ўрталаридаги ижтимоий-сиёсий аҳволи ва

халқи ҳақида қимматли маълумотларни учратамиз.

Сейди Али Реис XVI аср ўрталарида Мовароуннаҳрдаги сиёсий жараёнлар, Наврўз Аҳмад Барокхон бошчилигида Шайбонийлар билан Усмонли турк давлати билан бўлган муносабатлар хусусида қимматли маълумотлар қолдирган. Ушбу асарда мамлакат ва шаҳарлар, уларнинг осори атиқалари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган.

“Миръот ул-мамолик” матнини Аҳмад Жавдод тошбосма усули билан 1895 йили Истанбулда чоп этган бўлса, Ҳ.Вамбери инглиз тилига таржима қилиб, Лондонда чоп этилган. Шунингдек, асар Ш.Зуннунов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, 1963 йили Тошкентда ҳам нашр этилган[9;Б.62].

Мазкур давр, яъни XVI аср бошидаги тарихни акс эттирувчи манбаларга кирувчи Мулла Шодийнинг “Фатҳнома” номли тарихий мавзудаги шеърӣй дoston бўлиб, унда Шайбонийхон бошлиқ Дашти қипчоқ ўзбеклари томонидан Самарқанднинг истило этилиши, 1501 йил июнь ойигача бўлган асосий ижтимоий-сиёсий воқеалар кенг ёритилган. Шунингдек, асарда Шайбонийхон аскарларининг Туркистон, Андижон, Бухоро, Дабусия ва Қарши вилоятларини ишғол қилганликлари ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд[1;Б.199].

Бўрибой Аҳмедов берган маълумотга кўра: Асар биронта тилга таржима қилинмаган. Унинг қўлёзма нусхалари кўпгина мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланади. Россия ва МДХ мамлакатларида “Фатҳнома” дostonининг бешта қўлёзмаси мавжуд. Булардан икkitаси Санкт-Петербург Давлат университети кутубхонасида, икkitаси Душанбеда ва биттаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтида (Инв. № 5369) сақланади. Тошкентдаги қўлёзма жуда қимматли бўлиб, XVI асрда кўчирилган[1;Б.199].

Худди шунга ўхшаш яна бир мабалардан бири “Шайбонийнома” бўлиб, ушбу асар форс тилида битилган, шеърӣй дoston ҳисобланади. Унинг муаллифи

шоир ва тарихнавис олим Камолиддин Биноийдир (1453-1512 йй.). Хиротда кўзга кўринган меъмор устод Муҳаммадхон Сабз оиласида дунёга келган. Ёшлик пайтлари оғир шароитда, Шохрух Мирзо вафотидан кейин мамлакатда кучайиб кетган тожу тахт учун кураш ва ўзаро урушлар шароитида кечди. Манбаларнинг гувоҳлик беришига қараганда, Камолиддин Биноий кенг маълумотли киши бўлиб, шеърят, иншо, илоҳиёт, мусиқа ва тарих илмларини чуқур билган.

Биноий дастлаб хожа Убайдулла Ахрорнинг тўнғич ўғли ва сулукда вориси хожа Қутбуддин Яхё, сўнг Заҳириддин Бобур, ундан кейин 1501 йили то умрининг охиригача, Шайбонийхон хузурида унинг сарой шоири ва тарихчиси бўлиб хизмат қилди[6;Б.147-148].

1507 йили Биноий Шайбонийхон билан бирга Хиротга келди ва 1510 йилгача она шаҳрида истиқомат қилди. 1511 йили шаҳарга Исмоил Сафавий кўшинлари яқинлашиши билан, у яна Мовароуннаҳрга кетиб қолди ва Қарши шаҳрида кун кечирди. Камолуддин Биноий 1512 йили Қарши мудофаачилари сафида туриб шаҳарни Сафавийлардан ҳимоя қилди ва ўша жангда ҳалок бўлди[1;Б.199-201].

Камолиддин Биноий Марказий Осиё, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг XV асрнинг сўнгги чораги ва XVI асрнинг бошларидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда алоҳида қийматга эга бўлган “Шайбонийнома” номли тарихий достонини ёзди. Биноийнинг “Шайбонийнома” асарида ҳам асосан Шайбонийхон таваллудидан бошлаб то Дашти қипчоқ ўзбеклари томонидан Мовароуннаҳр ва Хоразмни 1505 йили бўйсундирилишигача бўлган даврда ҳудудда бўлиб ўтган тарихий воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади.

Худди “Фатҳнома” сингари “Шайбонийнома” асарининг ҳам матни чоп этилмаган. Лекин унинг қўлёзма нусхалари кўп бўлиб, ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалари фондида бир қанча қўлёзмалари мавжуд[13;Б.102]. Улар орасида яна бир қўлёзма бўлиб, ушбу

асарнинг хоразмлик машҳур тарихчи ва таржимон Муҳаммад Юсуф Баёний (1858-1923 йй.) томонидан қилинган ўзбекча таржимасидир. Мазкур асарнинг айрим қисмлари таржималаригина рус тилидаги мажмуаларда эълон қилинган ҳолос[13;Б.76].

“Меҳмонномаи Бухоро” номли Марказий Осиёнинг XV аср II - ярми –XVI аср бошларидаги воқеалар баёни мавжуд асарлардан биридир. Асар муаллифи Фазлуллоҳ ибн Рузбехондир. Ушбу асар ва унинг муаллифи хусусидаги дастлабки маълумотлар А.А.Семёнов ва М.А.Сальенинг тадқиқотларида берилган[8;Б.48].

У ўрта аср фанининг етук билимдонларидан бири бўлганлиги Султон Ҳусайн Мирзо, Шайбонийхон ҳамда Убайдуллахон саройида зўр эътибор қозонишига олиб келган.

“Меҳмонномаи Бухоро” асарининг қўлёзмасининг фақат иккита нусхаси борлиги маълум. Улардан бири автограф ҳисобланиб, ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда[11;Б.28]. Р.П.Жалилова ва Б.А.Аҳмедов берган маълумотга кўра иккинчиси Туркияда, “Нури Усмония” кутубхонасига қарашлидир (Тартиб рақами 3431)[5;Б.334]. Ушбу қўлёзма асосида асар матнини эрон олими Манучеҳр Сетуде чоп этган[11;Б.78]. Асарнинг факсимилеси, К.А.Арендс муҳаррирлигида русча қисқартирилган таржимаси, сўзбоши ва изоҳлари билан Р.П.Жалилова томонидан нашр қилинган[5;Б.334].

Асарнинг биз учун қиммати шундаки, унда Дашти қипчоқ, Туркистон ва қозоқ улуси географик ҳолати, ўзбек ва қозоқларнинг келиб чиқиши, уларнинг этник таркиби, турмуши, урф-одати, шунингдек, бойларнинг хўжалигида қул меҳнатида фойдаланиш ҳоллари ҳақида бениҳоят қимматли маълумотлар учрайди[6;Б.150].

Хулоса сифатида шуни таъкидлаб айтиш ўринлики, айтиш мумкинки, совет ва мустақиллик йилларида Бухоро хонлиги тарихини ўзида акс эттирувчи тарихий

манбаларнинг айримларининг рус ёки ўзбек тилига таржима қилиниши ушбу давр тарихини ёритувчи илмий тадқиқотлар учун янги имкониятларни юзага келтирди. Мавзу тарихшунослиги ва манбашунослиги йўналиши бўйича амалга оширилган тадқиқотлар мазкур давр тарихининг ўрганилишига туртки бўлиб хизмат қилди, ривожига ҳисса бўлиб қўшилди.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:

1. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Тошкент: 1991. – Б. 152, 199, 201, 352.
2. Болдырев А.Н.Рукопись «удивительных событий» (мемуаров таджикского писателя XVI в. Васифи) в Государственной Публичной библиотеке им. М.Е.Салтыкова-Щедрина // Тр. / ГПБ. 1957.
3. Болдырев А.Н. Мемуары Зайн-ад-дина, как источник для изучения культурной жизни Средней Азии и Хорасана на рубеже XV—XVI вв. // Тр. Отд. Востока ГЭ. 1939. Т. 2. –С. 45.
4. Восифий Зайниддин. Бадоеул вақоъ – Нодир воқеалар / Форсийдан Н.Норкулов таржимаси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б. 216.
5. Фазлаллах ибн Рузбехан Исфохани. Михман-наме-йи Бухара (Записки бухарского гостя) [Текст] / Пер., предисл. и примеч. Р.П.Джалиловой; Под. ред. А. К.Арендса; [АН СССР, Отд-ние истории, АН УзССР, Ин-т востоковедения]. – Москва: Наука, 1976. –С. 197., -С. 334.
6. Манбашунослик. Тузувчилар: Абдумажид Мадраимов, Гавҳар Фузаилова. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти, 2007. – Б. 147-148, 150, 246-247.
7. Мукминова Р.Г. К Истории аграрных отношений в Узбекистане в XVI в. по материалам «Вакфнаме». – Т.: Фан, 1996. – С. 353.
8. Семёнов А.А.К вопросу о происхождении и составе узбеков Шейбани-хана. “Труды АН Тадж ССР”, т. 12, вып. 1. – Сталинабад: 1954.; Ўша муаллиф: Шейбани-хан и завоевание им империи Тимуридов. “Труды АН ТаджССР”, т. 12, вып. I. – Сталинабад: 1954.; М.А.Салье. Малоизвестный источник по истории Узбекистана – “Михман-наме”. “Труды Ин-та востоковедения АН УзССР”, вып. 3, 1954.
9. Сейди Али Раис. Миръот ул-малолик / Ш.Зуннунов таржимаси. – Тошкент: Фан, 1963. –Б. 62.
10. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР: Каталог / Под ред. чл.-кор. АН УзССР, действ. чл. АН ТаджССР, д-ра ист. наук, проф. А.А. Семёнова; Ин-т востоковедения. - Ташкент: [б. и.], 1952. –С. 45.
11. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекистана. История / Сост. Д.Юсупова, Р.П.Джалилова. – Ташкент: Фан, 1998. –С. 13, 28, 102.
12. Хафиз-и Таныш Бухари. Шараф-наме-йи шахи (Книга шахской славы): Факс. рукописи Д 88. [В 4-х ч.] / Хафиз-и Таныш ибн Мир Мухаммад Бухари; Пер. с перс., введ. [С. 1-23], примеч. и указ. М.А. Салахетдиновой. – Москва: Наука, 1983. –С. 299, -С. 245.; Амин-и Бухари, Мир Мухаммед. Убайдулла-наме / Пер. с тадж. с примеч. чл.-кор. Акад. наук УзССР проф. А.А. Семенова; Акад. наук Узбек. ССР. Ин-т востоковедения. – Ташкент: Изд-во Акад. наук УзССР, 1957. –С. 326.; Фазлаллах ибн Рузбихан Исфохани. Михманнамеи Бухара (Записки бухарского гостя) / Перевод, предисловие и примечания Р.П.Джалиловой. Под редакцией А.К.Арендса. – Москва: 1976. – С. 538.
13. Шади. Фатх-наме. / Материалы по истории казахских ханств XV-XVIII веков. (Извлечения из персидских и тюркских сочинений) // Пер. О.Ф.Акимовкина и В.П.Юдина. – Алма-Ата: Наука, 1969.

AMUDARYO KECHUVLARI ORQALI SAVDO MUNOSABATLARINING RIVOJI

Allamuratov Shuxrat Ashurovich,
tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),
Termiz iqtisodiyot va servis universiteti
E-mail: shuxrat_allamuratov@tues.uz

Annotatsiya. Ushbu maqola XIX asrning oxirlarida Amudaryo kechuvlari orqali mintaqa davlatlarining savdo munosabatlari va tranzit aloqalari tarixiga bag'ishlangan. Shuningdek, aynan iqtisodiy-siyosiy ahamiyatga ega bo'lgan Amudaryo kechuvlari mintaqadagi quruqlik hamda suv yo'llarining o'zaro kesishgan hududlarini bog'lovchi ko'priklar sifatida qadimdan xalqlarni birlashtiruvchi vosita ekanligi ham tahlil etilgan.

Kalit so'zlar: Amudaryo suv yo'li, kechuvlar, boj yig'imi, kechuv uchun kira narxi, yuk tashish.

Аннотация. Данная статья посвящена истории торговых связей и транзитных связей стран региона через Амударьинские переправы в конце XIX века. Также анализируется, что переправы через Амударью, имеющие экономическое и политическое значение, издревле были средством объединения людей, как мост, соединяющий сухопутные и водные пути региона.

Ключевые слова: Амударьинский водный путь, переправы, сборы, тарифы в переправы, грузовые перевозки.

Annotation. This article is devoted to the history of trade relations and transit connections of the countries of the region through the Amudarya crossings at the end of the 19th century. It is also analyzed that crossings across the Amu Darya, which have economic and political significance, have been a means of uniting people since ancient times, like a bridge connecting the land and waterways of the region.

Key words: Amudarya waterway, crossings, customs duty, tariffs for crossings, transportation.

Kirish. Amudaryo, nafaqat, daryo

bo'yidagi hududlar, shaharlar, savdo markazlari bilan aloqa vositasi uchun qulay suv yo'li bo'lgan, balki Amudaryoni kesib o'tuvchi savdo (karvon) yo'llarini bog'lovchi daryo hamdir. Bu esa Amudaryoni mintaqadagi bosh suv yo'li arteriyasiga aylantirgan. Daryodagi kechuv joylarni tanlash daryoning tor va qulay tabiiy o'tish joylari, yaqin aholi manzillari yoki vohalar bo'ylab keluvchi savdo yo'llariga bog'liq bo'lgan. Amudaryoning boshlanish qismidan to quyi qismiga qadar daryoning ikkala qirg'og'ida yashovchi aholi o'rtasida aloqalar uchun doimiy va mavsumiy kechuvlar mavjud edi.

Markaziy Osiyoda ichki va tashqi aloqalarining rivoji, karvonlarning uzluksiz harakati bevosita Amudaryo kechuvlari orqali o'tuvchi savdo yo'llariga bog'liq bo'lgan. Shuning uchun Rossiya imperiyasi Afg'oniston va Hindiston bozoriga kirib borish uchun Amudaryo orqali o'tuvchi kechuvlarga alohida e'tibor qaratishgan. Chunki Rossiyadan keltirilgan tovarlarning asosiy qismi Amudaryo orqali Afg'onistonga yetkazilgan.

Tahlil va natijalar. Bu maqsadda dastlab kapitan Bikov tomonidan Vaxsh va Panj daryolari qo'shilish joyidan Amudaryo bo'ylab Xorazmgacha bo'lgan oraliqdagi kechuvlar o'rganib chiqiladi. U o'rganish jarayonida kechuvlardan turli vaziyatlarda samarali foydalanish uchun quyidagi talablar va vazifalarni sanab o'tgan:

- yilning barcha fasllarida yuk ortish va tushirish ikkala qirg'oqda ham qulay bo'lishi;
- yilning har qanday vaqtida qirg'oqlarda mahalliy va rus kemalari to'xtaydigan qulay pristan bo'lishi;
- yil davomida, har qanday ob-havo sharoitida kemalar va paroxodlar (barjalari bilan ham) qirg'oqlar orasida bir-biriga xalaqit

bermasdan to'siqsiz harakatining amalga oshirilishi;

– kechuvga mahalliy qayiq va kemalardan tashqari boshqa qo'shni kechuvlarning kemalari ham suzib kelishining mumkin bo'lishi;

– kechuvda sanitar tozalik va xo'jalik servis (xizmat) ishlari yaxshi yo'lga qo'yilishi kerak edi [1, C.6].

Yuqorida keltirilgan talab va vazifalardan shuni ko'rish mumkinki, daryoda kechuv joylarini tanlash asosan sohildagi qulay joy, yaqin aholi punkti yoki yaqin aloqa yo'llariga bog'liq bo'lgan. Bunday joylarni tanlashda qayiq va kemalarning qatnash imkoniyatlari va ikkala qirg'oqda qulay pristanlar joylashishi ham ustunlik bergan. Bu esa kechuvlarda har qanday yuklarni qirg'oqlar orqali tez almashish imkonini yaratib, ularning savdo yo'llarini bog'lovchi ko'priklar vazifasini o'tashiga xizmat qilgan.

Amudaryo qirg'oqlari va kechuvlarida asosiy aloqa vositasi kema hamda qayiqlar bo'lgan. Kemalar asosan Chorjo'y, Karki, Kalif, Cho'chqaguzar va Pattakesar kabi muhim kechuvlarda bo'lib, ular ikki qirg'oq orasida odamlar hamda yuklarni tashishda xizmat qilgan. Panj va yuqori Amudaryo kechuvlarida aylana shakldagi yassi tagli qayiqlardan ham foydalanilgan. Kechuvda bir qirg'oqdan boshqa qirg'oqqa o'tishga 20 daqiqa sarflanardi [2, C.27]. Kapitan Bikov ma'lumotlariga ko'ra, kechuvlardagi har bir katta kemada 6-7 kishi, o'rtacha kemada 3-4 nafardan 5 nafargacha ishchilar bo'lgan. Kechuvlardagi jami daromadning 25 foizi (1/4 qismi) kemachilar foydasiga qoldirilib, qolgan barcha tushumlar beklar orqali hukumat g'aznasi uchun yig'ib olingan [1, C.6].

Boshqa bir rus harbiysi M.V.Grulyov yozgan manbada bu haqda quyidagi ma'lumotlar keltirilgan: "Kemani boshqarish uchun 5-7 kishi kerak bo'lib, ular kemachi deyilgan. Kemalar noqulay va og'ir eshkak yordamida boshqarilib, hatto kerakli manzilgacha arqonlar bilan tortib kelingan. Kemachilar o'z ish haqlari uchun tushumning 1/5 qismini olishgan. Qayiqlar faqat yuk va odam tashish uchun mo'ljallangan bo'lib,

ularning yuk ko'tarish quvvati 50-75 botmon bo'lgan. Qayiqni boshqarish uchun 3-4 kishi kerak bo'lib, ular qayiqchi deyilgan" [3, C.59]. Qayiqlar hajmi va kattaligiga qarab otlar, artilleriya hamda yuklarni tashiy olgan, ular 60 puddan 80 pudgacha yuk, 16 nafar piyoda askar, 20 nafar yo'lovchini ko'tarishi mumkin edi; 4,5 sarjin uzunlikdagi, yuqori qismi 1 arshinu 10 vershok enlilikdagi va borti 1,5 arshin chuqurlikdagi qayiqlar 10 kishi bilan oqim bo'ylab quyiga suzishi mumkin bo'lgan [1, C.37]. XIX asrning 80-yillari o'rtalarida S.Mazov Pattakesar kechuvda 200 bosh qo'yni bir yo'la ko'tara oladigan 2 ta afg'on qayig'i bo'lganligini ta'kidlaydi [2, C.27].

Kechuvlardagi kema va qayiqlar soni har bir kechuvdagi aholi ehtiyojlari va karvon harakatidagi yuklar miqdoriga bog'liq bo'lgan. Tig'iz joylashgan aholi punktlari, katta karvon yo'llari kesib o'tgan kechuvlarda yo'lovchi va yuk tashiydigan kemachilar kattagina foyda ko'rardi.

Kechuvlar doimo davlat tomonidan nazoratda bo'lgan. To'lovlar va yig'imlar hamma joyda har xil bo'lib, ular avvalgi tartiblar yoki beklar xohishiga qarab belgilangan. Biroq XIX asr oxirlariga oid arxiv manbalarida qayd etilishicha, Buxoro amiri qushbegisi tomonidan kechuvlarda yuk tashish va yo'lovchi o'tkazganligi uchun belgilangan narx bo'lib, u nazorat qilib borilgan. Kechuvdan o'tkazib qo'ygani uchun qayiqchilar har bir odamdan 15 tiyin, qo'y va echkidan 5 tiyin, ot, tuya va qoramoldan esa 15 tiyindan kira haqi olishgan [4]. Buni kapitan Bikov ham tasdiqdaydi. Uning ta'kidlashicha, Buxoro amirligidagi barcha kechuvlarda yo'lovchi va yuklarni tashishi uchun bitta narx belgilangan: tuya yoki ot uchun 20 tanga, eshak uchun 10 tanga, yo'lovchi uchun 5 tanga, 100 bosh qo'y uchun 2 rubl [1, C.4-5].

Shu davrga oid manbalar, rus harbiylarining hisobot asarlarida yo'lovchi va yuklarni tashish narxi turli davrlar hamda kechuvlarda har xil ko'rsatilgan. Masalan, XIX asrning 80-yillarida o'lkada kuzatuv ishlarini olib borgan kapitan Arxipov esdaliklariga ko'ra, kechuvlardan qayiqda o'tkazish bir yo'lovchi uchun chorak (1/4) tanga, eshakdan yarim tanga, aravadan 1 tanga, ot va tuyalardan

1 tanga kira haqi olingan [5, C.195]. Boshqa bir rus harbiysining hisobot asarida Kalif kechuvda yuk ortilgan tuyadan 1 buxoro tangasi yoki 20 tanga rus tangasi, yuk ortilgan otdan yarim tanga, yuksiz esa 6,5 tanga rus tangasi yoki 20 buxoro puli; Cho'chqaguzar kechuvda ot va tuyalar uchun 1 tanga, eshak uchun yarim tanga, yo'lovchi uchun 16 chek, ya'ni 6,5 tanga olinganligi qayd etilgan [6, C.80].

Buxoro va Xiva xonligi oralig'idagi kechuvlardagi kira narxi esa quyidagicha bo'lgan: yuk ortilgan tuya uchun 30-35 tanga, yuk ortilgan ot va otlq yo'lovchi uchun 20-23,5 tanga, mayda chorva mollari uchun 5-10 tanga, har bir 16 pud yuk uchun 20 tanga. Bundan kelib chiqadiki, 500 pud yukni kechuvdan o'tkazish uchun 6 rubl 25 tangadan 7 rubl 35 tangagacha xarajat qilingan. Boshqa bir kechuv, Karkida, yo'lovchi va yuklarni tashish uchun quyidagi narx belgilangan: yuk ortilgan tuya uchun 20-23,5 tanga, yuksiz esa 15 tanga, ot uchun 10-15 tanga, eshak uchun 3-5 tanga, yo'lovchi uchun 2 tanga va har botmon yuk uchun 3 tanga edi [7, C.11,20].

XIX asrning 90-yillari oxirida Chorjo'y kechuvda har bir kishidan 8 pul (2-2,1 tanga), otlq yo'lovchidan 1 tanga (16-17 tanga), tuyalardan ham 1 tanga (16-17 tanga), eshakdan 16 pul (4 tanga) kira haqi yig'ilgan. Cho'chqaguzar kechuvda har bir kishidan 5 pul (1,2 tanga), ot va tuyalardan 1,25 tanga (1 tangayu 4 tanga), eshakdan 40 pul (10 tanga) kechuv haqi olingan. Oqburun kechuvda esa ot va tuyalardan 1 tanga (16-17 tanga), yuk ortilgan bo'lsa to'lov boshqacha bo'lgan. Jun va qorako'ldan ko'proq, don uchun kamroq narx belgilangan. Karki kechuvda har bir kishidan 8 pul (2 tanga) va undan ko'proq, yuk ortilgan ot uchun kamida 1 tanga (16-17 tanga) haq olingan [3, C.57-58].

XIX asr oxirlarida quyi Amudaryo kechuvlarida, xususan, Amudaryo bo'limida paromdan ham foydalanilgan. Ularda kechuvdan o'tkazishda quyidagi narx belgilangan: 1 kishiga – 2,5 tanga, ot – 10 tanga, yuk ortilgan ot – 15 tanga, tuya – 10 tanga, yuk ortilgan tuya – 20 tanga, eshak – 5 tanga, yuk ortilgan eshak – 8 tanga, qoramol – 5 tanga, mayda chorva mollar – 2,5 tanga [8].

Yuqorida ta'kidlanganidek, Buxoro kechuvlarida nazorat beklar orqali amalga oshirilgan. Bu davrda daryo orqali tashilgan yuklardan olinadigan "boj" yig'imi miqdori ham bir xil emas edi: asosan bir tuyaga ortilgan yukdan 1 tanga (15 tanga), 100 bosh qo'ydan 7 tanga olingan [9, C.8]. Yig'imlar odatda afg'onlar va buxoroliklar o'rtasida teng taqsimlangan. Jumladan, XX asr boshlarida Buxoro amirligiga qarashli kechuvlar mahalliy qayiqlar yig'imi miqdori quyidagicha edi: yo'lovchiga – 8 pul (2 kop.), otlq yo'lovchiga – 1 tanga (15 kop.), tuyaga – 1 tanga (15 kop.), qoramolga – 6 pul (1,5 kop.), eshakka – 16 - 40 pulgacha (4-10 kop.) [10, C.56-57].

Beklarga kechuvlardagi boj yig'imi yaxshigina daromad keltirishiga qaramasdan, ular kechuvlarda shart-sharoitlarni yaxshilashga e'tibor qaratmagan. Bu esa yuk va yo'lovchilar harakatiga salbiy ta'sir qilardi. Masalan, Saroy qishlog'idan Panj daryosi bo'ylab mayda qayiqlar harakatlanish mumkin edi, lekin yuk tashish hamon gupsarlardan iborat bo'lgan sollar orqali amalga oshirilgan. Bu usul odamlar va yuk tashish uchun xatarli bo'lgan. Yo'lovchilardan kechuvda qayiq va gupsarlar uchun bir xil to'lov olingan [9, C.8].

Buxoro amirligining janubidagi, ya'ni Amudaryoning yuqori va o'rta oqimidagi barcha kechuvlar (Xoja Salordan Sharqdagi Qal'ayi-Ruxargacha), hattoki, Afg'on qirg'oqlaridagi kechuvlar ham amirlik ixtiyorida bo'lgan [11, B.92-93]. Amirlik umumiy bojxona tizimiga kiritilgunga qadar Amudaryoda kechuvlar soni ko'p edi, ulardan foydalanish beklar ixtiyorida bo'lib, kechuvlardan o'z foydasiga to'lovlar undirishgan. Amudaryo va Panj daryolarida chegara nazorat joylarining o'rnatilishi tufayli butun qo'riqlash chizig'ida erkin harakatlanishga chek qo'yildi, faqat bojxona punktlari yoki chegara postlarida kechuvlar belgilandi. O'rta Osiyoning tashqi chegaralari va u yerda bojxona nazoratini o'rganish bo'yicha ekspedisiya boshlig'ining 1893-1894-yillardagi hisobotiga ko'ra, Amudaryo va Panj daryolaridagi doimiy kechuvlar Buxoro va Afg'onistonni bog'lovchi muhim savdo yo'llarida joylashgan edi [9, C.35].

Mintaqaning Afg'oniston bilan aloqalari

va yuk almashuvi asosan Buxoro amirligi orqali amalga oshirilgan. Bu aloqalardagi karvon yo'llarini bog'lashda Amudaryo va Panj daryolari kechuvlari muhim o'rin tutgan. Buxoro – Afg'on chegarasi Shug'onon bekligidan boshlanib to Bossag qishlog'igacha cho'zilgan. Ushbu 470 verst uzunlikdagi chegarada 9 ta rus bojxonasi (Bog'orak, Chubuq, Saroy, Ayvoj, Pattakesar, Cho'chqaguzar, Kalif, Bossag, Karki) tashkil etilgan [12]. Ularda Afg'onistonga yuborilayotgan tovarlar qayd etilib, Afg'onistondan Buxoro amirligi va Rossiya imperiyasiga keltirilayotgan tovarlardan bo'lingan.

Afg'oniston bilan savdo aloqalarida quyidagi Amudaryo kechuvlari muhim o'rin tutgan: Karki – Buxoro va Qarshidan Maymana, Andxo'y va Saripul, ya'ni Afg'on Turkistonining g'arbiy shaharlariga yo'naluvchi yo'lda; Kalif va Cho'chqaguzar – Samarqandan Mozori Sharifga, Sherobod bekligining qisqa yo'llarida; Pattakesar – Surxondaryoning quyilishida, Surxondaryoning yuqoridagi boy beklıklaridan Mozori Sharif va Toshqo'rg'onga boradigan yo'lda; Ayvoj va Qabadiyon kechuvi – Kofirnihon daryosining quyilishida, daryo vodiysidan Toshqo'rg'onga boradigan yo'lda; Saroy – Qo'rg'ontepa va Afg'onistonning Qunduz va Rustoqqa boruvchi yo'llarida; Chubuq va Bog'orak kechuvlari – Ko'lob shahriga boruvchi yo'llarda joylashgan [13]. Har bir kechuvda 2 tadan 6 tagacha kema va qayiqlar bo'lib, ularning yarmi afg'onlarga tegishli edi.

Kapitan Bikov Qabadiyon, Pattakesar, Sho'rob, Cho'chqaguzar, Qorakamar, Kalif, Xo'ja Salor, Oqqum, Xatab, Karki va Xoja Chambaz kechuvlarni o'rganib chiqib, ularni savdo aloqalaridagi ahamiyati jihatidan uch toifaga ajratgan:

– Birinchi toifaga Amudaryo havzasining shimoliy va janubiy madaniy hududlarini birlashtirgan quyidagi kechuvlarni kiritish mumkin: Qabadiyon, Pattakesar, Sho'rob va Cho'chqaguzar. Ular shimoliy Afg'onistonga boradigan yo'llarda joylashgan.

– Ikkinchi toifaga qadimgi savdo yo'llarida joylashgan quyidagi kechuvlarni kiritish mumkin: Chorjo'y, Kalif va Karki. Buxoro shaharlari Kalif orqali Afg'oniston va Qobul bilan, Karki orqali esa Maymana, Hirot va Qandahor bilan bog'langan.

– Uchinchi toifaga qolgan kechuvlarni kiritish mumkin. Ular asosan mahalliy aholining ehtiyojlarini qondirgan [1, C.1-2].

XIX asrning 80-yillari oxirida Buxoroda Rossiya siyosiy agentligi tashkil etilgach, savdo bo'yicha statistik raqamlarni aniq yuritish ishlari yo'lga qo'yildi. Ma'lumotlarga ko'ra, XIX asr ikkinchi yarmida Afg'onistondan yiliga 6 mingdan ortiq tuyalarda har xil mahsulotlar olib o'tilgan [14]. XIX asr oxirlarida amirlikdagi rus diplomatik vakili bergan ma'lumotlarga binoan Buxoro amirligi kechuvlarida hali bojxona nazorati o'rnatilmagan vaqtda amirlikning Afg'oniston va Hindiston bilan savdo aloqalari 4-5 mln. rublni tashkil etgan [9, C.16]. Birgina 1886 yilda Hindistondan 8 mingdan ortiq tuyalarda har xil turdagi mollar Buxoro xududlariga olib kelingan. Hisob-kitoblarga ko'ra, bu mahsulotlarning umumiy narxi 5 mln. 475 ming so'mni tashkil etgan bo'lsa, Buxorodan Hindistonga 427 ming so'mlik mahsulotlar eksport qilingan [15].

XIX asrning 80-yillar oxirida Afg'oniston va Hindistondan 5 ming toy mo'ynaterilarning yarmi Kalif, yarmi esa Sherobod bekligi kechuvlari (Pattakesar va Cho'chqaguzar) orqali olib o'tilgan. Chorviloyatdan Karki orqali 1,7 ming toy movut, jun mahsulotlari o'tkazilib, shundan 500 toyi Buxoro shahrigacha yetkazilgan [9, C.29].

Choy Hindistondan import qilinayotgan muhim tovar hisoblangan. Hind choyi dastlab Kalkuttadan Peshavorga, u yerdan Qobul va Toshqo'rg'on orqali Amudaryodagi Kalif kechuviga, kechuvdan o'tkazilib keyin Qarshiga, undan Buxoro shahriga keltirilgan [16, C.87]. 1891-1892-yillarda (o'rtacha ikki yilda) Hindistondan jami 1 mln. 475 ming rubl bo'lgan 28 ming pud choy, 10,5 ming pud nil bo'yog'i (indigo), 4,2 ming pud doka-surp matolari keltirilgan [9, C.16]. Bu barcha ingliz-

hind tovarlari bosh afg'on bozori – Qobuldan Kalif kechuvi orqali olib kelingan.

1908-yilda Amudaryo kechuvlaridagi bojxonalari orqali Afg'onistonga 2 mln. rubldan ortiq bo'lgan 98 135 pud rus tovarlari (ushbu tovarlarning 9/10 qismi imtiyozli tovarlar bo'lib, faqat 1 qism imtiyozga ega bo'lmagan tovarlarga to'g'ri kelgan) olib o'tilgan. Bojxona ma'lumotlariga ko'ra, 1908-yilda Afg'onistondan Amudaryo bojxonalari orqali jami taxminan 2,3 mln. rublli 300 ming pud tovar va 1,4 mln. rubl bo'lgan 200 ming bosh chorva mollari olib kelingan. Bularning yarmisi bojsiz tovarlar edi. Umumiy hisobda Afg'oniston bilan Amudaryo kechuvlari orqali jami tovar ayirboshlash hajmi yiliga taxminan 400 ming pudga yaqin edi, chorva mollari olib o'tish esa 200 ming bosh (5 mln. rubl) ni tashkil etgan [17].

Xulosa. XIX asr va XX asrning boshlarida Amudaryo kechuvlari o'zining oddiy foydalanish tartiblariga qaramay mintaqaning ichki va tashqi davlatlar bilan bo'ladigan aloqalarida muhim ahamiyat kasb etgan. Sababi mintaqada yildan-yilga o'sib borayotgan ichki va tashqi savdo aloqalarini nazoratga olish, Amudaryobo'yi hududlaridan boy xom ashyoni tashib ketish, shuningdek, Afg'oniston bilan chegaralarni muxofaza qilish bevosita Amudaryo suv yo'li hamda kechuvlariga bog'liq edi. Buxoro amirligi va Afg'oniston chegarasida Amudaryo bo'ylab yagona bojxona tizimi (chizig'i) ning o'rnatilishi natijasida mintaqada davlatlari, shu jumladan, Amudaryo kechuvlarining savdo-sotiq ishlari Rossiya imperiyasi manfaatlariga bo'ysundirildi.

Foydalanilgan manba va adabiyotlar ro'yxati:

1. Капитан Быков. Очерк переправ через реку Амударья (рекогносцировка 3- Западно-Сибирского Линейного батальона Штабс-капитана Быкова). – Ташкент, 1879. – 83 с.
2. Мазов С. Восточная Бухара, Бадахшан и северный Афганистан // Туркестанский сборник. Том 404. – СПб., 1883. – С. 5-26.
3. Грулев М.В. Некоторые географико – статистические данные, относящиеся к участкам Аму-Дарья между Чорджуем и Патта-Киссаром // Известия Туркестанского отдела русского географического общества. Том 2, Выпуск I. – СПб., 1900. – С. 5-87.
4. O'z MA, I-126-fond, 1-ro'uxat, 1096-ish, 1-varaq; O'sha fond va ro'uxat. 1088-ish, 1-2 varaq.
5. Капитан Архипов. Военная рекогносцировка равнинной части Бухарского ханства, произведенная в 1883 г. // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Выпуск X.- СПб., 1884. – С. 171-238.
6. Советник Петров. Путевые заметки классного топографа тит. Петрова 1884г. // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Выпуск XXI. – СПб., 1886. – С. 53-102.
7. Капитан Гинтылло. Сведения по интендантския части, собранные в Бухаре // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Выпуск XXI. – СПб., 1886. – С. 1-53.
8. O'z MA, I-7-fond, 1-ro'uxat, 163-ish, 31-varaq.
9. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Ташкент: ЦСУ Туркеспублики, 1922. –72 с., прил. – 45 с.
10. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Том II. – СПб.: В.Березовский, 1911. – 354 с.
11. Egamberdiyev I. Angliya va Rossiyaning Markaziy Osiyoda mustamlakachilik siyosatidagi raqobatlar. – Toshkent: Kamalak, 2018. – 120 b.
12. O'z MA, I-1396-fond, 2-ro'uxat, 515-2-ish, 79-varaq.
13. Allamuratov Sh.A. Amudaryo suv yo'li va kechuvlari tarixi (XIX-XX asr boshlari). Monografiya. – Toshkent: – “Innovatsiya-Ziyo”, 2023. – 220 b.

14. O'z MA, I-126-fond, 1-ro'yxat, 29-ish, 1- varaq
15. O'z MA, I-1-fond, 11- ro'yxat. 504-ish, 3-varaq.
16. Расуль-Заде П.Н. Из истории среднеазиатско-индийских связей второй половины XIX – начала XX века. – Ташкент: Фан, 1968. – 170 с.
17. Qobulov E., Allamuratov Sh. XIX asr oxiri-XX asr boshlarida Surxon vohasining Amudaryo suv yo'li va kechuvlari orqali savdo munosabatlari // Markaziy Osiyo tarixi va madaniyati. – 2023. – T. 1. – №. 1. – S. 405-409.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЎҚИТУВЧИЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ

Умаров Жамшид Саидмуратович,

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси тадқиқотчиси,
Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Umarovjamshid510@gmail.com

Аннотация: Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Совет давлатининг ички ҳаётида тўпланиб борган муаммолар жуда кўпол хато ва камчиликлар таълим тизимида ҳам акс этди. Урушдан кейинги йилларда халқ хўжалиги ва таълим тизими учун мутахассислар тайёрлаш масаласи ҳам кун тартибидаги долзарб масалалардан бирига айланди. Мақолада урушдан кейинги йилларда жанубий вилоятлар таълим тизимини ўқитувчилар билан таъминлаш масаласи масаласи ёритилган.

Калит сўзлар: маориф тизими, педагогика билим юрти, ғоявий-мафкуравий тарбия, коммунистик партия мафкураси, ўрта махсус хунар-техника билим юртлари, Сурхондарё вилояти.

Аннотация: В годы после Второй мировой войны проблемы, накопившиеся во внутренней жизни Советского государства, нашли отражение в системе образования. В послевоенные годы вопрос подготовки специалистов для народного хозяйства и системы образования стал одним из актуальных вопросов повестки дня. В статье рассмотрен вопрос обеспечения педагогическими кадрами системы образования южных регионов в послевоенные годы.

Ключевые слова: система образования, педагогическое образовательное учреждение, идейно-

идеологическое воспитание, идеология коммунистической партии, средние специальные профессионально-технические учебные заведения, Сурхандарьинская область.

Abstract: In the years after the Second World War, the problems that accumulated in the internal life of the Soviet state were reflected in the educational system. In the post-war years, the issue of training specialists for the national economy and education system has become one of the urgent issues on the agenda. The article describes the issue of providing teachers to the educational system of the southern regions in the years after the war.

Key words: educational system, educational institution of pedagogy, ideological-ideological education, ideology of the communist party, secondary special vocational-technical educational institutions, Surkhandarya region.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда бутун Совет жамиятида илдиш отган микдор кўрсаткичлари изидан қувиш таълим тизимини ҳам четлаб ўтмади. Тўғри аҳолининг саводхонлик даражаси ортди, кўплаб мактаблар қурилди, бу борадаги “режа ва топшириқлар” ортиғи билан уддаланди. Бироқ юксак маданиятли шахсни тарбиялаш, ҳар томонлама

баркамол авлодни ўстириш масаласи атайин четга сурилди. Бундай услуб асосида мактабни марказлаштирилган ҳолда бошқариш уни жонажон маданиятидан, асрлар давомида шаклланиб келган анъана ва кадриятларидан, бебаҳо тарихий меросидан тобора кўпроқ бегоналаштириб борди.

Урушдан кейинги йилларда халқ хўжалиги ва таълим тизими учун мутахассислар тайёрлаш масаласи ҳам кун тартибидеги долзарб масалалардан бирига айланди. Ушбу муаммони ҳал қилишда ўрта махсус билим юр்தларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Чунончи, Қарши педагогика билим юрти (1927), Термиз педагогика билим юрти (1927), Қарши тиббиёт билим юрти (1946), Қарши мактабгача тарбия педагогика билим юрти (1966), Қарши политехникуми (1965), Термиз жисмоний тарбия билим юрти (1967), Ангор педагогика билим юрти (1964), Шаҳрисабз педагогика билим юрти (1967), Денов педагогика билим юрти (1969), Термиз тиббиёт билим юрти (1963), Термиз санъат билим юрти (1960), Қарши маданият техникуми, Чимқўрғон қишлоқ хўжалик техникуми, Пачкамар қурилиш техникуми, Термиз полтехника техникуми (1964), Термиз қишлоқ хўжалик техникуми (1974), Термиз кооператив техникуми (1977) ва бошқа шунга ўхшаш ўрта махсус билим юр்தлари ташкил этилди. Шунини ўз ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, аввало мактабларни ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш масаласи урушдан кейинги йиллардаги энг долзарб ва ўта муаммоли масалалардан бири эди. 1945 йил сентябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг XII пленуми “халқ маорифи ишини яхшилаш ва республика олий ўқув юр்தлари ҳамда техникумларда мутахассис кадрларни тайёрлаш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида” қарор қабул қилди. Чунки бу даврда умумий мажбурий таълимни жонлантириш кун тартибидеги энг муҳим масалалардан бири эди. Сабаби уруш йилларида болаларни мактабга жалб этиш режалари бажарилмади, кўплаб ўқувчилар оғир турмуш шароити туфайли

мактабдан кетиб қолди. Иккинчи томондан, таълимнинг унча юқори бўлмаган савияси мактабда ўқишни давом эттирадиган болаларни лозим даражада ўқишга тортиш имконини бермас эди. Масалан, 1945-1946 ўқув йили охирига келиб Ўзбекистон мактабларидаги ўқувчилар сони режадаги 1 миллион 10 минг киши ўрнига 823 минг кишидан иборат бўлган эди. Синфда қолган ўқувчилар сони жами ўқувчилар сонининг 37 фоизини ташкил этарди. Қолаверса ўқитувчи кадрлар масаласи ҳам дарҳол ҳал қилилмади. Биргина I-IV синфлар учун 800 ўқитувчи етишмасди. Туман халқ таълими бўлимлари мудирлари ва инспекторларининг, мактаб директорлари ва таълим бўйича директор муовинларининг 60 фоиздан ошиғи тегишли маълумотга эга эмас эди. Бундай муаммонинг ечимини топиш учун зудлик билан қатъий ва самарали тадбирларни кўриш зарур эди[3;Б.82]. Шунинг учун республика раҳбарияти собиқ Иттифок ҳукуматидан мутахассислар жўнатишни сўраб тез-тез мурожаат қилар, уларнинг мурожаати муносабати билан СССРнинг марказий қисмидан турли даражадаги мутахассислар юбориларди. Лекин бу мутахассислар билан зарур эҳтиёжни қондириш имконияти йўқ эди. Қолаверса юборилган мутахассислар жойлардаги мавжуд шароитни тушунмас, айниқса маҳаллий тилларни мутлоқо билмасди. Бу эса иш фаолиятини ташкил этишга жиддий тарзда салбий таъсир кўрсатарди. Шу боисдан ҳам республик ҳукумати ички имкониятларни ишга солиб ўрта махсус таълим берувчи ўқув юр்தларини ташкил қилиш уларнинг фаолиятини такомиллаштириш масаласига эътиборни кучайтирди. Жанубий вилоятлар таълим тизимини ўқитувчи мутахассисликларга бўлган эҳтиёжини қондиришда Қарши ва Термиз педагогика билим юр்தлари самарали фаолият олиб борди. Чунончи 1945-1946 ўқув йилида Қарши Педагогика билим юр்தини 42 нафар, 1946-1947 ўқув йилида эса 46 нафар киши тугаллади[7;Б.21]. Бундан ташқари 1945-1946 ўқув йилида Қарши Педагогика билим

юрти хузурида киска муддатли ўқитувчилар қайта тайёрлаш курси ташкил этилди ва унда 447 та ўқитувчи қайта тайёрланди[6;Б.87]. Қарши педагогика билим юртида 1946-1947 ўқув йилидан бошлаб сиртқи таълим тизими ҳам йўлга қўйилди ва унда 489 ўқувчига сабоқ берилди[9;Б.65]. 1947-1948 ўқув йилида Термиз Педагогика билим юртини 142 нафар педагог битириб чиқди[10;Б.56]. 1949-1950 ўқув йилида эса мазкур билим юртида 185 нафар ўқитувчи мутахассис тайёрланди[11;Б.47]. 1947-1948 ўқув йилидан бошлаб Термиз педагогика билим юртида ҳам сиртқи таълим йўлга қўйилди ва шу йили ушбу йўналишга 146 нафар ўқувчи ўқишга қабул қилинди[12]. 1958-1959 ўқув йилда ушбу билим юртни 140 нафар талаба битириб чиқди[13;Б.75]. 1960-1964 йиллар оралиғида Термиз педагогика билим юртини 638 нафар талаба битирди[14;Б.25]. 1966 йил 10 январда Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси йиғилишида мактабгача тарбия муассасалари ишини янада яхшилаш, жамоа ва давлат хўжаликларида болалар боғчалари, яслилар ташкил қилиш масаласи кўриб чиқилди. Ушбу вазифани бажариш учун энг аввало тарбиячи мутахассислар зарур эди. Шу сабабдан ҳам 1966 йил 5 апрелда Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси қарори асосида Қарши мактабгача тарбия педагогика билим юрти ташкил этилди. Ушбу билим юртида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мактабгача таълим муассасалари учун мутахассислар тайёрлаш жараёни йўлга қўйилди[8;Б.41]. Жанубий вилоятлар мактабларининг жисмоний тарбия ўқитувчиларига бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, 1967 йилда Термизда жисмоний тарбия билим юрти ташкил этилди. 1969 йилда ушбу техникумни 83 нафар киши битириб чиқди[15;Б.98]. Ўқувчи ёшларга мусиқа таълимини бериш масаласида ҳам ўрганилаётган даврда анча камчиликлар мавжуд эди. Шу боисдан ҳам 1960 йил 3 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси “Мусиқа таълимини

яхшилаш ва уни янада ривожлантириш тўғрисида”а қарор қабул қилди. Ушбу қарор мактабларда мусиқа таълимини йўлга қўйишда муҳим ўрин тутди. Ўз навбатида 1960 йил 13 октябрда Сурхондарё вилоят партия ва ижроия кўмиталарининг қўшма йиғилишида вилоятдаги мавжуд 3 та мусиқа мактабни кенгайтириш, моддий-техник таъминотини яхшилаш, 1960-1965 йиллар мобайнида воҳада мусиқа мактаблари сонини кўпайтириш ҳамда Термиз шаҳрида мусиқа билим юртини очишга қарор қилинди[1;Б.47]. 1961 йилда Термиз санъат билим юрти очилди[4;Б.30]. Ушбу билим юрти вилоят мактаблари учун мусиқа ўқитувчилари ҳам тайёрлай бошлади. Ўрганилаётган даврда жанубий вилоятлар халқ хўжалиги тизимини ўрта бўғин мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондиришда хунар техника билим юртларининг ҳам ўзига яраша хиссаси бўлди. Шу даврда жанубий вилоятларда ўрта махсус билим юртларининг сони ҳам бир қадар ортиб борди. Масалан: 1970-1971 ўқув йилида Қашқадарё вилоятида 11 та ўрта махсус хунар техника билим юрти фаолият юритган бўлса, 1985-1986 ўқув йилида уларнинг сони 15 тага етди. Сурхондарё вилоятида эса ўрта махсус хунар техника билим юртларининг сони юқоридаги ўқув йилларига мос равишда 9 тадан 15 тага кўпайди[16;26]. Шу йилларда ўрта махсус хунар техника билим юртларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони ҳам йил сайин ошиб борди. Агар 1970-1971 ўқув йилида Қашқадарё вилояти ўрта махсус хунар-техника билим юртларида 9500 нафар йигит-қиз ўқиган бўлса, 1985-1986 ўқув йилида уларнинг сони 15100 кишига етди, ёки мазкур ўқув йилларида Сурхондарё вилоятидаги ўрта махсус билим юртларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони 4800 нафардан 10400 нафарга қадар кўпайди[16;67]. 1990 йилга келиб эса Сурхондарё вилоятида хунар техника билим юртларининг сони 31 тага етди[1;Б.48]. 1976 йилда Сурхондарё вилояти ўрта махсус хунар-техника билим юртларини 2103 нафар механизатор, 475 нафар курувчи, 1650 нафар бошқа турдаги

касб эгалари битириб чиқди. 1980 йилга келиб эса мехнизаторлар тайёрлаш 2320 тага қурувчилар тайёрлаш эса 725 нафарга кўпайди. 1990 йилга келиб вилоятдаги ўрта махсус хунар техника билим юртлари 5742 нафар мутахассис тайёрлади[1;Б.48]. Бироқ шунини таъкидлаш жоизки, жанубий вилоятлар халқ хўжалигининг асосан аграр соҳасига ихтисослашуви туфайли тайёрланган кадрларнинг аксарият қисмини қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мутахассислар ташкил қилар эди. Хунар-техника билим юртлари моддий техник таъминоти, уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш борасида ҳам анчагина етишмовчилар ҳам мавжуд эди. Кўпгина билим юртларининг ўқув устахоналари зарур ўқув жиҳозлари билан жиҳозланмаган, ўқитиладиган мутахассисликлардан ўзбек тилидаги дарсликлар етишмаслиги, хунар техника билим юртларида ўқитиладиган фанларнинг чуқур ўқитилмаслиги, ортиқча ўқув юктамалари, назарияни амалиёт билан боғлашдаги узилишлар, ўқувчиларнинг хўжалик ишларига тинимсиз жалб қилиниши ўқитишнинг сифатига салбий таъсир кўрсатар эди. Бундан ташқари хунар-техника билим юртларига асосан ўзлаштириши паст тарбияси бироз оғирроқ ўқувчиларни юборилиши, ўқувчиларнинг қобилияти, иқтидори ва қизиқишлар доирасини инобатга олмасдан зўрма-зўракилик билан тақсимланиши туфайли мазкур ўқув юртларининг таълим-тарбия жараёнида жиддий муаммолар, камчиликлар юзага келиши табиий ҳол эди. Буларнинг олдини олиш масаласи эса ҳеч қандай қизиқтирмас, аксинча таълим тизимида ҳам миқдор кўрсаткичлари изидан қувиш, ортиқча дабдабозлик, қаби иллатлар анча кенг илдиз отган эди. Ўрганилаётган даврда халқ таълими тизими учун олий маълумотли мутахассислар тайёрлаб бориш шунингдек, илмий педагогик ходимлар тайёрлашда Олий таълимнинг ҳам ўзига хос ўрни ва роли мавжуд. Албатта таълим ва тарбиянинг сифатини ошириш, ўқитишнинг замонавий услубларини

қўллаш, ўқувчиларга чуқурроқ илм беришни йўлга қўйишда олий маълумотли мутахассисларнинг ўрни катта. Лекин урушдан кейинги дастлабки йилларда республика мактабларида олий маълумотли ўқитувчилар сони анча кам эди. Масалан: 1945-1946 ўқув йилида Республиканинг қишлоқ жойларида ўқитувчилар сони 12490 кишига етди. Бироқ шундан 5574 ўқитувчи олий маълумотга эга эди[3;Б.85].

Тадқиқ этилаётган йилларда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг мактабларида ҳам олий маълумотли ўқитувчиларга эҳтиёжи ниҳоятда катта эди. Масалан: 1950-1951 ўқув йилида Сурхондарё вилоятидаги барча турдаги мактабларда 3144 нафар ўқитувчи ишлаган бўлса, шундан 322 нафар ўқитувчи олий маълумотли мутахассис эди ҳолос[5;Б.421-422]. Сурхон воҳасида илк бора олий ўқув юртига 1954 йилда асос солинди. Собиқ Иттифоқ ҳукуматининг 1953 йил 25 декабрдаги фармойиши ва Ўзбекистон ҳукуматининг 1954 йил 24 февралдаги қарорига асосан Марғилон ўқитувчилар институти Сурхондарё вилоятининг маркази Термиз шаҳрига кўчирилди. Термиз ўқитувчилар институтининг очилиши вилоят маданий ҳаётида катта тарихий воқеа бўлди. 1956-1957 ўқув йилида бошлаб ўқитувчилар институти Термиз давлат педагогика институтига айлантирилди[17;Б.113-114]. Бироқ иттифоқ ҳукуматининг мутлоқо ўйламасдан қилган хатоси билан 1960 йилда Қашқадарё вилояти тугатилиб, Сурхондарё вилоятига қўшилди. Гарчанд вилоят маркази Термиз шаҳрида бўлса-да, Термиз давлат педагогика институти Қарши давлат педагогика институтига қўшилди. Тўрт йиллик сарсонгарчиликдан сўнг 1964 йили Қашқадарё вилояти қайта тикланди. Сурхондарё вилоятида педагог кадрларга нисбатан эҳтиёжининг юқори эканлигини инобатга олиб, Республика ҳукуматининг 1965 йил 24 апрелдаги қарорига биноан Термиз давлат педагогика институти қайта тикланди. Ушбу даргоҳда дастлабки ўқув йилида 3 та фан номзоди,

24 ўқитувчи, 1 факультет, 3 та кафедра ва 250 талаба билан иш бошлади Термиз давлат педагогика институти кейинги йилларда жуда катта тараққиёт босқичини босиб ўтди. 1990 йилга келиб институтда 7 та факультет 24 та кафедрада 350 га яқин профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатган бўлса, шундан 4 нафари фан доктори 46 нафари фан номзоди эди. Институт ташкил этилган йилдан 1990 йилга қадар ўтган вақт оралиғида институт илмий жамоасининг саъйи-ҳаракати билан 30 та монография, 75 та дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар, 19 та тавсия, 680 дан ортиқ илмий мақола, 1140 та илмий-оммабоп ва публицистик мақолалар ёзилди ва турли нашрлар орқали эълон қилинди[2;Б.6].

Тадқиқ этилаётган даврда Сурхондарё вилояти худудида марказий илмий-тадқиқот институтларининг филиаллари, тажриба станциялари ва таянч пунктлари

ҳам ишлаб турди. Жумладан: Термиз пахтачилик тажриба станцияси, Селекция ва уруғчилик институтининг Термиз филиали, Жарқўрғон пиллачилик, сабзавотчилик ва полиз экинлари тажриба станцияси, Бутуниттифоқ сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг Ангор тажриба станцияси, Ю.Гагарин номидаги Давлат наслчилик тажриба хўжалиги, СССР Фанлар Академияси тармоғидаги А.Антонов номидаги Сурхон пахтачилик тажриба хўжалиги, СССР қишлоқ хўжалиги Фанлари Академияси назоратидаги “Бойсун” ҳисори қўйлар заводи ва Денов субтропик ўсимликлар тажриба станциялари ана шундай илмий марказлардан саналади. Тадқиқ этилаётган даврда Қашқадарё вилоятининг маърифий ҳаётида Қарши давлат педагогика институти ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Бердиев Ҳ., Эрматов Ҳ. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Т. “Шарқ”. 1991. – Б. 47, 48.
2. Қодиров Б. Сурхондарё олимлари. Т.: “Меҳнат”. 1990. – Б. 6.
3. Раҳмонов Н. Умаралиев А. Совет Ўзбекистони маданияти тарихи очерклари. Т.: “Ўқитувчи”. 1984. – Б. 82, 85.
4. Турсунов С., Кичкилов Ҳ. Термиз йилномаси. Т.: “Шарқ”. 2001. – Б. 30.
5. Турсунов С., Қабулов Э., Муртозоев Б., Пардаев Т. Сурхондарё тарихи. Т.: “Шарқ”. 2004. – Б. 421-422.
6. Соҳибова М.Т. Ўзбекистонда маданий ҳаёт: тажриба ва муаммолар. (жанубий вилоятлар мисолида (1946-1985 й)). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Т.: 2008. – Б. 87.
7. Қашқадарё вилоят давлат архиви 249-фонд, 1-рўйхат, 104-иш, 30-варақ
8. Қашқадарё вилоят давлат архиви 534-жамғарма, 1-рўйхат, 49-иш, 14-варақ.
9. Қашқадарё вилоят давлат архиви 1-фонд, 96-рўйхат хат, 343-иш, 17-варақ.
10. Сурхондарё вилоят давлат архиви 404-фонд, 1-рўйхат, 32-иш, 68-варақ.
11. Сурхондарё вилоят давлат архиви 404-фонд, 1-рўйхат, 36-иш, 119-варақ.
12. Сурхондарё вилоят давлат архиви 404-фонд, 1-рўйхат, 34-иш, 112-варақ.
13. Сурхондарё вилоят давлат архиви 404-фонд, 1-рўйхат, 38-иш, 46-варақ.
14. Сурхондарё вилоят давлат архиви 404-фонд, 1-рўйхат, 48-иш, 36-48 варақлар.
15. Маърифат манзили. Т.: “Янгиаср авлоди”. 2002. – Б. 5-6.
16. Народное хозяйство Узбекской ССР. 1985. Т. “Ўзбекистон”, 1986. – С. 308.
17. Сурхон воҳасининг ижтимоий-иқтисодий, моддий ва маънавий маданияти. Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. Термиз. 2011. – Б. 113-114.

JANUBIY O‘ZBEKISTONDA AGRAR SOHADA AMALGA OSHIRILGAN ISLOHOTLAR VA UNING SOHA INFRATUZILMASIGA TA’SIRI

Kadirova Yakitjan Buvabaevna,

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti dotsenti

Annotatsiya: Jahonning rivojlangan davlatlarida amalga oshirilayotgan agrar sohadagi islohatlar innovatsion texnologiyalarni keng jalb etish, zamonaviy agrar servislarni joriy etish, oziq-ovqat muammolarni bartaraf etish sohasida investiyalarni jalb qilish muhim dolzab masala hisoblanmoqda. Jumladan bugungi O‘zbekistonda ham innovatsion texnologiyalarni ishlab chiqarishga, jalb etish asosida jahon standartlariga javob beradigan agrasersizni joriy qilish sohasida ma’lum yutuqlariga erishilmoqda. Maqolada Janubiy O‘zbekistonda agrar sohada amalga oshirilgan islohotlar va uning soha infratuzilmasiga ta’siri tahlil qilinadi.

Kalit so‘zlar: klaster, fermer xo‘jaliklari, shirkat xo‘jaliklari, fermerlar uyushmasi, agrobiznes, jamoa xo‘jaligi, islohotlar, infratuzilma.

Аннотация: Реформы в аграрном секторе, реализуемые в развитых странах мира, считаются важным вопросом широкого вовлечения инновационных технологий, внедрения современных сельскохозяйственных услуг, привлечения инвестиций в сферу устранения продовольственных проблем. В частности, в сегодняшнем Узбекистане достигаются определенные успехи в области внедрения агропромышленной продукции, соответствующей мировым стандартам, на основе производства инновационных технологий. В статье анализируются реформы, реализуемые в аграрном секторе Южного Узбекистана, и их влияние на инфраструктуру отрасли.

Ключевые слова: кластер, фермерские хозяйства, кооперативные хозяйства, фермерское объединение, АПК, колхоз, реформы, инфраструктура.

Annotation: reforms in the agrarian sector implemented in the developed countries

of the world are considered to be an important issue in the wide involvement of innovative technologies, the introduction of modern agricultural services, and the attraction of investments in the field of eliminating food problems. In particular, in today's Uzbekistan, certain achievements are being made in the field of introducing agrocer-free products that meet world standards based on the production of innovative technologies. The article analyzes the reforms implemented in the agrarian sector in South Uzbekistan and its impact on the infrastructure of the sector.

Key words: cluster, farms, cooperative farms, farmers' association, agribusiness, collective farm, reforms, infrastructure.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlarning hal qiluvchi bo‘g‘ini qishloq xo‘jaligi sohasidagi agrar soha mutaxassislari, xodimlari va ishchi-xizmatchilarini manfaatlarini hisobga olib amalga oshirildi. Buning sababi shundaki, O‘zbekiston aholisining 64 foizidan ko‘prog‘i qishloqda yashar, shuningdek, aholini oziq-ovqat, sanoatni esa zarur bo‘lgan xom ashyo bilan ta‘minlaydigan tarmoq hisoblanadi. Shundan kelib chiqib, qishloq xo‘jaligida zamon ruhiga mos islohotlar o‘tkazish davr talabiga aylandi.

Respublikada o‘tkazilgan agrar islohotlar natijasida fermer xo‘jaliklari tashkil topa boshladi. Fermer xo‘jaliklarni tashkil etishdan maqsad yangicha ishlash va iqtisodiy manfaatdorlikni oshirish uchun agrar sohada katta tajribaga ega rivojlangan mamlakatlar tajribasidan foydalanish davlat dasturini asosiy yo‘nalishi qilib olingan edi. Surxondaryo viloyatidagi birinchi fermer xo‘jaliklari 1989- yilda tashkil etildi. Termiz tumanidagi «Do‘stlik» jamoa xo‘jaligi negizida tuzilgan ilk fermer xo‘jaliklari birinchi yildayoq katta muvaffaqiyatlarni

qo'lg'a kiritishdi. Ularning ishi O'zbekistonning Birinchi Prezidenti I.Karimov tomonidan yuqori baholandi. Respublikamizda «Surxondaryo dehqonchilik maktabi» degan yangi faxrli nom vujudga keldi.

2003-yilning 24-martida O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidentiniig "Qishloq xo'jaligida islohotlarni chuqurlashtirishning eng muhim yo'nalishlari to'g'risida" gi farmoni e'lon qilindi va ushbu farmonga muvofiq fermerlarga yer maydonlari 50 yillik muddatda meros qoldirish huquqi bilan ijaraga berilishi belgilangan edi. Surxondaryo viloyatida qishloq xo'jalik sohasida amalga oshirilgan islohotlar natijasida O'zbekistonning boshqa hududlari kabi agrar masalada yangi boshqaruv tizimi shakllanib, yerga egalik qilish tizimida jahonni rivojlangan mamlakatlari tajribalardan foydalanish imkoniyatlari vujudga keldi.

Fermer xo'jaliklarining tashkil topish va uning moddiy texnik jihatdan mustahkamlanishi tufayli qishloq xo'jalik mahsulotlarini aholi talab ehtiyojlari asosida yetkazib berishdagi ulushlari fermer xo'jaliklari hisobida oshib bordi. Surxondaryo viloyatida tayyorlanayotgan qishloq xo'jalik mahsulotlarini aholi jon boshiga o'rtacha taqsimlaganda fermerlarning ulushi viloyat dehqon xo'jaliklarida tayyorlangan mahsulotlarning jami holatini taqqoslaganda viloyat bo'yicha 2007-yilda 37,3, 2008- yilda 34,8, 2009- yilda 37,2, 2010- yilda 35,2 2011- yilda 34,5 foizni tashkil qildi.

Shunga ko'ra Qiziriq tumanida 9 ta shirkat xo'jaliklari uyushmasi, 284 ta fermer xo'jaliklari, 11 ta fermer xo'jaliklari uyushmalari, 963 ta pudratchilarning asosiy qismi paxta tayyorlash bo'yicha yillik rejalarini bajardilar[3;34].

Fermer va shirkat xo'jaliklari bir vaqtda faoliyat yuritgan davrda fermer xo'jaliklaridagi mehnat va mahsulot yetishtirish shirkat xo'jaligiga nisbatan ancha o'sishga erishganligi quyidagi raqamlarda ko'rish mumkin. Surxondaryo viloyat shirkat xo'jaliklari 2001-yilda 64095 tonna poliz mahsulotlari yetishtirgan bo'lsa, 2005-yilda kelib 63548 tonnaga pasaydi. Fermer xo'jaliklari 2001-yilda 3211 tonna poliz mahsulotlari yetishtirgan bo'lsalar, 2005-yilda kelib bu raqam 3788 tonnaga yetkazildi.

Shirkat xo'jaliklari 2001-yil viloyatda 48941 tonna ho'l meva topshirishgan bo'lsa, 2005-yilga kelib 44814 tonnaga kamaygan. Fermer xo'jaliklarida 2001-yil 14489 tonna ho'l meva yetishtirgan bo'lsalar, 2005 yilga kelib 16632 tonnadan oshdi[6].

Shu bilan birga, shirkat xo'jaliklari ham o'z faoliyatlarini yaxshilab, davlatga ko'proq mahsulot yetkazib bera boshladilar. Chunonchi, 2003-yilda Surxondaryodagi shirkat xo'jaliklarida 522857 tonna don mahsulotlari yetishtirilgan bo'lsa, fermer xo'jaliklarida bu ko'rsatkich 422946 tonnani tashkil qildi. 2005- yilda shirkat xo'jaliklari 571625 tonna don, 86672 tonna kartoshka, 235892 tonna sabzavot, 36548 tonna poliz mahsulotlarini yetkazib berishgan bo'lsalar, fermer xo'jaliklari 466819 tonna don, 659 tonna kartoshka, 11029 tonna sabzavot, 3788 tonna poliz mahsulotlarini topshirishdi[7].

Garchi, 2003-2007-yillarda shirkat xo'jaliklari mahsulot yetishtirishni ko'paytirgan bo'lsalarda, bu tarmoq rivojlanmay qoldi. Sababi, shirkat xo'jaliklari eskicha ish yuritishdan voz kechmagan, rentabellik darajasi past, buning ustiga davlat uchun ancha qimmatga tushar edi. Shuning uchun asosiy e'tibor fermer xo'jaliklariga qaratildi.

Fermer xo'jaliklarining afzalligi Surxondaryo viloyatidagi «Surxon» suvdan foydalanuvchi fermerlar uyushmasi (SFU) misolida ko'rindi. Uyushma a'zolari 2003-yilda paxtachilik, g'allachilik, umuman barcha tarmoqlardan 2 milliard so'mdan ko'proq daromad ko'rishdi. «Surxon» SFU davlat tasarrufida bo'lgan kezlarda 8 ming tonnadan ko'proq paxta yetishtirishgan bo'lsa, fermerlik jamoalariga o'tilganidan so'ng ham mahsulot ishlab chiqarish hajmi kamaymadi. 2003- yili 2284 gektar maydonda g'o'za o'stirgan 117 ta fermerlik jamoalarining barakali mehnati tufayli dalalardan rejalashtirilgan 7750 o'rniga 9850 tonna sifatli xom-ashyo yig'ishtirib olindi[11].

«Surxon» SFU mehnatkashlari g'allachilikda ham sezilarli yutuqlarni qo'lg'a kiritishdi. 2003-yilda 5900 tonna don yetishtirilib, belgilangan reja ortig'i bilan uddalandi. Donning bir qismi uni yaratgan

dehqonlarga bo‘nak sifatida, bir qismi esa ish haqi sifatida tarqatildi. Faqat g‘allachilikning o‘zidan 347 million so‘mdan ko‘proq daromad ko‘rildi[8].

Fermer xo‘jaliklari erishayotgan yutuqlar viloyat hududida fermer xo‘jaliklarini tashkil etish sur‘atlarini tezlashtirdi. Surxondaryo viloyatida 2001-yili 3438 ta fermer xo‘jaligi tashkil etilgan bo‘lsa, bu ko‘rsatkich 2005-yilda kelib 6677 taga yetdi. Viloyatda fermer xo‘jaliklarining yer maydoni ham ko‘payib, 2001-yilgi 69827 gektardan 2005-yilgi 256865 gektarga yetdi. Statistik ma‘lumotlarga qaraganda, 2005-yilda fermer xo‘jaliklarining jami sug‘oriladigan ekin maydonlari 135516 gektarni tashkil etib, shundan 57034 gektariga donli ekinlar, 72141 gektar yerga paxta ekildi[9].

Surxondaryo fermerlari O‘zbekiston g‘alla mustaqilligini ta‘minlashda katta hissa qo‘shishdi. Ma‘lumki, yurtimiz mustaqillikka erishgan kundan boshlab oziq-ovqat xavfsizligiga alohida e‘tibor qaratdi. Buning uchun agrar sohada paxta yakka hokimligidan voz kechilib, paxta maydonlari 2 million gektardan 1,5 million gektarga qisqartirildi, donli ekinlar maydoni 1,2 millionga gektarga kengaytirildi[4].

Respublikamizda o‘tkazilgan islohotlar natijasida fermer xo‘jaliklari qishloq xo‘jaligi mahsulotlarining barcha turlarini yetishtirib, yurtimiz dasturxonini to‘kin bo‘lishiga hissa qo‘shdilar. Fermerlar son jihatdan ko‘payib, 2006-yilda Respublika bo‘yicha 190 mingga yaqinlashdi. Ularda jalb etilgan qishloq xo‘jaligi mutaxassislarining umumiy soni 1,4 million kishiga yetdi. Birgina 2006-yilning o‘zida 666 ta shirkat xo‘jaligini qayta tashkil etish hisobidan 74 mingta fermer xo‘jaligi tuzildi, ularning yarmidan ko‘pi mevasavzavotchilikka ixtisoslashdi. Mevasavzavotchilik bilan shug‘ullanadigan 200 ta agrofirma tashkil etildi[2;162].

Surxondaryo viloyat fermer xo‘jaliklari lizing kompaniyasi xizmatlaridan unumli foydalandilar. Birgina 2009-yilning 4 oyi ichida viloyatga 800 tadan ziyod texnika olib kelindi. Aytish kerakki, lizingga harid qilinadigan texnika vositalari to‘lov muddati uzaytirildi. Fermer oladigan texnikasi

qiymatining 25 foizini oldindan to‘laydi. Qolgan qismini o‘n yil muddatda peshma-pesh uzib boradi[12].

O‘z-o‘zidan tushunarlikli, eng ilg‘or ish usuli ham sohada so‘nggi bir necha o‘n yillarda to‘plangan muammolar girdobidan olib chiqishga qodir emas. Buning uchun ham uquv, bilim, yangicha dunyoqarash va albatta, fidoyilik talab qilinadi. Yangicha sharoitda klaster tizimini rivojlantirish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 17-apreldagi PF-5708 son «Qishloq xo‘jaligi sohasida davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida» gi Farmoni qabul qilindi[1]. Mazkur Farmonda «agrobiznesning klaster modelini keng joriy etish chora-tadbirlarini amalga oshirish, klasterlash jarayonining tashkiliy-huquqiy va iqtisodiy asoslarini takomillashtirish, qishloq xo‘jaligi tarmoqlarida klasterlarni tashkil etish va rivojlantirish bo‘yicha investisiya loyihalarini amalga oshirishga ko‘maklashish» muhim vazifalardan biri sifatida belgilandi. Bu esa klasterlarni shakllantirish bilan bog‘liq normativ-huquqiy, tashkiliy-texnologik, moliyaviy-iqtisodiy va boshqa masalalarning ilmiy-uslubiy yechimlarini topishning dolzarbligidan dalolat beradi[5;3].

Garchi paxta-to‘qimachilik klasterlarimiz tashkil etilganidan buyon hali ko‘p vaqt o‘tmagan bo‘lsa-da, ularning aholi turmush darajasini oshirishdagi ahamiyati yaqqol sezilyapti. Ilgarilari, fermerlar bevosita «O‘zpxatasanoat» bilan shartnoma tuzib, ularni paxta tolasi bilan ta‘minlab berar, «O‘zpxatasanoat»dan esa to‘qimachilik korxonalarini paxta sotib olardi. Endilikda fermer va to‘qimachilik korxonasi o‘rtasida uzviylik paydo bo‘lmoqda. Klaster tizimi ikkita yo‘nalishda tashkil qilindi. Birinchisi, fermerlar va to‘qimachilik korxonalarini o‘rtasida bevosita shartnoma. Ikkinchi, salmog‘i yuqori bo‘lgan to‘qimachilik korxonalarini fermerlikni o‘zi shakllantirmoqda.

Surxondaryo viloyatida klaster tizimini rivojlantirish uchun tashkil etilgan 10 ta paxta-to‘qimachilik klasterlariga jami 72370 gektar yer ajratildi. Paxta va to‘qimachilik faoliyatini rivojlantirish bilan bir qatorda 8 ta g‘allachilik klasterlari uchun esa, jami 90800 gektar yer

berildi. Ushbu klasterlar boshqa qishloq xo'jaligi ekinlarni yetishtirish bilan birga, go'sht va sut mahsulotlarini ishlab chiqarish hamda ularni qayta ishlashga ham ixtisoslashtirildi[10].

Jumladan, Surxondaryo viloyatidagi "Bandixon tekstel klaster" MCHJ, "Surxon Kotton Tekstel Klaster Kizirik" MCHJ, Sho'rchi "INDENIM Culuster" MCHJ singari Tashabbuskor MCHJlar 2021 yilda viloyat agrosanoat sohasida birinchi klaster sifatida tashkil etildi[13].

O'zbekistonda klasterlarni tashkil natijasida joylardagi fermer xo'jaliklari yer maydonlarida intensiv texnologiyalarni ishlab chiqarishga keng jalb etish orqali paxtadan yuqori hosil olish hamda fermer xo'jaliklari iqtisodiyotini barqarorlashtirishga erishildi. Tashkil etilayotgan klaster tizimi xom ashyo yetishtirishdan uni tayyor mahsulotga aylantirishgacha bo'lgan jarayonni qamrab oladi. Buning natijasida xo'jaliklar texnik ta'minotini yaxshilash, paxtachilikdagi ilg'or usullarni joriy qilish orqali yil yakunida ajratilgan yer maydonlaridan belgilangan rejadan ko'proq paxta hosili yig'ib olindi. Bundan tashqari, yuqorida nomlari zikr etilgan tashabbuskor klasterlarda paxta hosilini qayta ishlash va tayyor mahsulotga aylantirish maqsadida ip-yigiruv fabrikalari qurilishi rejalashtirilgan. Paxta xom ashyosini qayta ishlash natijasida olinadigan tayyor mahsulotning asosiy qismi eksportga yo'naltiriladi. Bunda qishloq xo'jaligi, ayniqsa, paxtachilik tarmog'i sanoatlashadi, davlatning ekport salohiyati ortadi, ish o'rni ko'payib, xalqning turmush farovonligi yuksaladi.

Klasterlar faoliyati sustlashuviga tegishli idoralarning aralashuvi ham sabab bo'lmoqda. Masalan, Vazirlar Mahkamasining «Paxta-to'qimachilik klasterlari faoliyatini tashkil etish tartibi to'g'risida»gi nizomga muvofiq yangi paxta-to'qimachilik klasterlari tashkil etiladigan hududlar har yili 20-avgustga qadar mas'ul idoralarning rasmiy veb-saytlarida e'lon qilinishi va arizalar 1-oktabrga qadar ko'rib chiqilishi belgilangan. Tartibga binoan, faoliyati tugatilayotgan paxta-to'qimachilik klasterlari tugatilayotgan yildagi mavsum

bo'yicha paxta hosilini to'liq yig'ib (sotib) olishga ruxsat beriladi. Xususan, 2019-yilda Jarqo'rg'on va Qumqo'rg'on tumanlaridagi 15 ming 582 ming gektar yer maydoni "Termiz Jayxun Cluster" klasteriga biriktirib berilgan edi. Klaster tashkil etilganidan buyon barcha investision loyihalar va bank hamda fermer xo'jaliklari oldidagi majburiyatlarni to'liq bajarib kelayotgan edi. Ammo 2022-yilning mart oyida paxta-to'qimachilik klasterlari faoliyatini muvofiqlashtirish respublika komissiyasining yig'ilish bayoni bilan Qumqo'rg'on tumanidagi unga biriktirilgan yerlar boshqa klasterga o'tkazib yuborildi. Klaster tomonidan tortib olingan yerlarga 2022- yilning hosili uchun 1 noyabrdan fermer xo'jaliklari bilan f'yuchers shartnomasi imzolab, uni moliyalashtirib, agrotexnika: yer tekislash, shudgorlash, chigit tayyorlash kabi ishlar olib borgan. Ushbu xarajatlar uchun klaster hisobidan 34 milliard 500 million so'm chiqim qilingan bo'lsa-da, yer ajratilgan klaster yoki hukumat tomonidan qoplab berilmagan. Buning ustiga hosilni yig'ib olishga ham ruxsat berilmagan. Achinarli tomoni, klaster ma'muriyati yerni olib qo'yish sabablarini bilish va o'z qonuniy manfaatlarini himoya qilishni so'rab Savdo-sanoat palatasiga, paxta-to'qimachilik klasterlari uyushmasiga va huquqni muhofaza qiluvchi organlarga arz qilgan, lekin ularning bari sudga murojaat qilishni tavsiya qilish bilan cheklangan. Yiliga paxta-to'qimachilik klasterlari uyushmasiga a'zolik badali sifatida 100 million so'm to'lagan bo'lsa-da, uyushma klasterga hech qanday yordam bermagan[14]. Bunday holatlar yerga, mulkka bo'lgan egalik huquqining poymol etilishi va ishbilarmonlarning moddiy qiziqishi susayishiga sabab bo'lmoqda.

Xulosa qilganda, bugungi qishloq xo'jalik taraqqiyotida fermer xo'jaliklari va klaster tizimining o'rni beqiyos ekanligini ta'kidlamoq lozim. Zero xo'jaliklarning ushbu shakllari moddiy manfaatdorlik asosida qurilib, jamiyatning iqtisodiy rivojlanishiga muhim hissa qo'shadi. Viloyatning barcha tumanlarida amalga oshirilayotgan agroklastertizimi tuman iqtisodiyotiga munosib hissa qo'shishi bilan birga qishloq xo'jaligi

mehnatkashlari turmush darajasini | ko'tarilishiga zamin yaratdi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 18.04.2019 y., 06/19/5708/2962-son.
2. Karimov I.A. Bunyodkor xalqimiz azmu shijoatining amaldagi ifodasi. Asarlar to'plami, 15 jild. –Toshkent: O'zbekiston. –2007. –B. 162.
3. Norqobilov A., Alimov Ch. Yurtparvarlar yurti: Qiziriq tumani hayotidan lavhalar. – B. 34
4. O'zbekiston Milliy arxivi, 1619-fond, 2-ro'yxat, 62-hujjat, 154-varaq.
5. Qishloq xujaligida klaster tizimini rivojlantirish: tajribalar, natijalar va istikbolli yunalishlar. Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari. 2019 yil 24 may: - Buxoro : "Sadriddin Salim Buxoriy" Durdona nashriyoti, 2019. –B. 3.
6. Surxondaryo viloyat hokimligi Iqtisodiyot va statistika bosh boshqarmasi. Ikkinchi kitob. –Termiz, 2010. –B. 48.
7. Surxondaryo viloyat hokimligi Iqtisodiyot va statistika bosh boshqarmasi. Ikkinchi kitob. –Termiz, 2010. –B. 32, 52.
8. Surxondaryo viloyat hokimligi joriy arxivi. 4-bayonnoma, 13-hujjat, 2004 yil, 2 fevral. –B. 3.
9. Surxondaryo viloyat hokimligi joriy arxivi. 6-bayonnoma, 3-hujjat, 2010 yil, 10 iyun. –B. 43.
10. Surxondaryo viloyat hokimligi joriy arxivi, 1-bayonnoma, 1-hujjat, 2020 yil, 5-yanvar. – B. 8.
11. Jarqo'rg'on tuman hokimiyati joriy arxivi. 2000-2010 yillar. 4-kitob. –B.13.
12. «Surxon tongi» gazetasi. 2009 yil 18 may.
13. <https://adolat.uz/news/klaster-iqtisodiyotning-barcha-tarmogi-uchun-istiqlol-nashidasi>
14. <https://daryo.uz/k/2022/09/19/surxondaryoda-klasterga-biriktirilgan-yerlar-qonunga-zid-ravishda-olib-qoyilgani-aytilmoqda/>

SURXONDARYO VILOYATIDA TIBBIYOT TIZIMINI KADRLAR BILAN TA'MINLASH MUAMMOLARI VA TIZIMDAGI ISLOHOTLAR

Xujanazarov Absalom Ziyadullayevich,
Termiz davlat universiteti katta o'qituvchisi

Annotatsiya. Maqolada mustaqillik yillarida Surxondaryo viloyatida tibbiyot tizimini kadrlar bilan ta'minlash muammolari va tizimdagi islohotlar masalasi yoritilgan. Shuningdek, aynan tibbiyot sohasida mutaxassislar tayyorlash jarayonida viloyatda amalga oshirilgan tizimli ishlar, shu asosda tibbiy kadrlar soni va salmog'ini oshirish sohasida amalga oshirilgan chora-tadbirlar ham bayon etilgan.

Kalit so'zlar: tibbiyot sohasi, kadrlar tayyorlash, shifokor, hamshiralar, tibbiy-sanitariya xodimlari, tor doiradagi mutaxassislar, davolash profilaktika muassasalari.

Аннотация. В статье описаны проблемы кадрового обеспечения медицинской системы Сурхандарьинской области в годы независимости и реформирования системы. Также была описана системная работа, проводимая в регионе при подготовке специалистов в области медицины, и принимаемые на этой основе меры в сфере увеличения численности и веса медицинских кадров.

Ключевые слова: медицинская сфера, подготовка кадров, врач, средний медицинский персонал, медико-санитарные работники, узкий круг специалистов, лечебно-профилактические

учреждения.

Annotation. The article describes the problems of staffing the medical system in the Surkhondaryo region during the years of independence and reforms in the system. Also, the systematic work carried out in the region during the training of specialists in the field of medicine, and the measures taken in the field of increasing the number and weight of medical personnel on this basis, were also described.

Key words: medical field, personnel training, doctor, nurses, medical and sanitary workers, narrow range of specialists, treatment and prevention institutions.

Kirish. Yangi O'zbekiston sharoitida inson qadri va salomatligi yo'lida amalga oshirilayotgan keng ko'lamlı islohotlar asosida tibbiyot tizimida ham ulkan o'zgarishlar amalga oshirildi. Ayniqsa, respublikada onalik va bolalikni muhofaza qilish, aholini o'rtacha umr ko'rish darajasini oshirish, aholini dori-darmon vositalari bilan ta'minlash, tibbiyotda xususiy sektorning o'rnini oshirish, zamonaviy tibbiy diagnostika va davolash vositalarini sohaga tadbıq qilish bilan bog'liq qator ijobiy ishlar amalga oshirilmoqda. Shuningdek, tibbiyot tizimini kadrlar bilan ta'minlash ham alohida dolzarb masala hisoblanadi.

Mustaqillik yillarida tibbiyot sohasida mutaxassislar tayyorlash jarayonida ulkan ishlar amalga oshirildi. Shu asosda tibbiy kadrlar soni va salmog'ining oshishiga erishildi. Sovet hukumati yillarida respublikada aholiga xizmat ko'rsatayotgan vrachlar soni ko'p bo'lishiga qaramay ular tomonidan amalga oshirilgan ishlarning samarasi mavjud raqamlarga mutloqo mos kelmas edi. Buni quydagi misolda ham ko'rish mumkin. Jahon amaliyotining dalolat berishicha, tibbiy xizmat ko'rsatish sifati faqat kasalxonalaridagi o'rinlar va vrachlar soni bilangina o'lchanmaydi.

Tahlil va natijalar. Surxondaryo viloyatida XX asrning 90-yillargacha tibbiy xizmat sohasida erishilgan darajani mustaqillik yillarida saqlab qolish va uni zamon talablari darajasida isloh qilish, o'tish davrining muhim va o'ta dolzarb vazifalaridan biriga aylandi. Bu

davrda respublika aholisining yetuk malakali tibbiy xodimlar bilan ta'minlash borasida ham anchagina muammolar to'planib qolgan edi. Shu bilan birga, respublikaning olis va yetib borish qiyin bo'lgan hududlarida umumiy amaliyot vrachlari hamda tor mutaxassislarning yetishmasligi, tibbiyot ta'lim muassasalaridagi zarur bo'lgan amaliy tayyorgarlikning yetarli bo'lmayotganligi, shuningdek, uzluksiz kasb-hunar ta'limini tashkil etishning zamonaviy shakl va uslublarining sust joriy etilishi tibbiyot va farmasevtika kadrlarini tayyorlash, o'rta muddatli davrda uni rivojlantirishning istiqbolli yo'nalishlarini belgilash tizimini yanada takomillashtirish bo'yicha kechiktirib bo'lmaydigan chora-tadbirlar qabul qilinishini talab etadi.

Ayniqsa sohada yuqori malakali kadrlar tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish, uning institutsional, o'quv-pedagogik salohiyatini kuchaytirish, tibbiyot o'quv yurtlarining o'quv jarayonini xalqaro standartlarga mos ravishda tashkil etish, aholi salomatligini muhofaza qilish, rehabilitologiya va sport tibbiyoti sohasida dolzarb muammolar bo'yicha ilmiy tadqiqotlarni tizimli olib borish, shuningdek, hududlar aholisiga tibbiy yordam ko'rsatish sifati yanada oshirish masalalari o'tkirlashib bormoqda edi.

Shu sababdan ham tibbiy-sanitariya xodimlarini kasbiy rivojlantirish tizimini yaxshilash, sohada yetuk va chuqur bilimga ega kadrlarni zamonaviy ta'lim standartlari asosida tayyorlash, tibbiyot tashkilotlari, ayniqsa birlamchi tibbiy-sanitariya yordami muassasalarini professional mutaxassislar bilan ta'minlash, tibbiyot ta'lim muassasalari professor-o'qituvchilarining mavqeini oshirish masalasi kun tartibiga qo'yildi.

Shu davrda tibbiyot sohasida amalga oshirilayotgan islohotlarni asosan ambulatoriya-poliklinika, qishloq vrachlik punktlarini rivojlantirishga qaratilishi lozim ekanligi anglab yetildi.

O'rganilayotgan davrda Surxondaryo viloyatida asosan tibbiyot mutaxassislariga bo'lgan e'tibor mustaqillik yillarida bir muncha o'sdi. Ularning tajribalari umumlashtirilib, Respublika ilmiy-uslubiy

markazlari bilan aloqasi mustahkamlandi. Viloyat sog'liqni saqlash tizimida 1991-yilda 4100 nafar oliy ma'lumotli shifokor ishlagan bo'lsa, 1992-yilga kelib bu ko'rsatkich 4310 nafarga yetdi. Jumladan, birgina Oltinsoy tumani misolida oladigan bo'lsak, tumanda 1991-yilda 188 ta oliy ma'lumotli vrach ishlagan bo'lsa, 1995-yilga kelib ularning soni 210 taga yetdi [1]. Tibbiyot xodimlarining soni oshib borishi aholiga bo'lgan xizmatni yaxshilash bilan birga, yangi davolash bo'limlarining tashkil topishiga, tibbiyot xizmati sifatini oshirishga ham imkoniyat yaratdi.

1992-1993-yillarda viloyat aholisi sonining o'sishi barobarida aholiga ko'rsatilayotgan tibbiy xizmatlarning ham salmog'i ortib bordi.

Mustaqillik yillarida tumanda tibbiyot mutaxassislariga bo'lgan e'tibor o'sib, ularning tajribalari umumlashtirilib, respublika ilmiy-uslubiy markazlari bilan aloqasi mustahkamlandi. Viloyat sog'liqni saqlash tizimida 1990-yili 3399 nafar oliy ma'lumotli shifokor ishlagan bo'lsa, 1991-yilga kelib, 3549 taga yetdi [2]. Tibbiyot xodimlarining soni oshib borishi aholiga bo'lgan xizmatni yaxshilash bilan birga yangi davolash bo'limlarining tashkil topishiga, tibbiyot xizmati sifatini oshirishga sharoit yaratdi.

Xususan, o'rta tibbiyot hodimlarini tayyorlashda Termiz, Denov, Sherobod tibbiyot bilim yurtlarining hissasi katta bo'ldi. Shuningdek, Toshkent va Samarqand tibbiyot institutlari tumanda tibbiyot xodimlarini malaka oshirishi va uslubiy ishlarini yaxshilashda amaliy yordam berdi [3].

Mustaqillik sharofati bilan 1992-yilga kelib tibbiyot sohasiga bo'lgan e'tibor yanada kuchaydi, tumandagi ko'pgina kasalxonalar qayta ta'mirdan chiqarildi. Aholiga ko'rsatilayotgan tibbiy xizmatni yaxshilash maqsadida xorijiy mamlakatlardan zamonaviy tibbiyot asbob-uskunalarini keltirildi. Viloyat aholisining har 10 ming kishisiga 1992-yilda 81,5 foiz o'rindiqlar to'g'ri kelgan bo'lsa, 1993-yilga kelib 79,3 foizni tashkil etdi. Bu ko'rsatkich Jarqo'rg'onida 57,1 foizni tashkil etdi [4].

Jarqo'rg'on tumanining ijtimoiy-iqtisodiy, ma'naviy va madaniy sohalarida qo'lga kiritgan yutuqlarida, shubhasiz iqtidorli, bilimli, jonkuyar vrachlar tibbiyot ravnaqi uchun halol va vijdonan mehnat qilib, elimiz hurmatiga sazavor bo'ldi. Jumladan, M.Nurmatov, G.T.Xudoyberdiyev, X.Mamatqulov, Ya.Qodirov, R.Shokirova, Q.Xolmo'minov, X.Tojimurodov va M.Xolmatovlar hamda 2-darajali "Sog'lom avlod uchun" ordeni sohibi R.To'xtamisheva, "Shuhrat" medali sohibasi J.Rahmonovlarga o'xshagan yuzlab shifokorlar bunga misol bo'ladi [5].

Viloyatning tumanlari shifoxonalari va poliklinikalarida faoliyat yuritayotgan oliy ma'lumotli vrachlar soni yildan-yilga ma'lum darajada o'sdi, biroq, ularning mehnatini moddiy rag'batlantirilishi pastligi, moddiy manfaatdorlikning yo'qligi mutaxassislarning ishlashi va yashashi uchun yetarli darajada imkoniyatlar yetishmasligi tufayli aholiga ko'rsatilayotgan tibbiy xizmatning sifatini ham pasayishiga sabab bo'ladi. Bu esa sohada jiddiy o'zgarishlar qilishni talab etadi. Ayniqsa, yosh mutaxassislarni rag'batlantirish, ularni yetirli darajada qo'llab-quvvatlanmaganligi, kadrlar bilan ishlashning o'z holiga tashlab qo'yilishi natijasida yosh xodimlarning ishga bo'lgan qiziqishi susayib qolmoqda edi.

Shu davrda soha vakillarining o'zrao tajriba almashishi borasida ham hal qilinishi lozim bo'lgan bir qancha vazifalar mavjud edi. Jumladan, 1994-yilning 30-31-may kunlari O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligining tashabbusi bilan Andijon viloyatida tibbiyot xodimlari anjumani bo'lib, unda bozor munosabatlariga o'tish davrining eng dolzarb muammolaridan biri «Qishloq aholisiga tibbiy xizmat ko'rsatishning sifati va madaniyati, saviyasi, samarasini yanada oshirish masalasini» ko'rib chiqib, muhokama qilindi. Ushbu anjumanda Surxondaryo viloyati shifokorlaridan vakillar ham ishtirok etib, respublikaning boshqa viloyatlaridagi tibbiyot xodimlari bilan o'zaro fikr almashildi.

1996-yil viloyatning Boysun tumanida 100 o'rinli ambulatoriya-poliklinikasi va 30 o'rinli yangi davolash muassasi, Jarqo'rg'on

tumanida 180 o‘rinli ambulatoriya poliklinikasi, Qumqo‘rg‘on tumanida 120 o‘rinli ambulatoriya poliklinika, Sherobod tumanida 60 o‘rinli ambulatoriya poliklinikasi va 110 o‘rinli shifoxona, Sho‘rchi tumanida 70 o‘rinli ambulatoriya poliklinikasi qurib ishga tushirildi [6].

Yangi davr talablaridan kelib chiqqan hoda tibbiyot tizimi sohasida ham chuqur tarkibiy o‘zgarishlar ro‘y berdi. Ilgari tibbiy xizmat ko‘rsatish asosini davlat ta‘minotidagi muassasalar tashkil etgan bo‘lsa, shu bilan bir qatorda, pullik tibbiyot yoki sug‘urta tibbiyoti xizmati ham tashkil etildi.

Mustaqillik yillarida aholiga sifatli va talab darajasida tibbiy yordam ko‘rsatish yuzasidan viloyat hokimligining sog‘liqni saqlash tashkilot va muassasalari tomonidan bir qator ishlar amalga oshirildi. Qishloq infratuzilmasini rivojlantirish sohasidagi hukumat qarorlarini bajarish asnosida viloyatdagi tibbiyot maskanlarining soni va salmog‘i ham o‘sib bordi. Masalan, Boysun shahrida aholi sog‘liqni saqlash masalasida ibratli ishlar qilinib, keng tarmoqli davolash usullari joriy etildi. Boysun shahrida aholiga xizmat ko‘rsatish uchun 1998-yil 2 ta kasalxonada 90 ta vrach, 250 ta o‘rta tibbiyot xodimlari bo‘lib, kasalxonalardagi o‘rinlar soni 150 tani tashkil etilgan edi. Shaharda tez yordam stansiyasi faoliyati ham yo‘lga qo‘yilgan bo‘lib, ushbu muassasada har 10 ming aholiga 16,3 vrach, 61,3 o‘rta tibbiyot xodimlari, 27,5 kasalxona o‘rinlari to‘g‘ri kelardi [7].

Viloyat sog‘liqni saqlash boshqarmasi tizimiga qarashli davolash-profilaktika muassasalarida 2005-yilda 4020 nafar shifokor, 18073 nafar o‘rta tibbiyot xodimlari faoliyat ko‘rsatdi, ulardan 587 nafarini oliy toifali mutaxassislar tashkil etadi [8].

2005-yilda viloyat ko‘p tarmoqli tibbiyot markazida aholiga 405 o‘rin asosida xizmat qildi. Markazda shu davrda 21 ta klinik va 7 ta paraklinik bo‘limlar mavjud edi. Markazda 494 nafar tibbiyot va notibbiyot xodimlari mehnat qilishdi. Viloyat ko‘p tarmoqli tibbiyot markazida vrachlar soni 80 ta. Toifali vrachlar soni - 70 (87,5 foiz) ta shulardan oliy toifalilar 37 (52,8 foiz) ta, 1-toifalilar 33(47,1

foiz)ta, 2007-yil 14 (20 foiz) ta vrach TVMOIda o‘z malakalarini oshirdi. 2007-yilda o‘rta tibbiyot xodimlaridan 57 kishi malakasini oshirdi. 156 hamshira toifaga ega, shundan oliy toifalilari - 111 (71,1 foiz) ta, 1-toifalilar – 38(24,3 foiz) ta, 2-toifalilar 7 (4,48 foiz) tani tashkil etdi [9].

Har bir viloyat, shahar, tuman davolash profilaktika muassasalari uchun malakali mutaxassislar tayyorlash yuzasidan ham juda katta ishlar amalga oshirildi. 1997-yil 50 dan ortiq o‘rta tibbiyot xodimlari 10 dan ortiq vrachlar 1-viloyat shifoxonasida o‘z malakalarini oshirdi. Bu ko‘rsatkich 1998-yilda 60 dan ortiq hamshira va 15 dan ortiq vrach, 1999-yilda 62 ta hamshirani tashkil etdi. Xuddi shuningdek, 1-viloyat shifoxonasi bazasida Termiz tibbiyot bilim yurtini ilgari bitirgan hamshiralar yilning ikki olti oyligida terapiya va xirurgiyadan o‘z malakalarini oshirishi amalga oshirildi.

Viloyat ko‘p tarmoqli tibbiyot markazida 2007-yilda jami vrachlar soni 81 tani tashkil qildi. Shulardan oliy toifalilar 39 (48 foiz), birinchi toifalilar 34 (42 foiz), qolgani yoshlar edi. Hamshiralar esa 274 ta, oliy toifalilari 111 (40 foiz), birinchi toifalilar 38 (13,8 foiz), ikkinchi toifalilar 6 (2,1 foiz) qolgani yoshlarni tashkil etdi [10]. Shu davrda markaz xodimlarini xorijda malakasini oshirish masalalariga ham jiddiy e‘tibor qaratildi.

Viloyat ko‘p tarmoqli tibbiyot markazining Neyroxirurgiya bo‘limi vrachi B.O‘. G‘ulomov Rossiya Federativ Respublikasi Moskva shahridagi Akad. N.N.Burdenko nomidagi Ilmiy Tekshirish Institutining neyroxirurgiya kafedrasiga mutaxassisligi bo‘yicha, Jaroxat oqibatlarini va ortopediya bo‘limi boshlig‘i, oliy toifali travmatolog-ortoped T.R. Raxmonov esa Ukraina Respublikasi Xarkov vrachlar malakasini oshirish instituti travmatologiya ortopediya kafedrasiga malakalarini oshirib kelishdi [11].

Viloyat ko‘p tarmoqli tibbiyot markazida 84 ta oliy ma‘lumotli vrach, provizor, notibbiyot xodimi, 3 hisobchi, 274 ta o‘rta tibbiyot xodimi, 130 kichik tibbiyot xodimlari va 45 ta har xil ish qiluvchi xodimlar ishlashadi. Jami vrachlar soni 73 ta (90 foiz)

vrachlari toifalangan, shulardan 39 (48 foiz) oliy toifali vrach, 34 (42 foiz) tasi birinchi toifali, 8 (10 foiz) toifasiz yangi kelganlar. 274 ta o'rta tibbiyot xodimlaridan 155 (56,5 foiz) o'z toifalariga ega. Oliy toifadagilari 111 (40,3 foiz) tashkil qilsa, birinchi toifadagilar 38 (13,8 foiz), ikkinchi toifadagilar 6 (2,1 foiz) tashkil qildi [11]. Shuningdek, markazning 64 o'rta tibbiyot xodimlari 2007-yil davomida Respublika hamshiralarning malakasini oshirish markazining Termiz filialida malakasini oshirib kelishdi va reja 108 foiz bajarildi. 17 ta mutaxassis Respublikaning Toshkent, Samarqand, Farg'ona shaharlarida anjuman va kengashlarda ishtirok etishdi.

Surxondaryo viloyati sog'liqni saqlash tizimida ko'p yillik halol mehnatlari va xalq salomatligi yo'lida xizmat qilgan xodimlarni rag'batlantirish masalasi ham shu davrda muntazaam yo'lga qo'yib borildi. Masalan, X.M. Xo'jayarov Sog'liqni saqlash a'lochisi, "O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan vrach", Sh.A.Raupov Sog'liqni saqlash a'lochisi, Sh.X.Xolliyev - Sog'liqni saqlash a'lochisi va Shuhrat medali sohibi, Q.I.Ikromov - Sog'liqni saqlash a'lochisi, B.X.Xudoyarov - Sog'liqni saqlash a'lochisi va shuhrat medali sohibi, A.B.Ubayev - Sog'liqni saqlash a'lochisi ko'krak nishonini olishdi [12].

O'rganilayotgan davrda tibbiyot muassasalarini tor doiradagi mutaxassislar bilan ta'minlash yuzasidan ham sezilarli ishlar ham amalga oshirildi. Buni viloyat ko'p tarmoqli tibbiyot markazi misolida ham ko'rish mumkin. 2008-yilda mazkur muassasada terapevtlar 5 ta, pulmonologlar 2 ta, gastroenterologlar 5 ta, nefrologlar 2 ta, allergologlar 4 ta, gematologlar 2 ta, dietolog 1 ta, fizioterapevt 1 ta, funksional diagnostika vrachi 2 ta, anesteziolog 6 ta, travmatolog 5 ta, urolog 3 ta, endoskopist 1 ta, proktolog 3 ta, stomatolog xirurg 4 ta, akusher-ginekolog 2 ta, rentgenolog 2 ta, UTT vrachi 1 ta, lor 5 ta, nevropatolog 6 ta, laborant vrachlar 3 ta, kombustsiologlar 4 ta, patanatom 1 ta, provizor 1 ta, revmatolog 1 ta, qabul xona vrachi 1 ta, jami 84 ta vrach, mutaxassislar bemorlariga 30 turdagi tibbiy yordam ko'rsatib kelishdi, shu asosda aholiga xizmat qilayotgan tibbiyot xodimlarining 92 foiz ni toifali vrachlar

tashkil qildi [13].

O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash vazirligi, Surxondaryo viloyat sog'liqni saqlash boshqarmasi tomonidan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2008-yil 29-fevraldagi "Yoshlar yili Davlat dasturi to'g'risida"gi PQ-805 sonli qarori asosida o'tkazilgan "Eng yaxshi tibbiyot muassasi" nominatsiyasi viloyat bosqichi sovrindori diplomi bilan Viloyat ko'p tarmoqli tibbiyot markazimiz taqdirlandi, bundan tashkari viloyat sog'liqni saqlash boshqarmasining "Eng yaxshi vrach" nominatsiyasi bo'yicha nurlil diagnostika bo'limi boshlig'i U.Bekmirzayev "Eng yaxshi hamshira" nominatsiyasi bo'yicha: Abdominal xirurgiya bo'limi katta hamshirasi G.Mirzayeva, rentgen xonasi rentgen laboranti T.Salimovlar, "Eng yaxshi farrosh" nominatsiyasi bo'yicha sterilizatsiya bo'limi farrosh O.Nabiyeva, kon tomirlari xirurgiyasi bo'limi bekasi X.Guchchiyeva, gematologiya bo'limi bekasi R.Annayevalar diplom va sovrinlar bilan taqdirlandilar [14].

2008-yil aprel oyida "Hamshira-2008" "Mehribon sanitarka" hamda 12-may Xalqaro hamshiralalar kuni munosabati bilan ko'rik tanlov konkursi tantanali ravishda o'tkazildi. 2009-yilda 21 ta vrach Toshkent Vrachlar malakasini oshirish institutida o'z mutaxassisligi bo'yicha malakasini oshirdilar. Termiz o'rta tibbiyot va farmasevtika xodimlarini malakasini oshirish texnikumida 64 ta o'rta tibbiyot xodimi o'z mutaxassisliklari bo'yicha malakalarini oshirdilar.

2009-yilning aholini ijtimoiy himoya qilish aniq maqsadga yo'naltirilgan choratadbirlar kompleksini amalga oshirish, aholiga ko'rsatilayotgan tibbiy yordam sifati va samarasini yanada yaxshilash hamda jahon andozalari darajasiga ko'tarish uchun ixtisoslashtirilgan tibbiy markazlarni tashkil qilish maqsadida qabul qilingan viloyat hokimining 2009-yil 22-iyundagi 96-sonli qarorining ijrosini taminlash maqsadida quyidagi o'rinlar tasdiklandi «Ortopediya va travma asoratlari davolash markazi» 50 o'rinda va Ixtisoslashtirilgan xirurgiya markazi jami o'rin soni shifoxona bo'yicha 325

o‘rin tashkil qildi, shundan: xirurgiya o‘rinlari 190 va 155 o‘rin terapiya bo‘limlariga taalluqlidir.

Shu davrda tibbiyot muassasasida 84 kishi oliy ma‘lumotli, ulardan 80 tasi vrach, 1 ta provizor, 1 kishi notibbiy ma‘lumotga ega, 3 ta hisobchi. 274 ta o‘rta tibbiyot xodimi. 130 kishi kichik tibbiyot xodimlar va 45 kishi boshqalar tashkil qildi. Muassasadagi jami vrachlar soni 81 ta bo‘lib, shulardan: 73 (90 foiz) ta vrachlar toifalangan ya‘ni, 39 (48 foiz) ta vrach - oliy toifali 34 (42. foiz) ta vrach - I toifali 8 (10 foiz) ta vrach – toifasiz, jami o‘rta tibbiyot xodimlari 274 ta shulardan: 155 (56,5 foiz) tasi toifaga ega edi. Oliy-111 (40.3 foiz) kishi I toifa-38 (13,8 foiz) kishi II toifa-(2,1 foiz) kishi. 119 (43,4 foiz) ta - toifasiz 2007-yil davomida vrachlar malakasini oshirish rejasida 20 ta bo‘lib, 12 ta vrach mutaxassisligi bo‘yicha malakasini oshirib keldi. Bajarilishi 75 foiz ni tashkil qildi [15].

2010-yil davomida 64 ta o‘rta tibbiyot xodimlari Respublika tibbiy va dorishunos xodimlar malakasini oshirish. markazining Termiz filialida malakasini oshirishdi. 17 ta mutaxassis Respublikamiz Toshkent, Samarqand, Farg‘ona shaharlarida anjuman va kengashlarda ishtirok etishdi [16].

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2002-yil 15 iyundagi 242-sonli «Oilada tibbiy madaniyatni oshirish, onalar va bolalar sog‘lig‘ini muhofaza qilish ustivor yo‘nalishlari to‘g‘risida»gi qarorini bajarish hamda «Nikohlanuvchi shaxslarni tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish to‘g‘risida»gi 365-sonli qarorlarini keng targ‘ib qilish, uyma-uy yurib patranaj ishlarini o‘tkazish maqsadida yil davomida mutaxassislardan viloyatning tumanlariga 66 ta mutaxassis xizmat safariga jo‘natildi.

O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirligining 2007-yil 1-fevral №50 buyrug‘i «Oliy hamshiralik ishi», o‘rta tibbiyot va farmasevt mutaxassis xodimlar malakasini oshirish va qayta tayyorlash tizimini takomillashtirish to‘g‘risidagi qarori va buyruqlariga asosan 2010-yilda mazkur markazning xodimlari quyidagi tartibda toifalandi. 2011-yil davomida 108 ta o‘rta tibbiyot xodimlari Respublika tibbiy va

dorishunos xodimlar malakasini oshirish markazining Termiz filialida malakasini oshirib kelishdi, davomida 120 foiz ga reja bajarildi. 20 ta mutaxassis Respublikaning Toshkent, Samarqand, Farg‘ona shaharlarida anjuman va kengashlarda ishtirok etib keldilar.

2015-yilda Termiz shahrida shifoxonalar soni 19 ta bo‘lgan bo‘lsa, 2016-yilda esa 21 taga yetdi. Ushbu davro maskanlarida 2016-yilda 1139 nafar shifokor, 4282 nafar hamshiralar faoliyat yuritdi. Biroq Surxon vohasida hamon oliy ma‘lumotli tibbiy xodimlar yetishmaydi. Shu boisdan ham Toshkent tibbiyot akademiyasi Termiz filialining tashkil etilishi bu boradagi mavjud muammolarning amaliy yechimini topishda dastlabki qadamlardan biri bo‘ldi.

2018-yildan viloyat kasalxonasi ko‘p tarmoqli tibbiyot markazi deb atala boshladi. Shu davrda markazda 400 koykaga mo‘ljallangan o‘rin bo‘lib, 17 ta klinik, 5 ta paraklinik bo‘limlar mavjud edi.

Markazda jami 647 ta tibbiyot xodimi faoliyat yuritib keladi. Shulardan jami: vrachlar-98 ta, 294 ta hamshira, kichik tibbiyot xodimi-210 ta, boshqa ishchilar 45 tani tashkil kiladi. Shulardan oliy toifali vrachlar-42 ta, 1-toifa-10 ta, 2-toifa-11 ta, 3-toifa 3 ta Jami hamshiralar-194 ta, shulardan, oliy toifa-120 ta, 1-toifa-23 ta, 2-toifa – 51 tani tashkil kildi [17].

Viloyat ko‘p tarmoqli tibbiyot markazi 2020-yil davomida 645 ta tibbiyot xodimi faoliyat yuritib keladi. Shulardan jami: vrachlar - 98ta, 294 ta hamshira, kichik tibbiyot xodimi - 208, boshqa ishchilar 45 tani tashkil qiladi.

Mustaqillik yillarida viloyat tibbiyot sohasini mutaxassis kadrlar bilan ta‘minlash borasida ham bir qancha muammolar saqlanib qoldi. Jumladan, qishloq vrachlik punktlarida patronaj hamshiralarning faoliyati yetarli darajada yo‘lga qo‘yilmadi, shuningdek, zamonaviy tibbiyot asbob-uskunalarni ishlata oladigan mutaxassislar tayyorlash ishlari ham talab darajasida emas edi. Shu sababli ham viloyat aholisi o‘rtasida ayrim kasalliklarning ko‘payishi jarayoni sodir bo‘ldi. Respublikada 2016-yildan e‘tiboran sog‘liqni saqlash sohasida olib borilayotgan islohotlar o‘zining

sifat bosqichiga qadam qo'ydi. Birgina 2017-yilda sohani yanada rivojlantirish hamda tibbiy xizmatlar ko'lamini va sifatini oshirishga qaratilgan 30 ga yaqin rasmiy hujjatlar qabul qilindi; ushbu normativ hujjatlar asosida Viloyat tibbiyot tizimi sohasida ham ko'plab amaliy ishlar yo'lga qo'yildi. Jumladan, qishloq vrachlik punktlari optimallashtirildi va ularda faoliyat ko'rsatadigan tibbiyot xodimlarini xizmat uy-joyi bilan ta'minlash tartibi ishlab chiqildi, «Elektron poliklinika» tizimiga bosqichma-bosqich o'tilishi boshlandi, shifokorlarga 2,0 stavkada ishlash va nafaqalarini to'liq olishga ruxsat berildi; shifokorlarning xususiy tibbiyot amaliyoti bilan shug'ullanishi mumkin bo'lgan xizmat turlari 50 tadan 126 taga ko'paytirildi, dori vositalari va tibbiy buyumlarni ro'yxatdan o'tkazish muddatlari ancha qisqartirildi.

Respublikada ijtimoiy dorixonalar tarmog'i va tibbiy tez yordam shahobchalari faoliyati keng yo'lga qo'yildi.

Xulosa qiladigan bo'lsak, mustaqillikning dastlabki o'n yilliklarida sohani malakali mutaxassislar bilan ta'minlash yuzasidan ham ma'lum o'zgarishlar qilindi, ammo viloyatda tibbiyot tizimini zamonaviy bilim va tajribaga ega bo'lgan kadrlar bilan ta'minlash borasida qator qiyinchiliklar yuzaga keldi. Chunki, shu davrda soha xodimlariga yetarlicha ish xaqalarining berilmasligi, mustaxassislarning o'z faoliyatidan moddiy manfaatdorlikning yo'qligi, ayniqsa, yosh mutaxassislarni rag'batlantirish va qo'llab-quvvatlashning yo'qligi joylarda kadrlar qo'nimsizligiga sabab bo'lib, tizimni mutahassislar bilan ta'minlanish jarayoniga salbiy ta'sir ko'rsatdi.

Foydalanilgan manba va adabiyotlar ro'yxati:

1. Surxondaryo viloyatining ijtimoiy rivojlanishidagi ayrim ko'rsatkichlar tahlili. 1991-2000. VXISB. 2-kitob. 111-bet.
2. Termiz tumani sog'liqni saqlash bo'limi joriy arxivi. 115-yig'ma jild. 36-varaq.
3. Mo'minova G.E. O'zbekistonda sog'liqni saqlash tizimi tarixi (1917–1991 yillar). – Toshkent: Yangi nashr, 2015. –336 b.
4. Jarqo'rg'on tumani sog'liqni saqlash bo'limi joriy arxivi. 98-yig'ma jild. 88-111-varaq.
5. Raximov B.S. O'zbekistonning mustaqillik yillarida ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy hayoti (Surxondaryo viloyati misolida, 1991-2018 yillar). – Toshkent: «Yangi nashr», 2019. - 196 b.
6. Surxondaryo viloyat hokimligi Iqtisodiyot va statistika boshqarmasi. 1998 y. 10.01.25-bet.
7. Boysun shahar hokimligi, iqtisodiyot va statistika bosh boshqarmasi 2000 y 20.01. 27 bet.
8. Surxondaryo viloyat davlat arxivi. 77-fond, 1-ro'yxat, 168-hujjat.
9. Surxondaryo viloyat ko'p tarmoqli tibbiyot markazi joriy arxivi. 115-yig'ma jild. 36-varaq.
10. Berdiyev T. El salomatligi yo'lida (Surxondaryo viloyati 1-son shifoxonasi tarixi). Termiz, 1995. - 44 b.
11. Surxondaryo viloyat ko'p tarmoqli tibbiyot markazi joriy arxivi. 2007 y. 120-yig'ma jild. 15-varaq.
12. Surxon tongi gazetasi. 2007 yil 27 oktabr.
13. Surxondaryo viloyat ko'p tarmoqli tibbiyot markazi joriy arxivi. 2007 y. 115-yig'ma jild. 45-47-varaq.
14. Djumanov S.A. O'zbekistonda sog'liqni saqlash tizimi asosiy yo'nalishlarining rivojlanish tarixi (1991-2015 yy.) Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) diss. avtoroferati. – Toshkent, 2019.
15. Surxondaryo viloyat sog'liqni saqlash boshqarmasi joriy arxivi. 95-yig'ma jild. 70-73-varaq.
16. Surxondaryo viloyat sog'liqni saqlash boshqarmasi joriy arxivi. 110-yig'ma jild. 50-54-varaq.
17. Surxondaryo viloyat ko'p tarmoqli tibbiyot markazi joriy arxivi. 115-yig'ma jild. 60-63-

varaq.

18. Tursunov S, Qobilov E., Murtazayev B., Pardayev T. Surxondaryo tarixi. – T: Sharq, 2004. – B. 608.

BUXORO AMIRLIGINING BOYSUN VA DENOVA BEKLIKLARIDA TA'LIM TIZIMI

Tojiyev Jasur,

Termiz davlat pedagogika instituti o'qituvchisi

Annotatsiya: Bugungi kunda Yangi O'zbekistonda ta'lim-tarbiya sohasida amalga oshirilayotgan tadbirlar, dastur va qonunlarni ishlab chiqish hamda amaliyotga tatbiq etishda bu borada Buxoro amirligi va uning tarkibida bo'lgan Boysun, Denov va Sherobod bekliliklarida asrlar davomida rivojlanib kelgan boy tajriba maktabini o'rganish, tegishli saboq chiqarish muhim ahamiyat kasb etadi.

Kalit so'zlar: Ta'lim tizimi, Boysun, Denov, madrasa, maktab, Hududiya, Sayyiod Otaliq, mudarris.

Аннотация: В разработке и реализации мероприятий, программ и законов в области образования в Новом Узбекистане сегодня используется школа богатого опыта, сложившаяся на протяжении веков в Бухарском эмирате и входящих в его состав провинциях Байсун, Денов и Шерабад. важно учиться, извлекать соответствующие уроки.

Ключевые слова: Система образования, Байсун, Денов, медресе, школа, Худудия, Саййод Аталиқ, мударрис.

Abstract: In the development and implementation of the activities, programs and laws in the field of education in New Uzbekistan today, the school of rich experience that has developed over the centuries in the Bukhara Emirate and its constituent provinces of Boysun, Denov and Sherabad it is important to learn, to issue relevant lessons.

Key words: Educational system, Boysun, Denov, madrasa, school, Hududiya, Sayyiod Ataliq, mudarris.

Mamlakatdagi siyosiy vaziyat tahlilining ko'rsatishicha, bu davrda huquqsizlik, tashqi

aloqalar cheklanishi natijasida kuchaygan biqlik sharoiti nafaqat ijtimoiy sohada, balki madaniy hayotda ham turg'unlikni kuchaytirgan. Xususan, ta'lim tizimida bu holat yaqqol ko'zga tashlangan.

An'anaviy ta'lim tizimi ikki bosqichdan iborat edi: quyi (boshlang'ich ta'lim) va yuqori (madrasa) bosqich. Maktablar davlat tomonidan mablag'lashtirilmagan. Ular idora qilinishi va ta'minoti jihatidan asosan ikkiga bo'lingan: umumiy va hususiy[3;908]. Buxoro amirligi hududlarida mavjud bo'lgan maktablarda bolalarning o'qish muddati ularning iqtidori va qobiliyatiga qarab kamida 6 yil, uzog'i bilan 10 yilni tashkil etgan.

Maktab binolari zarur shart-sharoitga ega emas edi. Vaqfnomalarda qayd etilishicha, ular yog'och, xom va pishiq g'ishtdan bino qilingan[9]. Maktab binosi odatda bir xonadan iborat bo'lib, bolalar bo'yra yoki sholcha ustida o'tirishar[10], xonalar kichik, tor va yaxshi yoritilmagan, sanitariya-gigiena talablariga javob bermagan, o'quvchilar o'tiradigan joy nam va zax bo'lgan[11].

Boshlang'ich maktablar asosan guzar va masjidlar, ba'zilar esa madrasalar qoshida bo'lgan[1;55]. Shahar va qishloqlarning qariyb barchasida bunday maktablar faoliyat yuritgan[12]. Maktablarda o'g'il va qiz bolalarga alohida, ajratilgan holda ta'lim berilgan. O'g'il bolalar masjid, madrasa va qorixonalarda, qiz bolalar esa otin oyilar uyida yoki o'z xonadonlarida o'qitilgan. Maktablar asosan musulmonlarning xayr-ehsonlari yoki mahallalarda yashovchi aholining umumiy mablag'lari hisobidan qurilar edi[8;210].

Maktabda bolalarning o'qishi uchun to'lov ota-onalar tomonidan qoplanib, bir yillik to'lov har bir bola uchun 1 tillodan 3

tillogacha mablag'ni tashkil qilar edi. Bundan tashqari, ota-onalar mullaga xalat, ko'ylak, etik, kovush kabi buyumlar olib berishgan. Shuningdek, bola Qur'on o'qishga o'tganda va har bir porani yod olganda farzandlarining ustozini turli sovg'a-salomlar bilan siylashgan[8;211].

Maktablarda o'quvchilar dastlab iymon masalasiga oid "Kalimayi shahodat" va "toyiba"ni yodlashgan. Undan so'ng arab alifbosini o'rganib, "Haftiyak" kitobini o'qishgan[2], uni tugatgandan so'ng esa "Tajvid" kitobini, keyin esa "Chor kitob"ni mutolaa qilishgan. "Chor kitob"da bolalarga islom dinining asosiy qoidalari o'rgatilgan. N. Xanikov Buxoro maktablarida 8 ta o'qish kitobi: Alifbo, Qur'on, Farzi ayn, Chor kitob, Dodbi, Hofiz Sheroziy, So'fi Olloyor (Allohyor)ning "Maslak-ul muttaqiyn", Mirzo Bedil asarlari o'qitilganini ta'kidlaydi[8;213].

Madrasa [13;740] oliy o'quv dargohi hisoblanib, arab tilida dars o'tiladigan joy degan ma'noni anglatgan. Hujra madrasaning ichidagi xonalarni bildiruvchi nom bo'lib, arab tilida "xona" tushunilgan[14;517]. Qorixona[13;691] esa o'quv dargohlarining bir turi hisoblanib, unda asosan Qur'on hofizlari tayyorlangan[1;55].

Madrasalarda ta'lim jarayoni boqichma-bosqich davom etib, diniy ta'lim bilan birgalikda tibbiyot, geografiya va tarix fanlaridan ham darslar o'tilgan[5;91].

XIX asr oxiri - XX asr boshlariga kelib, Boysundagi ilmiy-adabiy muhit o'ziga xos o'rin egalladi. Bunga 1868-yilda Boysun bekligini tashkil etilishi va beklidagi qo'sh madrasa hamda yuzlab machitlarni faoliyat ko'rsatishi sabab bo'ldi. Faqatgina shahar markazida 22 ta machitlar faoliyat ko'rsatgan. Boysun Xisor, Boljuvon, Dexinav va Sherobod beklklarini chorhasida joylashganligi, o'zini go'zal tabiati, so'lim go'shalari bilan insonni maftun etganligi tarixiy manbalarda yozib qoldirilgan.

Boysunning Tuzbozor mahallasiga burulishida (hozirgi «Samo» kinoteatri o'rnida) 1870-yilda Buxoro amiri Muzaffarxon davrida me'moriy yodgorlik hisoblangan «Hududiya» madrasasi qurilib, oradan ozroq vaqt o'tgach ikkinchi madrasa

Buxoro amiri Abdulahadxon davrida qurilib foydalanishga topshirilgan. Bu madrasalar qo'sh madrasa deb nom olgan. Madrasa hovlisida usti gumbaz qilib berkitilgan yopiq suv havzasi-sardoba bo'lib, darvozadan kiraverishda chapda darsxona, o'ngda masjid, hovli to'rida esa xonaqoh joylashgan. Madrasada muddaris, mutavalli, muazzin, farrosh va qoravullar uchun maxsus hujralar bo'lgan.

«Hududiya» madrasasida muddarislar Mullo Xudoyberdi Boysuniy, Mullo Holl Oxund, Mirzo Abduholiq va boshqalar ilmu tahlil bilan shug'ullangan.

Madrasa faqat me'moriy yodgorlik bo'lmasdan, tarixiy va madaniy jihatidan ahamiyatli bo'lgan. Bu yerda Boysuniy taxallusi bilan ijod qilib, nom qozongan Masexo ibn Qozi Mullo Muntaxoyi Boysuniy, Mullo Holl Oxund, Mullo G'ulom Muhammad Ali, Mirzo Abduholiq, Jo'ra Mullo Mirzo o'g'li, Mullo Sharif, Mullo No'mon, Mullo Xudoyberdi Boysuniy, Mullo Do'stmuhammad Nodir Boysuniy, Mufti Ravshan, Mullo Norqul, Bo'rixo'ja Qodirxo'ja o'g'li, Sayid Ataqlubek, Sharifmaxsum va boshqalar tahsil olishgan[7].

Surxon vohasi tarixiy va tabiiy obidalari silsilasida Denovning ham faxrlansa arzigulik arxitektura g'azallari bitilgan. Sayyid otaliq madrasasi haqida shunday deyish mumkin. Denov bekligida Sayyid otaliq madrasasi amirlikda alohida o'ringa ega edi. Bu madrasa Buxorodagi Ko'kaldosh va Mir Arab madrasalariga o'xshatib qurilgandi. Ma'lumotlarga ko'ra, madrasada 400 ga yaqin talaba tahsil olib, talabalarga 33 ta mudarris saboq bergan. XIX asr oxiri - XX asr boshlarida Boysun bekligida ikkita madrasa, 100 dan ortiq masjid bo'lib, ularda ma'orif, madaniyat va diniy aqidalar bo'yicha mashg'ulotlar olib borilganligi ta'kidlanadi[4;14].

Madrasaning yuqorida naql etilgan tarixi asossizdir. Shuningdek, mahalliy aholi orasida madrasa binosi XIX asrning o'rtalarida Abdulkarim dodxoh hukmronlik qilgan davrda qurdirilgan fikr ham mavjud. Bu fikrlar umuman asossizligi Mahmud ibn Valining XVII asrda yozilgan «Bahr ul-olam» kitobida

Denovda ikkita madrasa binosi mavjud ekanligi qayd etilishi bilan ham isbotlanadi (N.A.Maevning «Hisor vodiysi haqida ocherklar (1879 yil) kitobida ham shu fikr tasdiqlanadi).

Biz to'xtalmoqchi bo'lgan asosiy fikr quyidagicha. 1988 yil iyul oyida arxitektor T.F.Jukova «O'zbekiston arxitekturasi va qurilishi» jurnalida quyidagilarni chop etgandi: «Denovdagi madrasa binosi XVII asr tarixiy obidasidir. Bu madrasaning qurilishi Buxoro jo'yboriy xojalari bilan bog'liq. Jo'yboriy xojalariga Buxoro xonlari doimo katta iltifot ko'rsatib kelishgan. Ular jo'yboriy shayxlariga yerlar, pul, qimmatbaho sovg'alar berib, iloji boricha ular bilan qarindoshlik rishtalarini bog'lashga harakat qilgani ma'lum. Ana shundaylardan biri ashtarxoniylardan Imomqulixon (1611—1642 yillarda hukmdor) Buxoro taxtiga o'tirgach, singlisini Tojiddin Xoja Hasan Jo'yboriyga nikohlab beradi va unga in'om sifatida Buxorodagi Pirmast va Hisordagi Denov yerlarini muhrlab tortiq etadi. Shuningdek, 20 ming tanga, bir qancha tuya, ot uyurlari in'om etadi. Hukmdor in'om etgan yerlar jo'yboriy tomonidan mustaqil boshqarilgan va bu yer egalari «otaliq» maqomi berilgan. Tojiddin Xoja Hasan Jo'yboriy o'z mablag'i evaziga Denovda ikkita madrasa qurdiradi. Tojiddin payg'ambarzodalar avlodiga mansub bo'lganligi tufayli el orasida sayyid unvoniga ega edi. Shu sababdan madrasa uning nomi bilan Sayyidotaliq nomi bilan atalgan va u 1612—1628 yillar davomida qurib bitkazilgan».

Madrasa qurilishiga Denovning markazi tanlanganligi ham bejiz emas. Bu joy o'zining ob-havosi, suvi bilan boshqa joylarga nisbatan har tomonlama qulay edi. Madrasaning g'ishtlari Zahartepa qishlog'i tuprog'idan olingan, g'ishtlari o'sha joyda mavjud bo'lgan katta g'isht pishiriladigan xumdonlarda pishirilgan. Madrasa poydevorining chuqurligi 5,5 metr bo'lib, unga bir necha qator qamish to'shalib pishgan g'ishtlar bilan alohida usulda terib chiqilgan. Madrasa binosini, yuqorida aytib o'tganimizdek, usta Ahmad Muhammad Buxoriy qurgan. U 114 hujradan iborat Qur'oni karimda ham 114 sura bor. Madrasa

hujralari soni Qur'oni karim suralari soniga qiyos qilingani bilan ham diqqatga sazovordir[6].

Tojiddin Xoja Hasan Jo'yboriy Naqshbandiya tariqatini mukammal bilgan, unga ixlosi baland shayxlardan edi. Shu sababli Denov zamini unga in'om qilingach, mahalliy xalq orasida Naqshbandiya tariqatini yoyish maqsadida madrasa qurgan bo'lishi ehtimoldan yiroq emas. Mahalliy xalq madrasa qurilishini Naqshbandiya tariqati bilan bog'lashi asosida Shayx Alouddin Attor Valiy varianti kelib chiqqan. Darhaqiqat, Ashtarxoniylar davlatida ham xuddi Shayboniylar davlatidagi kabi poytaxt Buxoro yaqinidagi Jo'ybor qishlog'idan chiqqan Jo'ybor xojalari katta ta'sirga ega edi. Shayx Muhammad Islom (1493—1563) va uning avlodlaridan Xoja Sa'd (1531—1585) hamda Tojiddin Xoja Hasan (1574—1646) kabi yirik Jo'ybor xojalarining Buxoro, Samarqand, Qarshi, Mavrdan tashqari viloyatlarda ham katta yer maydonlari bo'lib, bu mulklar meros tariqasida avloddan avlodga o'tgan va barcha soliqlardan ozod etilgan.

Sayyidotaliq majmuasi qurilgan kezlarda Buxoro xonligini Imomquli Bahodirxon boshqargan, o'zidan oldingi hukmdorlardan farqli o'laroq, mamlakatda hukm surayotgan feodal urushlarga chek qo'yishga va markaziy hokimiyatni mustahkamlashga erishgan edi. Imomqulixon Balx va Xorazmni Buxoro xonligiga birlashtirmagan bo'lsa-da, qozoqlar, qalmiqlar, mo'gullarga qarshi muvaffaqiyatli kurashib, xonlik hududini shimoli-sharqqa kengaytirgan edi. Umuman, tarixchilar Imomqulixon davrida mamlakatda osoyishtalik va farovonlik bo'ldi, shaharlar va qishloqlar ravnaq topdi, deya e'tirof etishadi. Tabiiyki, Surxon vohasining barakali mintaqasi bo'lmish Hisor va uning markazi Denovda ham ma'rifiy va madaniy hayot izga tushgan, madrasa qurishga ehtiyoj tug'ilgan edi.

Sayyidotaliq madrasasi «qo'sh» shaklida qurilgan. Arxitekturada «qo'sh» deb, ikki bino fasadining bir-biriga qarama-qarshi qurilishiga aytiladi. Denovda madrasa va xonaqo fasadlari bir-biriga qarama-qarshi qurilgan, ularning ko'ndalang o'qi ikkala inshoot o'rtasidan

o'tgan. O'rtadan o'tgan yo'l esa Denovbegi qo'rg'oniga eltar edi. XVI asrda Buxorodagi Abdullaxon va Modarixon, Ulug'bek (1420) va Abdulazizxon, Domla Tursunjon va Muhammadyor otaliq madrasa va xonaqolari bir-biriga qarama-qarshi qurilgan, ko'ndalang o'qlari ikki bino o'rtasidan o'tgan yo'l bo'lgan.

Yana bu shunisi bilan e'tiborliki, XVI—XVII asrlarda qurilgan binolar o'rtasidan o'tgan yo'l albatta biror e'tiborli yoki mo'tabar joyga olib borgan. Masalan, aytib o'tilgan Domla Tursunjon va Muhammadyor otaliq madrasasi va xonaqosi orasidan o'tgan yo'l Buxoro Arkiga, Xivadagi Qutlug'murod inoq va Olloqulixon madrasalari orasidan o'tgan yo'l mahobatli maydon tashkil etib, Xivaning Polvondarvozaga chiqish joyiga, Qo'qonda Madalixon va Sulton Murodbek madrasalari orasidan o'tgan yo'l g'isht ko'priikka olib chiqqan (bu inshootlar asosan XVIII—XIX asrlarda qurilgani tufayli «qo'sh usuli» XVI—XVII asrlardan keyin ham saqlanganini kuzatamiz). Denovdagi Sayyid otaliq madrasasi va xonaqosi orasidan o'tgan yo'l Denov begi qo'rg'oniga olib borishi bu tarixiy obida XVI—XIX asrlar udumi asosida qurilganligidan dalolatdir.

Bu fikrni O'zbekiston Respublikasi Madaniyat ishlari vazirligiga qarashli tarixiy obidalarni ilmiy o'rganish va loyihalash instituti xodimlari ham ma'qullaydilar. Denovdagi madrasa va xonaqo qurilishining asosiy xarakterli tomoni shundaki, madrasa shimoldan janubga yo'naltirilgan. Bu holatda, birinchidan, madrasa ichidagi masjidning qibla tomoni (mehrobi) tashqi devorga taqaladi, ikkinchidan, shu holatda joylashtirilsa, iqtisodiy jihatdan kamxarajat, shu bilan birga, hujralar sonini ko'paytirish mumkin. Hujralarning asosiy qismi (80 foizi) kirish va deraza tomonlari qiblagga yo'naltirilgan. Bu esa, o'z navbatida, islom amallarini bajarishda durust sharoit yaratib beradi. Binoning bunday

yechimi XV—XVI asrlarga xos bo'lib Buxorodagi Ulug'bek, Ko'kaldosh, Abdullaxon madrasalari aynan shu uslubda qurilgan.

Sayyid otaliq madrasasida avval sakkizqirrali ustun bilan yopilgan ayvonga kirasiz, so'ngra chap va o'ng tarafda «P» shaklda yopilgan gumbazli masjid va miyonsaroy (darsxonaga) o'tasiz. 114 ta hujraning har birida o't yoqish uchun olovxona, ikkinchi qavatida har bir hujrada ko'chaga qaragan balkon va arkdan iborat bezak berilgan. Bunday holatni Buxorodagi Ko'kaldosh (1578 yil), Abdullaxon va Modarixon (1580-yillar), Bozori Go'sfand (1670-yillar), Xiva va Qo'qondagi madrasalar qurilishida ham uchratish mumkin.

Sayyid otaliq madrasasi XVII asrning boshlarida qurilganligini arxitektura nuqtai nazaridan isbotlovchi dalillar talaygina. XVI—XVII asrlarda qurilgan binolarga o'xshash tarixiy obidalar keyinchalik qurilmagan. Keyingi qurilgan tarixiy obidalar XVI—XVII asrlar obidalaridan sezilarli farq qiladi, ba'zilarida esa umuman o'xshashlik alomatlari yo'q. Yuqorida aytib o'tilganlarga asoslanib, Sayyid otaliq madrasasi 1612—1628 yillar davomida Tojiddin Xoja Hasan Jo'yboriy boshchiligida qurilgan deb ishonch bilan ayta olamiz. Jumladan, xonaqoni ham madrasani bunyod etgan usta barpo qilgan deyimiz mumkin.

Xulosa qilib aytganda, XIX asr oxiri va XX asr boshlarida Buxoro amirligida ta'lim tizimi o'tgan asrlar an'anasi asosida davom etadi. Boshlang'ich maktablar asosan guzar va masjidlar qoshida, ba'zilar esa madrasalar tarkibida bo'lib, hukumat tomonidan maktablar qurishga e'tibor berilmagan. Boshlang'ich maktablarda o'qitish, ta'lim-tarbiya berish usuli zamon talablaridan ancha orqada qolgan edi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Abdusattor Jumanazar. Buxoro ta'lim tizimi tarixi. Toshkent. 2017. – B. 55.
2. Наливкин В. Школа у Туземцев Средней Азии // Туркестанский ведомости, 1898. 8 август.
3. Niyoziy Rajabzoda. Ibtidoiy maktablarimizning tartibsizligi yoxud taraqqiyotning yo'li // Oyina. - Samarqand, 1914. - № 38. – B. 908.

4. Nor Hayit, Tohir Usmon. Kurash yo'llari. – I. 1992 y. – B. 14.
5. Логофет Д.И. Страна безправия Бухарское ханство... СПб. 1909. – С. 91.
6. Tursunov S., Rashidov Q. Boysun. Toshkent: Akademnashr, 2011. –B. 560.
7. Tursunov S., Turdiyev T. Denov. –Toshkent: Fan, 2009. –B. 501.
8. Хаников. Н. Описание Бухарского ханства. СПб. 1843. С. 211, 213.
9. O'zR MDA. 323-fond, 1-ro'uxat, 1116-ish, 1-varaq.
10. O'zR MDA, 47-fond, 1-ro'uxat, 333-ish, 7-varaq.
11. O'zR MDA, 47-fond, 1-ro'uxat, 333-ish, 9-varaq.
12. O'z MA, 1010-jamg'arma, 1-ro'uxat, 66-ish, 91- varaq.
13. Farhangi tafsirii zaboni tochiki. Iborat az 2 child. Childi 1. A-N. Zeri tahriri S.Nazarzoda, A.Sanginov, S.Karimov, Mirzo Hasani Sulton. – Dushanbe, 2008. – B. 691, 740.
14. Farhangi tafsirii zaboni tochiki. Iborat az 2 child. Childi 2. A-N. Zeri tahriri S.Nazarzoda, A.Sanginov, S.Karimov, Mirzo Hasani Sulton. – Dushanbe, 2008. – B. 517.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ЎРТАСИДА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР

Ўролова Малика Тўлқин қизи

Термиз давлат педагогика институти ўқитувчиси
orolovamalik@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада, Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистоннинг Марказий Осиё республикалари билан маданий- маърифий алоқалари маданий тадбирлар, алоқаларнинг тамомила янгича кўриниши эътироф этилади. Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар замирида, халқлар ўртасидаги дўстлик, қариндошчиллик муносабат-ларининг яънада мустақамланаётганлигидан далолат беради.

Калит сўз ва иборалар: Маданият, театр, маданият маркази, достон, қариндошчиллик, маънавий -маърифий кеча, дўстлик ва биродарлик,

Аннотация: В данной статье признаны культурно-просветительские связи Узбекис-тана с республиками Средней Азии в первые годы независимости, культурные мероприятия, совершенно

1991 йил 31 август юртимиз тарихида муҳим сана бўлиб қолди. Негаки, кўп йиллар давомида қутилган миллий кун, Мустақилликка эришилган сана этиб белгиланди. Мустақил Ўзбекистон Республикаси айни дамда ўзининг сиёсий,

новый облик отношений. Это показывает, что дружба и родственные связи между народами крепнут в условиях проводимых в нашей стране масштабных реформ.

Ключевые слова и фразы: Культура, театр, культурный центр, эпос, родство, духовно-просветительская ночь, дружба и братство

Annotation: In this article, the cultural and educational relations of Uzbekistan with the republics of Central Asia in the first years of independence, cultural events, and a completely new look of relations are recognized. It shows that friendship and kinship relations between peoples are getting stronger in the context of large-scale reforms being carried out in our country.

Key words and phrases: Culture, theater, cultural center, epic, kinship, spiritual-educational night, friendship and brotherhood

иқтисодий, маданий, ижтимоий ва бошқа барча соҳадаги фаолиятини мустақил, ўз йўналиши, ўзига хос бошқарув тизими асосида амалга ошириш имкониятига эга бўлди. Шу жумладан, қардош халқлар билан маданий соҳада ҳам кенг кўламли алоқалар йўлга қўйилди.

Бир-бирига яқин ҳаёт тарзи ва яшаши, умуман маданий ҳаёт даражаси, бу халқларнинг мустақиллик даврига келиб янги ва ўзига хос муносабатлар тус олди. Марказий Осиё ҳудудидаги бешта мустақил давлатлар ўртасида қалбан ўхшаш ва яқинликлар кўпдир. Бир-бирига қўшни бўлган давлатларнинг маданияти, дини, қариндош, уруғ муносабатларининг туташиб кетганлиги уларни янада яқинлаштиришга замин бўлади. Улар минг йиллар давомида бир маънавий-маданий маконда яшаб келдилар. Ҳозирги даврда бу республикалар ўртасида тобора маданий ҳамкорликлар, маданий жараёнлар яхшиланиб бормоқда. Буни қуйидаги мисолларда яққол кўришимиз мумкин.

1992 йил Марказий Осиё республикалари ўртасида ўзаро театр соҳасида ижодий маънавий – маърифий тадбирлар ўтказилди. Бу ҳамкорликлар натижасида “Наврўз – 92” тадбири бўлиб ўтди. Тошкентда бўлиб ўтган, тадбирда Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва вилоятларимиздан театр соҳасининг машҳур ижодкорлари ўзларининг дастурлари билан иштирок этишди. Унда Тожикистоннинг “Ахорун” театри, Туркменистоннинг Давлат ёшлар тажриба театри, Лохутий номидаги Тожикистон Академик драма театри, Қирғизистон Академик драма театри, А. Хидоятнов номидаги ўзбек Давлат драма театри, Ю. Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусикали драма ва комедия театрилари иштирок этишди. Халқаро театр байрамининг ғолиби, олий мукофот (Гран- При) - Туркменистоннинг Давлат ёшлар тажриба театрининг “Далли Думбул” спектакли сазовор бўлди. Халқаро Театр уюшмалари конфедерациясининг махсус мукофоти - Ю. Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусикали драма ва комедия театрининг “Тошкентга саёҳат” комедиясига берилди.

Марказий Осиё мамлакатларининг энг йирик “Наврўз”, халқаро “Шарқ – Ғарб”, “Илҳом – XX”, энг яхши спектакллар фестиваллари, энг яхши актёрлик ишларининг кўрик танловилари, кўғирчоқ

театрларининг, Тошкент театрларининг “Баҳор чоррахасида” фестиваллари машҳур бўлиб кетди.

Бундай тадбирларнинг самараси халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини яънада мустаҳкамланишига хизмат қилиб қолмасдан балки соҳалар бўйича мулоқат қилишга, фикр алмашунувига хизмат қилади ҳамда маданий жараёнларнинг ўсишига олиб келади.

1994 йил 10 январь Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасида маданият, илм –фан, туризм, соғлиқни сақлаш ва бошқа бир қатор соҳалар бўйича битим имзоланди. Натижада, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси “ Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида “ қарор қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, Қозоғистон Республикаси кунларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилот қўмитаси тузилди. 1994 йил 23- 27 май Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари ўтказилди. 23 май қардош мамлакатдан 600 га яқин меҳмон ташриф буюрди. Улар орасида давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчилар ва санъаткорлар бор эди. Бундан асосий кўзланган мақсад, тарихан яқин халқларнинг меҳр – оқибат, дўстлик, қариндошчиллик муносабатлар замирида маданий соҳани ривожлантиришга қаратилган улуғ ғоялардан иборат эди. Ўзбекистонда Қозоғистон кунларининг очилишига бағишланган тантанали йиғилишда биринчи президентимиз И.А. Каримов нутқ сўзлади.” Қадим- қадим замондан Туронзамин деб аталган бу поёнсиз кенгликларда қозоғу, ўзбек, қирғиз, туркман барчамизнинг ота – боболаримиз от суриб ўтганлар. Ям-яшил серҳосил далаларда чорва бокқанлар, деҳқончиллик қилганлар. Не –не босқинларни, қирғинларни кўрган бу тупроқни боболаримиз ёнма – ён, туриб ҳимоя қилганлар. Бинобарин, бизнинг тарихимиз ҳам, тақдиримиз ҳам бирлашиб кетган ва бу Аллоҳ таоло берган азалий ва абадий насибамиздир”.

Ўзбекистонда

Қозоғистон

Республикаси кунлари давомида икки республиканинг Фанлар академиялари учрашуви бўлиб ўтди, уларнинг таъбири билан айтганда “...Илм-фаннинг миллий чегараси йўқ, ҳамма халқларга хизмат қилиши керак.”

Дарҳақиқат, Қозоғистон худудида ўзбеклар азалдан яшаб келганидек, Ўзбекистон худудида ҳам қозоқ дўстларимиз аҳил иноқ бўлиб яшаб келмоқда. Республикаимизнинг турли ҳудудларида ўз меҳнати билан ном олган бир қатор инсонларни мисол қилишимиз мумкин. Жумладан, маънавий – маърифий муҳитни тиклашга, халқларимизнинг маданиятини ёритишда жонбозлик қилган Жондор Туленов, Қолдибек Сейданов, хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Тожибек Бойирбеков, хизмат кўрсатган ўқитувчи Жамила Бексултоновалар шулар жумласидандир. Бундан кўриниб турибдики, халқларимиз ўртасида маданий муҳитнинг пойдевори бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари давомида тарихий сана 24 май Тошкент шаҳрида Қозоғистон Республикаси элчихонаси очилди. Шу ўринда шуни таъкидлаш керакки, юртимизда Қозоғистон маданият маркази ташкил топди. Бу эса юртимизда истиқомат қилаётган бир миллиондан ортиқ қозоқ миллатига мансуб юртдошларимизнинг қалбида қариндошчилик муносабатлари янада мустаҳкамланди.

1994 йил Тошкентда Марказий Осиёдаги бешта мамлакат - Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон Республикалари илм-фан ва технология бошқарадиган давлат ташкилот раҳбарлари маслаҳат кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Янги халқаро ташкилот минтақадаги давлат бошлиқлари кенгашининг қарорига биноан тузилган. Шу муносабат билан қабул қилинган меморандумда фан ва техника соҳасидаги ҳамкорликнинг асосий, энг долзарб муаммолари белгилаб олинди. Маслаҳат Кенгашида Марказий Осиё халқларининг қадимий ва ўрта асрлар тарихини тадқиқ этиш, илм-фан соҳасидаги лойиҳалар ва

таклифларни муҳокама этиш асосий вазифа этиб белгиланди. Биринчи Кенгашда кенгашнинг мажлисларини мунтазам равишда ва навбати билан бешта мамлакатнинг ҳар бирида ўтказиб туриш белгиланди.

1994 йил 1 июн куни Марказий Осиё Республикалари Болалар фольклор – этнография фестивали бўлиб ўтди. Фестивалдан кўзланган мақсад, дўстлик, санъат, куй – қўшиқ чегара билмайди бу эса қалбларни янада яқинлаштириб қолмасдан, ҳудудий қўшничилик муносабатларимизга ижобий таъсир ўтказди. 1994 йил май ойида Олмаота шаҳрида “Туркий халқлар мусиқаси” номи билан I халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Симпозиумнинг асосий мақсади туркий халқларнинг узок ўтмишга ега бўлган тарихий қадриятлари, мусиқий анъаналарини чуқурроқ ўрганиш, илмий назарий тадқиқ этиш ва бугунгача сақланиб қолган меросни изчил ўрганиб, тарғиб этишдан иборат бўлди. Турли хил кўرғазмалар, фестиваль ва мусобақалар халқларимиз ўртасидаги маданий жипсликни таъминлаб, маънан ва руҳан баркамол инсонийлик ғоясини тарғиб қилади.

Қозоғистонда Ўзбекистон кунларининг тантанали очилиш маросими 1995 йил 20 майда бўлиб ўтди. Унда Биринчи Президентимиз И.А.Каримов нутқ сўзлаб, икки халқнинг иноқлиги, бирдамлиги абадий дўстлик ҳақида ўзининг фикр мулоҳазаларини айтиб ўтди. Республикалар ўртасида маданий алоқалар узвий ва анъанавийдир. Жумладан, Абай, Жамбул, Мухтор Авезов, Собит Муқонов, Анвар Олимжонов, Ўлмас Сулаймонов асарлари юртимизда ўзбек тилида таржима қилиниб, ёшларимиз кенг жамоатчилик вакиллари ўртасида машҳур ва ўзбек ёзувчилларининг асарлари билан доимо ёнма – ён туради.

Юртимизда ташкил этилган қозоқ маданият маркази қозоқ маданий муҳитини сақлаш ва уни эътироф этиш билан бирга халқлар ўртасида муносабатларнинг ривожлантиришнинг асосий устувор масала қилиб белгиланган. Машҳур қозоқ

буюк шоири ва мутафаккири Абай туғилган кунининг 150 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. Маънавий - маърифий кечаларнинг ўтказилиши юртимизда яшовчи қозоқ миллатига мансуб юртдошларимизнинг ва шу билан бирга қозоқ халқининг ўзбек халқига бўлган самимияти, меҳр-оқибати, ишонч ва дўстлик муносабатлари янада мустаҳкамлигини таъминлайди. Юртимизда қозоқ тилидаги дарсликлар, телевидение кўрсатувлари шу билан бирга мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб қозоқ тилида “Нурли жол” республика газетаси нашр этилмоқда.

Республикаимизнинг Байналмилал маданият маркази ва миллий маданий марказлар фаолияти ҳақида турли оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритилиб келинади. Мисол учун қозоқ тилидаги “Жетиген” ва “Дийдар”, қирғиз тилида “Айчурек”, тожик тилидаги “Меҳрангез”, “Рангинкамон” туркум кўрсатувларини қизиқиб томоша қилишади.

Марказий Осиё республикаларининг илмий, маданий соҳаларни ривожланишида турли хил учрашувларни, мулоқотларни кўришимиз мумкин. 1994 йил Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари ўртасида муносабатлар иқтисодий ва маданий соҳаларда кенг кўламли ишлар олиб борилди. Қирғизистонга ташриф буюрган Ўзбекистон делегацияси ва Қирғизистоннинг деярли барча овулу шаҳарларининг вакиллари – чўпондан тортиб таниқли олимлар, давлат арбоблари иштирокида ўтган мажлис, Марказий Осиёнинг замонавий тарихида энг ёрқин саҳифа бўлиб кирди. Бу анжуманда Ислом Каримовга “Руҳоният” халқаро уюшмасининг “Халқлар ўртасидаги тинчлик ва тотувлик учун “ мукофоти топширилди. 1995 йил 28 августда Бишкекда туркий тилли давлатлар бошлиқларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда, Марказий Осиё республикалари фақат иқтисодий ва ишлаб чиқариш соҳасидагина эмас, шу билан бирга маънавий, маданий, илмий соҳаларни ҳам қамраб олиши кераклиги таъкидланди.

Шу билан бирга, қардош халқлар “Манас” дostonнинг мингйиллик байрамида иштирок этишди. “Манас” эпоси қардош халқлар тарихини, маданиятини бир – бирига боғлаш билан бирга уйғунлигини касб этди.

Юртимизда қирғизларнинг машхур дostonи ўзбек тилига таржима қилинди. Маданий марказ ва кенг жамоатчиллик томонидан “Манас”нинг минг йиллиги кенг нишонланди. “Манас” дostonнинг бош қаҳрамони Манас бўлиб, унинг суюкли умр йўлдоши Бухоро хонининг қизи Хоникей малика бўлган. Дostonдаги бу муносабатлардан кўришимиз мумкинки, халқларимиз ўртасида қариндошчиллик, қадрдонликдан далолат беради. Бу каби улуғвор эпослар халқларимиз ўртасида маънавий куч вазифасини ўтайди.

Тарихдан маълумки муносабатларни дўстлик ришталари билан боғлаб, ижод қилган, ўзбек ва тожик халқлари маънавий қадриятларни янада бойитишга хизмат қилган, дўстлик ва биродарлик тимсоли бўлган Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий, Садриддин Айний ва Абдулла Қодирий, Мирзо Турсунзода ва Ғафур Ғулом каби улуғ мутаффакир зотларнинг ижоди, халқларимизнинг бой маънавиятини юксалтиришдаги аҳамияти янада ортади.

Марказий Осиё давлатлари ва халқлари ўртасида маданият, маърифат, тил, илм-фан ва маънавий қадриятларга асосланган ўзаро ҳамкорликнинг тобора ривожланиши учун минтақадаги зиёлилар ва кенг жамоатчиликнинг мурожаатлари инобатга олиниб, халқларимиз ўртасидаги қадимий дўстлик ва маънавий бирликни янада мустаҳкамлаш мақсадида 1996 йилда “Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси халқаро жамоатчиллик ҳаракатини ривожлантириш жамғармасини қўллаб – қувватлаш тўғрисида” Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди. Қарордан мақсад, халқларимизнинг муштарак бой анъанавий меросини авайлаб-асрашга, адабиёт, санъат, илм-фан соҳасида эришган ютуқларини дунёга танитиш, бу соҳада янги имкониятларни излаб топиш ва

тарғибот ишларини такомиллаштиришга қаратилган фаолият дастури ишлаб чиқилди. Тошкент шаҳрида унинг Жамғармаси тузилди. Буюк аждодларимизнинг асрлар мобайнида яратилган ва ноёб маънавий мулкимизга айланган мероси — муштарак миллий ва умуминсоний кадриятларни авайлаб асраш, бойитиш ва ёш авлоднинг муштарак анъаналарга ҳурмат ва садоқат, истиқлол туфайли қайта уйғонган ўзликни англаш, миллий ғурур, меҳр-оқибат, яқин қўшничилик ва биродарлик туйғуларини юрак-юракдан ҳис етиши, минтақада тинчлик ва осойишталик бунёдкорлари таъминлашга қаратилди. Мунтазам равишда маданият, адабиёт, санъат, фолклор, миллий хунармандчилик, болалар ижоди каби соҳалар бўйича халқаро

фестиваллар, анжуманлар, кўриктанловлар ўтказиш, Ассамблеянинг турли мукофот ва совринларини жорий етиш, масаласи ишлаб чиқилди.

Хулоса ўрнида, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида асосий йўналишлардан бири, Марказий Осиё Республикалари билан маданий ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган. Бу мустақил бешта давлатлар тарихи, маданияти, тили ва дини, келиб чиқиши чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё республика халқлари ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро маданий ва маърифий тадбирларда ҳамкорлик ўрнатиб уни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тадбирларини босқичма-босқич амалга ошириб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. И.А.Каримов “Биздан озод ва обод Ватан қолсин” Т. – “Ўзбекистон” – 1996 йил 233 бет.
2. И.А.Каримов “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” 3 том Т.- “Ўзбекистон” 1996.
3. И.А.Каримов “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт – пировард мақсадимиз” Т.- “Ўзбекистон” 2000.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 246 сон қарори (1995 –йил 30 – июн)
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 407 сон қарори (1996 йил 21-ноябр)
6. А.Собиров “Мустақил Ўзбекистон тарихи” Т, 2009.
7. Марказий Осиё халқлар донишмандлиги “Таълим нашириёти” Т, 2019.
8. Янги Ўзбекистоннинг 7- зафарли йили. Ўқув қўлланма, Т. “Шарқ” 1999.
9. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедик маълумотнома, Т.“Давлат илмий нашириёти” 2002.
10. Халқ сўзи №90 (585) 1994 йил 7 май.
11. Халқ сўзи № 95 (843) 1994 йил 17 май.
12. Халқ сўзи №101 (849) 1994 йил 25 май.

ВЗГЛЯД НА ИСТОРИЮ КУЛЬТУРНЫХ СВЯЗЕЙ УЗБЕКИСТАНА И АФГАНИСТАНА

Дусматова Олтиной Турсун кизи

Преподаватель кафедры всемирной истории ТерДУ
+99899 379-30-35, oltinoy.dusmatova@bk.ru

Аннотация: В данной статье освещается история культурных связей Узбекистана и Афганистана, взаимное экономическое сотрудничество между Узбекистаном и афганскими государствами в годы независимости, проводимые

реформы по поддержанию мира в регионе. Кроме того, благодаря архивным данным и научной литературе были проанализированы процесс изучения истории культурных связей между двумя странами, уважение узбекского языка среди афганского народа, создание “центра обучения афганских граждан” в связи с реформами в сфере образования и другие вопросы.

Ключевые слова: Афганистан, система образования, Ташкентская декларация, узбеки Афганистана, узбекский язык, этнокультурные процессы.

Глядя на богатое прошлое Узбекистана, можно сказать, что Афганистан-это соседняя страна, которая занимает важное место в масштабах его культурных и экономических связей. Афгано-узбекские культурные связи уходят корнями в глубокую древность.

Изучение двусторонней культурной истории Афганистана и Узбекистана последовательно проводилось российскими исследователями. В частности, Н.Ф.Петровский, А.Р.Федченко, В.Р.Наливкин, М.В.Наливкина, В.Н.Кушелевский и А.Ф.В работах таких исследователей, как Миддендорф, отражены данные об этнокультурных связях афганских узбеков, их образе жизни, материальной и духовной культуре, хозяйственной деятельности[5.34].

Никто не может отрицать уникальное историко-политическое и стратегическое положение узбекского государства и узбекского народа в Центральной Азии. То есть всем известно, что наша страна всегда объединяла регион и его жителей не только с геополитической и геоэкономической точек зрения, но и с идеологической, культурно-просветительской и религиозной точек зрения. Не случайно в 80-е годы прошлого века решением ООН городу Ташкенту было присвоено почетное звание «Посол мира».

Узбекистан с первых лет независимости встал на путь налаживания культурных связей с Афганистаном.

Важной причиной этого является и широкое распространение узбекского народа на афганской земле. В среде влияния афганских узбеков на этнокультурные процессы в социально-экономической и культурной жизни в разные исторические периоды происходила интенсивная интеграция народов. В этом процессе приняли участие и афганские узбеки, оказавшие влияние на этнокультурные процессы в социально-экономической и культурной жизни.

Уважение к узбекскому народу в Афганистане находится на высоком уровне. 21 октября в Узбекистане отмечается как день присвоения узбекскому языку статуса государственного. Примечательно, что именно эта дата с 2020 года будет отмечаться и в Афганистане —как день узбекского языка, и что в связи с этим было принято специальное распоряжение президента Афганистана. Одной из причин этого является то, что узбекский язык является одним из государственных языков Афганистана[4.5].

Для узбеков, проживающих в Афганистане, большой честью является то, что 20 октября 2020 года этот праздник впервые широко отмечался в Афганистане, где было зачитано поздравительное письмо Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на имя президента Афганистана и участников мероприятия, в котором приняла участие делегация правительства Узбекистана. 21 октября 2023 года замечательная песня, исполненная афганскими студентами к 34-летию узбекского языка, получила широкое общественное признание. В этой песне отразились такие слова:

Qadring aslo tushmasin ey jonajon - o‘zbek tili
Jumla ofatdin xudo qilsin omon - o‘zbek tili
Senga qasd etgan kishilarning tutilsin tillari
Bizga sen ajdoddan qolgan nishon - o‘zbek tili.
Faxr etarmiz kim seni torixi mavzu eng ko‘rib,
O‘zga til oldida mag‘lub bo‘lmagan o‘zbek tili.
Men onam yanglig‘ seni hurmatlagayman doimo,
Boshqalar ham men kabi hurmatlagay - o‘zbek tili[14.3].

Благодаря усилиям узбекских интеллектуалов, проживающих в Афганистане, и их поддержке канцелярии президента Афганистана, ведется работа по созданию камуса, содержащего 70 тысяч слов. Данный ресурс будет переведен на дари и пушту и издан в виде отдельной книги. Целью данного мероприятия является популяризация и укрепление позиций узбекского языка среди народов, проживающих в Афганистане.

Отмечена целесообразность подписания меморандума о взаимопонимании между Ташкентским государственным университетом узбекского языка и литературы имени Алишера Навои и Ташкентским государственным университетом востоковедения и кабульским государственным университетом. В настоящее время проекты документов, представленные Узбекистаном, рассматриваются Афганистаном. Реформы, проводимые в Узбекистане в таких областях, как образование, свобода слова и религиозная терпимость, также являются примером культурных связей.

Важную роль в осуществлении эффективного сотрудничества играет и культурно-гуманитарная сфера. Многовековые связи между нашими народами нашли свое выражение и в межкультурных связях. Сегодня на территории Афганистана проживает более 5 миллионов человек узбекской национальности, что положительно сказывается на сотрудничестве [8.128]. Своим трудом они вносят весомый вклад не только в укрепление основ афганской государственности, но и во всестороннее совершенствование узбекско — афганских отношений. Узбекистан всегда протягивает руку помощи дружественному афганскому народу. Это не только знак уважения, но и признание его особой роли в процессах, происходящих сегодня в Центральной Азии и мире. Обязательно наступит день, когда на афганской земле установится долгожданный мир и стабильность.

В соответствии с постановлением

Кабинета Министров Республики Узбекистан от 13 ноября 2017 года № 911 при Министерстве высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан создан образовательный центр по обучению граждан Афганистана. Положение об этом образовательном центре утверждено приказом Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан от 17 ноября 2017 года № 841 [1.4].

На основании указанных постановлений и распоряжений об обеспечении его исполнения принято постановление хокима Сурхандарьинской области от 21 ноября 2017 года № Q-645, постановление хокима Термезского района от 29 ноября 2017 года № 2096.

За прошедший период, то есть с момента ввода в эксплуатацию 22 января 2018 года, в образовательном центре была проделана достойная практическая работа, которая продолжается. Соглашение о приеме 100 студентов в высшее учебное заведение, созданное 21 января прошлого года в Термезе по инициативе президента Шавката Мирзиёева и предназначенное для обучения граждан Афганистана для подготовки кадров высшего уровня по преподаванию узбекского языка в Афганистане, об открытии воздушного сообщения между двумя странами и реализации проекта (объекта) железной дороги от Мазари Шарифа до Герата, Результатом этой политики является более 20 документов о тесном сотрудничестве и других соглашениях, подписанных с афганским государством.

Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев, подчеркивая стратегическую обратил внимание мировой общественности на необходимость разрешения афганского конфликта. В частности, Шавкат Мирзиёев в сентябре 2017 года на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН и многих других заседаниях подчеркнул необходимость мирного решения афганской проблемы [6.4].

Международная конференция по установлению мира в Афганистане, проведенная 26-27 марта прошлого года в Ташкенте по инициативе Шавката Мирзиёева, была встречена с интересом всеми миролюбивыми государствами и мировым сообществом, что повысило внимание президента Узбекистана Шавката Мирзиёева как единого миролюбивого лидера на мировом уровне и положительно сказалось на работе афганского народа принято.

И сегодня узбекское государство ведет широкомасштабную деятельность по ускорению процесса мирного урегулирования в Афганистане. Министр иностранных дел Узбекистана Абдулазиз Камилов во время встречи с министром иностранных дел Афганистана Салахиддином Раббани в городе Душанбе 28-го числа месяца Савр отметил, что, учитывая позицию и значение международной конференции в Самарканде в исламском мире, этот город является лучшим местом для переговоров о перемирии в Афганистане[1.6].

Оказание гуманитарной помощи афганскому народу государствами Центральной Азии, предоставление афганской молодежи современных образовательных возможностей, содействие формированию у них профессиональных навыков создает в этой стране мощный внутренний стимул для стабильности, развития. Это послужит важным фактором обеспечения мира и стабильности в Афганистане в будущем.

Одним словом, большим ярким событием является то, что страны центральноазиатского региона, в том числе и наша страна, оказывают тесную помощь в дальнейшем развитии афганского государства. Не случайно в нашем народе ходит пословица из племени "сосед мирный – ты мирный". Таким образом, не будет преувеличением сказать, что мирное сосуществование наших афганских соседей имеет важное значение для того, чтобы жизнь жителей приграничных с ним стран оставалась мирной и развивалась.

Список использованных ссылок:

1. Арипов Э. Узбекско-афганские отношения: новый этап динамичного развития <http://muslim.uz/index.php/rus/novosti-2018>.
2. "Конституции государств Ближнего и Среднего Востока", ИЛ, -М., 1956, С. 13 – 28
3. Коргун В. Н. Формирование и эволюция политической системы современного Афганистана, 1919-1999 гг.: Дис. ... докт. ист. наук. М., 2000.
3. Mirziyoev Sh.M. Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi. Toshkent, O'zbekiston, 2022-yil. 430 bet
4. Мирзиёев Ш. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на международной конференции по Афганистану: «Мирный процесс, сотрудничество в сфере безопасности и региональное взаимодействие»/president.uz
5. Mirkomilov B.M., Rustamov O'.R. //O'zbekistonning qo'shni Afg'oniston davlati bilan madaniy aloqalari (mustaqillik davri)// Gospodarka i innovatsije. 2023 y. 33-36 b.
6. Rashidov R. Afg'onistonda davlatchilik masalasi: tarix va hozirgi zamon // Monografiya. - Toshkent: «Navro'z» nashriyoti, 2017 y. - 264 b.; Rashidov R. Retrospective and Contemporary Analysis of the Formation of Afghan Statehood // International Journal of Central Asian Studies (South Korea). Volume 19. 2015. - Rr. 3158.
7. Rashidov R. Afg'on davlatchiligi shakllanishiga xalqaro va mintaqaviy jarayonlarning ta'siri. Siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. - T., 2018. - 48 s.
8. Rashidov R. Mustaqillik yillarida O'zbekiston Respublikasining Afg'oniston bilan munosabatlari tarixidan // O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Qoraqalpog'iston bo'limining axborotnomasi. №4, 2016 y. - B. 126-130.

9. Sultonova G.N, Allaeva N.A, Maxmudov Sh.Yu O'rta Osiyo xalqlarining etnik tarixi va mintaqada yuz bergan demografik jarayonlarning manbalarda aks etishi (XVI–XIX) asr birinchi yarmi. – Toshkent. —Yangi nashr. 2011.

10. Safoev S.S.Markaziy Osiyodagi geosiyosat. Monografiya. - T.: Patent press, 2005.

11. Туляганова Н.У. Афганский фактор в современных международных отношениях в Центральной Азии. Монография. – Т.: Фан, 2004. – 211 с.; Туляганова Н.У. Афганский конфликт и его последствия в контексте становления новой системы безопасности в Центральной Азии. Автореф. дис. докт. полит. наук. – Т., 2006. – 34 с.Safoev S.S.Markaziy Osiyodagi geosiyosat. Monografiya. - T.: Patent press, 2005. - 160 b

12. Умаров А.А. Фактор Афганистана в региональной безопасности Центральной Азии в начале XXI века. Автореф. дис. докт. философии (PhD) по полит. наук. – Т., 2017. – 48 с.

13. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Afg'oniston bo'yicha «Tinchlik jarayoni, xavfsizlik sohasida hamkorlik va mintaqaviy sheriklik» mavzusida o'tkazilgan xalqaro konferensiyadagi nutqi / «Xalq so'zi» gazetasi 2018-yil 28 mart, №59-60 (7017-7018).

14. Xalq so'zi gazetasi. 2023-yil. 48-son

KO'CHMANCHI CHORVADOR ANDRONOVO MADANIYATI SOHIBLARINING O'RTA OSIYODA BRONZA DAVRI IJTIMOIY-MIGRATSION JARAYONLARIGA TA'SIRI

Isarov Umidulla Isar o'g'li

Termiz davlat universiteti tayanch doktoranti

Annotatsiya: Ushbu maqolada bronza davrida O'rta Osiyoning ko'chmanchilarning O'rta Osiyoning janubiy hududlarida istiqomat qilgan o'troq dehqonchilik madaniyati sohiblari bilan iqtisodiy-madaniy aloqalari hamda ko'chmanchi chorvadorlarning Andronovo madaniyati vakillarining janubga migratsiyalari moddiy manbalar asosida tahlil qilingan.

Tayanch so'zlar: ko'chmanchi chorvachilik, bronza davri, migratsiya va uning sabablari, moddiy ashyolar, Andronovo madaniyati, Tozabog'yob, Zamonbobo, Qayroqqum, Fedorov va Akakul bosqichi.

Аннотация: В данной статье на основе материальных источников проанализированы экономические формы жителей кочевой-скотоводческой культуры Средней Азии в эпоху бронзы, их экономические и культурные связи с жителями оседло-земледельческой культуры в южном регионах Средней Азии и миграции кочевых скотоводов андроновской культуры на юг.

Ключевые слова: кочевое скотоводство, бронзовый век, миграция и ее причины, материальные находки, андроновская культура, Тозабог'яб, Заманбаба, Кайроkkum, феодровский и акакульский этап.

Annotation: This article analyzes the economic forms of the nomadic-pastoral culture of Central Asia in the Bronze Age, their economic and cultural ties with the inhabitants of the settled-agricultural culture in the southern regions of Central Asia and the migration of nomadic pastoralists of the Andronovo culture of nomadic pastoralists to the south based on material sources.

Key words: nomadic cattle-breeding, Bronze Age, migration and its causes, material finds, Andronovo culture, Tozabogyab, Zamanbaba, Kayrokkum, Feodrov and Akakul stages.

O'rta Osiyoning janubida Oks sivilizatsiyasi paydo bo'lishi bilan parallel ravishda Janubiy Sibir va O'rta Osiyoning

shimolidagi dasht zonalarida ko'chmanchi chorvador aholining Andronovo madaniyati shakllandi. Bu ikki turli xo'jalik madaniyati sohiblari o'rtasida siyosiy, iqtisodiy va madaniy aloqalar faol bo'lganligi ko'pgina mazkur madaniyatlarni tadqiq etgan olimlar tomonidan e'tirof etilgan. Xususan, tadqiqotchi olim N.A.Avanesova qadimgi Baqtriyaning bronza va ilk temir asriga oid moddiy madaniyatida dasht hududlarining ta'siri masalasi, qurilish inshootlari, kulolchilik va badiiy amaliy san'atdagi taraqqiyotda ko'chmanchi chorvador aholi va sug'orma dehqonchilik bilan shug'ullanuvchi aholi o'rtasidagi iqtisodiy va madaniy aloqalari bo'yicha ko'plab tadqiqot ishlari olib borgan [1].

Shuningdek, akademik A.A.Asqarovning ko'pgina asarlarida O'rta Osiyo xalqlari moddiy madaniyatiga o'zaro ta'sir doirasida bo'lgan ko'chmanchi –chorvador aholining Andronovo madaniyatining Baqtriya madaniyatida o'z aksini topishi, turkiy tilli aholining ko'chishi va uning xalqlar madaniyatida ko'rinishi ilmiy jihatdan tahlil qilinadi [2,3,4].

Arxeolog olim Y.A.Zadneprovskiy o'z tadqiqotlarida ko'chmanchi chorvador aholining madaniyati hisoblangan Andronovoning O'rta Osiyo xalqlarining o'troq dehqonchilik madaniyatiga ta'sirini moddiy madaniyat namunalari orqali solishtirilishi va analogiya qilinganligini guvohi bo'lishimiz mumkin [5]. Ayniqsa, arxitektura va kulolchilik sohalaridagi o'zgarishlarni, xususan sopol idishlarning kulol charxisiz qo'lda ishlanishi Farg'ona vodiysi hududida shakllangan Chust madaniyatiga mil. avv. 1-ming yillikning boshlarida kirib kelganligini tasdiqlaydi.

Yana bir zarbardast arxeolog olim V.M.Masson Qadimgi Sharq sivilizatsiyasi va shimoliy cho'l-dasht hududlarida istiqomat qilgan ko'chmanchi-chorvador qabilalar o'rtasidagi madaniy aloqalar migratsiya, aholining ko'chishi va madaniyatdagi sinkretizm holatlarini paydo bo'lishining asosiy omili ekanligini ta'kidlaydi [6].

Rus tadqiqotchi olimasi Y.E.Kuzmina o'zining "Арий-пут на юг" nomli tadqiqot

asarida Andronovo madaniyati sohiblari bo'lgan oriy qabilalarning vatani va ularning ko'chish oqibatlari, shuningdek O'rta Osiyo moddiy madaniyatidagi o'zgarishlar, yodgorliklarning paydo bo'lishi, hamda ularning sanalashtirilishi, ko'chmanchi chorvador va dehqonchilik madaniyati yaratuvchilarining iqtisodiy, madaniy va siyosiy aloqalari natijalari kabi masalalar bo'yicha tadqiqotlarini bayon qilgan [7].

Mil. avv. II ming yillikning 2-yarmida O'rta Osiyo dasht va tog' oldi hududlariga chorvador qabilalar keng miqyosda kelib o'rtnasha boshladi. Ularning moddiy madaniyati Ural oldi, Sibir va Qozog'istonning dashtlarida yoyilgan Andronovo madaniyatiga mansubdir. Kelgindi dasht qabilalari tarqalganidan, ayniqsa sopol idishlar, metall buyumlar va chorvador qabilalarga oid qadimgi qabrlar hamda dafn etish odatlari tuzilishi dalolat beradi.

Andronovo madaniyati qabilalari Janubiy Xorazm vohasidan o'tib, Quyi Zarafshon, Quyi Murg'ob, Kopet tog' oldi va Shimoliy Afg'onistonda paydo bo'ladilar. Ularning boshqa bir katta to'lqini Toshkent vohasi, o'rta Zarafshon, Surxon vohasi va Janubiy Tojikiston hududlarida yoyiladi. Baqtriya hududlaridan chorvador qabilalari Hind vodiysiga yo'l oladilar.

Ko'chmanchilarning ba'zi bir guruhlari dehqonchilik bilan shug'ullanuvchi aholining chegaralarida joylashib, o'troq bo'la boshlagan. Ko'chmanchi chorvador qabilalar daryo sohillari bo'ylab, tog' yonbag'irlarida va vohalarida tarqalgan. Bu vaziyat aholi chorva boqish hamda dehqonchilik bilan shug'ullanish maqsadida qulay geografik yerlarni o'zlashtirganligini ko'rsatadi.

Mil. avv. II ming yillikning o'rtalarida Surxon–Sherobod vohasiga va Janubiy Tojikistonning hududlariga shimoldan chorvachilik bilan mashg'ul bo'lgan qabilalar kelib o'rtnashgan. Dasht chorvador qabilalarining moddiy madaniyati haqida Jarqo'ton yodgorligi va Vaxsh makonida topilgan sopol buyumlar va bronza qurollari hamda qadimgi qabrlar o'rganilishi natijasida aniqlangan dafn marosimlari dalolat beradi. Sopol idishlar qo'lda ishlangan va ularning

sirti murakkab geometrik o'yma naqshlar bilan qoplangan. Bu idishlar mil. avv. II ming yillikda G'arbiy Sibir, Janubiy Ural va Qozog'istonning dashtlarida yoyilgan Andronovo madaniyatiga mansub idishlarga o'xshab ketadi.

Shunday qilib, ko'pgina ilmiy tadqiqot ishlarini umumlashtirib, bronza davrida ko'chmanchi chorvador qabilalarning O'rta Osiyo hududiga migratsiyasini xronologik va madaniy xususiyatlaridan kelib chiqib uch bosqichga bo'lish maqsadga muvofiq deb hisoblash mumkin:

- birinchi bosqich - Uralning Sintashta-Petrovka davri;
- ikkinchi bosqich - Srub madaniyati taraqqiyoti va andronovo madaniyati birligining vujudga kelishi davridagi Andronovo, Alakul va fedorov davri;
- uchinchi bosqich: qo'lda yasalgan sopol idishlar keng tarqalgan so'nggi srub va so'nggi andronovo madaniyati davridir.

Andronovo madaniyatiga mansub aholi ko'chishining birinchi to'liqini haqida Zarafshon daryosining yuqori oqimi va uning chap sohilidagi Sarazm yaqinida joylashgan Zardcha-Xalifa qabristoni muhim yodgorlik sifatida darak beradi [8.3]. Bu erdagi qablardan juda boy moddiy ashyoviy topilmalar qo'lga kiritilgan. Topilmalar orasidagi sopol idishlar Sopolli madaniyatining Jarqo'ton bosqichi va Dashli – 3 yodgorligi sopollariga o'xshashdir. Shuningdek, yodgorlikdan uzunligi 26,5 sm. Diametri 4,5 sm.lik tosh o'g'irning dastagi topilgan bo'lib, nemis arxeologi N.Boroffka bu topilmani Andronovo tipiga oidligini ta'kidlagan [9.188]. Yodgorlikdan 8 dona disksimon suvliq to'g'asi topilgan bo'lib, bunday suvliq to'g'alari suyakdan yasalgan diametri 8 sm, markazida katta teshigi borligi ular otning og'zidagi suvliqni, boshiga kiygizilgan no'xtani biriktirib, otni boshqarishni yengillashtirgan mexanizm sifatida foydalanganligidan darak beradi [12.29]. Ular arxaiik shaklga ega bo'lib, faqat Uralning Sintashta kompleksi uchun xarakterlidir [13.270]. Bundan tashqari, uzunligi 18 sm. bo'lgan andronovo tipidagi

yuqori qismida ot tasviri va turli zoomorf tasvirli bezak tushirilgan bronza to'g'nog'ichlar Sopollitepa, Jarqo'ton, Dashli-2, Gonur yodgorliklaridan ham dan topilgan [7.51]. Yuqori qismida ot tasviri aks ettirilgan to'g'nog'ichlar dehqonchilik madaniyatiga xos emas, balki bu topilma Andronovo madaniyatiga xos Minusinsk yodgorligidan topilgan taqib yuriladigan tillo xalqada tasvirlangan ot tasvirini eslatadi. U Sibirning Seyminsk qabristonidan topilgan pichoqda ham tasvirlangan [10.13-17].

Samarqand yaqinidagi To'g'ay manzilgohidan topilgan ashyolar ham andronovo aholisining ilk migratsion to'liqidan darak beradi. Sopol idishlarning xom ashyosi- qorishmasiga turli qattiq unsurlarning qo'shilishi Ural kulolchiligiga o'xshashligini tasdiqlaydi. Mazkur ma'lumotlarga tayanib, tadqiqotchi Y.Kuzmina Ural aholisi yangi ruda konlarini izlab Zarafshon vohasiga kelgan degan fikrni ilgari surgan. [7.52]

Zardcha-Xalifa materiallarining tahlili shuni ko'rsatadiki, artefaktlarning aksariyati Baqtriya-Marg'iyona kompleksiga va Uralning Sintashta kompleksiga tegishli ekanligi O'rta Osiyoga oriy qabilalarining birinchi ko'chishi aynan shu davrda yuz berganligini ko'rsatmoqda.

Ikkinchi bosqichda miloddan avvalgi II-ming yillikning 2-choragining oxiri va 3-choragining boshlarida Uralning alakul tipiga va G'arbiy Qozog'iston hamda Markaziy va Sharqiy Qozog'istonda fedorov tipiga oid andronovo va srub qabilalarining birligi shakllandi.

Mazkur hududda yaylovlarning atrofida joylashgan ovul va qishloqlarning joyini har 25 yilda bir marta o'zgartirishga majbur bo'lganlar. Boy zodagonlarning oddiy aholiga o'tkazayotgan zo'rliigi zahirasi tugayotgan dashtliklarni yangi yerlarni o'zlashtirishga majbur qiladi. Shu paytda fedorov qabilalari Sibirga siljiy boshlaydi. O'rta Osiyoning dasht qabilalari dehqon jamoalari orasida faol madaniy aloqalar assimilyatsiya jarayoni tufayli siljish va ko'chish kuchayib bordi.

Shuni ta'kidlab o'tish kerakki, dasht aholisiga tegishli bo'lgan yodgorliklar

Y.G‘ulomov, Y.A.Zadneprovskiy, A.A.Asqarov, N.A.Avanesova tomonidan andronovo termini bilan, V.M.Masson tomonidan tozabog‘yob-andronovo termini bilan, Y.E.Kuzmina va Y.A.Mandelstamlar tomonidan dasht turiga kiruvchi yodgorliklar nomi bilan atalib kelingan. O‘rta Osiyodagi Andronovo madaniyati birligi aholining yashash joylari, dafn etish marosimlari va sopol idishlariga qarab, Bishkent-Vaxsh, Tozabog‘yob, Andronovo, Srub kabi madaniyatlar guruhiga bo‘lish mumkin.

Tozabog‘yob madaniyati Orol dengizining janubidan qadimgi Amudaryoning qurib qolgan o‘zanlari bo‘ylab tarqalgan. Bu hududda 50 dan ortiq manzilgohlar ochib o‘rganildi. Qavat-3, Angqa-5, Bayram-Qazgan, Ko‘kcha-15, Jonbos-21 va Ko‘kcha – 3 qabristoni shu yodgorliklar jumlasiga kiradi [15.160-165].

Mutaxassislar tomonidan Tozabog‘yob madaniyatining bikonik (tagdoni tik qir qilgan) sopol idishlari bu hudud uchun xarakterlidir. Bu idishlarning sirtida, ya‘ni ikki qismida bezaklar uchraydi. Bezatilishda hukmronlik qiluvchi archasimon va qarama-qarshi yotgan uchburchaklar, idishning sirtida qovariqlar hosil qilish, shuningdek tagdon qismining bezatilishi bu madaniyatning Uraldagi Petrovka va g‘arbiy Qozog‘iston madaniyatiga o‘xshashlik tomonlarini ko‘rsatadi.

Hozirgi vaqtda qurib qolgan Zarafshon daryosining qadimgi deltasi Moxandaryo va Gujayli-Gurdush ko‘li, hamda Buxorodan shimolda joylashgan Qizilqum cho‘lida 30 dan ortiq manzilgohlar va Gurdush qabristoni topilgan. Qashqadaryo vohasidan ham shunga o‘xshash 4 ta manzilgoh topilgan. Mazkur yodgorliklarni A.A.Asqarov, Y.G‘.G‘ulomov, Y.A.Zadneprovskiy, N.A.Avanesovalar ularni andronovo madaniyati mansub deb hisoblasa [1,5,15], M.A.Itina va Y.E.Kuzminalar bu yodgorliklar aholisining xo‘jaligi va turmush tarziga qarab, ularni Tozabog‘yob madaniyatiga oid ekanligini e‘tirof etgan [7,14].

Quyi Zarafshonning madaniy xo‘jaligi ayniqsa, sopol idishlari dafn etish marosimlari, uylarining qurilishiga qarab, bu madaniyatni Tozabog‘yob madaniyati turiga kiritish

mumkin. Ko‘chib kelganlar Zamonboboning qadimgi aholisi bilan qorishib ketgan. Ularning etnik tarkibga ta‘siri tuxumsimon idishlar shaklining saqlanib qolishi, tomonlari turtib chiqqan va silindr shaklidagi kichik tuvaklarning ishlab chiqarilishi, hamda daraxt yaprog‘iga o‘xshaydigan toshdan yasalgan paykon uchining paydo bo‘lishi, marmar, serdolik, firuza, lazurit yasalgan salbsimon va turli shakldagi munchoq va taqinchoqlar ko‘paydi.

Mo‘minobod qabrlaridagi dafn etish marosimlari sibirning alakul marosimlariga o‘zining g‘ujanak holatdagi ko‘milishi, boshining g‘arb tomonga qaratilishi, ayollar qabrlarida bilkuzuk, quloq xalqasi, uzuklar kiyim va poyafzalga qadalgan sanoqsiz munchoqlarning uchrashi bilan o‘xshashligi bilan xarakterlidir. Ayniqsa, dastagli oyna va naychasi bor sirg‘alar Fedorov turiga yaqinligini ko‘rsatmoqda [16.5-10].

Mo‘minobod yodgorligiga yaqin hudduda o‘rganilgan Chakka qabristonining dafn etish marosimlari, xususan tuproq uyulgan qo‘rg‘onlari, boshi shimolga qaratilgan va g‘ujanak holatda ko‘milishi, tuvaklarning yuqori qismining aylana shakldagi andronovo va srub idishlariga o‘xshashligi, taqinchoqlarning konus va spiralsimon shakli, andronovo tipidagi bilakuzuklar madaniy sinkretizm holatidan darak beradi. Butun Zarafshon vohasi uchun qalayning makoni Qarnabdagi Lapas va Changali konlari hisoblanadi. Bu yerdan metallurglarning to‘rtta xonadoni topilgan bo‘lib, ularning poydevori toshdan barpo etilishi, o‘chog‘ning shakli andronovo tipiga yaqinligini ko‘rsatadi.

Samarqand atrofidagi yodgorliklar sirasiga shahardan janubi-g‘arbda joylashgan Jom qishlog‘ini kiritish mumkin. Bu yerdan tasodifan topilgan ikkita sopol idish, yassi oyna va dastagida geometrik bezaklari mavjud bronza oyna, ayniqsa yuqori qismida kiyik tasvirlangan to‘g‘nog‘ich, ikki tomoni o‘tkir pichoq, shuningdek andronovo tipidagi ikki qanotli paykon uchi diqqatimizni tortadi. Bu topilmalar Zarafshon vohasida uning janubidagi o‘troq dehqonlar jamoasi va andronovo madaniyatining ta‘sirini kuzatishimiz mumkin.

Farg‘ona vodiysi hududida, Sirdaryoning qirg‘og‘idagi Qayroqum manzilgohidan 70 dan ortiq qishloqlar va ishlab chiqarish komplekslari, hamda Xoji-Yagona, Dahana, Dashti-Asht kabi qabristonlar topib o‘rganilishi natijasida so‘nggi andronovo madaniyatiga oid bo‘lgan ko‘plab topilmalar qo‘lga kiritildi [17.95]. Qayraqum sopol idishlari qo‘lda, charxsiz va ba‘zan qolipda ishlangan. Tuvaklarning yuqori qismi keng devorli kalta bo‘yinli qilib ishlangan. Yonboshi turtib chiqqan sopol idishlar ham uchraydi. So‘nggi yodgorliklarda choynaklar va gorizontal tutqichli idishlar ham uchraydi.

Xo‘ja-Yagona qabristonidan shimol tomonga qaratib qo‘yilgan tosh yashik topilgan. Uning tuzilishi atrofida toshlarning tik qo‘yilganligi bilan ajralib turadi. Mayit dafn etish urf-odatlariga ko‘ra, sopol idishlar, bilaguzuk, to‘g‘nogich, munchoqlar bilan qo‘shib ko‘milgan.

Tadqiqotchi olim N.G.Gorbunova bu madaniyatni andronovo madaniyatining Qayroqqum tipiga oidligini ta‘kidlagan. Y.E.Kuzmina ularni Qirg‘izistonning Yettisuv yodgorliklariga yaqinligini va ularning kelib chiqishi Markaziy Qozog‘iston va Yettisuv hududlaridan so‘nggi andronovo qabilalarining ko‘chib kelishi bilan bog‘liq

ekanligi e‘tirof etadi [18.45].

Xulosa qilib aytganda, Farg‘ona, Toshkent, Xorazm va Zarafshon vohasida tarqalgan ko‘chmanchi-chorvadorlar madaniyati miloddan avvalgi II ming yillikning oxirida O‘rta Osiyoning shimoliy va Sibir, Janubiy Qozog‘iston hududlarida tarqalgan andronovo madaniyati yaratuvchilarining janubiy hududlarga siljishi bilan bog‘lanadi. Xususan, ko‘chmanchi-chorvadorlarning Andronovo madaniyati qabilalari Janubiy Xorazm vohasidan o‘tib, Quyi Zarafshon, Quyi Murg‘ob, Kopet tog‘ oldi va Shimoliy Afg‘onistonda paydo bo‘ladilar. Ularning boshqa bir katta to‘lqini Toshkent vohasi, o‘rta Zarafshon, Surxon vohasi va Janubiy Tojikiston hududlarida yoyiladi va Baqtriya hududlari orqali Hind vodiysiga yo‘l olanliklarini kuzatish mumkin. Chorvadorlarning ba‘zi bir guruhlari esa dehqonchilik bilan shug‘ullanuvchi aholining chegaralarida joylashib, o‘troq hayot tarziga o‘ta boshlagan va daryo sohillari bo‘ylab, tog‘ yonbag‘irlarida va vohalarida tarqalgan. Bu vaziyat aholi chorva boqish hamda dehqonchilik bilan shug‘ullanish maqsadida qulay geografik yerlarni o‘zlashtirganligini ko‘rsatmoqda.

Foydalanilgan manba va adabiyotlar ro‘yxati:

1. Аванесова Н. А. Степной пласт доисторической Бактрии // Центральная Азия: источники история, культура. ТДМК, посвященной 80-летию Е. А. Давидович и Б. А. Литвинского. Москва, 2003
2. Аскарлов А.А. Об исконной родине расселения древних тюрков. -ИМКУ., «Ўзбекистон моддий маданияти тарихи». Ташкент. 2001.
3. Аскарлов А.А. Арийская проблема: новые подходы и взгляды. // История Узбекистана в археологических и письменных источниках. Тезисы докладов Ташкент. 2005.
4. Аскарлов А. А. Степной компонент в оседлых комплексах Бактрии и вопросы его интерпретации //Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. Тезисы докладов. Алма-Ата. – 1987.
5. Заднепровский Ю.А. “Памятники андроновской культуры. -Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. М.-Л., 1996
6. Массон В.М. Древние цивилизации Востока и степные племена в свете данных археологии //Stratum plus. Археология и культурная антропология. – 1999. – №. 2. – С. 265-285.
7. Кузьмина Е.Е. Арии-путь на юг. Российский институт культурологии //М.: Летний сад. – 2008.

8. Бобомуллоев С. Раскопки погребального сооружения из Зардчахалифы //Известия Академии Наук Республики Таджикистан. Сер.: Востоковедение, история, филология. – 1993. – №. 3. – С. 27.
9. Boroffka N. Bronse-und fruheisenzeitliche Geweihtenknebel aus Rumfnien. Berlin. 1998. p188.
10. Сариниди В.И. Арийская проблема и новый археологический материал. Наука и человечество. М., 1989. стр.13-17.
11. Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Т.,1977. стр.135).
12. Bobomulloev S. Ein bronzzeitliches Grab aus Zardča Chalifa bei Pendžikent (Zeravšan-Tal) //Archäologische Mitteilungen aus Iran. – 1997. – Т. 29. – С. 121-134.
13. Генинг В. Ф., Зданович Г. Б., Генинг В. В. Синташта //Челябинск. – 1992. – Т. стр.270
14. Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья. М., 1977. стр.136-137.
15. Гулямов Я. Г., Исламов У., Аскарлов А. А. Ибтидоий маданият ва Зарафшон этакларида суғориладиган дехқончиликнинг вужудга келиши. – Изд-во" ФАН" Узбекской ССР, 1966.
16. Аскарлов А.А. Раскопки могильника эпохи бронзы в Муминабаде. -Т.,1969 ИМКУ. стр. 5-10).
17. Литвинский Б.А. Бронзовый век. - ИТН.Т.1. М., 1963. Стр. 95
18. Кузмина.Е. Семиречинский вариант культуры эпохи поздней бронзы. -КСИА. Вып.122. 1970. стр.45.

XX АСР ҚИЗИЛҚУМ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Аширов Валижон Илхомович.

Навоий давлат педагогика институти “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси” ўқитувчиси
+99893 661 43 94

Аннотация: Ушбу мақолада XX аср Қизилқум саҳросида янги саноат шаҳарларига асос солиниши, Ўзбекистон ССРнинг индустриал шаҳарлари Навоий, Зарафшон, Учқудук шаҳарларида шунингдек, иттифоқ шаҳарларида ва маҳаллий ишчиларнинг меҳнат фаолиятлари ҳақида маълумотлар қайд этилади. Саноат ривожланиши учун меҳнат қилган қаҳрамон ишчиларнинг меҳнат фаолиятлари ҳақида илмий фикрлар ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар: Қизилқум, саноат зонаси, кон бошқармалари фаолияти, Ўзбекистон ССР Қаҳрамони, Навоий, Зарафшон, Учқудук Навоий кон-металлургия комбинати.

Аннотация: В данной статье приведены сведения об основании новых

промышленных городов в пустыне Кызылқум XX века, промышленных городах Навои, Заравшан, Учқудук Узбекской ССР, а также союзных городах и трудовой деятельности местных рабочих. Освещены научные мнения о трудовой деятельности героических тружеников, трудившихся на благо развития промышленности.

Ключевые слова: Кызылқум, промышленная зона, деятельность горных ведомств, Герой Узбекской ССР, Навои, Зарафшан, Учқудук, Навоийский горно-металлургический комбинат.

Annotation: In this article, information about the founding of new industrial cities in the 20th century Kyzylkum desert, the industrial cities of Navoi, Zarafshan, Uchkuduk of the Uzbek SSR, as well as the

union cities and labor activities of local workers. Scientific opinions about the labor activities of the heroic workers who worked for the development of industry are highlighted.

Key words: Kyzylkum, industrial zone, activity of mining departments, Hero of Uzbekistan SSR, Navoi, Zarafshan, Uchquduq Navoi mining and metallurgical combine.

Одатда изоҳли луғатларга эътибор қаратадиган бўлсак қаҳрамон атамаси тарихий роман ва дostonларда “ботир”, “жасур”, “чемпион” “шижоати” довюраклиги билан ном қозонган бадий асарларнинг бош қаҳрамонларга нисбатан ишлатилади. Бирор бир воқеа ходисанинг содир бўлишида асосий сабабчи бош ролни бажарган шахс образи гавдаланади. Кўпгина тарихий жараёнларни сабабчиси якка шахс ёки бирор бир жамоага нисбатан қаҳрамонлик мардлик сўзлари ҳам ишлатилиши барчамизга маълум.

Ушбу атама кейинги пайтларда бир оз янгича кўринишда ишлатилмоқда яъни илгаригидек мард, жасур фазилатлар, ҳислатлар бутун бир саҳро, воҳа чўл ёки ҳудудларни обод қилишда жамиятга фойда келтирган шахсларга нисбатан қўлланилмоқда. Баъзи ҳолларда халқга жамиятга фойда келтириш келажак учун инсониятни тарихий бойлигини асраш йўлида муносиб хизмат қилган инсонларга ҳам маънавий жасорат сўзлари ишлатилади. Бадий асар ва дostonларда бундай масалаларни кўпроқ учратамиз. Жумладан Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” дostonида

Хунарни асрабон нетгумдир охир

Олиб тупроққа му кетгумдир охир [1;145]. -деб Фарҳод ўз халқига фойда келтириш учун меҳнатга киришади. XX асрда Қарши, Мирзачўл, Қизилқум саҳросини ўзлаштириш ва бир қанча янги шаҳарларга асос солиниш жараёнлари мана шундай миллат қаҳрамонлари Фарҳод образидек ўзларининг жасоратларини намоён этишдилар. Айниқса бу ўзгаришлар Қизилқум саҳросида бирмунча ривож топди. 1950 йилни бошида Учқудукда уран конларини топилиши кейинчалик эса олтин

конларини топилиши геологик қидириш жараёнларини бошлаб юборилиши натижасида Навоий, Зарафшон, Учқудук сингари саноат шаҳарларига асос солиниши натижасида шаҳар индустрияси ва аҳол демографиясини ортиб борди, натижада Қизилқум чўлида янги индустрияга асосланган шаҳарлар қад кўтара бошлади. Албатта мана шу янги шаҳарларга асос солиниш жараёнлари давомида миллат қаҳрамонларининг ҳам ўз ўрни бор. Лекин иттифоқ даврида бундай меҳнатқаш қаҳрамонларнинг айримларигина давлат мукофотларига сазовар бўлишган.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгунча “Комбинатнинг олти ходими Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовар бўлганлар. 1970 йилнинг январиде Навоий шаҳрида биринчилардан бўлиб, фармонда айтилганидек “Навоий саноат минтақаси корхоналарининг қурилиши ва ўзлаштирилишидаги буюк хизматлари учун” унга Шимолий кон бошқармасининг ер соти проходқачиси Ҳамро Жураев, Навоий кон-металлургия комбинати директори Зарап Петросович Зарапетян, Шимолий кон бршқамаси директори Анатолий Анатольевич Петров (1970 й) лар сазовар бўлишган. 1977 йилда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини Шимолий кон бошқармаси экскаватор машинисти Леонид Григорьевич Заболотко, 1980 йилда Марказий кон бошқармаси ҳайдовчилар бригадири Владимир Яковлевич Лускарев, 1983 йилда Шимолий кон бошқармаси экскаватор машинисти Виктор Константинович Панкратовлар махсус махсулот чиқаришга доир топшириқларни бажаришда ва илғор технологик жараёнларни жорий этишдаги улкан ютуқлари учун олишган” [7;55] бўлишса 1995 йил Шимолий кон бошқармаси экскаватор машинистлари бригадири Анатолий Николаевич Панин, 1983-2008 йилларда Навоий кон-металлургия комбинати директори 1996 йил Николай Иванович Кучерский, 2008 йил Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон

бошқармасига қарашли 2-гидрометаллургия заводи цех бошлиғи Сойибов Фархад Яхшиевич, 2015 йил Навоий кон-металлургия комбинатини директори Санакулов Қувондиқ Санакуловичлар Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланган.

Мана шундай ватан қаҳрамонларини олд қаторидан ўрин олган инсон бу Ҳамро Жураевдир. Ҳамро Жураев 1933 йилда Сурхондарё вилоятида тўғилган. Мактабни тугатгач 1950 йилда Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 13-сонли билим юртини тамомлаб 1950-1952 йилларда Ўрта Осиё кимё машинасозлик заводида меҳнат қилади. 1952-1955 йилларда Совет Армияси сафларида ҳарбий хизматини ўтайди. Армия сафларидан қайтгач Тошкент вилояти Янгиобод шаҳридаги СССР Ўрта машинасозлик вазирлигига қарашли Тожикистоннинг Ленинобод кон-кимё комбинатида кончи бўлиб меҳнат қила бошлайди. 1958 йил Навоий кон-металлургия комбинатига асос солиниши натижасида СССР Ўрта машинасозлик вазирлиги Навоий шаҳридаги Навоий кон-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармаси ҳозирги Учқудук шаҳрида кончи бўлиб ишлаган. Учқудук шаҳридаги биринчи кончилардан бири сифатида алоҳида эътироф этилади.

Кейинчалик “Биринчи кончилардан бири Жураев Ҳамро Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирланди”[8;15]. 1960-1971 йилларда мураккаб кон геологик шароитларида туннел қазииш ишларини ташкил этиш ва такомиллаштиришга янги туннел қазииш ва тозалаш техникасини яратишга катта ҳисса қўшди. Шу билан биргаликда уран қазиб олиш саноатини кенгайтириб ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1970 йил 17 январдаги фармони билан “Учқудук конини саноатда юқори кўрсаткичларда ўзлаштириш, ер ости конларини қазииш юқори тезлик кўрсаткичларига эришгани учун” Ҳ.Жураевга “Социалистик меҳнат

қаҳрамони” унвони берилди”[2;141]. Бундан ташқари бир қанча орден ва медаллар билан ҳам тақдирланган. 1973 йилдан СССР Ўрта машинасозлик вазирлигининг Навоий кон-металлургия комбинатида тоғ-кон техникасини таъмирлаш механиги лавозимида фаолият юрита бошлайди. Ҳ.Жураев ўзининг меҳнатсеварлиги ва касбига бўлган садоқати, саноат тармоқларини ривожланиб боришида алоҳида муносиб хизмат кўрсатиб нафақага чиққунича ўз касбинини сир асрорларини шогирдларига ўргатиб “устоз-шогирд” анъанасини давом эттирди. Ҳ.Жураев 2000 йил вафот этди.

“Афсона одам”, “Чўл бошлиғи”, “Уран қироли” номлари билан шарафланган Навоий кон-металлургия комбинатининг биринчи раҳбари Зарап Петросович Зарапетянни алоҳида эслаб ўтиш жоиз. Зарап Петросович Зарапетян 1914 йил 25 февралда ўша вақтлар Россия империяси таркибидаги Тифлис вилояти (ҳозирги Арманистон)нинг Ахалкалки тумани, Мамзара қишлоғида ўқитувчи оиласида туғилган. 1931 йилда Зарап Петросович Транскавказ саноат коллежини тугатиб меҳнат фаолиятини Москвадаги “Динамо” заводида электромонтёр бўлиб давом эттира бошлайди. 1931-1935 йилларда Москвадаги Паркстрой заводи комсомол кўмитасининг котиби, 1935-1937 йилларда Дмитров шаҳрида Москва-Волга каналини қурилишида комсомол кўмитасининг котиби лавозимларида фаолият юритади. 1935 йил Россия Федерациясининг Кроснаярск ўлкасидаги Норилск саноат кончилиқ металлургия комбинатини қурилиши муносабати билан техник муҳандис сифатида ушбу ўлкага юборилади. У ерда транспорт бўлими бошлиғи, шўъба корхоналар бошлиғи лавозимларида фаолият юритади. 1945-1953 йилларда биринчи уран рудаларини қазиб олиш бошқармаси Тожикистон ССРдаги 11 сонли кон бошқармасининг бошлиғи этиб тайинланади. Албатта, бу йилларда “совуқ уруш”нинг бошланиши АКШда атом бомбасини яратилиши ва СССРда ҳам уран маҳсулотига талабнинг

ортиб бориши натижасида кончилик саноатида уран қазиб олиш ва излаб топиш иттифоқ миқёсида ривожлантирилди.

Бу йилларда Зарап Петросович 1951-1955 йилларда Тожикистон ССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, 1960, 1966, 1970 йилларда Ўзбекистон ССР партия кўмиталарини делегати ва Ўзбекистон Компартияси Марказий кўмитасини аъзоси лавозимларига ҳам тайинланган. 1953-1957 йилларда партия кўмитаси котиби ва СССР геология ва минерал ресурсларни муҳофаза қилиш вазирлиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, 1957-1958 йилларда катта муҳандис лавозимларида фаолият юритган.

Зарап Петросович 1958 йил августида Навоий кон-металлургия комбинатига асос солиниши натижасида ушбу комбинатга директор этиб тайинланади. Унинг раҳбарлиги қийин ва мураккаб вазиятли даврга тўғри келади, сабаби янги ташкил этилган корхонада муаммолар ҳали кўплиги кадрлар етишмаслиги, етакчи ишлаб чиқариш тармоқларида техниканинг етишмаслиги натижасида Москванинг таҳдидли буйруқларини режадан ортиқ бажаришга ҳаракати баъзи мутахассис кадрларни иккиюзламачилик, сохтакорликлар орқали раҳбарга нисбатан тазйиклари адолатсизликларни кучайиб боришига олиб келди. Шундай бўлишига қарамасдан бир қадам ҳам ортга чекинмай ишлаб чиқаришни бирмунча оширди.

“У раҳбарлик қилган даврда комбинат жамоаси қисқа муддатда оғир ва кончилик шароитида Учқудуқ конида уран рудаларини қазиб олиш корхонаси гидрометаллургия заводини қуриб лойиҳа қувватини ўзлаштирди. Навоий қурилиш индустрияси учун қудратли база яратди: юзлаб километрли темир ва магистрал йўллар, электр тармоқлари қурилди. Қизилқум чўлида Мурунгов олтин конида рудани қайта ишлаш ва олтин қазиб олиш бўйича энг йирик саноат мажмуасини қуриб фойдаланишга топширилди”[5;237]. Саноат ишлаб чиқариш бирмунча ортиб борди.

Зарап Петросович бошчилигидаги ишчилар жамоасини фаол ҳаракати натижасида икки йил давомидаги меҳнатини самараси 1969 йилда 2 гидрометаллургия заводини ишга туширилиши натижасида 999,9 пробадаги жаҳондаги дастлабки қуйма олтин олиш бошлаб юборилади. 1971 йил 10 июнгача Навоий шахри ва Зарафшон, Учқудуқ саноат ҳудудларида уй-жойларни қурилиш жараёнлари кенгайиб бориши ички ва ташқи алоқа миграцияси ортиб аҳоли сони кенгайди. Камтарин ва фидойи инсон Зарап Петросович ҳар доим ишлаб чиқариш жараёнларини ўзи бориб кўрар, ишчиларга керакли кўрсатмалар бериш орқали ишлаб чиқаришда юзага келган баъзи камчилик йўллариини меҳнат тажрибаси орқали бартараф этарди.

“Зарапетян ҳақли равишда Республика кон саноати асосчиларидан бири ҳисобланади. У кенг фикрлашни, истиқболни кўзлаб, қатъий талаб қўйишни, қатъий назорат қилишни биларди, лекин бошқа томондан идорадан буйруқ бермас, янги бинонинг қалин қисмида яшар, аҳволни яхши биларди”[4;66].

Қизилқум чўллариини ўзлаштириш уран ва олтин қазиб олиш саноатини ривожлантиришдаги хизматлари учун “СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1970 йил 6 январдаги Фармони билан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони билан тақдирланган” [2;159]. 1972 йил декабр ойида Зарап Петросович Зарапетян СССР Фанлар Академиясининг янги ташкил этилган Ядро тадқиқотлари институтининг капитал қурилиш бўйича ўринбосари лавозимига тайинланади. Кейинчалик эса Троицк шаҳридаги ядро-физикавий мажмуаси лойиҳалаштирилади.

Шунингдек Кавказдаги Баксан нейтрино расадхонасининг ер ости илмий мажмуаларини лойиҳалаштириш ва қурилишига раҳбарлик қилди. Тиниб тинчимас Зарап Петросович Зарапетян Зарафшон воҳасидаги сингари Троицк шаҳрида ҳам уй-жой қурилиш, тураржой мажмуаларини ўзининг тажрибасидан фойдаланган ҳолда кенгайтириб борди,

натихада Троиск вилоятга бўйсинадиган шаҳар мақомига эга бўлди.

Зарап Петросович Зарапетян 1998 йил сентябр ойида бўлиб ўтадиган Навоий кон-металлургия комбинати ташкил этилганлиги 40 йиллиги муносабати билан Ўзбекистондан таклифнома олади, аммо байрам тадбирига кела олмай 1998 йил 26 апрелда Троиск шаҳрида вафот этди.

Саноат тармоқларини ривожлантиришга ва бу ҳудудлардаги ишлаб чиқариш тармоқларини ривожланишига алоҳида хизмат қилган инсонлардан бири Лускарров Владимир Яковлевич. Владимир Яковлевич 1935 йил 21 январда Ленинград (ҳозирги Новгород) вилоятининг Боровочи шаҳрида туғилган.

Меҳнат фаолиятини 1952 йилдан механик шогирди сифатида бошлаган. 1968 йилдан Ўзбекистон ССР Ўрта машинасозлик вазирлиги Марказий кон бошқармасини Зарафшон шаҳрида биринчи тоифали ҳайдовчи бўлиб ишлай бошлайди.

“Аср мўжизаси” номини олган Мурунгов олтин конини топилиши натижасида 26 йил йирик автомобилларни бошқара бошлаган. 1973-1993 йилларда БелАЗ-548 самосвол ҳайдовчиси, ҳайдовчилар бригадир, автомобилларни двигателини техник кўриқдан ўтказувчи лавозимларида меҳнат қилган. “СССР Олий Совети Президиумининг 1980 йил 7 августдаги Фармони билан барқарор юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришгани ва олтин қазиб олиш саноатида қўшган ҳиссаси учун “Социалистик Меҳнат Қаҳрамони” унвони ва бир қанча орден ва медаллар билан тақдирланган[2;225]. 1994 йилдан нафақага чиқади. Ҳозирги кунда Воронеж шаҳрида яшайди. 1998 йил Навоий кон-металлургия комбинатининг 40 йиллик юбилейи муносабати билан Ўзбекистондан ташқарига чиқиб кетган фахрий қаҳрамонларга ҳам таклифномалар юборилганида Лускарров Владимир Яковлевич ҳам Ўзбекистонга ўзи фаолият юритган Учқудуқ шаҳрига ташриф буюриб бу ердаги ўзгаришларни янги техника ва технологияларни, ишлаб чиқаришдаги ўзгаришларни алоҳида таърифлаб таклиф

этилганлиги учун алоҳида миннатдорчилик билдириб ўтади. Ва шундай дейди “Келганимдан кейин ҳамма нарсага кўзимни катта-катта очиб қарайман, ҳаммаси тушдагига ўхшайди. Қандай катта иш, қанчалик матонат!”[7;207]. Лускарров Владимир Яковлевичнинг бугунги кундаги ҳаёти ҳақида аниқ маълумотларни ижтимоий тармоқ ва комбинатнинг бугунги нашр этилган китоблардан қидириб тополмадик.

Ишлаб чиқариш кончилиқ соҳасининг машҳур экскаваторчиларининг фахри деб эътироф этилган Заболтко Леонид Григоревични алоҳида ўз ўрни бор. Заболтко Леонид Григоревич 1933 йил Новосибирск шаҳрида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1956 йилдан бошлайди. 1957 йилда қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юртида экскаватор машинисти соҳаси бўйича малака оширди ва унинг лойиҳалари асосида карьерларда тош массасини қазиб олишда доимий равишда юқори кўрсаткичларга эришилди. 1963-1983 йилларда Шимолий кон бошқармаси (Учқудуқ)да меҳнат қилди.

1970 йиллардан енгил қумли гил тупроқлар учун экскаваторларни кончилиқ ишлаб чиқариш соҳаларини такомиллаштириб бориш масалаларини илгари сурди ва амалиётга жорий этди ва ўзгаришлар 1973 йилда Учқудуқда биринчи бўлиб ЭКГ-81 экскаваторлари учун мўлжалланган йиллик ишлаб чиқариш кўрсаткичига эришилди.

3.Л. Григоревич СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1977 йил 8 июндаги Фармони билан ишлаб чиқаришдаги 1976 йил режаси ва қабул қилинган мажбуриятларни бажаришдаги эришган ютуқлари учун “Социалистик Меҳнат Қаҳрамони”[2;145] унвони билан тақдирланди. 1983-1993 йилларда ишлаб чиқариш таълими устаси лавозимида ёшларга устозлик қилиб келади. Заболтко Леонид Григоревич 1993 йилдан нафақага чиқди ва кейинчалик Улянск вилояти Димитровград шаҳрига кўчиб кетди у ерда ҳам ўз касбини давом эттириб борди ва 2014 йил 29 июнда вафот этди.

Панкратов Виктор Константинович 1933 йилда Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1948 йилдан бошлаган. 1961 йилда Ўзбекистон ССРнинг Навоий шаҳридаги Навоий кон-металлургия комбинатини қайта ишлаш комбинатида Шимолий Кон бошқармасида экскаватор машинисти бўлиб ишлаб боради.

Шимолий кон бошқармасида “1962 йил сентябр ойида ЭШ-10/60 №1 юрвчи экскаваторни ўрнатиш тугалланди. Унинг биринчи устаси бўлажак меҳнат қаҳрамони В.К. Панкратов бўлиб, у 1986 йилда ЭКГ-8И 6384 м³ типидagi экскаваторлар бўйича Учқудукда мутлақ рекорд ўрнатган В.К. Панкратов жамоаси ишлаётган эди”[6;25].

Хатто бу йилларда Учқудукдаги Фарбий очик кон бошлиғи Н.И.Кучерский билан ҳам муносабатлари яхши эди. Қизилқум чўлининг ер ости бойликларини ўзлаштиришда асосий пешқадам ишчилардан бири эди. 1981йилда унинг бригадаси иттифоқда энг юқори кўрсаткичга эришди, яъни йил давомида 6 миллион м.³ тош массаси қазиб олинди. “Экскаватор операторлари Заболотько ва Панкратовларнинг таклифига кўра, паст ҳажмли оғирлиги 2,5 тонна м³ бўлган енгил қумли-гилли тупроқларни ҳисобга олган ҳолда 10 м³ сифимли челақлардан фойдаланиш бошланди, бу челақлар соҳанинг ривожланишида асосий турига айланди”[6;28].

Бу ўзгаришлар янги конларни ўзлаштириш имконини берди. Натижада 1976 йил 29 мартда “Шон-шараф белгиси” ордени ва бошқа медаллар билан мукофотланади. “Знамя дружбы”[3;67] газетасининг 1983 йил 3 сентябрдаги сонида комбинатни ўша вақтдаги директори Анатолий Анатолиевич Петров фидокорона ва илҳом билан меҳнат қилаётган ажойиб кончилар номини айтиб ишчилар орасида биринчилардан Виктор Константинович Панкратовни исми тилга олинади.

“СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1983 йил 25 октябрдаги фармони билан махсус маҳсулотлар ишлаб

чиқаришни кўпайтириш ва илғор техналогик жараёнларни жорий этиш бўйича топшириқларни бажаришдаги катта муваффақияти учун Виктор Константинович Панкратовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди”[2;279]. 1986 йилда ЭКГ-81 экскаваторлари бўйича янги рекорд ўрнатилди.

Виктор Константинович Панкратов нафақага чиққанидан сўнг Навоий шаҳрида яшаган. 2000 йиллар атрофида Панкратов Қримнинг Феодосия шаҳрига кўчиб кетган.

Иккинчи жаҳон урушида мардонавор қатнашган ватан уруши қаҳрамони Анатолий Анатольевич Петров 1918 йил 30 июнда Украина пойтахти Киев шаҳрида туғилган. Болалигидан кончилик ва ишлаб чиқариш соҳаларига қизиқиши ортиб борган Анатолий уруш бошланган йилда Москва рангли металл ва олтин институтини тамомлайди ва 1942 йилни октябр ойидан иккинчи жаҳон уруши мудофаасига сафарбар этилади. 1943 йил Брянск fronti 61 армиясининг 9-гвардия милтиқ корпусининг 12-гвардия милтиқ дивизиясининг 32-гвардия милтиқ полкининг адъютанти, катта милтиқ батальони, қоровул капитани лавозимларида фаолият юритган. Жангоҳда ҳам душманга қарши мародановор кураш олиб боради ва жанглари бирида оғир яраланади. Совет иттифоқи Петров Анатолий Анатольевични жангларидаги жасоратлари учун Биринчи даражали Ватан уруши ордени ва Жасорати учун медаллари билан тақдирлади.

Тиниб тинчимас Петров Анатолий Анатольевич 1944 йилда КПСС сафига кўшилади ва яна оғир яраланади. Кейинчалик касалхонадан даволаниб чиққач Таллиндаги Балтвонморстрой ҳарбий қурилиш батальонига кўмондон этиб тайинланади. 1945-1946 йилларда СССР Тсветмет вазирлиги -Тсветмет Халқ Комиссарлигининг “Главзолото” геология қидирув бошқармасининг ўринбосари лавозимларида фаолият юритиб бошқарув соҳасида ўзининг бир қанча тажрибасини намоён этиб келган. 1953-1959 йилларда

Якуталмаз (Ҳозирги Россия Федерациясининг Саха Республикасидаги Мирний туманининг шаҳри)да трест бошлиғи ўринбосари ва қурилиш бошлиғи лавозимларида фаолият юритади.

Петров Анатолий Анатольевични меҳнат фаолиятини алоҳида даври Ўзбекистон ССРнинг саноат шаҳарларини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда кечди. А.Петров 1959 йил ноябрида вазирлик кўрсатмаси билан Навоий кон-металлургия комбинати ихтиёрига келиб, 26 йил давомида ўзининг куч ғайрати ва билим ва тажрибасини ёш авлодга ўргатиб келган. 1959-1971 йилларда Ўзбекистон ССР Навоий кон-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармасини Учқудук саноат худудида директор лавозимида фаолият юритиб уран ва олтин қазиб олиш саноатини ривожлантириш соҳаларида бирмунча амалий ишларни ташаббускори бўлди. “Шимолий кон бошқармаси директори сифатида Учқудук участкасида қурилиш-ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этди, унинг раҳбарлигида кон ишлари ер ости ва очик усулда амалга оширилди”[2;287].

А.Петровнинг меҳнатлари СССР Олий Кенгаши Президиуми ва Ўзбекистон ССР раҳбарияти томонидан муносиб кўрилиб 1970 йил 6 январдаги фармони билан Навоий саноат районларидаги корхоналарни қуриш ва ривожлантиришдаги хизматлари учун “Социалистик Меҳнат Қаҳрамони” унвони билан тақдирланди. Навоий кон-металлургия комбинати раҳбари Зараб Петросович Зарапетян комбинат раҳбарияти лавозимидан истеъфога чиққанидан сўнг СССР Ўрта Машинасозлик вазирлигининг тавсиномасига асосан А.Петров 1971-1985 йиллар Навоий кон-металлургия комбинатининг директори лавозимида фаолият юритади. Албатта ҳар иккала инсоннинг раҳбарлик лавозими даврида комбинат ишлаб чиқариш тараққиётида бир қанча ривожланиш механизмлари модернизациялашиб борди. “Иқтидорли ташкилотчилар, афсонавий шахслар, улар

жамоа тарихида энг ёрқин из қолдирди. Уларни нафақат заводдаги минглаб ҳамкасблари абадий эслашади. Улар ҳаёт йўлида ҳеч бўлмаганда бир марта учрашган ҳар бир кишининг хотирасида абадий қолиши мумкин эмасди”[4;64].

А.Петров 1977, 1984 йилларда СССР давлат мукофотларини кўлга киритди. Бундан ташқари “Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши депутати 1980, Ўзбекистон Компартияси Бухоро вилоят кўмитаси аъзоси 1969, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси 1971, Навоий вилоят кўмитаси буюроси аъзоси 1982”[5;460] лавозимларига ҳам тайинланган.

А.Петровнинг раҳбарлиги даврида комбинат жамоаси уран қазиб олишни янгича ер ости ювиш усулида амалга оширди. Ва бу иттифоқни ўзида, ундан ташқарида ҳам уран саноат маҳсулотига талабнинг ортиб боришига сабаб бўлди. 1995 йил 2 февралда А.Петров Қрим шаҳрида вафот этган. Феодосия қабристонида дафн этилган.

1997 йил июн ойида Қрим телевиденияси А.Петров ҳақида “Азиз биродар” номли кўрсатув тақдим этади ва унда Петровнинг Қизилқум саҳросида олиб борган жасоратлари гапириб ўтилади. Аммо бу кўрсатув Петров вафот этганидан икки йил кейин унинг туғилган кунига бир ҳафта қолганида аниқроғи 79 ёшни қаршилаши муносабати билан илик хотираларига бағишланган эди. Бугунги кунда Навоий ва Учқудук шаҳарларидаги кўчаларга А.Петров номи берилган.

1937 йил 21 июлда Украина ССРнинг Мариупол шаҳридаги металлургия заводининг электр чилангари оиласида туғилган Николай Иванович Кучерскийни болалик йиллари Днепропетровск вилоятининг Никополск туманида ўтади, сабаби оиласи 1938 йилда ушбу шаҳарга кўчиб ўтишади. Унинг ёшлик йиллари уруш йилларига тўғри келиб даврнинг қийин машаққатлари, очарчилик ва бошқа ҳаётнинг мураккаб йўлларини оиласи билан бирга босиб ўтди.

Николай Кучерский 1955 йил мактабни

тугатиб Харьков автомобил институтига ўқишга киришга қарор қилади, аммо танловдан ўта олмагач отасининг касби электрик касби билан отасига ёрдам бера бошлайди ва она авлодлари кончилар ота бобоси шахтёрлик касби билан шуғулланган Н.И.Кучерский 1956-1961 йилларда Днепропетровск кончилик институтини кон муҳандиси мутахасислиги бўйича тамомлаб Учқудукдаги Шимолий руда бошқармасида кон устаси сифатида ишга юборилади. “1961 йил сентябр ойдан 1966 йил декабр ойигача Учқудук корхонаси очик усулда қазиб олиш устаси карьер бошлиғи. 1966 йил декабрдан 1971 йил август ойига қадар Шимолий кон бошқармаси карьер бошлиғи. 1971-1983 йилларда бош муҳандис. 1983-1985 йилларда Марказий кон бошқармаси директори”[5;338] лавозимларида ҳам фаолият юритиб келган. Янги асос солинган Учқудукда участка бошлиғи, карьер бошлиғи, бош муҳандис, сўнгра Марказий кон бошқармаси директори лавозимларида ишлаган.

“Кучерскийнинг менежер сифатида шаклланишида комбинатда амал қилинган ва жамоа тарихида ёркин из қолдирган, истеъдодли ташкилотчи, афсонавий шахслар –директорлар З.П.Зарапетян ҳамда А.А. Петровлар томонидан рағбатлантирилган ижодий изланиш, мустақил фикрлаш муҳити ва руҳи жуда катта таъсир кўрсатди”[7;11].

Николай Кучерский Учқудукда ишлаган пайтларида уран ва олтин қазиб олиш саноатларини ривожлантириб борди. 1985-2008 йиллар Навоий кон-металлургия комбинатини бош директори йилларида ҳам ишлаб чиқариш бирмунча ортди, айниқса Ўзбекистонни мустақиллик йилларидаги иқтисодий узилишлари даврида Николай Кучерский саноат тармоқларини кенгайтириш орқали иқтисодийётни оёққа турғазитиш кончиликдаги технологияларни модернизация қилиш жараёнларини амалга оширди.

Украина–Ўзбекистон муносабатларини ривжлантиришга қўшган ҳиссаси учун

Николай Кучерский 2007 йил 17 июлда “Князь Ярослав ” ордени билан ҳам мукофотланган. 2018 йил 13 декабрда Москва яқинидаги клиникалардан бирида вафот этди.

Спортнинг футбол турига кизикган ва ўзи ҳам футбол ўйнашидан ташқари кейинроқ футбол жамоасини тузишни мақсад қилган Анатолий Николаевич Панин 1949 йил 12 мартда Россия Федерацияси Тула вилояти Узловский туманида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1967 йилда Тула вилоят Новомосковск шахридаги қурилиш бошқармасида экскаватор машинистлигидан бошлайди. 1970 йилда Учқудук шахридаги Шимолий кон бошқармасига қарашли олтин рудалари очик усулда қазиб олинган конларда экскаватор машинисти ёрдамчиси, 1977-1983 йилларда экскаватор машинисти лавозимларидан бошлаб, 1983-2019 йилларда экскаватор машинистлари бригадаси бригадири шу бошқармага қарашли очик усулдаги “Шарқ” конида экскаватор машинисти бригадири этиб тайинланган.

“Учқудук экскаватор бригадалари орасида айнан у Анатолий Панин алоҳида ажралиб турарди. Ўз мустақиллигини эълон қилган республикамиздаги биринчи “Мустақиллик” медали таъсис этилганида бу медаъл 1992 йилда Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб Анатолий Паниннинг кўксига пайдо бўлган эди”[3;246].

А.Н.Паниннинг тавсиясига асосан Қизилқум саҳросида олтин рудаларини очик усулда қазиб олишда самарали ва илғор тажрибалардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришган.

Анатолий Николаевич Панин истиқлолнинг илк йиллариданоқ Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида фаол меҳнатга бел боғлаган кончилардан ҳисобланади. Анатолий Николаевич Панинни давлатимиз ва халқимиз олдидаги муносиб хизматлари тақдирланиб 1995 йил

“Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан мукофотланган.

Халқ депутатларини Учкудук туман Кенгаши лавозимларида фаолият олиб борган А.Н.Панин мамлакатимизни кончилик соҳасини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Ўзининг меҳнат тажрибасини ёш шогирдларига ўргатиб металлургия соҳасида алоҳида “Устоз-шогирд” мактабини яратган инсон эди. Устоз мураббий сифатида А.Н.Панин Учкудук ёшларини ватанпарварлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда фидокорлик намунасини кўрсатган. Анатолий Николаевич Панин билан видолашув маросими 2021 йил 25 октябрда бўлиб ўтди.

А.Н.Панин Учкудук туман қабристонига дафн этилган. Бугунги ёш мутахассис кончилар уни номини ўзларини устоз мураббийлари сифатида алоҳида эслашади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, қайси халқ ёки миллат вакилларига мансуб бўлишмасин Қизилқум саҳросида янги шаҳар саноат индустриясига асос солган миллат қаҳрамонларини меҳнатини ижобий деб қўллаб қувватлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Сабаби улар бугунги миллат вакиллари учун ватанпарварлик меҳнатсеварлик каби фазилатларни давлат тараққиёти йўлида қандай ишга солиш жиҳатларини намоён эта олган саҳро қаҳрамонлари ҳисобланишади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий “Хамса” – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – Б. 145.
2. Богуненко Н.Н., Пепипенко А.Д., Соснин Г.А. Герои атомного проекта. Москва–Саров, 2005. – С. 141, 145, 159, 225, 279, 287.
3. Ветштейн Л.М. Чудесный сплав. –Навои. 1998.–С. 67, 246.
4. Кучерский Н.И. Золото Кызылкумов. –Ташкент: Шарк, 1998. –С. 64, 66.
5. Мелуа А.И. Геологи и горные инженеры России. Энциклопедия. Санкт-Петербург. –Наука, 1998. –С.237, 338, 460.
6. Навоийский горно-металлургиический комбинат. Ответственный редактор: Ризаев С.Р. –Ташкент: Шарк, 2002. –С. 25, 28.
7. Серкирра истеъдод. Н.И.Кучерский суръатига чизгилар. Тузувчи муаллиф: С.Р.Ризаев. Тошкент: Шарк, 2004. – Б. 11, 55.
8. Учкудук судьба моя. 40 летию НГМК и города Учкудук посвящается...книга-альбом. – Учкудук, 1998. –С.15.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫХ МЕХАНИЗМОВ ПРИМЕНЕНИЯ МЕТОДОВ СТИМУЛИРОВАНИЯ В ГОСУДАРСТВЕННОМ УПРАВЛЕНИИ (НА ПРИМЕРЕ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ)

Ахмедов Анвар Тоирович,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
бўлим бошлиғи, мустақил изланувчи

В государственном управлении одним из приоритетов государственной политики является стимулирование государственных служащих в зависимости от их труда. Именно от эффективного труда персонала зависит процветание страны, ее завтрашний день, ее место в мировом

сообществе. Стимулирование способствует повышению дисциплины, качества труда, повышению у работника духа инициативы, ответственности.

Правовые основы порядка стимулирования государственных служащих, а также опыт ведущих

иностранных государств в этой области свидетельствуют о том, что своевременное стимулирование государственных служащих играет особую роль в экономике страны.

Согласно статье 42 новой Конституции Республики Узбекистан “каждый имеет право на достойный труд, свободный выбор профессии и вида деятельности, на работу в благоприятных условиях труда, отвечающих требованиям безопасности и гигиены, на справедливое вознаграждение за свой труд без какой-либо дискриминации и не ниже установленного минимального размера оплаты труда, а также на защиту от безработицы в установленном законом порядке”.

Минимальный размер оплаты труда устанавливается с учетом необходимости обеспечения достойного уровня жизни человека.

Запрещается отказывать женщинам в приеме на работу, увольнять их и снижать им заработную плату из-за беременности или рождения ребенка”.

Согласно статьи 299 (стимулирование к труду) Трудового кодекса Республики Узбекистан в новой редакции “.. в отношении работника могут применяться меры поощрения за достижения в работе. Виды поощрений, порядок их применения определяются коллективными договорами, коллективным договором, правилами внутреннего трудового распорядка и иными трудовыми правовыми актами и трудовым договором”.

Виды поощрений в отношении работников, на которых распространяется действие уставов и положений о дисциплине в отношении себя, порядок их применения устанавливается соответствующими уставами и положениями о дисциплине.

Работники могут быть представлены к государственным наградам за особые заслуги перед обществом и государством в сфере труда.

Заработная плата, премии, доплаты, надбавки и другие выплаты, предусмотренные системой оплаты труда, в

предложение видов стимулирования не входят. Вопрос о выплате предусмотренных системой оплаты труда премий работникам, привлеченным к дисциплинарной ответственности в течение срока действия дисциплинарного взыскания, решается соответствующими положениями о премировании”.

К числу выплат, имеющих стимулирующий характер, относятся премии, доплаты к заработной плате, надбавки и другие выплаты работникам за высокие достижения в труде, профессионализм, экономию энергоресурсов, материалов, достижение других заранее определенных показателей.

Премия, предусмотренная в системе оплаты труда, представляет собой денежное вознаграждение, включенное в состав заработной платы и выплачиваемое работнику сверх базовой заработной платы (тарифной ставки) в целях стимулирования работника к достижению заранее определенных показателей и условий.

Стимулирующее вознаграждение, не предусмотренное системой оплаты труда, носит разовый характер и присуждается не за достижение работником заранее определенных показателей и условий по решению работодателя, а за то, что произошли определенные события (юбилеи, даты праздников и т.д.) или были совершены работником определенные действия (выполнение особо важного задания работодателя, внесение рационализаторского предложения). и т.д.) денежное вознаграждение, выплачиваемое по случаю.

Надбавка может быть произведена работником за выполнение работы, предусмотренной трудовым договором, и носить стимулирующий (надбавка за профессиональное мастерство, выслугу лет, выслугу лет в конкретной организации или отрасли и т.п.) или компенсационный характер (переносной или планетарный характер работы, работа в неблагоприятных природно-климатических условиях или работа во вредных или тяжелых условиях труда,

надбавки за интенсивность труда и т.д.).

Вознаграждение, доплаты и надбавки по основной части заработной платы, другие системы стимулирующих выплат устанавливаются работодателем по согласованию с профсоюзным комитетом.

Порядок и условия применения стимулирующих выплат в бюджетных организациях устанавливаются законодательством.

Стоит отметить, что деятельность государственной службы не регулируется единым нормативным правовым актом. Каждый государственный орган осуществляет свою служебную деятельность с принятым отдельным нормативным актом.

Следовательно, и стимулирование государственных служащих осуществляется на основе норм, изложенных в специальном нормативном правовом акте, регулирующем служебную деятельность соответствующего государственного органа.

На практике мы видим, что в случаях применения к государственным служащим одной из мер дисциплинарного взыскания им могут не начисляться премии, доплаты и другие выплаты, предусмотренные системой оплаты труда.

Однако, исходя из вышеупомянутой нормы, заработная плата, премии, доплаты, надбавки и другие выплаты, предусмотренные системой оплаты труда, к видам стимулирования не относятся.

Соответственно, если премии выплачиваются по системе оплаты труда, установленной в государственном органе, эта выплата может быть выплачена работникам, к которым применены дисциплинарные взыскания.

Следовательно, независимо от того, относится ли вознаграждение к виду поощрения, в каждом конкретном случае оно вытекает из системы оплаты труда, установленной в государственных организациях по согласованию с представительным органом работников.

При этом в нормативных актах органов государственной специальной службы,

касающихся служебной деятельности, указывается, что выплаты, предусмотренные именно такой системой оплаты труда, не относятся к виду поощрения.

В качестве примера, в соответствии с Кодексом профессиональной культуры и служебной дисциплины сотрудников органов внутренних дел, утвержденным Постановлением Президента Республики Узбекистан от 20 января 2023 года № ПП-10 “О дополнительных мерах по преобразованию органов внутренних дел в народно-профессиональную структуру и направлению на более тесное сотрудничество с населением”, правила профессиональной культуры в органах внутренних дел и соблюдение требований служебной дисциплины формирование у сотрудников высокого сознательного мышления, последовательное ведение духовно-просветительской работы, а также, в отношении них предусмотрено применение поощрительных и дисциплинарных взысканий.

В отношении сотрудников органов внутренних дел могут применяться следующие меры поощрения:

- а) объявление благодарности;
- б) награждение ценным или памятным подарком или денежным призом;
- в) награждение почетной грамотой;
- ж) награждение ведомственным знаком отличия;

г) досрочное присвоение очередного специального звания;

д) присвоение специального звания на одну ступень выше, чем предусмотрено занимаемой должностью.

В качестве поощрения могут быть досрочно отменены некоторые ранее применявшиеся дисциплинарные взыскания.

Отдельно стоит отметить, что пункт 33 Кодекса устанавливает, что ежемесячная заработная плата, периодические премии, доплаты, надбавки и иные выплаты, предусмотренные денежным довольствием работников, к мерам стимулирования не относятся.

Однако в соответствии со статьей 372 НК РУз (платежи стимулирующего характера) к платежам стимулирующего характера относятся:

- 1) вознаграждение по итогам работы за год;
- 2) выплаты стимулирующего характера, предусмотренные положением юридического лица о премировании;
- 3) надбавки к тарифным ставкам и окладам за профессиональное мастерство, наставничество;
- 4) доплаты к отпуску и материальная помощь, не указанная в пункте 10 статьи 377 настоящего Кодекса;
- 5) вознаграждение и выплаты за выслугу лет;
- 6) выплата за рационализаторское предложение;
- 7) единовременные премии, не связанные с результатами труда.

В результате различного толкования указанных норм в отдельных государственных органах, в частности в органах внутренних дел, происходит возврат работникам премий, доплат в бюджет за счет средств государственного служащего или невыплата государственному служащему.

Обобщая специфику этих выплат, стоит отметить, что выплаты стимулирующего характера, указанные в налоговом законодательстве, не будут зависеть от результата работы, проделанной государственным служащим. То есть сюда входят доплаты, которые предоставляются, даже если обслуживающий персонал не выполняет никакой работы.

Стимулирование государственного служащего будет связано с результатом работы, выполненной государственным служащим в его служебной деятельности (выполненная работа должна иметь видимый положительный результат).

Тем не менее, в органах государственной службы по публичным договорам встречаются случаи, когда премиальные деньги не включаются в систему оплаты труда государственной организации, не выплачиваются премии, доплаты, надбавки, если в отношении работника наложено дисциплинарное взыскание или срок его действия не истек.

При назначении поощрений сотрудникам органов внутренних дел результат работы сотрудника не всегда однозначно оценивается. В данном случае одним из современных методов оценки государственных служащих, применяемых сегодня, считается целесообразность стимулирования на основе результатов системы КРІ.

В заключение следует отметить, что отражение средств в денежной форме, не учитываемых в качестве вида поощрения, предоставляемого сотрудникам органов внутренних дел, в качестве системы оплаты труда в публичных договорах органов государственной гражданской службы и нормативных документах, регулирующих деятельность органов государственной специальной службы, соответствовало бы требованиям общего трудового законодательства. Если бы это было сделано, вышеупомянутые проблемы были бы предотвращены.

Использованная литература:

1. Конституция Республики Узбекистан <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Налоговый кодекс Республики Узбекистан <https://lex.uz/docs/4674902>
3. Трудовой кодекс Республики Узбекистан <https://lex.uz/pdfs/6257288>
4. Постановление Президента Республики Узбекистан от 20.01.2023 №10 «О дополнительных мерах по преобразованию органов внутренних дел в народные профессиональные структуры и направлению их на более тесное сотрудничество с населением» <https://lex.uz/docs/6364837>

ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА КИРИБ КЕЛИШИ

Суёнов Илс Жума ўғли.

Сурхондарё вилояти ИИБ ходими, Илмий изланувчи.

Аннотация: Терроризм ва экстремизм муаммоси глобал ижтимоий ходиса сифатида дунёнинг барча давлатларини қамраб олган. Ўзбекистон ҳам жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас қисми сифатида бундан мустасно эмас. Ушбу мақолада экстремизм ва терроризмнинг Ўзбекистон республикасига кириб келиши, тарихий илдизлари ва шаклланиши ҳақидаги фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

Калит сўзлар: ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, экстремизм, терроризм, динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, халқаро ҳамкорлик, ақидапарастлик ва фундамантизм, ислом жиҳоди.

Аннотация: Проблема терроризма и экстремизма как глобального социального явления охватывает все страны мира. Узбекистан, как неотъемлемая часть мирового сообщества, не является исключением. В представленной статье автор высказывает свое мнение о внедрении экстремизма и терроризма в Республику Узбекистан, его исторических корнях и становлении.

Ключевые слова: правоохранительные органы, экстремизм, терроризм, межрелигиозная толерантность, межнациональное согласие, международное сотрудничество, экстремизм и фундаментализм, исламский джихад.

Abstract: The problem of terrorism and extremism as a global social phenomenon covers all countries of the world. Uzbekistan, as an integral part of the world community, is no exception. In the presented article, the author expresses his opinion about the introduction of extremism and terrorism into the Republic of Uzbekistan, its historical roots and formation.

Key words: law enforcement agencies,

extremism, terrorism, interreligious tolerance, interethnic harmony, international cooperation, extremism and fundamentalism, Islamic jihad.

Экстремизм ва терроризм инсоният билан бирга XXI асрга кириб келган энг хавфли ижтимоий иллатлардан бирига айланди. Экстремизм бағрикенглик, ранг-баранглик ва ҳамфикрликни рад этиши билан мамлакат тараққиёти ва фуқаролараро ҳамжиҳатликка раҳна солмоқда.

Экстремизм ва терроризм нафақат ижтимоий ҳаётнинг сиёсий, иқтисодий ёки маданий соҳаларига зарар етказди, балки жамиятга оммавий тарзда психологик босим ўтказиб, энг мудҳиш шакллардаги зўравонлик ва агрессивлик мафқурасини ёяди[5]. Шу нуқтаи-назардан, жамиятда диний асосда низолар чиқишига йўл қўймаслик, динни сиёсийлаштириш ва сохталаштириш орқали мамлакатдаги ижтимоий барқарорликни издан чиқаришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатнинг олдини олиш давлат ва жамият олдида турган ҳаётий муҳим масалалардан биридир.

Диний экстремизмнинг энг даҳшатли кўринишларидан бири сифатида тарихда салиб урушлари кўрсатилади[4]. XI асрнинг охиридан XIII аср охиригача Қуддус шаҳрини босиб олишга қаратилган ушбу диний кўринишдаги урушлар диний тарафкашлик ва экстремистик туйғуларни кўзгатиш натижасида юз берган. Христиан роҳиблари бир миллионга яқин мутаассиб ақидапарастларни тўплаб, муқаддас урушга шиддатли даъват ишларини олиб бориши натижасида ўн миллионлаб мусулмонлар ўлдирилган, қадимги маданият ўчоқлари йўқ қилинган ва ўз вақтининг энг ривожланган давлатлари ҳаёти бутунлай издан чиқарилган.

Ислом динида ҳам унинг номидан “фаолият” олиб борувчи экстремистик руҳдаги ҳаракатлар юзага келган бўлиб, дастлабки кўринишлари пайгамбар Муҳаммад (а.с.) вафотларидан сўнг намоён бўла бошлаган. Аслида, ўзларининг бирламчи вазифаси қилиб, сиёсий ҳокимиятни эгаллашни кўзлаган бу кучлар очиқ сайлов усулида сайланган “Хулафоирошидийн” (*тўғри йўлдан борувчи пайгамбар ўринбосарлари*)дан бўлган ҳазрати Умар ибн Ҳаттоб (634-644), Усмон ибн Афон (644-656), Али ибн Абу Толиб (565-661) (р.а.)ларнинг бевақт ўлимига сабабчи бўлганлар. Бу йўналиш тарафдорлари ҳазрати Али (р.а.) даврида очиқдан-очиқ сиёсий ҳокимият учун курашувчи йирик бир гуруҳга айланиб, “Хорижийлар” – яъни ажралиб чиққанлар, “исёнчилар” номини олди.

Кейинчалик ушбу йўналишдан бошқа экстремистик кўринишдаги гуруҳлар ажралиб чиқа бошлаганлар ҳамда тарихий вақт жараёнида шакл ва моҳиятини ўзгартириб, замонавий кўринишдаги экстремистик ташкилотлар пайдо бўлган.

Ислом шиорларидан танлаб фойдаланадиган, диннинг асл моҳиятини бузиб талқин қиладиган экстремистик тузилмалар худди юқоридаги каби гўёки, кенг халқ оммаси билан узвий birlik мавжудлигини кўрсатишга интилади, аслида эса жамиятда тартибсизлик ва парокандаликни юзага келтириш учун одамларнинг онгу-шуурини эгаллаш, жамиятда беқарорликни келтириб чиқариш орқали ҳокимиятни эгаллаш мақсадини кўзлайди.

Экстремизмнинг Марказий Осиё минтақасида намоён бўлиши XX аср 70-йилларининг охири ва 80-йилларнинг бошларида хорижий экстремистик марказларни саъй-ҳаракатлари билан шакллана бошланди. Экстремистик ташкилотлар Марказий Осиё минтақасидаги фаолияти коммунистик ёки насронийлик эмас, балки айнан ислом шиорларидан фойдаланишди.

Минтақада хориждан келаётган молиявий ёрдам ҳисобига жангари

сифатида фойдаланиладиган шахсларни танлаш ва тайёрлаш билан шуғулланадиган гуруҳлар пайдо бўла бошлади ва улар диний экстремистик ғояларни Марказий Осиёга бир неча босқичлар орқали амалга ошириш эвазига олиб кирганлар.

I босқич 1970-1985 йилларга тўғри келади. Мазкур биринчи босқич узоқ давом этган атеистик сиёсатнинг натижаси бўлган танқидий (*кескин*) муносабатларнинг йиғилиб қолиши, аҳоли ўртасида динга бўлган эътиқоднинг сусайиши, кўплаб мусулмонлар диннинг асосий талабларидан (*беи вақт намоз ўқиш, рўза тутуш, закот ва ҳаж*) узоқлашуви, айрим уламолар ушбу ҳолатларни исломга нисбатан қилинган тўғридан-тўғри таҳдид сифатида баҳолайдилар. Мазкур вазиятда фуқаролар исломий жамият тузиш орқали муаммоларнинг сиёсий ечимини ҳал қилиш мумкин, деган хулосага кела бошладилар.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ҳудудида ислом давлатини барпо этиш мақсадларига қаратилган бўлиб, жамиятни исломийлаштириш саъй-ҳаракатларини бошлаб юборишга сабаб бўлди.

Ушбу ҳатти-ҳаракатларга Ўзбекистон олий ўқув юртлирида таҳсил олиш учун араб мамлакатларидан ташриф буюрган талаба ва аспирантларнинг имкониятларидан фойдаланилиб, энг аввало Фарғона водийси (яъни Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари)да яширин диний ўқув тизими шакллантирилди.

Улар томонидан яширин диний мактабларда (*хужра*) ёшларга диннинг жамиятга таъсирини кучайтириш, теократик давлатни барпо этиш ҳақидаги ғоялар сингдирилди эди. Бу даврнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, асосан ёшлар оммасидан иборат бўлган эътиқод қилувчиларнинг чет эллардаги ўз маслақдошлари билан алоқа қилишлари чеклаб қўйилиб, фақат ушбу босқичнинг якунига келибгина ёшлар орасидан чиққан маҳаллий мусулмонлар билан уларнинг чет эллик диндошлари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб борилди. Бунда асосий эътибор ўз ортидан халқ оммасини

эргаштира билиш иқтидорига эга бўлган ғоявий раҳнамоларни тайёрлашга қаратилди. Диндорларнинг асосий қисмини Ўзбекистонга таҳсил олиш учун келган “мусулмон биродарлар” - талабалар ва ёш олимлар ташкил этди.

Бу эса бир вақтнинг ўзида, собиқ Совет Иттифоқининг мусулмон халқлари яшайдиган ҳудудларидан хорижий диний ўқув юртларига юборилаётган ёшларга нисбатан олиб борилган мафкуравий “ишлов”ларда ҳам кузатиш мумкин эди. Ёшларнинг онгига таъсир қилишда Миср, Сурия, Ливия, Судан, Иордания ва бошқа араб мамлакатларидаги салбий кучларнинг таъсири сезиларли бўлди.

Радикал кайфиятдаги диний уламолар орасида асрлар давомида ҳанафий илоҳиёт-ҳуқуқ мактабларида жорий қилинган ҳолатларга, айниқса, унинг “Мотурудия” каби мўътадил шаклига нисбатан норозилик муносабатлари туғила бошлади.

Юқорида айтилган ва тилга олинмаган мотурудия таълимотидан воз кечиш, узоклашиш ҳақида айрим уламолар XX асрнинг 80-йилларининг бошларидаёқ очикдан-очик фикрлар айта бошладилар. Вужудга келган шароитда, яъни жамоанинг исломий характериға нисбатан таҳдид туғилган вақтда, “мотурудия” талимотидан бутунлай воз кечилди.

Бунинг сабаби, “Мотурудия” таълимоти исломға янгилик (бидъат) ва таҳқирлашни киритилишиға йўл қўймайди. Экстремистик гуруҳлар ушбу таълимотнинг ўрниға муқаддам ибтидоий ислом жамоаларига нисбатан йўналтирилган “сохта салафийлик” (фундаментализм) конун-қоидаларидан фойдаланишни таклиф қилдилар.

II босқич 1985-1989 йилларға тўғри келади. Қайта қуриш даврида жамиятни демократлаштиришни амалға ошириш тўғрисида эълон қилинган шиорлар остида Покистон, Эрон, Бирлашган Араб Амирлиги ва Саудия Арабистони каби давлатлардан экстремистик руҳдаги диний адабиётларнинг минтақаға кириб келиши, миссионерлик ва диний-тарғибот фаолиятининг фаоллашувиға олиб келди.

Хусусан, чекланган Совет қўшинлари контингентининг 1989 йилда тугаган “афғон можароси”даги инқироzi диний шиор ва талаблар билан чиққан кучларға қарши жанг қилиш ниҳоятда машаққатли эканлигини кўрсатди. Ўз навбатида ушбу мураккаб вазият Марказий Осиё минтақасига кириб бораётган диний экстремистик кучлар учун тажриба орттириш имкониятини яратди.

III босқич 1989-1993 йилларни қамраб олади. Ушбу давр Ўзбекистонда исломий ҳаракатларнинг кучайиши даври бўлди ва диний фаолларнинг кўп йиллар ичида биринчи марта очикдан-очик талаблар билан чиқишға ҳамда диний ҳаётға алоқадор масалаларни мустақил ҳолда ечишға интилдилар.

Бу давр исломнинг очикдан-очик сиёсийлашуви, унинг радикал қанотининг фаоллашуви билан ҳам боғлиқки, Фарғона водийсида, яна ҳам аниқроғи, Наманганда содир бўлган воқеалар фикримизнинг далилидир.

Мустақилликнинг дастлабги йилларида экстремистик гуруҳлар томонидан “Ислом дини” ниқоби остидаги ҳаракатлари, “Халифалик”, “Жиход”, “Хижрат” ва “Шаҳидлик” тўғрисидаги сохта ғояларини олиб кирди.

Масалан, Андижондаги оммавий чиқишлар аввалгисидан бир оз сустроқ бўлсада, бу намойишларда “Адолат уюшмаси”, “Ислом лашкарлари”, “Ёшжиходчилар уюшмаси”, “Жиходчилар” каби уюшмалар томонидан исломий давлат барпо этиш ҳақидаги чакириқлар очикдан-очик янгради.

Ушбу ташкилотлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ёрдам бериш ниқоби остида жиноятларни содир этишда гумонланган, фоҳишабозлик, ичкиликбозлик қилган шахсларни ушлаб калтаклаш, занжирлаш, қамаб қўйиш, шарманда қилиш каби жазолар қўллаб халқ орасида сохта обрў ва кўрқув ҳиссини уйғотиш билан ҳокимият вакилларига ишончсизлик уйғотиш, уларға қарши чиқиш ҳаракатларини уюштирдилар.

Айнан шу даврда биринчи марта диний

асосдаги сиёсий партия “Ўзбекистонда ислом тикланиш партияси”ни барпо қилишга уринишлар содир этилди, Тожикистондаги диний муҳолифатга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга, яширин диний мактабларнинг яъни (хужраларни) кенг тармоғини яратишга ҳаракат қилдилар, Ислом давлатини яратиш мақсадида аҳолини босқичма-босқич исломлаштириш ҳаракатларига хорижий маслақдошлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиб, 30 дан ортиқ бандни ўз ичига олган дастурини ишлаб чиқиш ва уни кенг тадбиқ этишга ҳаракат қилдилар.

Аммо ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг кескин саъй-ҳаракатлари туфайли улар томонидан оммавий намойишлар уюштириш ҳамда куч ишлатиш йўли орқали ўз мақсадларига эришиш йўлидаги уринишлари барбод қилинди.

Реакцион диндорларнинг мазкур режалари амалга ошмагач, қонуний ҳокимиятга қарши очикдан-очик курашдан воз кечдилар ва ўзларининг келажакдаги мақсадларини амалга ошириш учун керак бўладиган шарт-шароит ва заминни ҳозирлаш учун барча саъй-ҳаракатларни йўналтириб, яшириниш шароитларига ўтиб олдилар.

IV босқич 1993-1999 йилларда очикдан-очик диний фаолликнинг йўқлиги, экстремистик гуруҳларга қўл келиб, “кучларни тўплаш”да, ёшлар ва аёлларга урғу берган ҳолда Ўзбекистон аҳолисини исломлаштиришга уриндилар.

Бу узоқни ўйлаб қилинган уринишлар натижасида ҳаётий тажрибаси бўлмаган, ғоявий маслағи шакланмаган ёшларни радикал ғоялар асосида онгини заҳарлаб, уларни ўз сафларига қўшиб олганлар.

Мутаассиб диндорлар мазкур йиллар давомида, аёлларнинг ўзбек оиласи ва болалар тарбиясидаги мавқеини чуқур англаган ҳолда Наманган, Андижон, Фарғона, Бухоро, Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги ушбу тоифадаги шахслар орасида тарғибот ишларини фаоллаштириб аёллар хужралари, мадрасаларни ташкил

этиб, аёллардан кўплаб мураббий - отинойиларни ҳам етиштирдилар.

Ушбу йўналишда улар томонидан амалга оширилган ҳатти-ҳаракатлар тез орада ўз маҳсулини бера бошлади: қизларда умум мажбурий ўрта мактабларга боришдан, бадий адабиётлар ва матбуот нашрларини ўқишдан, телекўрсатувларни томоша қилиш ва жамоат ишларида фаол иштирок этишдан бош тортиш ҳолатлари учрай бошлади. Диний либосларни кийиб юришга мойиллик, давлат ва жамоат ташкилотларига нисбатан агрессивлик кайфияти шаклланиши кузатилди.

Айнан шу даврда қатор чет давлатларда тузилаётган “жанговар авангард” сафлари учун Ўзбекистон ёшларини жалб қилиш ишлари бошлаб юборилиб, Халқаро террорчилик тузилмалари билан алоқалар ўрнатган ҳолда, диний ташкилотларни молиявий жиҳатдан таъминловчи манбаларни, шу жумладан, хориждаги керакли марказларни аниқлаб, ўз маслақдошларини давлат муассасаларига киритиш чораларини кўришди.

V босқичда 1999 йилгача яширин фаолият олиб борган кучлар фаоллашиб, улар томонидан бир қатор кўпорувчилик ҳаракатлари содир этилди.

1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида 5 маротаба катта портлашлар амалга оширилди. Портлашлар Вазирлар Маҳкамаси, Вазирликларнинг маъмурий биноси, Ўзбекистон Миллий банки биноси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари, МХХ бошқармаларининг бирида содир бўлиб, ушбу кўпорувчилик ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Президентига нисбатан уюштирилганлиги маълум бўлди. Ушбу потлашлар натижасида, 16 нафар шахс ҳалок бўлган, 128 нафар шахслар турли даражада тан жароҳатлари олганлар, 689 млн. сўмдан ортиқ миқдордаги моддий зарар етказилган.

1999 йил 30 март куни Хоразм вилояти Питнак шаҳрининг “Саримой” блок постида террорчилик гуруҳи томонидан “Тошкент - Урганч” йўналишидаги автобус ичидаги 28 нафар фуқаролар билан гаровга олинган, ўтказилган махсус тадбирлардан

сўнг жангарилар йўқ қилиниб, ичидаги фуқаролар озод қилинган.

Бундан ташқари мазкур давр давомида “Ҳизбут - таҳрир” ДЭТ томонидан Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти ва Республикамизнинг бошқа ҳудудларида конституциявий тузимга зид бўлган варақаларни оммавий равишда тарқатиш ҳаракатлари кузатилди.

2000 йилнинг июл-август ойларида Тошкент ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли ҳудудлари орқали юртимизга Тожикистон ва Қирғизистон республикаларидан кириб келган 100 нафардан ортиқ жангарилар ўз ҳаракатларини амалга ошириш мақсадида қурол-аслаҳа ва озиқ-овқатлар учун яширин жойларни тайёрлаш, ҳарбий қисмлар ва ҳуқуқ-тартибот ходимларига нисбатан диверсион-террористик ҳаракатларни содир этиш мақсадида кириб келишди.

Ушбу гуруҳлар фаолиятига қарши ўтказилган кенг қўламли аксилтеррор тадбирлари давомида жангарилар йўқ қилиниб, катта миқдордаги қурол-яроғ, ўқ-дори ва қалбаки чет эл валюталари олинган.

2004 йилнинг 28 март куни Бухоро вилояти Ромитан туманидаги хонадонда террорчилар томонидан ясалган қўлбола портлатиш мосламаларининг ҳаракатга келиши натижасида 9 нафар террорчи гуруҳ аъзолари ҳалок бўлган. Портлаш юз берган жойдан террорчилик-қўпоровчилик мақсадларида тайёрланган катта миқдордаги қўлбола портловчи ускуналар ва уларни тайёрлашда ишлатиладиган мосламалар ва ўқотар қуроллар топилган.

2004 йил 29 март куни Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида жойлашган Чорсу бозоридаги “Болалар дунёси” савдо маркази ва Тошкент вилоятининг “Келес” автостанциясида 2 нафар “террорчи-худкуш”лар ўзларига ўрнатилган портловчи мосламаларни ҳаракатга келтирганлар. Мазкур портлашлар натижасида 3 нафар ички ишлар органлари ходимлари ва бир нафар чақалоқ ҳалок бўлган, 7 нафар фуқаро яраланган.

2004 йил 30 март куни Тошкент

вилоятининг Қибрай туманидаги “Қорамурт” блок постида “Тико” русумли автомашинада 2 нафар террорчи гуруҳ аъзолари қўлбола портловчи мосламаларни ҳаракатга келтириши натижасида 3 нафар ички ишлар органлари ходимлари ҳалок бўлган. “Тико” русумли автомашина хайдовчиси қўлга олинган. Шунингдек, суриштирув жараёнида ушбу террористик гуруҳнинг штаби Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қорамурт кўчасидаги кўп қаватли уйда жойлашганлиги аниқланиб, тезкор гуруҳ етиб борганида, уйнинг иккинчи кириш йўлагининг олдида ва ички қисмида террорчилар томонидан учта портлаш амалга оширилган. Мазкур гуруҳ Тошкент шаҳрида қўпоровчилик ҳаракатларини содир этишни режалаштириб келганлиги маълум бўлган. Ушбу террорчилик гуруҳи Ички ишлар органлари ходимлари томонидан воқеа жойида йўқ қилиниб, улардан катта миқдордаги қўлбола усулда тайёрланган портловчи мосламалар (“шаҳидлар белбоғи”), жанговар ҳолатдаги қўл гранаталари, ўқ отар қуроллар, шахсни тасдиқловчи қалбаки ҳужжатлар олинган.

2004 йил 30 июль куни Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси, АҚШ ҳамда Исроил элчихоналари бинолари олдидаги “террорчи-худкуш”лар томонидан террорчилик ҳаракатлари содир этилди.

Портлаш натижасида 3 нафар ҳуқуқ тартибот ходимлари ҳалок бўлган, 10 нафардан ортиқ фуқаролар турли даражадаги тан жароҳатлари олишган.

2005 йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида “Акримийлар” диний экстремистик ташкилотининг жангарилари томонидан чет эллик ҳомийлари ёрдамида, дастлаб мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумни беқарорлаштириш мақсадида Андижон вилояти, сўнгра Фарғона ва Наманган вилоятларида ҳокимиятни эгаллаш ва автоном исломий давлат қуриш мақсадида давлат тўнтаришини амалга оширишга қаратилган қўпоровчилик ҳаракатларини содир этишди. Жангарилар вилоят ҳокимияти, ҳуқуқ - тартибот идоралари ҳамда мудофаа вазирлиги объектларини

эгаллашга қаратилган очикдан - очик террорчилик хужумлари уюштирдилар. Шунигдек террорчилар томонидан ўз хизмат вазифасини бажараётган ҳуқуқ - тартибот идоралари ходимлари гаровга олиниб, қийноқларга солиниб, қатл қилинди. Мазкур террорчилик хужумлари оқибатида 79 нафар тинч аҳоли ва 20 нафар ички ишлар органлари ходимлари ҳалок бўлганлар. Ўтказилган аксилтеррор тадбирлари давомида 86 нафар “Акромийлар” ДЭО аъзолари йўқ қилинди. Аммо, ўз мақсадларига эриша олмаган “Акромийлар” ДЭО тарафдорларининг бир қисми Қирғизистон Республикаси орқали дунёнинг турли давлатларига чиқиб кетиб, “қочоқ мақоми”ни олишга эришдилар.

2009 йилда “Исломиий жиҳод иттиҳоди” террорчилик гуруҳи томонидан 25-26 май кунлари Андижон вилояти Хонобод тумани ИИБ биносининг эгаллаш мақсадида ИИБнинг назоратдан ўтиш жойида, Андижон шаҳар, А.Фитрат кўчаси «Уйғур Хошанг» ошхонаси олдида ҳамда шу кўчанинг «Барака» ошхонаси олдида “террорчи-худкуш” томонидан “шаҳид белбоғи”ни портлатиши оқибатида бир нечта фуқаролар қурбон бўлган. Бундан ташқари мазкур ДЭО томонидан шу йилнинг июль - сентябрь ойларида Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида режалаштирилган кўпуровчилик ҳаракатларини олди олиниб бу гуруҳлар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини йўқ қилинган.

2015 йилнинг 4 сентябрь куни Олмазор тумани ҳудудида жойлашган “Тўхтабой” жомеъ масжиди яқинида, 2015 йилнинг 2 октябрь куни Шайхонтохур тумани ИИБ биноси олдида “ИШИД” ҳалқаро террорчилик ташкилотини Ўзбекистондаги тарафдорлари томонидан масофадан туриб бошқариладиган махсус тайёрланган воситалари портлатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2017 йил 12-

сентябридаги 72-сессиясида сўзлаган нутқида қуйидагиларни алоҳида қайд этган: «Дунёда терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради. Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда, халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда»[1].

Мамлакатимизда терроризм ва экстремизмга қарши кураш борасида доимий ислохотлар амалга оширилмоқда. Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январидagi «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» ги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган Тараққиёт Стратегиясининг «Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш» деб номланган VI бобида 82-мақсад сифатида айнан: «Экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг самарали механизмларини шакллантириш»[2] деб ном берилиб, алоҳида йўналишлар белгилаб берилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, диний экстремизм минтақада яширин, кейинроқ очик-ошқора ташвиқот ва зўравонликка асосланган фаол ҳаракатлар асносида тарғибот олиб бориш ва юқорида қайд этилган кўпуровчилик ҳуружларини содир этиш каби босқичларни босиб ўтди, дейиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2017 йил 12-сентябрьдаги 72-сессиясида сўзлаган нуткидан.
2. ПФ-6255-сонли «2021 – 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Президент Фармони.
3. Ильин В.М., Собиржонов И.Ф. Диний ақидапарастлик, экстремизм ва терроризмни олдини олиш ҳамда унга қарши курашишда халқаро ҳамкорлик. "Экономика и социум" №11(102)-2 2022. – Б. 397-405.
4. Грачев А.С. Политический экстримизм.- Москва, Мқсль, 1996.
5. Жаринов В. Терроризм и террористы . – Минск, Харвест, 1999.

СОВЕТ МАФКУРАСИНING СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИГА ТАЪСИРИ

Ҳотамов Абдувоҳид Бобохонович,
Сурхондарё вилояти ИИБ ходими, Илмий изланувчи.

Аннотация: Мақолада XX асрнинг 60-80 йилларида Совет мафқурасининг Сурхондарё вилоятидаги таълим жараёнларига таъсири ёритилган. Бу даврда олий ва ўрта махсус таълимнинг замон талабларига жавоб бермаганлиги, таълим жараёнининг мафқуралашганлиги, унда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишдаги жаҳон тажрибаси ҳисобга олинмаганлиги аён бўлади.

Калит сўзлар: Халқ университетлари, мактабгача тарбия муассасалари, техникум, педагогика билим юртлари, совет мафқураси.

Аннотация: В статье описывается влияние советской идеологии на образовательные процессы в Сурхандарьинской области в 60-80-е годы XX века. В этот период становится очевидным, что высшее и среднее специальное образование не отвечало требованиям времени, что учебный процесс носил идеологический характер, не учитывался мировой опыт организации сельскохозяйственного производства.

Ключевые слова: Народные университеты, дошкольные образовательные учреждения, техникумы, педагогические учебные заведения, советская идеология.

Abstract: The article describes the influence of Soviet ideology on educational processes in the Surkhandarya region in the 60s-80s of the 20th century. During this period, it becomes clear that higher and secondary special education did not meet the requirements of the time, that the educational process was ideological, and that the world experience in organizing agricultural production was not taken into account.

Key words: People's universities, pre-school education institutions, technical schools, educational institutes of pedagogy, Soviet ideology.

Мамлакатимизда халқ университетлари 1958 йилдан эътиборан ташкил этила бошланди. Маданий-оқартув ишининг турлича янги формаларининг вужудга келиши ва ривожланиши шу давр билан боғлиқдир. Ана шу маданий-оқартув иши формаларининг аксарияти, хусусан халқ маданият университетлари жамоатчилик асосида ишлаган эди.

Ўтган асрнинг 70-йилларда СССРда 9 миллиондан зиёд кишини бирлаштирган 35 мингдан кўпроқ халқ университети мавжуд эди. Бу рақамлар халқ университетлари меҳнаткашлар орасида катта эътибор қозонганлигининг ёрқин далилидир.

Бундай университетларда олимлар, маданият арбоблари, халқ хўжалик мутахассислари дарс берарди. Мазкур даврда халқ университетлари илмий билимларни пропаганда қилиш, тингловчиларда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришда етакчи ўринни эгаллади.

КПСС Марказий Комитетининг 1968 йил 8 октябрда эълон қилинган «Халқ университетлари иштини яхшилаш тўғрисида»ги қарорида халқ университетларининг мақсад ва вазифалари белгилаб берилган. Шунингдек, партиянинг съездлари қарорларида ҳам халқ университетлари шохобчаларини янада кенгайтириш вазифаси илгари сурилди.

1973 йилда СССР Олий Совети сессияси иттифокдош республикалар халқ маорифи тўғрисидаги Қонунга халқ университетлари ҳақидаги Низомни киритишни тасдиқлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети КПСС Марказий Комитетининг халқ университетлари фаолиятини яхшилаш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажара бориб, ана шу актуал проблеманинг ҳал этилишига катта аҳамият бердилар.

XX асрнинг 70-йилларда республикада билимнинг 35 турига оид 2 мингдан зиёд халқ университети фаолият кўрсатиб уларда 240 мингдан кўп тингловчи мавжуд эди. Шунингдек, 28 минг тингловчини бирлаштирган 287 маданият университети кенг меҳнаткашлар оммасига хизмат қилди. Ўнинчи беш йиллик охирига бориб халқ университетлари деярли 1,5 баравар кўпаяди. Шу даврда 18 мингдан зиёд ўқитувчи, шу жумладан 1200 фан доктори ва кандидати ишлаган[15]. Маданият, адабиёт ва санъат арбоблари, меҳнат коллективларининг энг яхши вакиллари, уруш ва меҳнат ветеранлари, партия ва совет ходимлари халқ университетларида ишлашни ўзи учун шарафли иш, деб ҳисоблаганлар.

1966 йил 10 январда Ўзбекистон КП Марказий Қўмитасининг йиғилишида

мактабгача тарбия муассасалари иштини янада яхшилаш, жамоа ва давлат хўжаликларида болалар боғчалари, яслилари ташкил этиш масалалари кўрилиб, чора-тадбирлар белгиланди. Республиканинг барча вилоятларида, шу жумладан, Сурхондарё вилоятидаги қишлоқ жойларида мактабгача тарбия муассасалари учун махсус маълумотли тарбиячилар тайёрлаш долзарб вазифа сифатида кун тартибига кўйилди.

Натижада, Ўз ССР Министрлар Кенгашининг 1966 йил 22 январдаги 5-сонли ва Ўзбекистон КП Марказий Қўмитасининг 1966 йил 5 апрель қарори билан Қарши шаҳрида мактабгача тарбия педагогика билим юрти ташкил этилди ва унга Зебунисо номи берилди[12].

Қарши педагогика билим юрти нафақат Қашқадарё вилоятида, балки Ўзбекистондаги ўрта махсус маълумотли ўқитувчи ва тарбиячилар тайёрловчи тўнғич илм масканларидан бири ҳисобланар эди[2;53]. Қарши педагогика билим юрти 1960 йилда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг қўшилиши муносабати билан Сурхондарё педагогика билим юртига айлантирилди.

1967 йилда Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлигининг буйруғига биноан, Термиз жисмоний тарбия билим юрти ташкил этилди[1;3]. Билим юрти моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тажрибали ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш, таълим-тарбия ишлари савиясини ошириш соҳасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, билим юрти ривожланишида маълум қийинчиликлар юзага келди.

Ақсарият билим даргоҳларида бўлгани каби бу ерда ҳам ўқув жараёни дастлаб мослаштирилмаган бинода ташкил қилинди. 1967-1968 ўқув йилларида қабул қилинган 190 нафар талаба машғулотларни аввал бошда Термиз шаҳридаги М.Горький номли маданият ва истироҳат боғида ўтказдилар[9]. Назарий машғулотлар эса Термиздаги кўп қаватли мослаштирилган уйда олиб борилди[10]. 1970 йилда Термиз жисмоний тарбия билим юртини янада

такомиллаштириш мақсадида у техникумга айлантирилди. Натижада техникумнинг ўқув техника базаси янада мустаҳкамланди. 1970-1979 йилларда Термиз жисмоний тарбия техникумида 12 нафар спорт устаси, 89 нафар спорт усталигига номзод, 174 нафар биринчи даражали, 4000 нафардан зиёд оммавий спорт даражалари бўйича мутахассислар тайёрланди[11].

1979 йилда Термиз жисмоний тарбия техникуми педагогика билим юртига айлантирилди[3;605]. Шундан сўнг бу ерда жисмоний тарбия ўқитувчилари, маҳоратли спортчилар билан бир қаторда бошланғич синф ўқитувчилари, мактабгача тарбия муассасаларига мураббийлар тайёрлаш ҳам кенг йўлга қўйилди.

Пахтачилик хўжаликларидида колхозларнинг даромади ҳисобидан стадионларни қуриш, спортчиларга шарт-шароит яратиш масаласидаги сиёсат мунтазам назоратга олинган бўлса-да, уни давлат томонидан моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш амалда тўлиқ ўз исботини топмади. Бироқ, иқтисоди бақувват колхозлар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, спорт мусобақаларига эътибор қаратдилар. Жумладан, Узун туманидаги Сталин номли ва «Янги рўзғор 2» колхозларининг стадионида вилоят биринчилиги учун футбол мусобақалари ўтказилди. Унда вилоятдаги 8 та кучли команда иштирок этди.

«Янги рўзғор» колхозининг стадионида футбол ва югуриш мусобақалари ташкил этилди. Колхоз қошидаги «Пахтакор» спорт жамияти 300 та колхоз ёшларини ўзида бирлаштирди. Колхозда 4 та спорт мотоцикли ва 50 та велосипед спортчиларга тақдим этилди. 1951 йилда вилоятдаги 24 та колхозда, жумладан, Жарқўрғон туманидаги «Меҳнатобод» ва «Социализм», Сариосиё туманидаги бир қанча колхозларда, Денов туманидаги Сталин номли колхозда, Термиз туманидаги «Ленин» номли колхозда стадионлар қуриб ишга туширилди[14].

Шу билан бирга, вилоятда болалар боғчаларини мутахассислар билан

таъминлаш мақсадида Ангор ва Денов туманларида педагогика билим юртлари очилди. Республика ҳукумати, вилоят ва туман совет ва партия ташкилотларининг саъй-ҳаракатлари билан вилоятда мактабгача таълим муассасаларининг иши тобора такомиллашиб борди. 1971-1975 йилларда 12,5 минг, 1976-1980 йилларда 14,4 минг, 1981-1985 йилларда 12,3 минг ўринга мўлжалланган болалар боғчалари ва яслилари ишга туширилди.

Шунга яраша, уларда тарбияланувчи болалар сони ҳам кўпайиб, 1960 йилда 9,7 минг, 1975 йилда 22,3 минг, 1980 йилда 73,1 мингга етди[4]. Аммо вилоят колхозларида ёш болаларни мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олиш даражаси барибир етарлича эмас эди. Чунончи, 1965 йилда колхозларда жами 410 ўрин, 1970 йилда 255 ўрин, 1975 йилда 1760 ўрин, 1976 йилда эса 1180 ўринли болалар боғчалари ташкил этилиши бунга далилдир[5].

Пахтачилик билан шуғулланувчи хўжаликларнинг мутахассисларга бўлган талабини қондириш бутун Ўзбекистонда бўлгани каби Сурхон воҳасида ҳам энг катта муаммолардан бирига айланган эди. Қолаверса, барча мутахассислар ўқиши лозим бўлган мактабларнинг моддий-техник таъминоти, малакали ва олий маълумотли педагогик кадрларнинг етишмовчилиги сезилиб турар эди. Бу муаммо шаҳарлар, туманлар ва вилоят раҳбариятининг диққат-марказида турди.

1920-1970 йилларда Ўзбекистон ўз ички имкониятлари ҳисобидан кишлоқ мактабларини мутахассислар билан таъминлаш имкониятига эга эмас эди. Шунинг учун республика раҳбарияти иттифоқ ҳукуматидан кадрлар жўнатишни сўраб тез-тез мурожаат қилар, бунга жавобан СССР нинг марказий қисмидан турли даражадаги мутахассислар юборилар эди. Лекин, марказ томонидан мутахассисларни ажратиш мақбул характерга эга эмас эди. Шунинг учун республика ҳукумати ички имкониятларни ишга солиб, мактаблар фаолиятини такомиллаштиришга эътибор қилди.

Ўзбекистон ССР ташкил топган вақтда мактабларнинг деярли ҳаммаси ҳашар йўли билан қурилган, етарли жиҳозлар билан таъминланмаган эди. Кейинчалик, етти йиллик мажбурий таълим жорий этилиши муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда махсус лойиҳалар асосида мактаб биноларини қуриш бошланди.

Аҳолининг кўпайиши билан вилоятдаги мактабларнинг сони ҳам ортиб борди (19 жадвалга қаранг). 1971-1975 йилларда 174 та, 1976-1980 йилларда 85 та, 1981-1985 йилларда 90 та мактаб ишга туширилди. Колхозлар томонидан 1965 йилда 21 та, 1975 йилда 6 та мактаб қурилиб ишга туширилди. 1985/86 ўқув йилида вилоятда 661 та мактаб бўлиб, уларда 296, 1 минг нафар ўқувчиси бор эди[6].

Шу билан бирга мактабларнинг қурилиши аҳолининг кўпайиш даражасига мувофиқ равишда олиб борилмади. Мактабларнинг асосий қисми икки, ҳатто уч сменада ўқишни олиб борди. Кўпчилик мактабларда марказий иситиш тизими мавжуд эмас эди. Тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси паст эди. Ачинарли томони пахта якка ҳукмронлиги даврида Сурхондарё шаҳар ва қишлоқ мактаблари мавсум вақтида тўлиғича пахта теримига сафарбар этилар, мактабларда фақат бошланғич синфларгина қолар эди.

Мавсум авжига олганида улар ҳам далага чиқарилар ва давлат томонидан белгилаб берилган нормани бажаришга мажбур эдилар. Таълимга нисбатан бундай муносабат ўқувчиларнинг билим савиясининг тушиб кетиши ва мактаб ишларининг орқага кетишига сабаб бўлди. Табиийки, бу ҳолат мактабларни ўқитувчилар билан таъминлашда муаммоларни келтириб чиқарди. Мактабларда олий маълумотли ўқитувчилар етишмас, айниқса, физика, химия ва биология фанларининг ўқитилиши жуда қониқарсиз аҳволда эди. Бу фанлардан ўқитувчиларнинг етишмаслиги сурункали давом этди. Ўқитувчиларнинг ўз мутахассисликларидан ташқари фанларни ўқитиши одатий ҳолга айланди.

Сурхондарё вилоятида ўқитувчи кадрларнинг етишмовчилиги республика ҳукуматининг доимий диққат марказида турди. Республиканинг чекка ва узок ўлкаси бўлмиш Сурхондарёда халқ маорифи учун мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб СССР Министрлар Кенгашининг 1953 йил 25 декабрдаги № 16646-Р Фармойиши ва Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг 1954 йил 24 февралдаги 281-сонли қарорига асосан Марғилон ўқитувчилар институти Сурхондарё вилоят маркази Термиз шаҳрига кўчирилди ва Термиз Ўқитувчилар институти деб номланди[1;3].

Термиз ўқитувчилар институти 1956-1957 ўқув йилининг бошида Термиз давлат педагогика институтига айлантирилди. Мамлакатнинг энг жанубий қисмида халқ маорифи учун етук малакали кадрлар тайёрлайдиган ягона олий ўқув юрти пайдо бўлди. Ўша ўқув йилидаёқ педагоглар тайёрлашнинг икки йиллик ўқув дастури ўрнига 5 йиллик ўқув режаси ва ўқув дастури қабул қилинди.

1960 йил 25 январда Қашқадарё вилояти тугатилиб, Сурхондарё вилоятига кўшилди. Мамлакат туманларида юз берган ташкилий ўзгаришлар Термиз Давлат педагогика институтининг фаолиятига ҳам таъсир қилмасдан қолмади. Бу ҳудуд ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришни чигаллаштириб қолмасдан, балки Термиз Давлат педагогика институтининг тараққиётига ҳам ғов бўлиб тушди.

Термиз ва Қарши Давлат педагогика институтлари бирлаштирилиб, унга Сурхондарё педагогика институти номи берилди. Институт эса Қарши шаҳрига кўчирилди. Минтақавий жойлашув ва маҳаллий урф-одатлар, анъаналар, айниқса қизларни масофавий ўқишга иштирокини ҳисобга олмай режасиз амалга оширилган бу тадбир бир қатор салбий оқибатларга олиб келди: кадрлар тайёрлаш режаси қисқарди, айрим ихтисосликлар ёпилди, кўпгина факультет ва кафедралар қўшилиб кетди. Бу мажбурий бирлашиш, яна 1965 йилдаги ажралиш, айниқса, фан ва маданият марказларидан узокда жойлашган

Сурхондарё учун айниқса салбий таъсир кўрсатди[8]. Сурхондарёлик талабалар ва профессор ўқитувчилар Термиздан Қаршига кўчиб келишга мажбур бўлдилар[13].

1965 йилда Термиз Давлат педагогика институти яна қайта ташкил этилди. Йиллар ўтиши билан институт вилоятдаги йирик илмий ва маданий марказга айланиб борди. Унинг ташкил этилиши ва ривожланишига, ўқув-услубий ишларнинг такомиллашиб боришига, етук малакали кадрлар тайёрланишига кўплаб қобилиятли ва ишчан раҳбарлар, олимлар салмоқли ҳисса қўшдилар. 1965/66 ўқув йилида

институтда 0,3 минг талаба бўлган бўлса, 1980 йилда 3,8 минг, 1985 йилда 4,0 мингга етди[7].

Хулоса қиладиган бўлсак, кўриб чиқиладиган даврда олий ва ўрта махсус таълимнинг замон талабларига жавоб бермаганлиги, таълим жараёнининг мафқуралашганлиги, унда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишдаги жаҳон тажрибаси ҳисобга олинмаганлиги аён бўлди. Таҳлил этилган даврда пахтачилик соҳасида маҳаллий техник мутахассисларнинг сифатига эмас, балки сонига эътибор қаратилганлиги кузатилди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Даминава З.Ш. «XIX аср охири - XX аср Термиз шаҳри тарихи». Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т., 2004. - Б. 3.
2. Экономика Узбекской ССР в условиях перестройки. - Т., 1988. - С.16; Узбекистан в мировой экономике. - Т., 1993. - С. 53.
3. Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. - Б. 605.
4. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1980 г. - С. 239; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. - С. 248;
5. Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет. - С. 226.
6. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. - С. 246-247 302-303; Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет. - С. 225.
7. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1980 г. - С.287; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. - С. 307.
8. Ўзбекистон Республикаси МДА. 94-фонд, 7-рўйхат, 417-иш, 219-варақ.
9. Сурхондарё ВДА. 404-фонд, 1-рўйхат, 56-иш, 28-варақ.
10. Сурхондарё ВДА. 404-фонд. 1-рўйхат, 30-иш, 22-варақ.
11. Сурхондарё ВДА. 404-фонд, 1-рўйхат, 56- иш, 26-варақ.
12. Қашқадарё ВДА. 432-фонд. 53- иш, 1-варақ.
13. Қашқадарё ВДА. 94-фонд,5-рўйхат, 55-иш, 8-варақ.
14. «Қизил Ўзбекистон». 1951 йил 13 декабрь.
15. «Правда Востока», 1977 йил 19 февраль.

BUXORO AMIRLIGI DAVRIDA BOYSUN VA DENOVDА ADABIY MUHIT

Muhammadiyev Omon Mamataliyevich,

DXX ChQ "Yosh chegarachilar" harbiy akademik litseyi o'qituvchisi
omonmuxammadiyev19@gmail.com

Annotatsiya: Boysun va Denov qadimdan o'z madaniyati, tarixi, olimlar shoirlar, adiblar, allomalar, muddarislari yetishib chiqqan, Sharqiy Buxoroda madaniy jihatdan alohida o'rin tutgan tarixiy joydir. Bu

davra adbiy muhitida muhim tutgan tarixchi, adib-shoir, baxshilarning ijodi muayyan darajada o'z davri ilmiy adabiy muxitiga katta ta'sir ko'rsatganligini manbalardan yaxshi ma'lum. Maqolada Buxoro amirligi davrida

Boysun va Denov adabiy muhitida muhim o‘rin tutgan ijod ahllari haqida so‘z boradi.

Kalit so‘zlar: adabiy muxit, Abdulla Qurbon Rajab Boysuniy, Abdulla Sangardakiy, adabiyot, Boysun va Denov.

Аннотация: Бойсун и Денов – исторические места со своей культурой, историей, учеными, поэтами, писателями, учёными, муддари и культурно особое место в Восточной Бухаре. Из источников хорошо известно, что произведения историков, поэтов и поэтесс, сыгравших важную роль в литературной среде этого периода, в известной степени оказали большое влияние на научную литературную среду своего времени. В статье говорится о творческих людях, сыгравших важную роль в литературной среде Байсуна и Денова во времена Бухарского эмирата.

Ключевые слова: литературная среда, Абдулла Курбан Раджаб Бойсуни, Абдулла Сангардаки, литература, Бойсун и Денов.

Annotation: Boysun and Denov are historical places with their culture, history, scientists, poets, writers, scholars, muddaris, and culturally special place in Eastern Bukhara. It is well known from the sources that the works of historians, poets, and poets who played an important role in the literary environment of this period had a great impact on the scientific literary environment of their time to a certain extent. The article talks about creative people who played an important role in the literary environment of Boysun and Denov during the Bukhara Emirate.

Key words: literary environment, Abdulla Qurbon Rajab Boisuni, Abdulla Sangardaki, literature, Boisun and Denov.

Abdulla Qurbon Rajab Boysuniy[4] - XX asrda yashab o‘tgan taniqli ijodkorlardan biridir. U 1900 yilda Boysunda taqvodor dehqon Rajab hoji xonadonida tavallud topgan. Abdulla Rajab Qurbon hayit kunlari tug‘ilgani uchun ismini Qurbon qo‘yishadi. Ancha yillar Boysunda yashagan va faol bo‘lib ishlagan, 1886 yilda tug‘ilgan Mirza Salim Do‘stmurodov hamyurti Abdulla Rajab Boysuniy haqida 1976 yilda pedagog-

yo‘zuvchi Tohir Usmonga quyidagilarni aytib bergan:

- Qurbon Rajab hoji Boysuniyini yaxshi tanirdim. Chunki men Boysundagi domla Abdusamad Ko‘chkariy, mulla Jo‘ra maxsum, dashtig‘ozlik mulla Muhammadilar dars beradigan katta madrasada to‘rt yil tahsil olganman. Qurbon Rajab Boysuniy esa mulla Hamdam mudarris bo‘lgan kichik madrasada ta‘lim olardi. 1921 yilda navqiron yigit bo‘lib yetishgan Abdulla Rajab Boysuniy kelishgan, oq badan, qirra burun, cho‘zinchoq yuzli, qo‘y ko‘zli, qayrilma qoshli, keng peshona va shirali ovozigga ega bo‘lgan. U ilmga tashnaligi, qobiliyati bilan ajralib turgan.

Azimov Ravshan Mufti[4] (1876-1961) Boysun rayonidagi Avlod qishlog‘ida tug‘ilgan. Yoshligidan o‘ta zehni bo‘lgan. Ustazi Domla Orif hojidan ilk ilm saboqlarini olgan. 14 yoshidan 34 yoshigacha Buxorodagi «jahonbog‘i» madrasasida ta‘lim olgan. 1911 yilda 34 yoshida muftilik darajasiga yetgan. 1913 yilda muftilik yorlig‘i bilan taqdirlangan. Amir Sayid Olimxon Buxoro amiri etib tayinlanganida, mufti Ravshan Boysun bekligida muftilik martabasiga o‘tirgan. Sovet hokimiyati davrida bir necha marotaba tayziqga uchragan. Qabri «Qo‘rg‘oni bolo» qabristonida. 14 yoshigacha Boysun markazidagi «Hududiya» madrasasida ta‘lim olgan. Madrasada Mullo Holl Oxund, Mirzo Abduholiq maxsum, Domla Orif Xoji va boshqalardan ilm sabog‘ini olgan... Mufti Domla Ravshan 1922 yildan qatag‘onlikka uchragan va 1941 yilgacha viloyat qishloqlarida darbadarlik va sargardonlikda yashagan. 1952 yilda sovet hukumati tomonidan dindor sifatida qamalib, 1953 yil iyulda Stalin vafotidan keyin ozodlikka chiqarilgan. Otasi Azim Surfi o‘ta bilimli, zehni bo‘lgan. Qur‘oni Karim, Xadisi-sharifning bilimdoni bo‘lib, juvuzgarlik ishi bilan shug‘ullanib, saxiy amin odam bo‘lgan. Odamlarni chirog‘ini bepul moy bilan ta‘minlab turgan. Azim So‘fi 1922 yilda Qizil armiya tomonidan otib tashlangan. Qabri «Qo‘rg‘oni Boloda». Mufti Ravshan Buxorodagi «Jahonbegi» madrasasida Domla Hamdam bilan o‘qigan. Ravshan Azim muftilik, domla Hamdam raislik unvoni bilan

taqdirlanib Boysunga qaytgan. Madrasada oldinma keyin Mullo Umar va Mullo Badal (ikkalasi Pasurxi qishlog'idan), Mullo Abduraxmon (Bogibolodan), Domla Do'st Oxund bilan (Kuchkak) birga o'qigan. Domla Do'st Oxundni o'g'li mullo Sharif Maxsum keyinchalik Tojikistonga ko'chib ketib, jon saqlab qolgan. Ikkinchi jahon urushi yillarida 1942 yilda Sovet Ittifoq Oliy Soveti Prezidium raisi M.Kalenin, Kuybeshovda O'zbekistonlik bir gruppasi diniy ilmlar bo'yicha mutaxassis odamlarni chaqirib, ikkinchi jahon urushini taqdiri haqida maslahat qilgan ekan. Bu yig'ilishda Domla Mufti Ravshan ham qatnashib, sovet hukumatini g'alabaga erishishi bashorat etgan. Mufti Domla Ravshan o'zidan keyin solix farzandlar qoldirdi.

Domla Karimbek[4] (1864-1950) Boysun bekligida Sariosiyo mavzesida tug'ilgan. Otalari Raximbekboy undan Ernazarboy undan Mullo Niyoz Oxund.

Domla Karimbek dastlabki bilimni otalari hamda amakilari Eshoni Qiron huzurida chiqaradi.

Boysundagi «Hududiya» madrasasida ta'lim olib, undan so'ng Buxorodagi Nodir Devonbegi madrasasida tahsil olib, qaytib keldi. Domla Karimbekning ukalari domla Xursandning (marhum 1970 yilda vafot etgan) ma'lumotiga ko'ra u kishi Boysundagi madrasada bir yil mudarislik qiladi. Keyinchalik bir necha yil qozilik devonida ishlagan. Xalqimiz orasida domla Karimbek va amakilari Eshoni Qiron - Rais haqida juda ko'plab rivoyatlar yuradi. Qur'oni Karim, Xadisu Sharif tafsiflarini yaxshi mutoola qilganlar. Qur'oni Karim oyatlari bilan turli xastalikka chalingan bemorlarni darddan forig' etish hislatiga ega bo'lgan. Domla Karimbek oxirgi vaqtlarda Sariosiyo qishlog'ida yashab vafot etan. «Sariosiyo» qabristoniga dafn etilgan.

Norqul Shayx Rajab o'g'li[4] (1879-1975) Boysun bekligida tug'ilgan. Otalari Rajab oqsoqol bo'lgan. Boysun bekligidagi «Hududiya» madrasasida ta'lim oldi, keyinchalik Buxorodagi Mir Arab madrasasida tahsil olgan. Boy-badavlat o'ziga to'q kishi bo'lib otasidan yer, molu-mulk qolgan. 1930 yilda barcha molu-mulki, alacha to'qiydigan do'konlari davlatga musodara qilinib, quloq

qilingan. Qur'oni Karim va Hadisu Sharif tafsiflarini mukammal bilgan. Qur'oni Karim oyatlari bilan turli xastaliklarga (quturish, ruhiy kasallik va boshqa) chalingan bemorlarni darddan foriq' etish hislatiga ega bo'lgan.

Norqul Shayxni o'g'illari Aziz Norqulovni aytishicha, otalari oxirgi vaqtlarda Poygaboshi mahallasida yashab vafot etgan. «Qo'rg'oni bolo» qabristoniga dafn etilgan.

Abdulla Sangardakiy[3] XIX asrning ikkinchi yarmi va XX asr boshlarida yashab, ijod qilgan qalam ahlilaridan biridir. U Sariosiyo tumanidagi anchagina mashhur Tog' qishlog'i – Sangardakda, aniqrog'i uning «Bog'cha» deb ataladigan kichik qishlog'ida tug'ilib voyaga yetgan. Ma'lumki, Sangardak kattagina aholi istiqomat joyi bo'lib, u bog'cha, changloq, dug'oba, xuaki, tig'iz kabi qishloqchalar majmuyidan iboratdir. Qishloqda asosan o'zbeklarning qatag'on urug'i va tojiklar necha- necha asrlardan buyon yonma-yon yashab quda- anda bo'lib kelishgan. Sangardak o'zining sunbulali sharsharasi (avvallari u Sharik Mozor deb atalgan), bog'-rog'lari va savodxon kishilari, mulla-shoirlari, tog' tepasidagi ziyoratgohi, sermeva bog'-rog'lari bilan mashhur bo'lgan.

Abdulla Sangardakiy XIX asr o'rtasilarida ana shu yurtda hunarmand-kosib oilasida tug'ildi. Uning otasi Zarbof laqabi bilan atashgan. Chunki u kelin-kuyovlar uchun zarbof liboslar, otlar uchun zarrin yopinchiqlar tayyorlar ekan. Onasini Zarzar ona deyishgan. U qizlar sochiga zarrin shirozlar, yoqa va kashtalar tayyorlagan.

Abdulla Sangardakiyning bolaligi qiyinchilik bilan o'tgan bo'lsada, yaxshi xat-savod chiqardi. Qishloqda maktab yo'qligi tufayli Sangardakdan 26 kilometr uzoqlikdagi madrasada o'qidi. Yaxshi shoir, bilimdon mulla, otasi kabi hunarmand zarbof bo'lib voyaga yetdi. U yaxshi ovchi ham edi. Abdulla Sangardakiy bayram kunlarida, turli ayyomlarda o'z g'azallari, xususan, hazil she'rlari bilan kishilar ko'ngliga zavq-shavq baxsh etgan, ularni ezgu ishlarga ruhlantirgan. U qishloqdagi ikkita katta ko'priq qurilishiga bosh-qosh bo'lganligini rivoyat qilishadi.

Abdulla Sangardakiyning el oqsoqoli, maslahatgo'yi bo'lganligini ham ta'kidlashadi.

Tog' yo'lini qabriston orqali o'tkazishga majbur bo'lib, Abdulla Sangardakiydan maslahat so'raganlar. U kishi bunday ish tutishni ma'qul topmagan. Shunda Rahimqul degan bobo: "Mana, men boshlab beraman", - deb ketmon ko'tarib, yo'l qurishni boshlaganlarga yetakchilik qilgan va ikki kundan so'ng vafot etgan[3].

Abdulla Sangardakiy turli giyohlar bilan kishilarni davolagan, yoshlarni o'qitgan, she'riyatni oshno qilgan. U diniy va dunyoviy adabiyotlarni yaxshi bilgan, mohir hattot bo'lgan. Abdulla Sangardakiyning "Muhimot ul muslimiyn" asarini g'oyatda go'zal husnixat bilan ko'chirganligi ma'lum. U Sobir Sayqaliy Hisoriy, Manjumiyy, Kalomiy, Abdushukur Siddiq Sinagiy, Abdulhakim Darbandiy, Holmo'min Panjobiy kabi shoirlar bilan bir davrda yashab, ijod qildi, boshqa bir shoir Abdulla G'aribiy uni o'ziga ustoz hisobladi.

Abdulla Sangardakiy maktablarida o'qitiladigan forsiycha "Chor kitob"ni o'zbekcha yozdi va uni "Chor kitobi turkiy" deb nomladi.

Sobir Sayqaliy[3] – Muhammad Sobir Xoji o'g'li Xisoriy XIX asrda yashab, ijod etgan shoirlardan biridir. U o'z nazmi muqaddimasidan shaxsini "Xoji o'g'li" deb ko'rsatgan. Sobir Sayqaliy bilimdon inson, yaxshi shoir, moxir xattot sifatida tanilgan. Uni Masexo Boysuniy kabi o'z ovozigacha doston va ajoyib she'rlariga ega ijodkor sifatida bilishgan hamda Buxoro, Samarqand, Qo'qonda tuzilgan bir necha tazkiralarga kiritishgan. Jumladan, Malaviy Xo'qandiy shoir Sobir Sayqaliy to'g'risida quyidagilarni aytgan: Shoir Sayqaliy muxabbati olibolardandir. Bu zo'r qobiliyatga ega bo'lmish zot ko'rinishda qotma, cho'qqisoqol, qoramtir po'stli. Oriq gavdali bo'lib, bir ko'zlari ko'r ekanlar, ko'rinishida bu fazlu-fazoyil sohibi shiorning qiyofasi aqli darajasiga mos bo'lmagani to'g'risida ko'p latifalar sodir bo'lar emish. Jumladan bir kuni shoirning yozgan asarlari orqali muhabbat etmish bir kishi uzoqdan Hisorga ziyorat uchun keladi. Nihoyat mahallasiga borib so'rab, bir kishidan mana shu tor ko'chadan borib, ariqchadan o'tib, chap tomondagi bog'cha hovlining oldiga to'xtab, chaqiring degan javob oladi.

Ko'rsatma bo'yicha borsa bir arriq qoracha gavdali bir ko'zi ko'r kishiga uchraydi. Sayqaliy ekanligiga ishonmay salom beradi. Hayron bo'lib turganda nazar solib-qarab, shoir ekanligini faxmlaydi. Bir buzuvq devorni loy bilan tuzatib turgan ekan. Qo'li loy bo'lgan holda "kimni istaysiz?" deb so'raydi. Shoir Mavlono Sayqaliy axtarib kelgan edimdegach. Nima qilar edingiz – degan. Ul bir ko'rsak deydi. Sayqaliy darhol qo'lini ariqda yuvib, artib kelib shoirga uzatib "o'shal siz istagan va aytgan ko'r sak (ko'r it) bizda deb lutf so'zlab kulib so'rashadi. Shoirmi hovlisiga xursandlik ila qabul etadur".

Filologiya fanlari nomzodi Sayfiddin Sayfullo va Vashington universiteti aspiranti Dovut Xunzikerlar Sobir Sayqaliyning 1322 hijriy (1904-milodiy) yilda Toshkentda arab alifbosida bosilgan "Ravzat ush shuxado"ni tadbil qilib, nashrga tayyorladilar. (Sino jurnali. 2003 yil 10-son 22-bet). Sobir Sayqaliyning "Ravzat ush shuxado" (Qissai Sayqaliy)si turkiy qissalar ichida badiiy barkamolligi, ta'sirchanligi bilan ajralib turadi.

Sobir Sayqaliyning 9000 baytdan iborat masnaviysi mahorat bilan yozilganligi uchun ham katta shuxrat qozonib, qayta-qayta Toshkent, Qozon va boshqa shaharlarda litografiya usulida bosilgan va ko'chirilgan.

Sobir Sayqaliy kitobi ikki qismdan iborat bo'lib, birinchi qismi Xamdu na't Payg'ambarlar qissasi, jumladan Muhammad alayhis salomning imomlar bilan munosabatlari. Imom Hasan va Imom Husayn taqdiralaridan bashorat. Bibi Xadicha va Bibi Fotima bilan bog'liq voqealar Xazrat Ali va Muoviya o'rtasidagi ziddiyatlar Xazrat Alining shahid bo'lishi kabilardan iborat. Ikkinchi qismida esa Imom Xasanning shaxid bo'lishi va imom Xusainning fitnaga uchrashi karbalo dashtida ahli bayt bilan 70 kishining qatl etilishi yuksak mahorat bilan tasvirlanadi. Sobir Sayqaliy XIX asrning 80-yillarida Denov dehqonlarining amirning haddan ziyod soliqlariga qarshi ko'tarilgan qo'zg'oloni guvohi bo'ladi.

Ayrim ma'lumotlarga ko'ra Sobir Sayqaliy Denov tumanidagi Sina qishlog'ida yashagan. Bir oyog'i oqsoq bo'lgan. Shu qishloqda qarindosh urug'lari, avlodlari borligi

aytiladi. Shu qishloqlik muallima va shoira Gulbahor Karimova Sobir Sayqaliyning bir kitobi o'z qo'lida saqlanayotganligini bildiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Avazov U.Yu. XIX asr oxiri – XX asr boshlarida Buxoro amirligining janubi-sharqiy bekliliklaridagi ijtimoiy-siyosiy va madaniy hayot. Tarix fan. nomz. diss. avtoreferati. – Toshkent, 2005. – 28 b.
2. Tursunov S.N., Turdiyev T. Denov. – Toshkent: Fan, 2009.
3. Tursunov S.N., Qobilov E.A. va boshq. Surxondaryo tarixi. – Toshkent: Sharq, 2003.
4. Tursunov S., Rashidov Q. Boysun. – T.: Akademnashr, 2011. – B. 430.

SURXONDARYO VILOYATI QISHLOQLARDA MADANIY-MA'RIFIY ISHLARNING HOLATI

Mirzayev Husniddin Xolmo'minovich,
Surxondaryo viloyati Termiz Shahar kasb-hunar maktabi yoshlar
bilan ishlash bo'yicha direktor o'rinbosari

Annotatsiya: Qishloq aholisi siyosiy ongi va ma'naviy madaniyatini rivojlantirish davlatning eng murakkab va muhim vazifalaridan biri hisoblanadi. O'zbekistonda turli soxalarda amalga oshirilayotgan islohotlarning natijasi, avvalo, aholi ma'naviyati bilan chambarchas bog'liqdir. Maqolada ayni shu mavzuda so'z yuritiladi.

Kalit so'zlar: qishloq, ta'lim, ma'naviyat, klublar, maktab, Surxondaryo, kutubxona.

Аннотация: Развитие политического сознания и духовной культуры сельских жителей является одной из наиболее сложных и важных задач государства. Результат реформ, реализуемых в Узбекистане в различных сферах, тесно связан с духовностью населения. Статья посвящена той же теме.

Ключевые слова: село, образование, духовность, кружки, школа, Сурхандарьинская область, библиотека.

Abstract: Development of the political consciousness and spiritual culture of rural residents is one of the most complex and important tasks of the state. The result of the reforms implemented in Uzbekistan in various fields is closely related to the spirituality of the population. The article deals with the same topic.

Key words: village, education, spirituality, clubs, school, Surkhondaryo,

library.

Mustaqillik yillarida ma'naviy-ma'rifiy tadbirlarni amalga oshirish uchun keng imkoniyatlar yaratilib, qishloqlarni ma'naviy jihatdan yangilash asosiy vazifalar qatoridan joy oldi. Madaniy-ma'rifiy muassasalar o'z xususiyatiga ko'ra ma'naviyat o'choqlari bo'lib, ular xalq ijodini targ'ib qilish va rivojlantirishga xizmat qiladi.

Qishloq – jamiyat rivojida muhim o'rin tutgan, aholining o'ziga xos tabiiy, mehnatni tashkil etishdagi ijtimoiy-iqtisodiy faoliyatlar, an'ana, turmush va tafakkur tarzi, madaniy-maishiy xizmat ko'rsatish infratuzilmasi darajasi va xususiyatlari bilan farqlanadigan muayyan ijtimoiy makon, "aholisining ko'pchiligi dehqonchilik, chorvachilik yoki qishloq xo'jaligining boshqa turi bilan mashg'ul bo'lgan aholi manzilgohi hisoblanadi". Ma'muriy-hududiy tuzilishning eng quyi bo'g'ini sifatida mamlakat obodligi, xalqning farovon yashashi qishloqlarning taqdiri va kelajagi bilan bevosita bog'liq. O'zbek xalqining kelib chiqishi ham bevosita qishloq zaminiga borib taqaladi[2].

Xalq kuy-qo'shiqlari, o'yinlari kabi ijod namunalarini to'plash, o'rganish va rivojlantirish madaniy-ma'rifiy muassasalarning asosiy faoliyatlarini tashkil etadi. Tarixiy, madaniy, ma'rifiy va ma'naviy-

axloqiy qadriyatlarning keng qatlamlarini qayta idrok etish g'oyalari, yangilanish tamoyillari. xalq ijodining yangidan-yangi qirralari, bugungi madaniyat muassasalarida amalga oshirilayotgan ishlarda, ijodiy uchrashuvlarda, tanlovlarda, baxshilar ijrosidagi xalqona oxanglarda yaqqol namoyon bo'ldi. Shu o'rinda mustaqillik yillari respublikada madaniy-ma'rifiy muassasalar faoliyatida tub o'zgarishlar amalga oshirildi.

O'tish davrining iqtisodiy qiyinchiliklariga qaramay, O'zbekiston qishloqlarida ham ta'lim tizimini isloh qilish yuzasidan muayyan ishlar amalga oshirildi. Shuningdek, umumiy o'rta ta'lim bosqichida ham bir qator yutuqlar qo'lga kiritildi. Xususan, maktab yoshidagi asosiy guruhlar (1-9 sinflar) bo'yicha aholini o'quv muassasalari bilan qamrab olish darajasi yuqori ko'rsatkichlarga erishilganligini qayd etish mumkin. 16-18 yoshdagi (o'rta ta'limning yuqori bosqichi) bo'yicha qamrab olish ko'rsatkichlari XX asrning 90-yillarida pasayib ketgan bo'lsa-da, keyin ushbu yoshdagilar guruhi uchun kasb-hunar kollejlari paydo bo'la boshlagani va 12 yillik majburiy ta'lim tizimining bosqichma-bosqich joriy qilingani bois mazkur ko'rsatkichlar muntazam ravishda o'sib bordi.

Respublikada 2010-yilda 1396 ta kasb-hunar kollejlari faoliyat olib borgan bo'lsa, 2016-yilda 1422 taga yetdi. Davlat tomonidan umumiy o'rta ta'lim faoliyatini yaxshilash, ularning moddiy-texnika bazasini mustahkamlash borasida salmoqli ishlar amalga oshirilib, o'rta ta'lim maktablari soni yildan yilga ortib bordi.

Masalan, respublika bo'yicha yillar kesimida umumta'lim muassasalari soni tahlil etilganda, 1991-1992-yilda 8557 ta, 2015-2016-yilda esa 9720 tani tashkil etdi⁶⁴.

Xalq ta'limi tizimida budjetdan tashqari mablag' ishlab topishda Buxoro, Surxondaryo, Qashqadaryo viloyatlaridagi maktablarda zardo'zlik, to'qish, kiyim tikish, xalq hunarmandchiligi, qishloq xo'jalik ekinlari yetishtirish kabi sohalarida ancha mablag'lar to'plandi. Ishlab topilgan 800 ming so'mgacha bo'lgan mablag'lar maktablarning maxsus hisob raqamiga o'tkazilib, maktabni moddiy-

texnika bazasini mustahkamlashga sarflandi⁶⁵. Respublika xalq tizimida 39 ming nafar o'qituvchi yetishmadi. 1996-yilda pedagogik institutlar va o'rta maxsus ta'limni bitirib, yosh mutaxassis sifatida 12 ming talaba va o'qituvchilar ta'lim muassasalariga ishga kelgan taqdirda ham respublikada ta'lim muassasalarini pedagogik kadrlar bilan ta'minlash 63 foizni tashkil etdi⁶⁶. 2010-2011-o'quv yilida umumta'lim muassasalari soni 9806 tani tashkil etgan bo'lsa, qishloq joylarda 5970 tani, 2012-2013-o'quv yilda mos ravishda 9779 ta va 5956 tani, 2013-2014-yilda mos ravishda 9758 ta va 6017 tani, 2014-2015-o'quv yilida mos ravishda 9720 ta va 6019 tani, 2015-2016-o'quv yilda mos ravishda 9720 ta va 6019 tani tashkil etdi. Boshlang'ich maktablar soni kamayishi hisobiga umumta'lim muassasalari soni kamaygan. O'qituvchilar va pedagoglarni ijtimoiy himoya qilish davlatning diqqat e'tiborida bo'lib keldi.

Moliyaviy ahvol yomon bo'lishiga qaramay, boshlang'ich sinf o'quvchilariga bepul nonushta berildi, yuqori sinf o'quvchilari ovqat narxining yarmi budjeti hisobidan to'landi. Masalan, 1993-yilning 11 oyida bu maqsadlar uchun qariyb 80 mln. so'm mablag' sarflandi. Prezident farmoniga binoan, o'qituvchilarning oyligi oshirilib, istiqomat qiladigan uylari xususiy lashtirildi. Ayni vaqtda kommunal xizmatlar uchun imtiyozlar joriy qilindi.

Maktabgacha ta'lim turi, maqsadi va vazifalariga ham tegishli tuzatishlar kiritildi. Maktabgacha ta'lim muassasalari oldidagi vazifalar turli-tumanligi bilan ajralib turdi. Biroq ularning barchasi bolalarning sog'ligini mustahkamlashga, hayotini himoyalashga va ularning ma'naviy, shaxsiy hamda jismoniy rivojlanishini ta'minlashga, maktab bosqichiga qaratildi. Maktab yoshidagi bolalarni bog'chalarga qamrab olish foizi yildan-yilga pasayib ketdi. Masalan, 1992-yilda bu ko'rsatkich 34 foizni tashkil etgan bo'lsa, 1995-yilda 29 foizga tushib ketdi. Respublika bo'yicha, bolalarni bog'cha-yasliqlarga jalb etish 29 foizni tashkil etgan bo'lsa, bu ko'rsatkich Surxondaryo viloyatida 16,4 foizni tashkil etdi, xolos. Sababi binolar yillar

davomida ta'mirlanmay, ularda o'quv jarayonini davom ettirish salbiy ta'sirini ko'rsatar edi.

O'zbekiston qishloqlarida kutubxonalar ishini yo'lga qo'yishda ma'lum sustkashlikka yo'l qo'yildi. O'tish davrining moddiy qiyinchiliklar tufayli kutubxonalarda kitob va jurnatlar soni ham kamaydi. Masalan, 1995 yil respublika qishloqlarida 5986 ta kutubxona faoliyat olib borgan bo'lsa, 2004 yil ular soni 4933 taga tushib qoldi. Ularda 1995 yil 50,8 mln nusxa kitob va jurnal bo'lsa, 2004 yil ular 35.6 mln nusxaga tushib qoldi. Shuningdek, kitobxonlar soni ham shu yillarga taaluqli ravishda 4,7 mlndan 3.7 mlnga tushdi[5;136]. Bu kabi xolatning kelib chiqishiga bir qator omillar sabab bo'ldi. Aholi maishiy turmush darajasi ko'tarilib, komp'yuter, turli video vositalari keng tarqatib, ko'plab axborotlar aholi ongiga texnika yordamida kirib bordi. Kitoblardagi ma'lumotlarni kitobxon kompyuter orqali internetdan olish imkoniyati yaratildi. Bu jarayon nafaqat O'zbekistonda balki butun dunyo uchun xos hisoblanadi.

2004-2008 yillarda qishloq klub muassasalari soni ham kamayib bordi. Bu xolatning o'ziga xos sabablari mavjud edi. Klub muassasalar sonining kamayishiga mablag' masalasi jiddiy ta'sir ko'rsatdi. Shuningdek, mahalliy xokimliklar, mutasaddi raxbarlarning sovuqqonligi va loqaydligi natijasida klub muassasalari ishini orqaga ketishiga olib keldi[6].

1999 yil Surxondaryo viloyatida jami 44 ta qishloq madaniyat uylari va 48 ta qishloq klublari faoliyat olib bordi. Denov tumani qishloqlarida 9 ta madaniyat uyi, Sho'rchi va Jarqo'rg'on tumanlari qishloqlarida 7 tadan shu turdagi muassasalar faoliyati yo'lga qo'yildi. Ammo, viloyatning ba'zi tumanlarida birorta ham madaniyat uylari va klub muassasalari tashkil etilmagan edi. Masalan. Qumqo'rg'on, Oltinsoy, Qiziriq tumanlarida qishloq madaniyat uylari mavjud bo'lmadi. Sariosiyo tumani qishloqlarida 7 ta klub muassasasi faoliyat olib bordi[10]. Shu tariqa Surxondaryo viloyati qishloqlarida klub muassasalarini tashkil etishda nomutanosib vaziyat mavjud edi.

2006 yilga kelib O'zbekiston Respublikasi

bo'yicha madaniyat va sport ishlarini yaxshilash, ularning moddiy-texnika bazasini mustahkamlash yuzasidan bir qator chora-tadbirlar natijasida 2006 yil Madaniyat va sport ishlari uchun respublika byudjetidan 32591.3 mln. so'm mablag' ajratildi. Shundan, 7292.3 mln. so'm teatr-tomosha tashkilotlariga. 1538.9 mln. so'm madaniy yodgorliklarini ta'mirlash ishlariga, 1144.1 mln. so'm madaniy-ma'rifiy muassasalar ta'minotiga va boshqalarga ajratildi[7].

Umumiy o'rta ta'lim bosqichi barcha uchun majburiy bo'lib, unda yosh avlod umumiy bilim asoslarini chuqur o'rganib, dunyoqarashini shakllantirishda xizmat qiladi. Surxondaryo viloyatida 1991-1992 o'quv yilida 679 ta umumta'lim maktablari faoliyat olib borgan bo'lsa. 2000-2001 o'quv yilida ular soni 810 taga yetdi. Ularda ta'lim olgap o'quvchilar soni 334.4 mingdan 471.0 ming taga kupaydi. Bu raqamlari viloyat, shaxar va qishloq bo'yicha taqqoslansa, qishloq o'quvchilari soni ancha yuqoriligi kuzatiladi. Masalan, 1991-1992 o'quv yilida Surxondaryo viloyatidagi 334.4 ming o'quvchidan 280.8 mingi qishloq bolalaridan iborat bo'ldi. 2000 yilda viloyat maktablarining 10-11 sinflarida ta'lim olayotgan 47.7 ming o'quvchidan 42.0 mingi qishloq maktablarida o'qidi[13].

1991-1992 o'quv yilida Surxondaryo viloyati qishloqlarining jami o'quvchilari soni 286,8 ming bo'lsa, shuning 124,1 mingini boshlang'ich sinflari tashkil etdi. Keyingi yillarda ular soni yanada ortdi. Masalan, 1999-2000 yilda viloyat qishloqlari maktablarida boshlang'ich sinflarda ta'lim olayotgan o'quvchilar soni 207,6 mingni tashkil etdi. Jami qishloq o'quvchilar soni 391,8 ming edi[13]. O'zbekistonda bu davrda faoliyat olib borayotgan 9748 ta maktabdan 171 tasi boshlang'ich maktablari bo'lib, 1-4 sinfda ta'lim olayotganlar soni 2 mln 278660 edi[3;37]. Bu raqamlar tahlili shundan dalolat beradiki, boshlang'ich sinf o'quvchilari soni yillar davomida ortib borishi soxa faoliyatiga jiddiy e'tiborni talab qildi.

Qishloqlardagi klublarning aksariyati moslashtirilgan binolarda faoliyat yuritdi. Masalan, respublika bo'yicha hisobga olganda,

jami 1047 ta klub moslashtirilgan binolarda joylashtirilgan. Har bir hududdagi binolar ta'mirga muhtoj edi. Klub muassasalar ishida bir qancha kamchiliklar va muammolar mavjud, eng asosiysi kadrlar tanqisligi edi. Natijada Toshkent madaniyat institutini klub mutaxassisligi bo'yicha bitirgan yoshlarning qishloq klublariga kelib ishlashi amrimahol bo'lib qoldi.

Qishloqlarda xalq an'analarini rivojlantirishda klub muassasalarining alohida o'rni bo'lib, klublarning aksariyati, masalan, Surxondaryoda 74 ta klub muassasalari moslashtirilgan binolarda joylashtirildi. Shuning bilan birga har bir hududdagi binolar ta'mirga muhtoj holatida edi.

Zarur ma'lumot va axborotlarni o'zida jamlagan kutubxonalarga e'tibor ancha susayib qoldi. Buning o'ziga xos ijtimoiy-iqtisodiy sabablari bor edi.

Kutubxonachilik ishiga oid qonunning yo'qligi va shu asosda kutubxonalar ishini tartibga solib turuvchi yo'riqnomalarning ishlab chiqilmaganligi ular faoliyatini pasayib ketishiga olib keldi. Kutubxonalar fondidan turli sabablar bilan kitoblarni hisobdan chiqarib tashlash ham salbiy ta'sirini ko'rsatdi. Ularning o'rnini to'ldirish uchun esa yangi kitoblar nashri yetarlicha bo'lmadi.

O'zbekistonning markaziy va janubiy viloyatlari qishloqlaridagi madaniy- ma'rifiy muassasalar faoliyati bozor munosabatlariga o'tish davriga xos bo'lgan qiyinchiliklarga to'qnash keldi. Xususan, klublar, madaniyat saroylarining aksariyati xususiylashtirilib, to'yxona, oshxonalariga aylantirildi. Madaniyat bo'limlari balansida saqlanib turgan ko'plab madaniyat maskanlari zamon talablariga javob bermas, qishloq kutubxonalarida jihozlar va inventarlar yetarli emas, keyinroq esa joylardagi kutubxonalarni markazlashtirish ortidan deyarli barcha qishloq kutubxonalari qisqartirilib, tuman markazlaridagi yagona kutubxonaga birlashtirildi. Natijada qishloqdagi busiz ham kam ish haqi olib kelgan tajribali soha xodimlari o'z-o'zidan ishsiz, aholi esa kitobdan uzoq qoldi.

Ta'lim tizimidagi isloxotlar yangicha

tafakkurga ega pedagog kadrlar tayyorlash siyosatini ishlab chiqilishipi taqozo qila boshladi. Ta'lim muassasalaridagi o'qituvchi kadrlarning xar biri o'z mutaxassisligi bo'yicha hozirgi zamon talablariga mos ravishda faoliyat yuritishlari davr talabiga aylandi. "Tarbiyachilarning o'ziga zamonaviy bilim berish, ularning ma'lumotini, malakasini oshirish kabi paysalga solib bo'lmaydigan dolzarb masalaga duch kelmoqdamiz. ...Ta'lim-tarbiya tizimini o'zgartirishdagi asosiy muammo ham mana shu yerda. O'qituvchi bolalarimizga zamonaviy bilim bersin, deb talab qilamiz. Ammo zamonaviy bilim berish uchun, avvalo, murabbiynining o'zi ana shunday bilimga ega bo'lishi kerak[1;13]" - deb ta'kidlaydi O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.A.Karimov. Umumta'lim maktablarini turli fanlar bo'yicha o'qituvchi kadrlar bilan ta'minlash yuzasidan bir qator chora-tadbirlar olib borildi. Surxondaryo viloyatida 1991-1992 o'quv yilida jami 18030 ming nafar oliy ma'lumotli o'qituvchilar faoliyat olib borgan bo'lsa, 2000-2001 o'quv yilida ular soni 22144 ga yetdi. Oliy ma'lumotli o'qituvchilarning asosiy qismini 5-11 sinf fan o'qituvchilari tashkil etdi, ularni fan bo'yicha taqsimlansa, o'zbek tili va adabiyot, tarix, fizika va matematika fanlari o'qituvchilari ko'pchilikni tashkil qildip[13]. O'zbekiston janubiy viloyatlarining qishloq maktablarida o'qituvchilar sonining o'sishi emas, balki ba'zi xollarda pasayib borganligi ham kuzatiladi. Masalan, 2005-2006 o'quv yilida Qashqadaryo viloyati maktablarida jami 46,2 ming o'qituvchi faoliyat olib borgan bo'lsa. 2006-2007 o'quv yilida bu ko'rsatkich 44,9 mingga tushdi. Surxondaryo viloyatida esa bu raqamlar 36,0 mingdan 35.1 ming bo'ldi[4;53-54].

Mustaqillik yillarida xalq ijodi namunalarini o'rganish, targ'ib etish va rivojlantirishga alohida e'tibor qaratila boshlandi. Bu boradagi ishlarni yanada yuksaltirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi xukumatini tomonidan bir qator tadbirlar ishlab chiqilib, xayotga tatbiq etildi. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 1998 yil 13 yanvardagi "Alpomish" dostoni yaratilganligi to'g'risidagi

Qarori[14], O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.A.Karimovning 2000 yil 14 martdagi "O'zbekiston Respublikasi xalq baxshisi faxriy unvonini belgilash to'grisida"gi Farmoni[15], "Boysun baxori" xalqaro ochiq fol'klar festivali hamda Kitob tumanining Qaynar qishlog'ida o'tkazilgan "Asrlar sadosi" xalqaro fol'klar festivallari shular jumlasidandir. Jumladan. baxshi shoirlar, xalq hunarmandlarining turli ko'rik-tanlovlari respublika miqyosida o'tkazilishi an'anaga aylantirildi. Xalq ijodi namunalari esa shaxarlarga nisbatan qishloqlarda yaxshi saqlanib avloddan-avlodga meros tariqasida o'tib bordi.

An'anaviy xalq ijodini rivojlantirishda xavaskorlik to'garaklarining alohida o'rni bor. Xavaskorlik uyushmalarining 60 foizdan ortig'ini maktab o'quvchilari. madaniy-ma'rifiy tadbir ishtirokchilarining esa 70 foizdan ortig'ini yoshlar tashkil qildi[8;9].

Surxondaryo viloyatida ham badiiy xavaskorlik jamoalari soni yildan-yilga ko'payishi kuzatildi. Masalan, viloyatda 2004 yil 595 ta badiiy xavaskorlik jamoalari ro'yxatga olingan bo'lsa, 2008 yil ular soni 608 taga yetdi[9].

Badiiy xavaskorlik dastalarining moddiy-ta'minotini yaxshilash yuzasidan ham mahalliy xokimliklar bir qator ishlarni amalga oshirdi. Masalan, 1995 yili Sho'rchi tuman madaniyat uyi tarmoq muassasalariga 35000 so'mlik musiqa asboblari va 20000 so'mlik turli kiyim-kechaklar olib berildi. Oltinsoy tumani madaniyat ishlari bo'limi badiiy xavaskorlar uchun 70000 so'mlik xalq cholg'u asboblari sotib olindi[11]. Ko'rilgan chora-tadbirlar natijasida 1995 yil Surxondaryo viloyatidagi badiiy xavaskorlik jamoalari soni 610 taga, undagi a'zolar soni 7966 nafarga yetdi. Viloyatdagi eng faol dastalardan biri Sho'rchi tumanidagi "Kumush tola" xalq ashula va raks dastasi bo'lib, ishtirokchilar "Navro'z-95", "Oilaviy ansambl", "Pianinochilar tanlovi", "Yosh musiqachi-95", "Iste'dod-95" respublika ko'rik tanlovlarida faxrli o'rinnlarni egalladi[12].

Mustaqillik yillarida ta'lim tizimini takomillashtirish, ish sifatini yaxshilash, o'qituvchilar o'rtasida o'zaro raqobatni yo'lga qo'yish maqsadida respublika, viloyat va tuman miqyosida turli ko'rik-tanlovlar tashkil etilib, ularda o'qituvchilarning faol ishtiroki ta'minlab borildi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Karimov I.A. Barkamol avlod - O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. -Toshkent: O'zbekiston, 1997,-B. 13.
2. Temirova Ch.X. O'zbekiston markaziy va janubiy viloyatlari qishloqlarining ijtimoiy-madaniy hayoti (1991–2016-yy.): Tarix fan. dok.... dis. – Toshkent, 2023. 70 – b.
3. O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi, 12-jild, -T., 2006. B. 37.
4. Образование Узбекистана. Статистический сборник. –Т., 2008, - С. 53-54.
5. O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi yillik Statistika to'plami. 2004 -Toshkent, 2005. - B.136.
6. O'zbekiston Respublikasi madaniyat va sport ishlari vazirlinish joriy arxivi (Klub mussasalari, madaniyat va istiroxat hamda hayvonot bog'larining 2008-yildagi asosiy ko'rsatkichlari).
7. O'zbekiston Respublikasi madaniyat va sport ishlari vazirligining joriy arxivi. O'zbekiston Respublikasi madaniyat va sport ishlari vazirligining 2006 yildagi ish faoliyati bo'yicha ma'lumotnoma.
8. Основные показатели работы и анализ развития сети и деятельности культурно-просветительных учреждений за 1998-1999 гг. - С. 9. 1998-1999 yildagi madaniy-ma'rifiy muassasalarining asosiy ko'rsatkichlari. -Toshkent, 1999. -B. 8.
9. O'zbekiston Respublikasi Madaniyat va sport ishlari vazirligi joriy arxivining 1.a'lumotlar papkasi.
10. O'zR MDA, M-7-jamg'arma, 1-ruyxat, 653- ish, 63-varaq.
11. O'zR MDA, M-7- jamg'arma, 1- ro'yxat, 232-ish, 53-varaq.

12. O'zR MDA, M-7- jamg'arma, 1- ro'yxat, 232-ish, 54-varaq
13. Surxondaryo viloyati statistika boshqarmasi joriy arxivining ma'lumot papkasi.
14. Xalq so'zi, 1998 yil, 13 yanvar
15. Xalq so'zi. 2000 yil, 4 mart.

YANGI O'ZBEKISTONNING TARAQQIYOT STRATEGIYASI - HARAKATLAR STRATEGIYASINING MANTIQUIY DAVOMI SIFATIDA

Bo'riyev Odil,

Termiz davlat universiteti yuridik fakulteti o'qituvchisi,

Kamalova Shaxzoda Oybek qizi

ilmiy izlanuvchi.

Annotatsiya: Ushbu maqolani mazmuni shundan iboratki bunda hozirgi kunda vatanimizni rivojlantirishga qaratilgan ko'plab chora-tadbirlar o'tkazilmoqda va shu bilan birgalikda Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi ishlab chiqildi, Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasining asosiy yo'nalishlaridan biri yangi maktablar qurish, mavjudlarining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, sohaning barcha bosqichlari o'rtasida uzviylikni ta'minlashga qaratilgan Milliy ta'lim dasturi ishlab chiqildi ushbu maqolamizda shu kabi chora-tadbirlar haqida umumiy va to'liq ma'lumotlar ko'rsatib o'tilgan.

Kalit so'zlar: Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasini, "Harakatlar strategiyasidan – Taraqqiyot strategiyasi sari", Tadbirkor va mulkdorlar huquqlarining himoyasi, «Xavfsizlik, millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni ta'minlash, chuqur o'ylangan, o'zaro manfaatli va amaliy ruhdagi tashqi siyosat yuritish».

Аннотация: Содержание данной статьи заключается в том, что в настоящее время осуществляются многие меры, направленные на развитие нашей страны, и вместе с этим разработана стратегия развития Нового Узбекистана. Одно из основных направлений стратегии развития Нового Узбекистана. - строительство новых школ., укрепление существующей материально-технической базы, обеспечение преемственности между всеми этапами отрасли, разработана национальная образовательная программа,

в данной статье приведены общие и полные сведения о таких мерах.

Ключевые слова: Новая стратегия развития Узбекистана, «От стратегии действий к стратегии развития», Защита прав предпринимателей и собственников, «Обеспечение безопасности, межэтнического согласия и религиозной толерантности, глубоко продуманная, взаимовыгодная и проводящая внешнюю политику в практический дух».

Abstract: The content of this article is that many measures aimed at the development of our country are currently being carried out, and together with this, the development strategy of New Uzbekistan was developed. One of the main directions of the development strategy of New Uzbekistan is the construction of new schools. , strengthening the existing material and technical base, ensuring continuity between all stages of the field, a national educational program has been developed, this article provides general and complete information about such measures.

Key words: New Development Strategy of Uzbekistan, "From Action Strategy to Development Strategy", Protection of rights of entrepreneurs and owners, "Ensuring security, inter-ethnic harmony and religious tolerance, deeply thought out, mutually beneficial and conducting foreign policy in a practical spirit".

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti o'z lavozimiga kirishishiga bag'ishlangan tantanali marosimida kelgusi besh yilga mo'ljallangan ustuvor yo'nalishlar haqida nutq

so'zladi. "Xalqimiz talablarini inobatga olgan holda, biz Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasini ishlab chiqdik va saylov jarayonida uni o'ziga xos umumxalq muhokamasidan o'tkazdik. Bu muhim konseptual hujjatda islohotlarimizning uzviyligi va davomiyligini ta'minlash maqsadida, "Harakatlar strategiyasidan – Taraqqiyot strategiyasi sari" degan tamoyil asosiy g'oya va bosh mezon sifatida kun tartibiga qo'yildi", deydi Prezidentimiz. Avvalo mamlakatimizda 2017-2021 yillar uchun Harakatlar strategiyasining har bir yo'nalishi bo'yicha islohotlarning asosiy natijalariga to'xtaladigan bo'lsak, ular quyidagicha: «Davlat va jamiyat qurilishi tizimini takomillashtirish» yo'nalishi Davlat apparati faoliyati samaradorligini oshirishga mo'ljallangan Ma'muriy islohot boshlanib davom etmoqda. 110 ta samarasiz idoralararo organlar bartaraf etilgan, 10 ta yangi vazirliklar va idoralar tuzilgan, 6 ta davlat funksiyasi xususiy sektorga o'tkazilgan. «Davlat va jamiyat qurilishi tizimini takomillashtirish» yo'nalishi Davlat apparati faoliyati samaradorligini oshirishga mo'ljallangan Ma'muriy islohot boshlanib davom etmoqda. 110 ta samarasiz idoralararo organlar bartaraf etilgan, 10 ta yangi vazirliklar va idoralar tuzilgan, 6 ta davlat funksiyasi xususiy sektorga o'tkazilgan. «Iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirish» yo'nalishi 2017-2020 yillarda respublikaning tashqi savdo aylanmasi 1,4 barobarga o'sdi, inflyasiya darajasi 18,8% dan 11,1% gacha pasaydi, oltin-valyuta rezervlari \$26,4 mlrdan \$34,9 mlrdgacha oshdi. «Ijtimoiy sohani rivojlantirish» yo'nalishi Ushbu o'tgan davr mobaynida aholining turmush darajasi ortishi qayd etilgan. O'rtacha oylik ish haqi 2016 yilda 1,3 mln. so'mdan 2020 yilda 2,6 mln. so'mgacha oshdi. Shu davr ichida aholi jon boshiga jami daromad esa 5,8 mln. so'mdan 11,7 mln. so'mgacha o'sdi. «Xavfsizlik, millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni ta'minlash, chuqur o'ylangan, o'zaro manfaatli va amaliy ruhda tashqi siyosat yuritish» yo'nalishi O'zbekiston birinchi marta diniy masalalar bo'yicha «alohida xavotir uyg'otuvchi» davlatlar ro'yxatidan chiqarib

tashlandi, yurtimizning qo'shni davlatlar bilan do'stona va o'zaro manfaatli aloqalari mustahkamlandi, chegaralar hamda suvenergetik resurslardan foydalanishga oid masalalar tartibga solindi.

Hozir O'zbekistonda 86 ta davlat fuqarolari uchun vizasiz rejim amal qiladi (2016 yilda u 9 ta davlat uchun amal qilar edi), respublikamiz xalqaro reytinglarda bir nechta pozitsiyaga yuqoriroq ko'tarildi. Harakatlar strategiyasidan farqli o'laroq, Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi O'zbekistonni keyingi 5 yilda rivojlantirishning 7 ta ustuvor yo'nalishi doirasida 100 ta maqsadga erishishga qaratilgan va 2022 yilda amalga oshirilishi lozim bo'lgan 398 ta chora-tadbirni o'z ichiga olgan. Ushbu maqsadlarga erishish yo'lida amalga oshiriladigan sa'yharakatlar ham aniq. Ular, o'z navbatida, samaradorlik va natijadorlikni nazorat qilishni anchayin osonlashtiradi. Boshqacha qilib aytganda, rejalashtirilgan islohotlar natijadorligini taraqqiyotning maqsadlariga erishganlik darajasiga muvofiq ravishda baholash tizimi joriy etilmoqda. Qayd etilganidek, ushbu taraqqiyot strategiyasi yetti yo'nalishdan iborat. Birinchi yo'nalish erkin fuqarolik jamiyatini rivojlantirish orqali xalqparvar davlat barpo etishga qaratilgan. Buning uchun kelgusida davlat funksiyalarining katta qismi markazdan hududlarga o'tkaziladi. Har bir mahallada hokim yordamchisi lavozimi joriy etiladi. Tuman byudjeti qo'shimcha manbalar bilan ta'minlanib, mahallaning alohida jamg'armasi shakllantiriladi. Markaziy idoralar transformatsiya qilinib, ixcham va samarali boshqaruv tizimi yaratiladi, bir xil yo'nalishdagi vazifalarni amalga oshirayotgan idoralar optimallashtiriladi. Ikkinchi yo'nalish adolat va qonun ustuvorligini mustahkamlash, inson qadriyatini ta'minlash vazifalarini qamrab olgan. Shu maqsadda sudlov tizimi va advokatura instituti, huquq-tartibot organlari faoliyati takomillashtiriladi. Tadbirkor va mulkdorlar huquqlarining himoyasi kuchaytiriladi. Korrupsiyaga barham berishga davlat va jamiyatning barcha kuch va vositalari safarbar etiladi. Bunda aybdorlarni huquqiy javobgarlikka tortish bilan cheklanib

qolmasdan, korrupsiyaning sabablarini oldindan bartaraf etish choralari ko'riladi. Uchinchi yo'nalishda milliy iqtisodiyotni rivojlantirish borasidagi rejalar bayon etildi. 2030 yilga borib, jon boshiga hisoblaganda, aholi daromadlari o'rtacha ko'rsatkichdan yuqori bo'lgan davlatlar qatoriga chiqish maqsad qilingani aytiladi. Bunga, avvalo, xususiy sektorni rag'batlantirish va uning ulushini oshirish hamda to'g'ridan to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb etish hisobidan erishiladi. Makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minlab, inflyatsiya darajasini belgilangan 5 foizgacha pasaytirish choralari ko'riladi. Aholini uy-joy va toza ichimlik suvi bilan ta'minlash, zamonaviy yo'l va kommunikatsiya tarmoqlarini barpo etish, jamoat transporti hamda hududlararo qatnovlarni yaxshilash bo'yicha ham yirik loyihalar amalga oshiriladi. To'rtinchidan, sifatli ta'lim-tarbiya masalasi doimiy e'tibor markazida bo'lishi ta'kidlandi. Shu maqsadda o'qituvchilarning oylik maoshini izchil oshirib borish va 2025 yilga borib, 1 ming dollar miqdoriga yetkazish ko'zda tutilgan.

Yangi maktablar qurish, mavjudlarining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, sohaning barcha bosqichlari o'rtasida uzviylikni ta'minlashga qaratilgan Milliy ta'lim dasturi ishlab chiqiladi. Aholi salomatligini saqlash uchun barcha sharoit yaratiladi. Kelgusi besh yilda oliy toifali shifokorlar maoshini ham 1 ming dollar ekvivalentiga yetkazish mo'ljallanmoqda. Viloyat, tuman va shaharlarda ixtisoslashgan tibbiy xizmatlar ko'lamini kengaytiriladi. Davlat tibbiy sug'urta tizimi ishga tushirilib, mablag' aniq bemorga bog'langan holda ajratiladi. Jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirish, sog'lom turmush tarzini qaror toptirish muhim vazifa bo'lib qoladi. Beshinchi yo'nalishga asosan ma'naviy va ma'rifiy sohalar rivojlantiriladi. Shu maqsadda "Yangi

O'zbekiston – ma'rifatli jamiyat" konsepsiyasi amalga oshiriladi. Madaniyat va san'atni yuksaltirish, yoshlarni sog'lom e'tiqod ruhida tarbiyalash, millatlararo hamjihatlik va o'zaro hurmatni mustahkamlashga ustuvor ahamiyat qaratiladi. Oltinchidan, global muammolarning milliy va mintaqaviy darajadagi yechimlarini topish, bu boradagi barcha sa'y-harakatlarni uyg'unlashtirish zarurligi ta'kidlandi. Xususan, ekologik tahdidlarning salbiy ta'siri ortib borayotgani qayd etildi. Orolbo'yini ekologik innovatsiyalar va texnologiyalar hududi sifatida rivojlantirish, Butunjahon ekologiya xartiyasini ishlab chiqish masalalariga to'xtalib o'tildi. Yettinchi yo'nalishda mamlakatdagi tinchlik va xavfsizlikni ta'minlash, xalqaro hamkorlikni rivojlantirish borasidagi vazifalar o'z ifodasini topgan. Qurolli Kuchlarimizning qudrati yanada oshirilishi, harbiylarning jangovar shayligi, jismoniy va ma'naviy tayyorgarligi kuchaytirilishi aytiladi. Xalqaro hamkorlikda pragmatik va chuqur o'ylangan tashqi siyosat, iqtisodiy diplomatiya davom ettiriladi. Avvalo, qo'shni mamlakatlar va dunyoning barcha mintaqalaridagi sheriklar bilan o'zaro manfaatli va ko'pqirrali aloqalar kengaytiriladi.

Xulosa tariqasida shuni aytish lozimki, Taraqqiyot strategiyasida belgilangan maqsadlarni to'laqonli amalga oshirishda barchamizdan mustahkam iroda va qat'iy intizom, bor imkoniyatlarni to'la safarbar qilish talab etiladi. Albatta, bunda har birimiz faol bo'lishimiz, bir kuch, bir qudrat bo'lib Yangi O'zbekistonni barpo etishda o'z hissamizni qo'shishimiz lozim. Zero, davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoev ta'kidlaganidek, «hamma islohotlarnihamma harakatlarni jamiyat bilan birga qilamiz. Hammamiz bir kuch, bir qudrat bo'lib xalqimizga xizmat qilishimiz kerak».

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. 2023.
2. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. – T.: O'zbekiston, 2016.
3. Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. – T.: O'zbekiston, 2017.

4. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan quramiz.
5. 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishlari bo‘yicha harakatlar strategiyasi// <https://www.lex.Uz>
6. Yangi O‘zbekiston strategiyasi [Matn] / Sh.M. Mirziyoev.–Toshkent: “O‘zbekiston” nashriyoti, 2021. – 464 b.
7. O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senatining o‘n to‘rtinchi yalpi majlisida Adliya vaziri Ruslan Davletovning huquqiy targ‘ibot va ma‘rifatni yuksaltirish borasidagi axborotidan // Inson va Qonun, 2018 3-aprel, №13
8. 2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha harakatlar strategiyasining “Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yilida amalga oshirishga oid davlat dasturini o‘rganish bo‘yicha ilmiy-uslubiy risola. –T: Ma‘naviyat, 2017, 142-b.

ЭТНОГРАФИЯ

XIII-XV АСРЛАРДА МОВАРОУННАХР ВА УНГА ТУТАШ
ХУДУДЛАРДАГИ ЭТНИК ҲОЛАТ

Абдуллаев Улуғбек Сайданович
Андижон машинасозлик институти
профессори, тарих фанлари доктори

Аннотация: Ушбу мақола XIII-XV асрларда Даштикипчоқдан Мовароуннахр ва Хоразм ҳудудларига кўчиб ўтган этник жамоалар, уларга хос этнонимлар ва бу ҳудудлардаги этносиёсий ҳолатни таҳлилига бағишланган. Мақолада мўғул истилосини Мовароуннахрнинг маҳаллий аҳолисини этник таркибига таъсири ва айрим этносларни бу жойда жойланиш ҳолати кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Мовароуннахр, этник ҳолат, мўғул истилоси, жалойирлар, барлослар, сулдузлар, кипчоқлар, арлотлар, қовчинлар, Темур тузуклари.

Аннотация: Эта статья посвящена анализу этнических команд, которые перешли в районы Моварауннахр и Хорезма в столетиях XIII-XV, к анализу этнических имен в этих областях. Статья показывает влияние монгольского таланта на местное население Моварауннахра на этнический и некоторый этно в этом месте.

Ключевые слова: Моварауннахр, этническое состояние, монгольский талант, жалойиры, барлосы, сулдузы, кипчаки, арлаты, кавчины, Темур тузуклари.

Annotation: This article is devoted to the analysis of ethnic teams that moved to Movaraunnahr and Khorezm areas in the XIII-XV centuries, to the analysis of the ethnames in these areas. The article shows the impact of the Mongolian talent to the local population of Movarunnahr to ethnic and some ethnos in this place.

Keywords: Movarounnahr, ethnic condition, Mongolian talent, jalairs, barlass, sulduzs, kipchaks, arlats, kavchins, Temur tuzuks.

XIII асрнинг биринчи чорагида Ўрта Осиё халқлари ҳаётида мудҳиш воқеа содир

бўлди. Чингизхон бошчилигидаги муғул кўшинларини босқини натижасида Мовароуннахр ва унга туташ ҳудуддаги шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлди. Асрлар давомида ривожланиб келган дехқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, илм-фан тараққиёти таназзулга юз тутди..

Муғуллар ҳақида кўплаб тарихий маълумотлар бор. Бирок “муғул” атамаси ҳалигача аниқланган эмас. X-XI асрларда асли Амур дарёси бўйларида яшаган 16 та уруғ қабилани бирлаштирган татан (татор)лардан мохэ (муғул) этнонимли бир қabila ажралиб чиқади[6]. XII аср ўрталарига келиб Бойкўл кўли атрофи ҳозирги Муғулистон ҳудудларида яшовчи туркий ва тунгус-манжур қабилаларининг кўпчилиги Есугай баҳодир раҳнамолигидаги муғуллар таъсирига ўта бошлайди.

Бу даврда ҳали бўйсиндирилмаган татар, маркит қабилалари муғул қабиласининг асосий рақиби ҳисобланар эди. Душман томонидан ўлдирилган муғуллар сардори Есугай баҳодирнинг ўғли Темучин тез орада отасидан кейин пароканда қабилаларни ўз қўл остига бирлаштирди, итоат қилмаган қабилаларни эса мажбуран бўйсиндирди.

1206 йили Темучин “Чингизхон” деган фахрий ном билан “Еке Мўнғол улус” (Буюк муғул давлати) га асос солди. Бу вақтга келиб унга Муғулистондаги кўплаб қабилалар бўйсунар эдилар.

Чингизхон 1209 йили танғутларни, 1211 йили уйғурларни ва 1215 йили Хитойнинг шимолий ҳудудидаги халқларни, 1218 йили эса найман ва Шарқий Туркистондаги бошқа этник жамоаларни тобе этди. Улардан навбатдаги истилочилик юришларида фойдаланиб,

сараларини (ҳарбий ишларда мохирларини) ўз қўшинларига қўшиб олди. Шундай қилиб, Чингизхон қўшини Ўрта Осиёга юришлари олдидан этник жиҳатдан муғул, туркий, хитой тилларида сўзлашувчи халқлардан иборат эди.

1219 йили Чингизхон ўз ўғиллари бошлик, 200 мингга яқин қўшин билан ўша даврда Шарқдаги энг кучли давлат ҳисобланган, бироқ айни вақтда саройдаги ихтилофлар гирдобига тушиб қолган Хоразмшоҳлар давлати устига ҳарбий юриш бошлади. Кўп минг кишилик пухта тайёрланган Чингизхон қўшинлари 1221 йили Хоразмшоҳлар давлатини босиб олди.

Муғуллар босқинидан кейин Моворауннаҳр ва унга туташ худудлар қарийб ярим аср давомида ўзининг этник таркибини тиклай олмади. Аҳоли сони кескин камайиб кетди. Унинг этник таркиби деярли ўзгармади. Анча вақтгача ушбу худудга янги этник гуруҳлар кўчиб келмади.

Маълумки, XIII асрнинг 60 йилларига келиб, муғул империясини емирила бориши натижасида Чигатоёй улуси ташкил топди. Бу давлат Ила дарёсининг жануби-шарқий минтақаларидан то Амударёгача бўлган худудларни ўз ичига олди. Кейинчалик бу давлат (XIV асрнинг 40 йиллари) икки-шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб кетди. Шарқий қисми “Муғулистон” ёки “Жете” деб атала бошланди.

XIII асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан Моворауннаҳр ва унга тутуш худудларга бир қатор турк-муғул қабилаларини кириб келиб жойлашиши кузатилади. Улар бу худуддаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва этномаданий жараёнларда фаол иштирок эта бошладилар. Кейинчалик маҳаллий аҳоли билан этногенетик алоқаларга ҳам киришиб, қўшилиб кетдилар.

XIII асрнинг 60 йилларида Моварауннаҳр худудига дастлаб жалойир, барлос, ковчин ва орлот каби этник гуруҳларининг айрим қисмлари келиб ўрнашганлар. Ушбу этнонимли этнослар ҳақида қисқача тўхталамиз.

*Жалойир*нинг этник мансублиги юзасидан бир қатор фикрлар билдирилган. Рашид-ад-дин ўзининг “Жоме-ут-таворих” номли асарида жалойирларни монғул деб аталувчи турк қабилалари қаторида тилга олган. Унинг ёзишича жалойирларнинг илк аجدодлари Муғулистоннинг Онон дарёси ҳавзаларида яшаганлар. Улар ўнта қабиллага бўлинганлар. Ҳар бир қабилга ўз саркардаси (қабилга бошлиғи) томонидан бошқарилган жалойирлар мана шу ўнта қабилаларни бирлаштирган йирик этник уюшма бўлган.

XIII асрнинг биринчи чорагида уларнинг катта бир қисми Или дарёси бўйларига келиб яшайдилар ва шу асрнинг 60 йилларида эса жалойирларнинг айрим гуруҳлари Ангрен воҳасига ҳамда Хўжанд атрофларига келиб ўрнашадилар.

Ушбу этносни қайси тилда сўзлашганлиги юзасидан ҳам олимлар ҳар хил фикр-мулоҳазалар билдирганлар. Масалан, В.В.Бартольд ва Н.П.Петрушевский сингари шарқшунос олимлар жалойирларни муғул тилли халқ бўлган, деб таъкидладилар[3;172]. Тилшунос олим С.А. Аманжолов эса жалойирларнинг асосий негизи турклар бўлган, деб ҳисоблайди[1;43-45]. Ушбу фикрни элшунос олим К.Шониёзов ҳам қўллаб-қувватлайди. “Кейинчалик-деб ёзади К.Шониёзов-жалойирларнинг аجدодлари мўнғул тилли халқлар таъсирига тушиши натижасида, мўнғул деб аталган бўлишлари мумкин”[7;385].

Жалойирлар Ангрен воҳасига келиб ўрнашганларида туркийда сўзлашганлар. Улар Амир Темурнинг қўшинлари таркибида бир қатор ҳарбий юришларда қатнашган. Лекин, жалойирларнинг бошлиғи Баҳромнинг ўғли Одилшоҳнинг хиёнатидан кейин Амир Темур уларнинг Охангарон ва Хўжанд улусини тарқатиб юборади. Шундан кейин жалойирларнинг бир қисми Даштиқипчоққа қочиб ўтадилар. Моворауннаҳрда қолган гуруҳлари эса Амир Темур ва темурзодаларга садоқат билан хизмат қиладилар. Бу даврда жалойирлар кўчманчи ва яримкўчманчи ҳолда яшар, хўжалигининг асосий йўналиши чорвачилик эди. Кейинги

асрларда ҳам улар минтақадаги этник жараёнларда фаол иштирок қилганлар.

Барлосларнинг ҳам илк ватани Онон ва Керулен дарёси ҳавзаларида эди. Ўтмишда энг йирик қабилалардан бири бўлган барлосларнинг келиб чиқиши (этногенези) ҳақидаги маълумотлар кўп адабиётларда мавжуд. Бироқ, барлосларнинг этногенези юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар бахслидир.

Тарихчиларнинг фикрича, барлос сўзи муғулча “семиз”, “кучли” деган маъноларини билдириб, туркий халқлар муғуллардан ўзлаштирган ушбу сўз “лашкарбоши”, “йўлбошчи” ва “ботир жангчи” маъноларини ҳам англатган. Чингизхон даврида барлослар йирик харбий кучга эга бўлиб, унинг ишончли харбий таянчи бўлган. Барлослардан бўлган Кубалай наён, Қорачур наён қабилар Чингизхоннинг нуфузли амирларидан эди.

Шарқшунос олим В.В.Бартольд барлосларни ҳам муғул тилли халқлардан бири, деб ёзади. Шу фикрга асосланиб бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар ҳам барлосларни асоссиз равишда Муғуллар деб ҳисоблаб келдилар. Аслида улар туркий халқлардан бўлиб, узоқ давр мобайнида муғуллар қabila иттифоқи таркибидан яшаб, уларнинг тили ва урф-одатларини ўзлаштирганлар. Хитойшунос олим А.Ю.Зуев ёзма манбаларни чуқур ўрганиб, барлосларни этник келиб чиқиши туркийлар бўлган, деб қатъий айтган[4;178-185].

Улар XIV асрнинг биринчи ярмида Қашқадарё воҳаси (асосан Кеш вилояти) ҳудудига жойлашадилар ва мазкур вилоят уларга мулк қилиб берилади. Амир Темур салтанатида барлослар давлатнинг асосий таянчи бўлган. Барлослар Амир Темур уруғидан эканлиги билан фахрланганлар. Уларга салтанатда катта имтиёзлар берилган.

Барлосларнинг кейинги авлодларининг ҳаёти маҳаллий аҳоли билан ўзаро ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар асосида кечди. Бу ҳақида кейинроқ тўхталамиз.

Ушбу асрда яъни XIII асрда Моварауннаҳрга кўчиб келган этник жамолардан яна бири бу *қовчин* этносивидир.

Мирза Муҳаммад Хайдарнинг “Тарихи Рашидин” номли асарида қовчинлар ҳақида баъзи бир малумотлар келтирилган. Масалан, ушбу асар муалифи “қовчин” атамаси “харбий” деган маънони англатишини, бу қabila Қашқар ва Хутонда яшаб турганда тўрт гуруҳга бўлинганлигини ёзади.

Қовчинлар Фарғона водийси ва Қашқадарё вилоятига, Ғузор атрофларига келиб ўрнашганлар. Уларнинг келиб чиқиши туркий этнослар билан боғлиқ. Ушбу этноснинг вакиллари кейинги асрларда темурийлар, хусусан Бобур хизматида бўлганлар.

Ушбу даврда Мовароуннаҳрга кўчиб келган *арлот*ларни аксарият тадқиқотчилар яқдиллик билан муғул қабиласи, деб эътироф этганлар. Рашид-иддин бу қабилани ҳақиқий муғул қавмларидан ҳисоблаб, унинг этнонимини келиб чиқишини Арлот исми кишининг номи билан боғлиқ, деб кўрсатади. Уларнинг катта бир гуруҳи ўша даврларда Сурхондарё вилоятининг жанубида, Термиз атрофларида ва Афғонистоннинг шимолий минтақаларида яшаганлар. Арлотларнинг ушбу гуруҳи кейинчалик Амир Темурга хизмат қилган.

Муғуллар ҳукумронлиги даврида XIII-XIV асрнинг биринчи ярмида яна бир қанча этник гуруҳлар Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларга келиб жойлашдилар. Бу даврларда ушбу ҳудудларга олчин, дуғлат, муғул, сулдиз, уйрот, бахрин, маркит, манғит, қўнгирот қабилаларининг айрим гуруҳлари ҳам кўчиб келдилар. Ушбу қабилалар азалий кўчманчи этнослар бўлиб, асосан чорвачилик билан шуғулланганлар.

Бу даврда Мовароуннаҳр ва унинг теваарк атрофига келиб жойлашган ушбу этник гуруҳлар сон жиҳатидан унча кўп бўлмаганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Моварауннаҳр ҳудудига кўчиб келиб жойлашган муғул қабилалари маҳаллий туркий этнослар муҳитида яшаб, тез орада

туркийлашиб ўз тилларини унитиб, туркий тилда сўзлашадиган бўлдилар. Боз устига уларда ўтроқлашиб жараёни ҳам тезлашди.

Шуни яна таъкидлаб ўтиш керакки, Моварауннахрга муғул-турк қабилалари тўла кўчиб келмаганлар.

Бу даврда ушбу этник жамоаларнинг айрим гуруҳлари Моварауннахр ва бошқа ҳудудларга кўчиб ўтсалар, асосий қисми ўзлари яшаб турган жойларда қолганлар.

Энди Амир Темур ва темурийлар даврида Моварауннахр ва унга туташ ҳудудларда яшаган этник жамоалар ҳақида тўхталамиз.

Маълумки, “Темур тузуклари” номли асар Амир Темур ва унинг авлодлари даврида юртимизда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўрганиш учун муҳим манба ҳисобланади. Шу билан бирга, ушбу асарда ўша даврда Моварауннахр ва унга туташ ҳудудлар аҳолисини этник таркибига оид кўплаб қимматли маълумотлар ҳам мавжуд.

Соҳибқирон қарамоғида 40 аймоқ бўлиб, улардан 12 таси унинг хос навкарлари ҳисобланган. Бу хусусида “Темур тузуклари”да қуйидаги қайдлар бор. “Қарамоғимдаги қирқ аймоқдан ўн иккитасига барлос, тархон, арғин, жалойир, тулкичи, дўлдай, муғул, сулдуз, тўқай, қипчоқ, арлот, тоторга тамға берилсинким, булар менинг хос навкарларим бўлиб ҳисоблансинлар”[5].

Бундан ташқари қолган 28 та аймоқ бошлиқларига улус амирлиги берилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Амир Темур ўзи мансуб бўлган барлос уруғига катта имтиёзлар берган. Кўпинча соҳибқирон ўзининг йирик саркардаларини шу уруғ вакилларидан тайинланган. “Темур тузуклари” да кўрсатилишича Амир Темур барлос уруғидан тўрт кишини ул-умаро қилиб тайинлаган. Булар Амир Худойдод, Амир Жаку, Амир Ийгу Темур ва Амир Сулаймоншоҳ. Барлос уруғидан яна 100 киши мингбоши лавозимига тайинланган.

Биз олдинги саҳифаларда барлослар, арғинлар, жалойирлар ва қипчоқлар ҳақида

тўхталган эдик. Уларнинг этник мансублиги ва айрим этник хусусиятлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирганмиз.

Амир Темур ишонч билдирган қабилалардан яна бири бу сулдузлардир. “Сулдуз улусидан Элчи Баходирга амирлик мартабасини бердим” деб ёзилган “Темур тузуклари” да. Сулдуз этноними Рашид-аддиннинг “Жоме-ут-таворих”, Абулғозийнинг “Шажараи турк”, Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарларида тилга олиб ўтилган. Алишер Навоий ҳам “Агар барлос, агар тархон, агар арлот, агар сулдуз” деб сулдуз этнонимини қайд қилган эди.

Ўзбекистон фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган “Насабномайи ўзбек” ва “Тарихи Соми” кўлёзма асарларда сулдуз-92 бовли ўзбек уруғлари сирасига киритилган[2;130-131]. Айрим олимлар сулдуз атамаси муғулча сўз бўлиб “байроқдорлар” маъносини билдиради; деб айтадилар.

Ушбу этнос чингизийлар давлати таркибида Муғулистон Хитой ва Эронда хизмат қилишган. Сулдузларнинг катта бир гуруҳи Чингизхон кўшини сафида Дашти Қипчоқда, айрим гуруҳлари эса ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ва шимолий Афғонистонда жойлашган эди.

Сулдузларнинг катта бир қисми XIV асрнинг 50 йилларида Балхда яшаган. XVI-XVII асрларда сулдузлар маҳаллий ўтроқ аҳоли таъсирида ўтроқлашиб, XVIII-XIX асрлар мобайнида улар Ўрта Осиё ва Афғонистондаги халқлар таркибига кўшилиб кетдилар.

XX аср бошларида ўзбек халқ этник таркибида сулдуз этноними учрамайди. Ушбу атама фақат жой номлари (топонимлар) да сақланиб қолди холос. Масалан, Андижон вилояти Олтинқўл туманида Сулдуз қишлоғи мавжуд.

“Темур тузуклари”да “Муғул улусидан Темур Хожа ўғлонни амирлик мартабасига етказдим” деб кўрсатилган. Амир Темур амирлик мартабасига кўтарган Темур Хожа ўғлон ва у сардорлик қилган муғул халқининг этник тарихи ҳақида қисқача бўлсада қуйидаги маълумотларни келтириб

ўтиш мумкин. XIV-XV асрлар давомида муғулларнинг асосий қисми Муғулистонда яшар эдилар. Уларнинг айрим гуруҳи кейинчалик Чигатой улусининг шарқий минтақаларига (Етгисув, Шарқий Туркистонга) келиб жойлашганлар. Улар маҳаллий туркий халқларнинг этномаданий муҳитида яшаб, тил жиҳатидан туркийлашиб, муғул номини олганлар. “Темур тузуклари”да кўрсатилган муғул этник номи шуларга нисбатан ишлатилган.

Тарихдан маълумки, Амир Темур вафотидан кейин темурзодалар ўртасида зиддиятлар авж олди. Айниқса, XV асрнинг

иккинчи ярмида Сохибқирон авлодлари ўртасидаги бундай зиддият ниҳоятда кучайди. Натижада, Даштиқипчоқда яшовчи ўзбеклар темурийлар эгаллаб турган ҳудудларга тез-тез ҳужум қилиб, тинч аҳолини талаб кетар эдилар.

XVI асрнинг бошларига келиб эса Жўжихон авлодидан бўлган Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигидаги Даштиқипчоқ ўзбеклари Ўрта Осиёга бостириб кирдилар ва тез фурсат ичида бу жойларни эгаллаб, ўз ҳукмронлигини ўрнатдилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аманхўжаев С.А. Вопросы диалектологии и истории казахского языка. Алма-ата. 1959.
2. Ахмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII в (писменные памятники). Т., 1985.
3. Бартольд В.В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии, Соч. Т.V. - С.172; Петрушевский И.П.Рашид ад-диннинг асарига кириш сўзи. (Рашид ад-дин. Сборник Летописей. М-Л.1952.Т.2.Ч.1М-Л. 1952. С. 29)
4. Зуев А.Ю. “Джами-ат-таворих” Рашид ад-дина как источник по ранней истории жалойиров. (Писменные памятники востока, историко-филологические исследования). Ежегодник, 1969. М. 1972. С. 178-185.
5. “Темур тузуклари” Т., 2011.
6. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номутахассислик талабалари учун дарслик). Т., 2003.
7. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.

ИСТОРИЯ СУРХАНСКОГО ОАЗИСНОГО ИСКУССТВА ВЫШИВКИ

Турсунов Нурулло Нарзуллаевич.

Термезский университет экономики и сервиса «Социально-гуманитарные науки» доцент кафедры, доктор исторических наук,

Аймуратова Дильфуза Бориевна.

Филиал ТТА Термез Работа с обращениями физических и юридических лиц начальник отдела контроля и мониторинга.

Аннотация. Целью данной статьи является ознакомление с вышивкой Сурханского оазиса, ее историей и развитием, ознакомление с национальной деятельностью по обучению вышивке и знакомство с процессом порабощения. В статье научно обоснованы стиль и примеры оазисного вышивального искусства, различные подходы к его формированию.

При этом рассказывается и о схемах вышивки и видах сшиваемых изделий.

Ключевые слова: искусство, вышивка, вышивка, украшение, народное ремесло, рукоделие, шелк, палак, созана.

Abstract. This article aims to introduce the embroidery of Surkhan oasis, its history and its development, the introduction of national embroidery training activities and the

introduction of the process of enslavement. The style and examples of oasis embroidery art and various approaches to its formation are scientifically justified in the article. At the same time, it is also described about the patterns of embroidery and the types of sewn items.

Keywords: art, embroidery, embroidery, decoration, national handicraft, needlework, silk, palak, sozana.

Входить. Узбекская национальная вышивка — один из древнейших видов практического искусства, получивший известность не только в нашей стране, но и за рубежом как искусство украшения общественной жизни народа. Созана, зардевор, колкорпа, постельное белье и др. шьются вручную народными мастерами Сурханского оазиса. Сегодня различные артефакты, связанные с национальной вышивкой нашего народа, сохраняются в экспозициях музеев зарубежных стран, таких как Германия, Франция, Бельгия, Япония, США, Индия, Афганистан. В статье отражено то, что изделия вышивки удивляют своей неповторимой красотой и разнообразием изящных украшений.

Материалы и методология исследования. Вышивка Оазиса имеет давнюю историю. Это научно доказано археологическими находками, письменными источниками и наблюдениями, сделанными в ходе полевых исследований. Известно, что узбекская вышивка развивалась вместе со всеми другими профессиями в связи с климатом, природно-географическими условиями и социальной средой, но в современных условиях сохраняется в сфере домашнего хозяйства. Уникальность оазисной вышивки в том, что она формируется не только климатом и природными условиями, но и обычаями и традициями рода и племени, не повторяя друг друга. Древнейший образец вышивального искусства в оазисе не сохранился. Через миниатюры XIV-XV веков Средней Азии мы видим, что вышивка в оазисе развивалась очень рано.

Камолиддин Бехзод также выразил высокую культуру одевания в бесценных миниатюрных произведениях наших предков. В памятнике Холчаян (Сурхандарьинская область, Деновский район) мы видим, что еще в III-II веках до нашей эры на территории нашей страны существовали местные уникальные костюмы. Кроме того, Узбекистан издревле отличался выращиванием и поставкой на Запад и Восток через Великий Шелковый путь хлопка, шелка, черной шерсти, шерсти, дубленой кожи и кож, необходимых для всех климатических условий и стран, для производства одежды, головных уборов и обуви. Дорога. Это доказывает, что узбекский народ издавна является одним из народов, обладающих культурой высокого вкуса в одежде.

В 1467 году работа Камолиддина Бехзода «Зафарнома» в «Темуртахте» показывает уникальность миниатюрной вышивки на шатре. Во второй половине 20 века изобретение и широкое распространение швейной машины привели к специализации промышленных предприятий на вышивке. Многие производства вышивки на швейной машине ухудшили свое художественное качество. Ручная вышивка стала забываться, но в некоторых хозяйствах сохранились лишь отдельные виды.

Результаты исследования. Вышивка — это вид украшения: пояс, шапка, цветочное покрывало, зардевор, палак, созана, рубаха, а также пояс, махси и пояс шьются вручную или на машине.

Мастера вышивки называют вышивальщицей или вышивальщицей. Вышивка — это вышивальная профессия. Это широко распространенный древний вид декоративно-прикладного искусства.

Искусство вышивки имеет многовековую историю. По данным археологов, находки IX-XII веков свидетельствуют о том, что вышивка существовала и в древнем государстве Киевская Русь. Эти находки, декоративные цветы и предметы одежды из золотых нитей хранятся в музеях. В раннем

средневековые бусами украшали предметы быта и одежду богатых и знатных людей. Традиции вышивального искусства регулярно развиваются. В XIV-XVII веках вышивка стала более широко использоваться для украшения одежды и предметов быта. Комбинируя золотые и серебряные нити с камнями и кремнями, вышивали церковные платья, дорогие шелковые и бархатные одежды царей и богатых людей. Свадебные рушники с яркими шелковыми и золотыми нитями украшают мужские тонкие праздничные платья из льна, шарфы. Вышивка выполнялась преимущественно как украшение одежды членов богатого двора. Искусство вышивки формировалось в оазисе с учетом стиля каждого племени.

С XVIII века вышивка вошла в жизнь всех социальных слоев населения, то есть стала одним из основных занятий крестьянских девушек. Из предметов быта вышивкой украшают полотенца, скатерти, праздничную и повседневную одежду, платки, головные уборы и другие подобные предметы. Обычно эти предметы изготавливаются с высоким художественным мастерством из простых и дешевых материалов. Воплощение цветов и цветов техники вышивки совершенствуется из поколения в поколение. На протяжении нескольких столетий отбирались лучшие вышивки и создавались характерные, уникальные образцы вышивки с национальными особенностями. Отличались вышивки, выполненные народными мастерами с высоким профессиональным мастерством, цветами декоративных изделий, цветовой гармонией, пропорциями, точностью красивых приемов. Любое вышитое изделие должно было выполнять определенную древнюю задачу. Множество образцов народной вышивки собрано в музеях нашей страны. Вышивка 19 века хорошо сохранилась и дошла до наших дней. Хозяйства делятся на крестьянские и городские. Поскольку городская вышивка больше подвержена влиянию стиля западных стран, стили

вышивки разных народов были объединены или разделены на разные стили вышивки. Например, народная вышивка в Российском государстве зависела от древних традиций и обрядов русских крестьян.

Вышивка – это вид декоративного искусства. Цветочный узор вышивается вручную или на машине на различных тканях - трикотаже, коже, фетре, картоне - иглой разных цветов, крючком и петлей. Вышивка издревле использовалась при украшении одежды и изделий, а также при изготовлении предметов домашнего декора. Вышивка, шелк, хлопок, шерсть, лен, нитки из искусственных волокон, шелк, игральные кости, проволока, узкие ленты из кожи, бисер, ожерелья, металлические бусины (круглые пластинки из нержавеющей металлов с отверстием посередине), редкие и драгоценные камни, стеклянные бусины. У каждого народа есть свои традиции и художественные стили, сложившиеся с древних времен. Декоративные изделия (палак, созана, зардевор и др.), одежда, мелкие предметы (скатерть, кошелек и др.) имеют свои вышитые цветы и вышивку, способы и стили.

Оазисная вышивка, как и узбекская, на протяжении веков обогащалась и развивалась. Методы и стили вышивки персидско-таджикских, казахских, киргизских, туркменских, афганских, индийских, китайских и русских вышивальщиц можно найти в образцах вышивки оазиса. В оазисных вышивках наряду с геометрическими фигурами, растительно-узорными цветами часто встречаются символы определенного рода, рода, племени, улуса, изображения животного мира у кочевого населения, занимающегося животноводством, символический смысл. Известно, что в казахских и киргизских мотивах в русской вышивке выделяются элементы, напоминающие рога крупного рогатого скота, геометрические фигуры, растительные цветы, а также птиц и фрукты. Распространен вид вышивки,

создающий гребень, близкий к иракскому стилю узбекской вышивки.

Распространение вышивки в Средней Азии означало, что женщины в каждой семье должны были уметь вышивать. Поэтому в каждой семье готовили кирпеч, созану, дорпеч, оконный мешочек, чайный пакетик и другие. По мере увеличения типов декоративных предметов увеличивались и типы предметов, используемых в повседневной и общественной жизни. Например, созана, палак, простынь, ойхалта, чайный пакетик, зардевор, палак, цветочное покрывало дорпеч, богжома, парда, пояс, такьяпош (чтобы прикрыть подушку), шапка, рубашка, скатерть, кошелек, джойнамаз, нимча, махси-кавуш, сумка и др. оформлены с художественным вкусом. Раньше такие вышивки шили на белых тканях и тканях малла. Позже на бархат стали шить атлас и шелк. Познакомимся с видами декоративных элементов, используемых в вышивке. Шапка – легкий головной убор, распространенный в Узбекистане. Ношение шляпы изначально было имиджем в Иране и у тюркских народов. На протяжении веков появлялись разные виды головных уборов. Цветы доппи пришиты нитками, шёлком и кубиками на бархате, атласе, шёлке. В Узбекистане знамениты и уникальны шапки Ташкента, Чуста, Бухары, Самарканда, Байсуна, Шахрисабза. Шапки шьют во всех регионах нашей страны. Здесь есть национальные головные уборы: ироки, чувская шапка, ковровая шапка, типа чакма, красный цветок, пилтадози, зардодоппи, наполнитель. Каждая шляпа имеет свой стиль создания, отличающийся друг от друга.

В основном бойсунцы носят шаровидные шапки, которые в зависимости от цветов и стилей шитья делятся на женские, стариковские и юношеские. Эти кепки делятся на женские, девочки и мальчики в зависимости от цветов и стилей шитья. Сферические шапки шьют в Ташкенте методами вышивки, печати, чахматора, иракского чока. Тус-шар — это

обычный шар с плоской поверхностью. Большую часть времени тус доппи называют чувст доппи. В едином классическом варианте шляп Туса используется восемь стилей стежков.

Сферические шапки шьют в Ташкенте методами вышивки, печати, чахматора, иракского чока. Тус-шар — это обычный шар с плоской поверхностью. Большую часть времени тус доппи называют чувст доппи. В едином классическом варианте шляп Туса используется восемь стилей стежков. Например, цепочка, прямая строчка, чита, кунгура, эталатма, тарак, оба, пилдирик. Верх шапки Чуста выпуклый в форме квадрата и имеет полусферический вид. Ташкентская кепка пришита на груди из бархата (без цветов). Бухарские головные уборы изготавливаются из шелка или бархата с цветочным рисунком. Оно сшито, подол выполнен из различных шелков с красочным узором.

Джойнамаз – это коврик, на котором молятся на земле. Джойнамаз изготавливается из различных тканей, три его стороны сшиты в виде михраба. Его используют в мечетях, медресе и домах. Он бывает разных размеров. Джойнамаз очень красиво украшен вышивкой. Зардевор – это предмет интерьера, художественное изделие, украшенное шелковым бархатом и атласной вышивкой. Зардевор вешается на дом, потолок или стену новобрачной. Его изготавливают из ниток или шелковой ткани шириной 40-70 см и пришивают к стене дома. Палак – один из самых дорогих декоративных предметов, висящих на стенах. На палаке изображены небо и полная луна. В древности его изготавливали путем вышивания на белой или серой ткани. От созаны он отличался большим размером цветов и вышивкой на земле. В центре палака малиновым и розовым шелком вышито большое изображение луны, а вокруг него красиво вышиты цветочные мотивы. В узорах часто используются элементы миндаля и перца. На палаке может быть изображено до сорока месяцев, так мы знаем, что для больших домов изготавливались

шестимесячный палак, двенадцатимесячный палак и даже сорокамесячный палак, в зависимости от числа луны. Месяцы изображены разными цветами.

Знаменитые вышивальщицы иногда украшали луну чудесными узорами и демонстрировали свое мастерство. Если луна представлена в цвете, ее называют уни, ойпалак, если узорчатую, то гюльпалак и т. д. В более поздние времена палак называли созаной из-за большого объема ручного труда. Однако в наши дни ручному шитью палака придается большое значение. Кирпеч – это произведение искусства, которое используется для украшения дома, висит над одеждой на полке или висит на пустых местах на стене. Вышивка Кирпеч шьется вручную или на машине. Кирпеч вышит вручную.

Он защитит одежду от пыли и украсит дом. Обычно тот, что сшит как палак, называется кирпичпалаком. Этот тип также широко используется.

Созана означает «сшитый иглой». Созана — это произведение искусства, выполненное путем вышивки на ткани и подвешенное на стену для украшения комнаты. Выполняется методом вышивки на атласе, бархате, шелке и других тканях. Он имеет уникальный художественный вид. Цвет ткани используется нашими мастерами как основа для вышивки. Вот почему он отличается от палака. Сузана встречалась в каждом доме, ведь каждая девушка готовила себе созану перед замужеством. Созана считается приданым невесты. В бедной семье тот, кто говорит а в более богатых они были сделаны из шелка и бархата. В композиции использованы растительные мотивы. В середине созаны часто пришивают круглый цветок, а окрестности украшают цветочными исламскими мотивами. Вышивка сюзаны получила развитие с древних времен, но сюзаны не сохранились до 19 века. Есть только образцы типов созаны из Самарканда, Бухары, Нуроты, Ферганы, Оротепа, Шахрисабза, Ташкента и других мест XIX века. Этот вид искусства был

широко распространен, особенно на территории Узбекистана, с древних времен.

В последнее время я смотрю в машину. Чойшаб на персидско-таджикском языке означает «шатёр руйётун». Простыня обычно накрывается простыней, чтобы накрыть ее во время лежания. Покрывало над кроватью выполнено из вышитого белого шелка, атласа, шелка, бархата и т. д. Сегодня постельное белье используется и как арт-объект.

Вышивка выполнена машинной техникой на разных тканях разных цветов из шелка, мулине, золотой нити и иглы, лиф на петлях. Вышивку шьют на различной одежде и предметах домашнего обихода. В вышивке используются ткань, фетр, кожа, картон, лен, шерсть, искусственные нити, золотые нити, мягкая проволока, полоски из сырой кожи, бисер, коралл, драгоценные натуральные и искусственные камни, стеклянный бисер и другие материалы. В вышивке существуют определенные инструменты, выполняющие определенную задачу. В вышивке используются иглы, пяльцы с петлями и без них, пяльцы, ножницы и ленты. Чамбарак в основном изготавливается из дерева, бывает круглым, квадратным, прямоугольным. Круглая тесьма используется для небольших вышивок, потому что это удобно. Ремни используются не для всей вышивки. Нить и игла подбираются в зависимости от толщины вышиваемой ткани.

В вышивке используют два типа деревянных ручек: с петлями и без петель. Ленты без петель используются для шитья определенных материалов, таких как кожа и картон. Для выкройки используются ножницы длиной 10-12 см с острым кончиком. Чтобы шитье было удобным, нить не должна быть длиннее 50-60 см. Копия выкройки печатается на разных материалах с разными краями. Например, копировальные бумаги складываются поверх материала с помощью доски, света, а затем эти бумаги рвутся. Выбор цвета ниток для вышивки требовал от вышивальщицы большого мастерства и

вкуса. Правильно подобранная нить – залог привлекательного результата вышивки.

Существует два вида ручной вышивки: первый – это вышивка путем подсчета веревочных и уточных нитей ткани, второй – свободная вышивка путем нанесения на ткань изображения цветка. Нити веревочного утка перекрещивают и сшивают в тканые полотна в виде холста или серого цвета. Это потому, что при вышивке удобно считать нити ткани. Вид вышивки даты широко распространен в Узбекистане. Свободная вышивка не выбирает ткань, она шьется по линиям нарисованного изображения. В узбекской вышивке широко распространены стежки йорма, илма, ираки, босма, хамдузи, чамак, билет, бахья. В художественной вышивке используются разные стежки из разных мест.

Например, в Шахрисабзе чаще встречается вышивка, кандахайол, иракский, набивные швы, в Ташкенте, Бухаре, Нуроте, Самарканде шьют вышивальными швами. Стежок чамак — один из стежков вышивки, который шьется по двум параллельным линиям слева направо, а пропущенная игла вводится справа. Затем его скашивают вверх влево и прикалывают прямо параллельно нижней линии и также скашивают вниз. Стежок «Чамак» используется для обрамления дополнительных узоров или для художественного оформления шляпных санок. Используется небольшой острый кончик ножниц. Чаманский шов у русских вышивальщиц называется «козлик». Стежок бахья – служит для укрепления краев вышивки, он пришивается к ткани так, как если бы она была сложена, но с учетом прямой строчки и расстояния. После этого ткань снова переворачивают и прошивают, в результате чего линия нити получается ровная. Этот шов издревле выполнялся вручную, а позже и на машине.

Лоскутный шов выполняется путем сшивания груди в разных направлениях, то есть слева направо, справа налево, сверху вниз, снизу вверх. Стежки, которые пришиваются рядом, бывают плоскими или

в форме цветка, от маленького к большому, от большого к маленькому. За этой датой чок (двусторонней) следуют имена пилтадузи. Его широко используют в рукоделии и вышивке. Настоящая иллюзия – это двойной стежок, когда иглолка пришивается к ткани в одном направлении, затем ее переворачивают и пришивают снова. Таким способом на лицевой и изнаночной стороне ткани формируется одинаковый цветок. Этим стежком декорируют изделия, у которых видны обе стороны, например, полотенца, шали и т. д. На лицевой стороне ткани пришивают цепочку петель петельным швом, петельным швом или иглой, а шелк придерживают на поверхности ткани левой рукой. Таким способом вышивали издревле бордюры крупных вышивок, полосу, соединяющую цветы и листья с основной веткой и т. д. Самаркандские, Бухарские и Кашкадарьинские вышивальщицы широко используют двойной стежок.

Такие цвета, как синий и голубой, относятся к холодным цветам. Цвета, включенные в предложение Хаворанга, напоминают нам о небе, воде и льду.

К теплым цветам относятся желтый и красный. Они напоминают солнце, трава – огонь. Теплые цвета увеличивают объекты, холодные – уменьшают их.

Существует несколько видов вышивки, которые очень распространены в среднеазиатской вышивке. Существует множество видов декоративных предметов, таких как сюзана, простыня, зеркальный мешочек, чайный пакетик, зардевор, палак, клумба, богома, занавеска, пояс, такяпуш (чтобы прикрыть подушку), шляпа, платье, скатерть, кошелек, украшения, сумка, нимча и т. д. со вкусом зашиты в ткани.

В заключение отметим, что вышивка, являющаяся одним из национальных ремесел, является одним из широко используемых видов искусства в Сурханском оазисе, обладающим неповторимым стилем и неповторимостью. Сегодня, чтобы не забыть эту профессию, подмастерья проходят подготовку и обучение молодежи в рамках школ

мастеров-ремесленников при ПТУ и ремесленных центрах. Большую работу ведут не только оазисные школы вышивки, но и известные в нашей стране школы Бойсуна, Нуроты, Шахрисабза. Студентам,

изучающим вышивку, необходимо получить представление об истории вышивки, видах вышивки, технологиях шитья, инструментах, используемых мастерами.

Использованная литература:

1. С.С. Булатов. Узбекское народное декоративное искусство. Учебное пособие. Т. 1991 г.
2. Э.Г.Хасанов, М.Акромходжаева, Р.Акромходжаева. Методическое применение «Вышивка», Ташкент-2004 г.
3. А.И. Воробьев «Дидактика трудового политехнического образования».
4. Н.С. Шарипов, А.И. Воробьев, Н.А. Муслимов, М. Исмаилова. «Педагогика профессионального образования». Ташкент 2005 г. 58 страниц.

MILLIY QADRIYATLAR TIZIMIDA XALQ O‘YINLARINING O‘RNI VA AHAMIYATI

Turdimuratov Yangiboy Allamuratovich

O‘zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti dotsenti,

tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD),

Email: new_rich80@mail.ru

Annotatsiya: Ushbu maqolada milliy qadriyatlarimizning ajralmas qismi hisoblangan xalq o‘yinlarining jamiyat tarixiy taraqqiyoti jarayonida tutgan o‘rni va ahamiyatini o‘rganish va tadqiq etishning dolzarbligi va zarurati, ularni tashkil etish va o‘tkazish bo‘yicha amalga oshirilayotgan ishlar tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: milliy qadriyatlar, xalq o‘yinlari, an‘analari, an‘anaviy o‘yinlar, urf-odatlar, etnosport, YUNESKO, sivilizatsiya, ko‘chmanchilar o‘yinlari, madaniy muloqot.

Аннотация: В данной статье анализируется актуальность и необходимость изучения и исследования роли и значения народных игр, которые являются неотъемлемой частью наших национальных ценностей, в процессе исторического развития общества, а также проводимая работа по их организации и проведению.

Ключевые слова: национальные ценности, народные игры, традиции, традиционные игры, этносport, ЮНЕСКО,

цивилизация, игры кочевников, культурная коммуникация.

Abstract: This article analyzes the relevance and necessity of studying and researching the role and significance of folk games, which are an integral part of our national values, in the process of historical development of society, as well as the ongoing work on their organization and conduct.

Keywords: national values, folk games, traditions, traditional games, etnosport, UNESCO, civilization, nomad games, cultural communication.

Har qaysi xalq yoki millat ma'naviyatini uning tarixi, o'ziga xos urf-odat va an'analari, hayotiy qadriyatlaridan ayri holda tasavvur etib bo'lmaydi. Bu borada, tabiiyki, ma'naviy meros, madaniy boyliklar, ko'hna tarixiy yodgorliklar muhim omil bo'lib xizmat qiladi. Mustaqillik yillarida milliy an'ana va qadriyatlarimizni asrab-avaylab, kelajak avlodga bekam-u ko'st yetkazishga alohida e'tibor qaratilmoqda. O'zbek xalq milliy o'yinlari o'zining uzoq o'tmishi, boy tarixiga

ega bo'lgan, ajdodlardan avlodlarga meros sifatida o'tib kelayotgan, ma'naviy boyligimiz, qadriyatlarimizdan sanaladi. Mamlakatimiz mustaqillikka erishgan dastlabki kunlardan boshlab, milliy qadriyatlarimiz, an'ana-yu udumlarimiz, shu jumladan, xalq o'yinlarini qayta tiklashga katta e'tibor qaratildi.

Xalq o'yinlari o'zida milliy madaniyat va mentalitetni aks ettiradi. Uzoq o'tmishdan kelib chiqqan xalq o'yinlari milliy madaniy merosning ajralmas qismi bo'lib, o'z tarixiga ega. Shu bois xalq o'yinlarining jamiyat tarixiy taraqqiyoti jarayonida tutgan o'rni va ahamiyatini tahlil qilish va tadqiq etish, ulardan hozirgi zamon yoshlarini tarbiyalashda foydalanish dolzarb muammolardan hisoblanadi. Xalq o'yinlarini xalq an'analari, urf-odatlarini, turmush tarzini o'ziga singdirgan xalqning ko'p asrlik tarixiy taraqqiyoti mahsulidir, deyishimiz mumkin. Ular jamiyat hayotida o'ziga xos ma'lum o'rin egallaydi. Ba'zi o'yinlar bizgacha o'zgarmagan holda yetib kelgan bo'lsa, boshqalari zamonaviy jamiyatning ma'naviy va moddiy ehtiyojlaridan kelib chiqqan holda o'zgarishlar va yangilanishlarga duch kelgan [10, 721].

Dunyoning qator mamlakatlarida, ayniqsa, Osiyo, Yevropa, Afrika xalqlarining milliy o'yinlari tarixini, u bilan bog'liq an'analarni lokal yoki etnik klassifikatsiyalar asosida ilmiy, amaliy jihatdan o'rganishga katta e'tibor qaratilmoqda. Jumladan, "Butunjahon ko'chmanchilar o'yinlari", "Turkiy xalqlar o'yinlari", "Kavkaz o'yinlari", "Erdin o'yinlari", "Maanchari o'yinlari" kabi mintaqaviy va xalqaro miqyosda festivallar, musobaqalarning muntazam tashkil etilishi, ilmiy tadqiqot ishlarining olib borilishi xalq o'yinlarining jamiyat hayotida tobora ijtimoiy zaruratga aylanib borayotganligini ko'rsatmoqda [11].

Tarixga nazar tashlaydigan bo'lsak, otabobolarimiz azal-azaldan insonni jismonan chiniqtiruvchi, salomatlikka ijobiy ta'sir etuvchi mashqlarga jiddiy e'tibor qaratishganini ko'ramiz. Masalan, ko'pkari musobaqasi har bir ishtirokchidan chavandozlik mahoratidan tashqari jismoniy kuch, o'tkir zehn va yetti o'lchab bir kesish salohiyatiga ega bo'lishni talab qiladi.

Ajdodlarimiz shunga mos ravishda tayyorgarlik ko'rib, ham ruhiy, ham jismoniy o'sishga erishganlar. Umuman olganda, milliy sport turlarining barchasi otabobolarimizning yashash tarzi, madaniyati va dunyoqarashidan kelib chiqqan holda rivojlangan. O'sha kezlarda kimdir chavandoz, kimdir qilichboz, yana kimdir mergan sifatida tanilgan. Shuningdek, turli o'yinlar va mashqlar tufayli ajdodlarimizda har qanday holatdan olib chiqadigan chaqqonlik, yakkama-yakka olishuvga xos uquv shakllangan [9, 133].

Xalq o'yinlari milliy qadriyatlarimizning ajralmas qismi hisoblanadi. Qadim zamonlardan beri yirik bayramlar, to'y-hashamlar va tantanalarda odamlar o'yin-kulgi qilishgan, kuch-qudrat, epcillik, tezkorlik, zukkolik bo'yicha musobaqalar o'tkazishgan. Bugun esa O'zbekistonda xalq o'yinlari unutilgani yo'q, hatto qayta tug'ilishni boshdan kechirmoqda. Ularning ba'zilari, jumladan kurash va uloq-ko'pkari alohida sport turlari sifatida jahon darajasiga ko'tarilgan.

Dunyoda "An'anaviy o'yinlar" tushunchasi keng qo'llaniladi va jismoniy faoliyatning turli xil an'anaviy turlarini o'z ichiga oladi. "An'anaviy o'yinlar" deganda mavsumiy bayramlar yoki diniy marosimlarga bag'ishlangan ommaviy yig'ilishlar (sayillar) paytida o'tkaziladigan va o'yin-kulgilarni o'z ichiga olgan etnik-madaniy bayramlar tushuniladi. YUNESKO tomonidan an'anaviy o'yinlar insoniyat madaniy merosining ajralmas qismi sifatida e'lon qilingan bo'lib, ular etnik-madaniy o'ziga xoslik va madaniy xilma-xillikni qayta tiklashga xizmat qiladi. An'anaviy o'yinlar – qoida tariqasida, mahalliy xalqlarning tarixi va madaniyati bilan bog'liq bo'lgan muqaddas joylarda o'tkazilib, ular insonning tabiiy va tarixiy-madaniy muhitga moslashuvining jismoniy va ma'naviy ifodasini shakllantiradi [2, 42-43].

An'anaviy o'yinlarning o'zini nafaqat nomoddiy madaniy meros, balki zamonaviy sportning madaniy asosi sifatida ham e'tirof etamiz. An'anaviy o'yinlar dasturi mavsumiy etnik maqomlarga muvofiq ishlab chiqilgan bo'lib, musobaqalar ikki xil bo'lishi mumkin: 1) g'olibni aniqlamasdan zavq uchun

o'tkaziladigan o'yinlar; 2) g'olibni aniqlash bilan o'tkaziladigan o'yinlar [6, 43].

Ko'plab sport turlari zamonaviy o'yin madaniyatining mahsuli bo'lib, ular sport federatsiyalari a'zolari o'rtasida musobaqa qoidalari to'g'risidagi jamoaviy kelishuvlar natijasida paydo bo'lgan. Ularning kelib chiqishi ma'lum odamlarning ismlari bilan bog'liq, jumladan: Jeyms Neysmit (1861–1939) – basketbol muallifi; Jeyms Figg (1684–1734) – boks muallifi; Jigoro Kano (1860–1938) – dzyudo muallifi; Yevgeniy Sandov (1867–1925) – bodibilding muallifi; Uilyam Uilson (1844–1912) – suv polosi muallifi; Uilyam Morgan (1870–1942) – voleybol muallifi; Olaf Javdar (1791–1849) – chang'idan sakrash muallifi; Uolton Uingfild (1833–1912) – tennis muallifi; Emil Jak-Dalkroze (1865–1950) – badiiy gimnastika muallifi [4, 38]. Ammo shuni tan olishimiz kerakki, ba'zi sport turlari aynan an'anaviy o'yinlar va musobaqalar asosida kelib chiqqan.

An'anaviy o'yinlar Ipak yo'li bo'ylab yashovchi turli xalqlarning madaniy o'ziga xosligining muhim elementlari hisoblanadi. Ipak yo'li bo'ylab ming yillar davomida yo'lga qo'yilgan o'zaro hamkorlik va mustahkam aloqalar nafaqat an'anaviy o'yinlarning turli mintaqalarda keng tarqalishi, balki ularni turli darajada boyitish uchun ham katta imkoniyatlar yaratgan. Har doim umumbashariy meros xilma-xilligining bir qismi bo'lib kelgan mazkur faoliyat turlari mintaqaviy yoki mahalliy o'ziga xoslik asosida individual yoki jamoaviy tarzda amalga oshirilishi mumkin. Kurash yoki jang san'atining har xil turlari, polo va kamondan otish kabi ot minish musobaqalari, Go, shaxmat va narda kabi ma'rifiy o'yinlar, bolalar o'yinlari Buyuk ipak yo'lida yuzlab yillar davomida mavjud bo'lgan turli an'anaviy o'yinlarga misoldir [8, 12].

Buyuk Ipak yo'li bo'ylab yashovchi turli xalqlar an'anaviy o'yinlari va musobaqalari va faol madaniyatlararo muloqot kontekstida ikki xil yo'naltirilgan tendensiyani kuzatish mumkin: 1) keng tarqalgan o'yin analari fonida qoidalar va urf-odatlarining universallashtirilishi; 2) etnik guruhlarning mahalliy mavjudligi doirasida urf-odatlar

tutashuvi. An'anaviy o'yinlar tartib-qoidasini aniqlashda postmodern vaziyatlarda jismoniy faoliyatning har qanday turi odatda sport bilan bog'liq bo'lganligi bilan murakkablashadi. Shu bilan birga, sport va an'anaviy o'yinlar rivojlanishning turli tendensiyalariga ega: sportning asosiy g'oyasi - universal ishtirokni ta'minlash va sport xalqaro toifasini yaratish uchun birlashtirish; an'anaviy o'yinlarning asosiy g'oyasi madaniy xilma-xillikni rag'batlantirish va mahalliy o'yinlarni birlashtirishdir. Gap shundaki, an'anaviy o'yinlar va musobaqalarni bir vaqtning o'zida ikkita guruhga ajratish mumkin – “tomosha san'ati” va “urf-odatlar, marosimlar, bayramlar” [7, 10-11].

An'anaviy o'yinlar va musobaqalar dunyoning noyob sivilizatsiya xilma-xilligini tiklashga, zamonaviy ilmiy va sport hamjamiyatida tobora ko'proq etnosport deb ataladigan hodisaga chinakam qiziqishni jonlantirishga xizmat qiladi. Etnosportning kelib chiqishi turli xalqlar an'anaviy o'yinlarining madaniy amaliyoti bilan bog'liq. Ularning o'yin doirasi sezilarli darajada torayib borayotganiga qaramay, “milliy qadriyatlarni saqlash uchun ota-bobolarining an'alarini davom ettiradigan” birlamchi o'yin-kulgilar bilan turli bayramlar sonining ko'payishini kuzatish mumkin [7, 7].

Etnosport – an'anaviy o'yinlar va musobaqalarni saqlab qolish uchun xizmat qiladigan zamonaviy xalq sport turidir. Madaniyatshunos Aleksey Kilasov tomonidan berilgan ta'rifga ko'ra, etnosport deganda etnosport nazariyasida tasvirlangan jismoniy faoliyatning an'anaviy turlari, ularni saqlash va rivojlantirish usullari to'plami tushuniladi [1, 161]. Etnosport dasturi an'anaviy o'yinlar va musobaqalardan tashkil topgan sport tadbirlarini o'z ichiga oladi. “Etnosport” tushunchasining o'zi milliy sport turlarining sinonimi sifatida ishlatiladi.

Etnosport turlariga an'anaviy sport turlari, xalq o'yinlari kiradi va bu jismoniy faoliyat turlari insoniyatning madaniy merosini saqlashda katta rol o'ynaydi. Dunyodagi har bir etnik guruh ko'p asrlik o'yin madaniyati asosida o'ziga xos bo'lgan etnosport turlarini yaratdi. Bunday sport turlarini rivojlantirish

YUNESKONing madaniy xilma-xillikni targ'ib qilish, madaniyatlar o'rtasidagi muloqot va jamiyatning barqaror rivojlanishi uchun nomoddiy madaniy merosni asrab-avaylash bo'yicha faoliyati va dasturlariga hamohangdir.

2008-yil sentyabr oyida YUNESKO va xalqaro sport barcha uchun Assotsiatsiyasi (TAFISA) an'anaviy sport turlari va o'yinlarini targ'ib qilish va saqlash bo'yicha Pusan chaqiruvini qabul qildi. Bu an'anaviy o'yinlar va sportning bag'rikenglik, hamjihatlik, rivojlanish, madaniy hamkorlik va butun dunyoda tinchlikka erishish vositasi sifatidagi ahamiyatini yana bir bor tasdiqladi. Shuning uchun Butunjahon ko'chmanchilar o'yinlari ko'chmanchi urf-odatlarini va turmush tarzi mazmun-mohiyati orqali xalqlar va madaniyatlarni bir-biriga yaqinlashtiradigan yangi harakatlantiruvchi omil bo'lib xizmat qiladi [5, 44]. Ko'chmanchi sivilizatsiyalar ko'p asrlar davomida tabiat bilan uyg'unlikda yashab, barqaror rivojlanishning cheksiz modelini ta'minlab kelgan.

Butunjahon ko'chmanchilar o'yinlari eng yirik xalqaro loyiha hisoblanadi. Qirg'iziston Respublikasi hukumati tomonidan 2012-yilda ko'chmanchi sivilizatsiya madaniyatini qayta tiklash va saqlab qolish maqsadida mazkur loyihaga tashabbus ko'rsatilgan. O'sha yili Turkiy Kengash sammitida Jahon ko'chmanchilar o'yinlarini o'tkazish to'g'risida qaror qabul qilindi. Butunjahon ko'chmanchilar o'yinlarining vazifasi etnik guruhlar va xalqlar o'rtasida etnomadaniyatning o'ziga xosligini saqlab qolish bilan birga uni qayta tiklash va rivojlantirishdan iborat. Bu, shuningdek, etnik guruhlar va xalqlar o'rtasida bag'rikenglik munosabatlarining o'rnatilishini rag'batlantiradi.

Butunjahon ko'chmanchilar o'yinlari – etnik sport turlari bo'yicha xalqaro sport musobaqalari bo'lib, mazkur musobaqalar Markaziy Osiyoning tarixan ko'chmanchi xalqlarining o'yinlari asosida tashkil etilgan. Butunjahon ko'chmanchilar o'yinlarining hammuallifi Butunjahon etnik o'yinlar konfederatsiyasi hisoblanadi [2, 645]. I, II va III Butunjahon ko'chmanchilar o'yinlari

Qirg'izistonda (Issiqko'l viloyati Cho'lpon-ota shahrida) o'tkazilgan.

I Butunjahon ko'chmanchilar o'yinlari 2014-yil 9-14-sentyabr kunlari bo'lib o'tdi. Unda 19 mamlakatdan 583 nafar sportchi 10 ta etnosport turi bo'yicha bellashishdi. II Butunjahon ko'chmanchilar o'yinlari 2016-yil 3-8-sentyabr kunlari "Kuch birligi, ruh birligi" shiori ostida o'tkazildi. Unda 62 mamlakatdan 1200 nafar sportchi etnosportning 26 turi bo'yicha kuch sinashdi. III Butunjahon ko'chmanchilar o'yinlari 2018-yil 2-8-sentyabr kunlari o'tkazildi. Unda 82 mamlakatdan qariyb 2000 nafar sportchi ishtirok etdi. Musobaqalar etnosportning 37 turi bo'yicha o'tkazildi [11].

Xalqaro etnosport konfederatsiyasi tashabbusi bilan 2022-yil 27-sentyabr – 2 oktyabr kunlari Turkiyaning Bursa viloyati Iznik shahrida IV Butunjahon ko'chmanchilar o'yinlari bo'lib o'tdi. Ushbu nufuzli sport va madaniyat festivali dasturidan 20 ta sport turi joy olgan bo'lib, e'tiborlisi, ular qatoriga milliy sport turimiz kurash ham kiritilgan. Unda 102 mamlakatdan 3000 dan ortiq sportchilar ishtirok etdi. Mazkur tadbir "Biz an'analardan kelajakka qadar birmiz!" shiori ostida o'tkazildi. E'tiborli jihati mazkur xalqaro festivalga qiziquvchilar va ishtirokchilar sonining yildan yilga oshib borayotganligi xalq o'yinlarining jamiyat hayotida tobora ijtimoiy zaruratga aylanib borayotganligini yana bir bor tasdiqlamoqda.

Shunday qilib, xalq o'yinlari milliy xususiyatlarni va umuminsoniy qadriyatlarni shakllantiradi, etnik guruh madaniyatini saqlaydi va an'anaviy axloqiy xulq-atvor me'yorlariga asoslangan xususiyatni rivojlantiradi. Xalq o'yinlari o'zini tuta bilish yoki kamtarlik kabi axloqiy qadriyatlarni targ'ib qilish uchun ham asos bo'ladi. Ular, shuningdek, individual va jamoaviy darajada yaxlitlik, hurmat va inklyuzivlik qadriyatlarini targ'ib qiladi, ijtimoiy hamjihatlikni va tinchlikni qo'llab-quvvatlaydi. Ular odamlarni birlashtirish, bag'rikenglikni rivojlantirish, odamlar o'rtasidagi o'zaro munosabatlar qiymatini oshirish uchun ajoyib imkoniyatlar yaratadi. Bugungi kunda xalq o'yinlari nafaqat turli mintaqalar aholisining umumiy

merosining konkret elementlari bo‘libgina qolmay, balki zamonaviy davrda doimiy uchrashuvlar, o‘zaro muloqotlar uchun mustahkam asos bo‘lib xizmat qilmoqda.

An’anaviy o‘yinlar va musobaqalar ko‘p asrlik taraqqiyot yo‘lini bosib o‘tgan va ko‘plab ijtimoiy muammolarni (sog‘liqni saqlash, mehnatga va harbiy ishlarga tayyorlash) hal qilgan, yoshlarning ma’naviy-axloqiy tarbiyasiga xizmat qilgan. Ular turli

xalqlar madaniyati va tarixi, urf-odatlari, marosimlari, bayramlari bilan uzviy bog‘liqdir. Binobarin, bunday o‘yin va musobaqalarni tashkil etish va o‘tkazish bo‘yicha nafaqat asrlar davomida to‘plangan tajribani o‘rganish, balki unutilganlarini tiklash, ularni yosh avlodning zamonaviy jismoniy tarbiyasiga joriy etishga ko‘maklashish zarur, deb hisoblaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Кыласов А.В., Гавров С.Н. Этнокультурное многообразие – новая парадигма в развитии спорта // V Международный конгресс «Человек, спорт, здоровье» 21-23 апреля 2011 г., Санкт-Петербург, Россия: Материалы конгресса // под ред. В.А. Таймазова. – СПб: Олимп-СПб, 2011. – С. 161-163.
2. Кыласов А.В. Методология и терминология этноспорта // Массовая физическая культура и оздоровление населения. Журнал. 2011. – С. 41-43.
3. Кыласов А.В. Этноспорт – культурное наследие // Молодежь – культура – политика: историческая память и цивилизационный выбор: VIII юбилейные Панаринские чтения (2010): сб. ст. – М.: МГУ им. М.В. Ломоносова, МАКС Пресс, 2012. – С. 644–653.
4. Кыласов А.В. Теория этноспорта: монография. Орг. Объед. Наций по вопросам образования, науки и культуры, Комис. Российской Федерации по делам ЮНЕСКО. – М.: Советский спорт, 2012. – 112 с.
5. Кыласов А.В. Этноспорт. Конец эпохи вырождения: монография. – М.: Территория будущего, 2013. – 144 с.
6. Кыласов А.В. Традиционные игры и этноспорт: общая классификация // Теория и практика физической культуры. 2014. № 8. – С. 43–44.
7. Кыласов А.В. Традиционные игры и состязания вдоль Шелкового пути // Этноспорт и традиционные игры. 2019. № 1. – С. 1–11.
8. Кыласов А.В. Традиционные игры и состязания в Списке нематериального культурного наследия ЮНЕСКО // Культурное наследие России. 2021. № 1. – С. 11–15.
9. Turdimuratov Y.A. Etnosport – milliy sport turlari va xalq o‘yinlarini rivojlantirishning muhim omili // Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. 3 (11) / 2023. – P. 132-139.
10. Якубов Ш.М., Якубов А.М. Использование народных игр как духовного наследия в процессе непрерывного образования // Молодой учёный. № 21 (80) / 2014. – С. 721-723.
11. www.olamsport.com – intertnet portali.

GO‘RO‘G‘LI QIYOFASIDA O‘ZBEK XALQINING MILLIY QAHROMONI

Axmedova Gulchehra O‘skinovna,

Termiz davlat universiteti Jahon tarixi kafedrasida katta o‘qituvchisi,
tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

Annotatsiya: Go‘ro‘g‘li qadimi va mashhur o‘zbek xalq og‘zaki poetik ijodi doston yodgorligi bo‘lib, Yaqin va O‘rta Sharq, Markaziy Osiyo va Janubiy Kavkaz xalqlari orasida keng tarqalgan qahramonlik eposi, dostonlar turkumiga kiradi. “Go‘ro‘g‘li” dostonining mazmun va mohiyati hamda tarbiyaviy ahamiyati to‘g‘risida to‘xtalib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: Baxshi, doston, do‘mbira, dutor, tor, rubob, doira, daf, sozanda, sozchi, ijrochi.

Аннотация: Горогли — древнее и известное узбекское народное устное поэтическое произведение, памятник былины, принадлежит к серии героических былин, эпосов, широко распространенных среди народов Ближнего и Среднего Востока, Средней Азии, Южного Кавказа. Обсуждались содержание и суть эпоса «Горогли», его воспитательное значение.

Ключевые слова: бахши, эпос, домбира, дутор, тор, рубоб, круг, бубен, музыкант, композитор, исполнитель.

Annotation: Gorogli is an ancient and famous Uzbek folk oral poetic work, a monument of epics, and belongs to the series of heroic epics, epics, which are widespread among the peoples of the Near and Middle East, Central Asia, and the South Caucasus. The content and essence of the epic "Goro‘gli" and its educational importance were discussed.

Key words: Bakhshi, epic, dombira, dutor, tor, rubob, circle, tambourine, musician, composer, performer.

Go‘ro‘g‘li qadimi va mashhur o‘zbek xalq og‘zaki poetik ijodi doston yodgorligi bo‘lib, Yaqin va O‘rta Sharq, Markaziy Osiyo va Janubiy Kavkaz xalqlari orasida keng tarqalgan qahramonlik eposi, dostonlar

turkumiga kiradi. “Go‘ro‘g‘li” dostonining mazmun va mohiyati hamda tarbiyaviy ahamiyati to‘g‘risida taniqli folklorshunos olim Shomirza Turdimovning ijodi alohida tahsinga sazovordir. Olimning “Go‘ro‘g‘li” dostonlarining genezisi va tadrijiy bosqichlari” asarida 60 dan ziyod dostonlar tahlil qilinib, “Go‘ro‘g‘li” dostonining mifologik asosida badiiy –estetik o‘zanga ko‘chish jarayoni kabi qator masalalari ilmiy tadqiq etilgan. Dostonda qadimgi avlod –ajdodlarimizning turmush tarzi, tafakkuri, dunyoqarashi, ma’naviy boyliklari, hududiy geografik joylashuvi ishonarli ma’noda bayon qilingandir. “Go‘ro‘g‘li” qiyofasida o‘zbek xalqining milliy qahromoni, mard, jasur o‘g‘lonlari, axloqiy fazilatlarini, raqiblarga munosabat, vatanga muhabbat, or –nomus uchun, insoniy qadr qimmat uchun kurash tuyg‘usi, yosh avlodga munosib ustoz –shogird bo‘lish g‘oyalari asarda aks etgan. Eng muhimi dostonda Go‘ro‘g‘li misolida millat va davlatchilik g‘ururi, davlatchilik an‘analarini mohiyati yoritib berilgan. Asarda Go‘ro‘g‘lining jonsiz onadan tirik farzand bo‘lib tug‘ilib, go‘rdan chiqib, g‘orga kirib, Taka –Yovmitning yovi hisoblangan yurtida voyaga yetib, o‘z vataniga qaytib, tarqalib ketgan o‘z xalqini yig‘ib, toptalgan or –nomusini tiklashdagi voqealar haqida mazmunli fikrlar asarda o‘z o‘rnini topgan. Dostonda o‘z ona yurti Chambil mamlakatini yetti iqlimga mashhur qilib, umri oxirda hamisha bohor daraxti tagida joylashgan, sut bulog‘i oqib turuvchi sirli g‘orga kirib g‘oyib bo‘lishi ishonarli tarzda tahlil qilib berilgan. Asarning asosida ikki sanam yori – Yunus pari va Misqol pari ikki kabutar suratida g‘or oldiga kelib, Go‘ro‘g‘lining hayoti, shonu shavkatini yetmish ikki shoxa doston qilib bayon qilganligi, yaqin oradagi cho‘pon – cho‘liqlar bu dostonlarni o‘rganib, el orasiga

kuylaganligini izohlaydi. Muallim “Go‘ro‘g‘li” dostoni qachon paydo bo‘lganligi xususida so‘z yuritib, folklorshunoslar H.T.Zarifov, B.A.Karriev, V.M.Jirmunskiy[1], M.Saidov, T.Mirzaev va boshqalarning ilmiy fikr mulohazalaridan keng ma‘noda bog‘lanib, Go‘ro‘g‘lining tug‘ulishi, uning ismi, voyaga yetishishi, mard, jasurligi, ijtimoiy kelib chiqishi haqidagi xulosalarni tahlil etgan. Ushbu fikr mulohazalarni bayon etish jarayonida folklorshunos olim. Shoir O‘ljas Sulaymonov Ozarboyjon folklorshunosi Mirali Seyidovning umumturkiy “Go‘ro‘g‘li” “Ko‘ro‘g‘li” genezisidagi ma‘nolarga e‘tibor berganligi qayd etiladi. O‘ljas Sulaymonovning fikricha Go‘ro‘g‘li so‘zining ma‘nosi “Quyosh o‘g‘li” degan ma‘noni beradi degan fikrni keltirgan. Mirali Seyidov talqinida Go‘ro‘g‘lining nomi “tog‘ o‘g‘li” deb talqin qilinadi. Bu dostonlar taxm. XVII-asrdan boshlab bir turkumga birlasha boshlagan. «Go‘ro‘g‘li» turkumiga kiruvchi barcha dostonlar muayyan mustaqillikka ega. Ular og‘zaki epik an‘anada yakka-yakka ijro etiladi hamda eshituvchi va kitobxon ularning har birini alohida asar sifatida qabul qiladi. Ammo bu silsilada dostonlar Go‘ro‘g‘li obrazi uning doimiy yo‘ldoshi G‘irot epik ozodlik o‘lkasi Chambil yurti an‘anaviy obrazlar Soqibulbul. Hasan Ko‘lbar. Ahmad Sardor kabilar orqali bir-birlari bilan o‘zaro birlashadi. «Go‘ro‘g‘li» dostonlarini shartli ravishda 2 katta guruhga bo‘lish mumkin: Janubiy Kavkaz va Yaqin Sharq versiyalari (Ozarbayjonlar «Ko‘ro‘g‘li»si asosida yaratilgan Arman .Gruzin. Turk. Kurd va b.) va Markaziy Osiyo versiyalari (o‘zbek, qoraqalpoq, qozoq, turkman, tojik va b.). Barcha versiyalar mavzui asosini ozodlik, adolat va xalq baxt-saodati yo‘lida kurashuvchi bahodir Guro‘g‘li (Markaziy Osiyo versiyasida) yoki Ko‘ro‘g‘li (g‘arbiy versiyasida)ning jasoratlari tashkil etadi[2].

Janubiy Kavkaz va Yaqin Sharq versiyalariga xos bo‘lgan umumiy xususiyatlar «Go‘ro‘g‘li»ning Ozarbayjon variantlarida o‘z ifodasini topgan. Unda tasvirlanishicha Ko‘rug‘li 40 yigitga bosh bo‘lib, adolatsiz tuzumga qarshi chiqadi. Dushman savdogarlari karvoniga kutilmaganda xujum qiladi. Nodo‘st podshohliklar bilan bo‘lgan janglarda ajoyib

jasorat va qahramonliklar ko‘rsatadi. Cho‘pon, otboqar, darbadar baxshi duoxon, folbin qiyofalarida dushman ichiga kirib, asir tushgan yigitlariga tadbirkorlik bilan yordam beradi, o‘ziga va yigitlariga ma‘qul bo‘lgan go‘zal parilarni olib qochadi. Ko‘ro‘g‘lining jasorati va mardliklari haqidagi hikoyalar yarim tarixiy, yarim afsonaviy xarakterga ega bo‘lib, mustaqil podshohlardagi turli nayrangbozliklar, hukmdorlar hayoti, katta karvon yo‘llaridagi janglar Ozarbayjon variantlarining tarixiy mavzui hisoblanadi. Bu versiyaga ko‘ra, Ko‘ro‘g‘li, Eron shohi Abbas I ning (1585—1628) zamondoshi qilib ko‘rsatiladi. Chindan ham, arman tarixchisi Arakel Tavriziy (1670 y. vafot etgan)ning ko‘rsatishicha, Eron shohi Abbas I va Turkiya sultoniga qarshi qo‘zg‘olon ko‘targanlarning boshliqlari orasida Ko‘ro‘g‘li degan shaxs bo‘lgan. Ozarbayjon variantida aniq shaxs va davr bilan bog‘liq voqealar tengsiz kuch-qudrat va shijoat tasviri bilan uyg‘un holda bayon etiladi. Ammo bunda umumlashtirish va ramziylashtirish muayyan davr va tarixiy voqealarni inkor etish darajasida emas[3].

Markaziy Osiyo versiyalari, xususan, o‘zbek versiyalarida umumlashtirish va ramziylashtirish yuqori darajaga ko‘tarilgan. Bunda qahramonona o‘tmish aniq tarixiy voqealar ko‘lamida emas, balki orzu darajasida, xalqning yuksak maqsadi ko‘lamida tasvirlangan. O‘zbek dostonlarida Go‘ro‘g‘li turkman va o‘zbeklarning begi, qonuniy hukmdor, o‘z xalqi, vatani uchun qayg‘uruvchi va uni dushmanlardan himoya qiluvchi yengilmas bahodir, ko‘plab xalq botirlarini tarbiyalab yetishtirgan murabbiy sifatida tasvirlangan[4].

O‘zbek xalqi Go‘ro‘g‘li haqida «Kunlarim», «Go‘ro‘g‘li», «Go‘ro‘g‘libek — zo‘r botir», «Armonim qolmadi», «Bormi jahonda» kabi uning qahramonona kurashini madh etadigan qator termalar, 80 ga yaqin dostonlar yaratgan. Xususiyati, mavzui, ijodiy uslubi va kuylanish tarzi jihatidan ajralib turadigan 20 dan ortiq dostonidan iborat Xorazm turkumi bu siraga kirmaydi. Bu hol «Go‘ro‘g‘li» turkumi o‘zbeklar orasida 2 versiyada tarqalganini ko‘rsatadi. Ergash Jumanbulbul o‘g‘li, Fozil Yo‘ldosh o‘g‘li,

Po'ltkan shoir, Islom shoir, Rahmatulla Yusuf o'g'li kabi xalq shoirlaridan 200 dan ortiq doston (variantlari bilan) yozib olingan. Turkumni to'raligicha biladigan biror baxshi bo'lgan emas. XIX –asrning 2-yarmi va 20-asrning boshlarida Sultonmurod shoir (Samarqand viloyati), Nishon ota (Toshkent viloyati) kabi baxshilar «Go'ro'g'li» turkum dostonlarini kuylashda dong taratgan. Biroq ulardan bironta ham doston yozib olinmagan. Yozib olingan

«Go'ro'g'li» dostonlariga quyidagicha tartib berish mumkin: 1. Go'ro'g'lining tug'ilishi. 2. Go'ro'g'lining bolaligi. 3. Chortoqli Chambil. 4. Zaydinoy. 5. Yunus pari. 6. Misqol pari. 7. Gulnor pari. 8. Qirq yigit bilan qirq qiz. 9. Hasan Ko'lbar. 10. Soqibulbul. 11. Ero'g'li (Shahidnoma, Go'ro'g'lining o'limi, Go'ro'g'lining g'oyib bo'lishi) va hokazolar. Bu dostonlar variantlari bilan birgalikda O'zbekiston FA Alisher Navoiy nomidagi Til va adabiyot insitutida saqlanadi.

Po'ltkan shoirdan yozib olingan «Go'ro'g'lining tug'ilishi», «Go'ro'g'lining bolaligi» dostonlarida tasvirlanishicha, Go'ro'g'lining bobosi To'liboy sinchi Mari yurtining begi Kovishtixonning o'g'li bo'lib, yoshligida Yovmit podshosi Odilxonga asir tushadi. To'liboy sinchining xizmatlaridan ko'ngli to'lgan Odilxon qizi Oyshani unga nikohlab beradi. Bulardan Go'ro'g'lining otasi Ravshan tug'iladi. Taka-Yovmit yurtining doimiy dushmani Shohdorxonning navbatdagi bosqinlaridan birida Ravshan, shuningdek, Takaturkman begi Jag'alixonning farzandlari Gajdumbek va Bibi Hilollar Zangar yurtiga asir tushib ketadi. Zangarda Ravshan bilan Bibi Hilol tasodifan uchrashib qolib, bir-birlarini sevadilar va turmush quradilar. Bu orada Ravshanning sinchiligidan Shohdorxon xabar topadi, uni saroyga chaqirtirib, otlarini ko'rsatadi va fikrini so'raydi. Ravshan bu otlar orasida tulpor yo'qligini aytib, bir holvachining otini maqtaydi. Bundan achchiqlangan xon Ravshanning ko'zlarini o'ydiradi. Ravshan esa ko'r ko'zining xuniga holvachining otini tilab oladi, shu ot yordamida qaynag'asi Gajdumbek bilan Yovmitga qochadi. Ravshanning Zangarda qolgan xotini Bibi Hilol olti oylik homilasi

bilan vafot etadi. Go'rda o'lik onadan bo'lajak qahramon Go'ro'g'li tug'iladi. Cho'pon Rustamning uyuridagi bir baytal uni emizadi va keyinchalik Go'rug'li Rustam yordamida shu baytalda Yovmitga qochib keladi. Turkumning ilk dostonlarida yosh qahramonning chiltonlar bilan uchrashuvi istiqbolining oldindan belgilanishi, epik Chambil yurtining bunyod etilishi. Yovmit eliga xon qilib ko'tarilishi kabi voqealar tasvirlangan. Turkumdagi «Yunus pari», «Misqol pari», «Gulnor pari» dostonlari Go'ro'g'lining uylanishi va shu bilan bog'liq qahramonliklariga bag'ishlangan. Epik an'anaga ko'ra, Go'ro'g'lining ikki xotini — Yunus va Misqol (Po'ltkan shoir varianti bo'yicha uchinchisi — Gulnor) parilar Ko'hiqofda Eram bog'ida yashaganlar, ularni g'ayritabiiy kuchlar — devlar qo'riqlagan. Parilar Go'ro'g'liga ilgaridan «belgilangan», «atalgan» bo'lsalarda. Go'ro'g'li ularni mashaqqatlar bilan, kuch, aql, farosat tadbirkorlik bilan qo'lga kiritadi[5].

Turkumdagi «Zaydinoy», «Rayhon arab». «Chambil qamali», «Bektosh arab» va boshqa dostonlarda Go'ro'g'lining Chambil yurtining tashqi dushmanlariga qarshi kurashlari, bosqinchi va talonchilar sifatida Rayhon arab, Bektosh arab, Xunxorshoh va boshqalar tasvirlanadi. Turkumda Go'ro'g'lining bahodir 40 yigiti (Zamonbek, Shodmonbek. Xidirali, To'lak botir, Xoldorxon va b.) faoliyatiga alohida-alohida dostonlar («Xoldorxon». «Zamonbek», «Xidirali elbegi», «Berdiyot otaliq». «Qirq yigit bilan qirq qiz», «Doniyorxo'ja» va b.) bag'ishlangan. Ular epik o'lka — Chambilning ozodligi xalqining farovonligi uchun Go'ro'g'li bilan bir safda turib kurash olib boradilar. Turkumdagi anchagina dostonlarda Go'ro'g'lining asrandi o'g'illari (Hasan. Avaz), nevaralari (Nurali, Ravshan) va evarasi (Jahongir)ning qahramonona sarguzastlari hikoya qilinadi. Bu dostonlar o'zaro muayyan turkumchalarni tashkil etadi. Bu ichki turkumlar asrandi farzandlarning olib ketilishini tasvirlovchi dostonlar («Hasanxon», «Avazxon») bilan boshlanadi. Hasan va Avazning mustaqil epik tarjimai holi har bir turkumda muayyan o'rin tutadi. Hasanxon turkumda faqat bir doston («Dalli»)da,

Avazxon esa ko'p dostonlar («Balogardon». «Intizor». «Bo'tako'z», «Qunduz bilan Yulduz», «Zulfizar bilan Avaz», «Gulixiromon», «Malika ayyor», «Mashriq» va boshqalar)da bosh qahramon sifatida ishtirok etadi. Turkumning so'nggi dostoni «Ero'g'li»da Go'ro'g'lining keksaygan davri va Sulduzi tog'ida g'oyib bo'lishi tasvirlanadi. «Go'ro'g'li» turkumi dostonlari xalq hayoti va turmushini, uning orzu-umidlari va yuksak

maqsadlarini, ma'naviy-estetik olamini keng miqyosda badiiy aks ettiruvchi asar sifatida bebaho meros sanaladi[6]. Xulosa o'rnida shuni qayd etish lozim bugungi kunda yosh avlod qalbida milliy qadriyatlar, an'analar, urf-odatlar aks ettirilgan ushbu doston insonparvarlik g'oyalari o'zida mujassam ettirgan halqimizning o'gzaki ijod namunasi sanaladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т., Ўзбекский народный героический эпос, М, 1947.
2. Карриев Б. А., Эпические сказания о Керогли у тюркоязычных народов, М., 1968.
3. Мурадов М., Эпос “Горогли”, Т., 1984.
4. Go'ro'g'li dostonlariga to'rt jildli, 1-4 jildlar, Т., 1996-1999.
5. Intizor Nurali. Gulixiromon, Т., 1965.
6. Турдимов Шомирза. “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Тошкент: Фан, 2011.

SURXON VOHASI TURKLARI

Qarshiyev Islom Maxmarahim o'g'li,

Termiz davlat universiteti Jahon tarixi kafedrası dotsenti v.b.,
tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Annotatsiya: Maqolada, bizga ma'lum bo'lgan o'zbek xalqi tarkibidagi etnik komponent, XX asr boshlariga qadar o'troq aholi orasiga singib ketmagan, yarim o'troq turmush tarzi va urug'chilik an'alarini saqlab qolgan etnografik guruhlardan biri “turk”lar haqida so'z boradi. Muallif Surxon vohasida yashovchi “turk”lar, ularning geneologiyasi, soni, hududiy joylashuvi va mavzuga doir ayrim adabiyot va manbalar haqida ma'lumot beradi.

Kalit so'zlar: “turk”, Surxon vohasi, turk-kaltatoy, turk-barlos, B.X.Karmisheva, I.Magidovich, urug'-qabilaviy bo'linish.

Аннотация: В статье известная нам этническая составляющая узбекского народа — одна из этнографических групп, не ассимилировавшаяся в оседлое население вплоть до начала XX века, сохранившая полуоседлый образ жизни и традиции семеноводства. Упоминаются “турки”. Автор приводит сведения о «тюрках», проживающих в Сурханском

оазисе, их генеалогии, численности, территориальном расположении, а также некоторую литературу и источники по данной теме.

Ключевые слова: «Тюрк», Сурханский оазис, тюрк-калтатой, тюрк-барлос, Б. К. Кармышева, И. Магидович, родо-племенное деление.

Abstract: In the article, the ethnic component of the Uzbek people known to us is one of the ethnographic groups that did not assimilate into the settled population until the beginning of the 20th century, and preserved a semi-sedentary lifestyle and seed-breeding traditions. "Turks" are mentioned. The author provides information about the "Turks" living in the Surkhan oasis, their genealogy, number, territorial location, and some literature and sources on the subject.

Key words: "Turk", Surkhan oasis, Turkish-kaltatoy, Turkish-barlos, B.K. Karmisheva, I. Magidovich, clan-tribal division.

O'zbek xalqi tarkibi VI–XIII asrlarda turk va turk-mo'g'ul qabilalari etnografik guruhlarining O'rta Osiyo hududlariga kirib kelishi va Movarounnahrning qadimiy turkiy elatlarining assilyasiyasi natijasida shakllangan. Ushbu xalqlarning alohida guruhlar va qabilalari XX asrning boshlariga qadar ham yarim ko'chmanchilik turmush tarzini davom yettirib, ko'chmanchi va yarim ko'chmanchilar singari uzoq vaqt mobaynida urug' qabilaviy nomlarini saqlab qolgan. Ular O'zbekiston hududlarida XX asrning boshlarigacha etnik nomlariga xos bo'lgan xususiyatlarini qisman saqlab, o'troq holda yashovchi qadimiy etnik komponentlar bilan to'liq aralashib ketmasdan, yarim o'troq turmush tarzida yashab, o'troq aholi orasiga singib ketmagan holda yarim o'troq turmush tarzi va urug'chilik an'analarini saqlab qolgan etnografik adabiyotlarda chig'il, yag'mo, qarluq, qang'li, turk, qipchoq kabi etnonimlar bilan ma'lum[1;3-21]. O'zbeklar tarkibidagi etnik komponentlaridan biri XX asr boshlariga qadar o'troq aholi orasiga singib ketmagan holda yarim o'troq turmush tarzi va urug'chilik an'analarini saqlab qolgan etnografik guruhlardan biri ilmiy adabiyotlarda umumiy "turk" nomi bilan ma'lum.

Turklarga ilmiy adabiyotlarda O'rta Osiyo hududiga Shayboniyxon bosqiniga qadar ancha avval kelib joylashib, turg'unlashgan turk va turk-mo'g'ul qabilalarining avlodlari, deb qaraladi [1;3-4].

Turklarning O'zbekistondagi umumiy soni 1926-yilda taxminan 34610 kishi ekanligi qayd etilgan[3;72-76]. Barcha ko'chmanchi va yarim ko'chmanchi chorvador xalqlar kabi "turk"lar uchun ham urug'-qabilaviy bo'linish xarakterli bo'lgan. O'rta Osiyo hududida turklarning to'rtta yirik qabilasi – turklar, barlos, muso-bozori va kaltatoylar yashaganlar[1;3-4].

Turklar Surxondaryoning shimoli-sharqiy qismida Sho'rchi, Sariosiyo, Uzun va Denov tumanlarida yashagan va XIX asr oxirida ham eng yirik urug'lardan biri hisoblangan. Turklar asosan Surxondaryoning o'rta va yuqori oqimlarida dehqonchilik, chorvachilik, qisman savdo-sotiq bilan

shug'ullangan. «turk» atamasi haqida fikr bildirgan akademik V.V.Bartold uning to'la ma'noda etnik atama emasligini ta'kidlaydi. Urxun yozuvlarida hamda keyinchalik sharqshunos olimlar – A.Yu.Yakubovskiy, A.N.Bernshtam, S.P.Tolstov asarlarida "turk" so'zi har xil qabilalarning siyosiy birlashmasini anglatadi, deb izoh beriladi[4;97]. Mashhur etnograf olim akademik K.Shoniyozov «O'zbek xalqining shakllanish jarayoni» asarida turk atamasi 445 yildan boshlab manbalarda tilga olinib, ularning eftaliylarga qattiq zarba berib, Movarounnahrni egallaganliklari va Amudaryo sohillariga chiqqanliklari qayd etiladi. Turk xoqonligi davrida – VI-VIII asrlarda Toxariston hududida 27 viloyat mavjud bo'lib, ular turklar tomonidan idora qilingan. Shundan bittasi Surxon-Sherobod hududiga to'g'ri kelgan. Qayd etilgan ma'lumotlarga asoslangan holda turklar VII-VIII asrlarda Shimoliy Surxon hududlariga kirib kelib, mahalliy o'troq turk qabilalari bilan aralashib muqim joylashganlar, deyish mumkin[11;139,142,146].

I.Magidovich rahbarligida tuzilgan komissiyaning 1924-yilgi ro'yxatida Shimoliy Surxon hududidagi turk qabilasining uchta – balos (barlos), muso bozori va kaltatoy urug'lari borligi qayd etilgan. Dala-kuzatuv tadqiqotlariga asoslanib ham turk qabilasining uchta urug'i mavjudligini aniqlanganb – barlos, kaltatoy va qarluq. Dala tadqiqotlari bilan I.Magidovich ma'lumotlarini solishtirsak, farq bitta urug'dan iborat bo'layapti. I.Magidovich qarluq (kalliq) qabilasini «turk» qabilalari ittifoqidan alohida qabila sifatida keltiradi[3;211]. Tadqiqotlar davomida ko'plab daryo bo'yi aholisi o'zlarining "turk" ekanligini ta'kidlab, so'ngra «qarluq» so'zini qo'shib aytdilar. Bu asosan Oltinsoy tumani Qarluq, Jobu qishloqlariga xos. O'z navbatida Surxondaryo bo'ylarida o'zlarini faqat "turk" deb ataydigan sof, ya'ni urug'larga bo'linmaydigan guruhlar ham mavjudligi aniqlandi.

Turklar 1927-yilda yuqori Surxonda 3641 kishini, Surxonning o'rta oqimida esa 703 kishi ro'yxatga olingan. Boysun va Sherobod bekliliklarida ham turklar yashagan. Boysun

bekligida Xalqayor daryosi bo'yida Saroytosh va Turk – qishloq, Oluchabuloq, Yuqori Machayda va Sherobod bekligida esa Gegirdak va Novbog' qishloqlarida turklar yashaydilar[6].

Turk-kaltatoylar Surxondaryoning Denov tumanidagi Kenagas qishloq kengashi hududidagi qishloqlarda istiqomat qilishi aniqlandi. O'tkazilgan dala tadqiqotlari davomida bu urug'ga oid bir qator manbalar o'z tasdig'ini topdi. Urug'ning kelib chiqishi, urug'lar o'rtasida kelib chiqadigan o'zaro nizo-janjallar, yer, yaylov, sug'orish ariqlari masalasidagi kelishmovchiliklar natijasida ayrimlari urush boshlab bostirib kelsa, ikkinchisi himoyalangan. Ba'zan shunday holatlar bo'lganki, bir urug' vakillari ikkinchi urug' vakillarini jang va janjallarda o'zini qanday ko'rsatgan bo'lsa, shunga mos ravishda ataganlar. Keksalarning hikoya qilishlaricha, turk-kaltatoylar bu janglarda o'zlarining chaqqonliklarini namoyon etganlar. Shu sababli ular bir-ikki yoshli toyning nomini olganlar. Bunday yoshdagi toychoqlar "kaltatoy" deb ataladi. Chunki bu yoshda ularning tezroq chopishlari uchun dumlarini kesib kalta qilingan[7]. Olib borilgan tadqiqotlar axborotchilarning ma'lumotlarida ma'lum ma'noda haqiqat borligini, bir qabila-urug' vakillari ikkinchisidan qandaydir bir belgilari bilan yoki xulq-atvori bo'yicha ajralib turishini tasdiqlaydi. Ehtimol «kaltatoy» so'zi turklarning bir qismi boshqa qismiga qo'ygan laqab-nom bo'lishi ham mumkin.

Turk-barloslar Shimoliy Surxon vohasining Uzun tumani Jonchekka qishlog'ida istiqomat qiladilar. Muarrix Rashididdinning "Jome at-tavorix" asarida ta'kidlanishicha, Chingizxon davrida barloslar Onon va Kerulen daryosi havzasida yashaganlar va kuchli harbiy quvvatga ega bo'lib, Kubalay No'yon nomli yirik harbiy sarkada boshchiligida istilochilik urushlarida mo'g'ul armiyasi safida ishtirok etganlar[8;92-94]. Barlos Qorachur No'yon Chingizxonning nufuzli amirlaridan bo'lib, Amir Temur ajdodlarining beshinchi (Katta bobosi)si bo'lgan[5;21]. Chingizxon vorislari davrida barloslarning bir qismi Sharqiy Turkistonga,

XIII asrning 60-yillarida Shahrisabz vohasiga kelib joylashib, ular Amir Temurning qarindoshlari bo'lgan. Rashididdin barloslarning ilk ajdodlarini turklar bo'lgan, keyin mo'g'ul nomini olgan Nurun qabila ittifoqi tarkibida tilga oladi. Bu firkn xitoyshunos olim A.Yu.Zuev tasdiqlab, barloslarni turkiy xalq degan xulosaga keladi[9;178-185]. O'zbekistonda, jumladan, Shimoliy Surxon vohasida yashaydigan barloslar o'zlarini turk-barlos deb atashadi.

Sharqshunos A.Yu. Yakubovskiyning qayd etishicha, «jaloyirlar va barloslar Yettisuvdan Sharqiy Turkiston, Sirdaryo hamda Shimoliy Amudaryo, Toharistonga til jixatidan ancha-muncha turklashgan holda keladilar va yangi hududlarda ular shunchalik turklashib ketdilarki, XIV asrning o'rtalarida ular o'zlarining ona tillarini turk tili deb hisoblay boshladilar»[10;10]. Demak, olib borilgan dala tadqiqotlariga asoslanib, Shimoliy Surxondagi barloslar Qashqadaryoning Shahrisabz vohasi orqali kelib joylashib qolgan deyishga asos bor, chunki mahalliy barlos urug'i keksalari o'zlarining asli bobolarini shahrisabzliklar deb ataydi[7].

O'zbekistonning janubiy viloyatlarida barloslarning "oltibachcha" va "kalfhofizi" kabi ikki urug'i urug'i yashaydi. Oltibachcha kelib chiqishi oltita aka-ukadan tarqalgan bo'lib, qolganlari "qozibachcha", "po'latbachcha", "axsaqbachcha", "negmatbachcha"lardir. Boshqa bir ma'lumotlarga qaraganda barloslar yettita o'g'ildan tarqalgan deyiladi. Hozirgi Regar tumanida yashovchi barloslar o'zlarini «tolibachcha» avlodidan deb biladilar. Amir Temurni oltibachcha avlodidan kelib chiqqan, deb taxmin qiladi B.X.Karmisheva[3;183-184].

Tadqiqotlarda e'tirof etilishicha, barloslar o'rta asrlardagi turk-mo'g'ul kelib chiqishidagi etnonimlarga bog'liq bo'lmasdan, balki turklar va tojiklar kabi Movarounnahrning tub yerli aholisidir. Bu fikrni antropologik materiallar ham tasdiqlaydi.

O'z navbatida shuni ham ta'kidlash joizki, Surxon vohasi turklari geneologiyasini

aniqlash hozircha ancha mushkul. XIX asrda boshlangan o'zbeklar bilan konsolidatsion jarayonlar natijasida urug'-qabilaviy bo'linishlarining yo'qolib borishi tobora kuchayib borgan. Axborotchilar faqatgina oilaviy-qarindoshlik guruhlari nomlari, ayrim hollarda esa ko'pincha barloslar va kaltatoy qabilalariga oidligini biladilar, xolos. Ushbu

“turk” etnik jamoalari nomi ostida mahalliy aholi etnik rang-barangligini birmuncha ko'paytirgan bo'lsalar ham, lekin uning etnik tarkibini tubdan o'zgartirib yubormagan. Ushbu etnik guruh shakllangan o'zbek xalqining tarkibiga kelib qo'shilgan navbatdagi etnik komponent edi, xolos.

Foydalanilgan manba va adabiyotlar ro'yxati:

1. Кармышева Б.Х. Этнографические группа “турк” в составе узбеков // СЭ. 1960. №1. – С. 3-21.
2. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – С. 183-184.
3. Материалы по районированию Средней Азии. Кн. I. Территория и население Бухары и Хорезма. Ч. I. Бухара. Ч. II. Хорезм. – Т., 1926. ч. I, – С. 72-76, 211.
4. Наджимов К. Антропологический состав населения Сурхандарьинской области. – Ташкент: Изд. САГУ, 1958. –С. 97.
5. Низомиддин Шомий. Зафарнома. –Тошкент, 1996. –Б. 21.
6. Қаямов А. XX аср бошларида Ўзбекистон худудида этник ҳолат – Ташкент, 2015. – 184 б.
7. Қурбонов А. Шимолий Сурхон воҳаси аҳолиси анъанавий маданиятининг этник ва локал хусусиятлари (XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярми). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Тошкент, 2009. – 198 б.
8. Рашид ад-дин. Сборник летописей. –М.,–Л., 1952. Т. 2. Ч. 1. –С. 92-94.
9. Зуев А.Ю. «Джами-ат-таварих» Рашид ад-дина как источник по ранней истории Жалойридов (Письменные памятники Востока. Историко-археологические исследования). Ежегодник – 1969. –М., 1972. –С. 178-185.
10. Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. –Ташкент, 1941. –С. 10.
11. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. –Тошкент: Шарқ, 2001. –Б. 139, 142, 146.

СУРХОН ВОҲАСИ ТОҒЛИҚ ТОЖИК АҲОЛИСИНING МАРОСИМ ВА УРФ-ОДАТЛАРИ (БОЙСУН ТУМАНИ ПАНЖОБ ҚИШЛОҒИ МИСОЛИДА)

Рахмонов Махаммад Ҳабибулло ўғли,
Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси
muhammad19940208@mail.ru
+99891 582 25 25

Аннотация: Ушбу мақолада Сурхон воҳаси тоғлиқ тожикларнинг маросимлари, урф-одатлари ва анъаналари улар билан боғлиқ бўлган этнографик қарашлари баён қилинган. Ушбу маросимларни ўтказиш тартиблари ва қоидалари акс этирилган.

Калит сўз: ички Панжоб, Обрў, Номгузарон, Сўйиш, Тўпик ютиш, Сочиклик, Бойсун, Қур, Шехони, Саънони, Шихистонаги, Ошиқи, Дастгир ва бошқалар.

Аннотация: В данной статье изложены

этнографические взгляды на обряды, обычаи и традиции горных таджиков Сурханского оазиса. Отражены порядок и правила проведения этих церемоний.

Ключевые слова: Внутренний Пенджаб, Репутация, Номгузаран, Резня, Глотающие пятки, Сочилик, Бойсун, Кур, Шехани, Санани, Шихистанаги, Ашики, Дастгир и другие.

Abstract: This article presents ethnographic views on the rituals, customs and traditions of the mountain Tajiks of the Surkhan oasis. The order and rules of these ceremonies are reflected.

Keywords: Inner Punjab, Reputation, Nomguzaran, Massacre, Swallowing Heels, Sochilik, Boysun, Kur, Shekhani, Sanani, Shikhistanagi, Ashiki, Dastgir and others.

Тоғлик тожикларида хусусан Бойсун тумани Панжоб кишлоғи аҳолиси орасида ўзига хос этнографик урф-одат ва маросимлар сақланиб қолинган. Улар қуйидагилардир:

1. Номгузарон (исм ўтказиш)
2. Обрў (Пайғамбар ёши)
3. Сўйиш (Суннат тўйда)

Бу уч урф-одат ва маросим тоғлик Панжоб аҳоли орасида доимий ўтказилиб келинади. Номгузарон маросими беш уруғ вакиллари орасида ўтказилади. Тожик аҳолиси орасида Катабой, Акабой ва Амак исмлари кўпроқ учрайди. Аслида эса Катабой исм эгасига вафот этган Бобосининг, Акабой исм эгасига эса вафот этган акасининг, Амак исм эгасига эса вафот этган амакисининг исмини қўйишган бўлишади. Бу урф-одат XIX ва XX аср мобайнида узлуксиз амалга оширилиб келинади. Бу маросимнинг Номгузарон деб айтилиши тожик тилидан тўғридан-тўғри таржима қилинганда исм ўтказиш дейилади ва бешта Панжоблик уруғ вакилларининг шаҳобчаларидан қовму- қариндошлар чақирилади. Маросим учун дастурхон тайёрлашади. Эркаклар алоҳида аёллар алоҳида ўтиришди. Эркаклар асосан **кур** қилиб ёйилган дастурхон атрофида ўтиришади. Аёллар эса махсус тайёрланган хоналарга киритишади. XIX-XX асрларда

эркаклар учун чит ва беқасам, аёлларга бахмал ва рўмол беришарди. Ҳозирги кунда эса эркакларга чит ва сочиқ, аёлларга эса рўмол ва паплен материаллари беришади. Маросим учун беш уруғ вакилидан бир кишига уруғлик беришади. Тадқиқот давомида уруғлик бериш масаласига алоҳида тўхталиб, кимларга берилиши ва нима мақсадда берилишини Бойсун тумани тоғлик аҳолисида сўраб олдик. Уруғлик XX аср охиригача ҳар бир уруғ вакили эркакларга ҳам аёлларга ҳам берилганлиги ва ҳозирги кунда эса фақат аёлларга берилаётганлигини такидлаб ўтишди. Бу уруғлик берилиши тоғлик Панжоби тожикларининг тўй маросимларида ва диний маросимларида ҳам берилиши таъкидланди. Уруғликнинг берилишидан мақсад беш уруғ борлигини ва қариндошлар орасида ҳақиқатдан ҳам ушбу маросим ўтказилганлигини исботи дейишди. Яъни ушбу уруғликни олган киши қариндошлар орасида мен олганман уруғлигини дейишади. Маросимда яна бир кўзга ташланадиган яхши жиҳати **сочиқлик** тарқатиш одатидир. Унда аёллар ўзлари қўли билан тиккан дастбанд, дастгир ва кичик сочиқлар шунингдек сақич ва қурби етганлар пул тарқатиб чиқишади. Бу ишни фақат яқин қариндошлари амалга оширишган. Ушбу маросим исм эгасининг асосан 3-6 ёшлиги пайтида ўтказилади ва Номгузарон эгасига меҳмонлар томонидан тўн ва бола учун кийим кечак олиб келишади. Ушбу маросим қиз болаларда ҳам ўтказилади. Бу маросимда асосан аёллар фаол хизмат қилишади. Маросим белгиланган кундан бир ҳафта олдин яқин қариндошлардан иборат аёллар гуруҳи 15-20 тўп материалларни кесиб белини боғлаб, қоғозга кимга берилишини ёзиб қўйишади. Кесиб ва бели боғланиб, ёзиб қўйилган материаллар уруғларга бўлиниб, олдиндан кайвони момалар томонидан тайинланган аёлларга топширилади. Аёллар эса ўзларига белгиланган уруғ аёлларига тарқатишган. Эркакларга ҳам олдиндан тайёрланган материалларни бақовулар орқали ҳар бир уруғ вакилларига

тарқатишади. Тоқчиларда ҳам тоғлик тожикларда ҳам тўй ва диний маросимларнинг таомларини тайёрлар вазифаси юклатилади. Эркакларда тоғаси ва амакиси маросим ўтказишдан бир кун олдин шомга яқин пайтда жонлик сўйиб, унинг гўштини тузлаб катта қозонга солиб қўйишган. Ярим кечаси соат 03:00 дан туриб биринчи бўлиб самоварга олов ёқишган. Қозонга сув солиб, қайнатмага тайёрлашган. Яқин қариндошлар таомлар учун кетадиган маҳсулотларни тозалаш ва тўғраш ишларини олиб боришади.

Обрў (Пайғамбар ёши)

Обрў – ушбу маросим Сурхон воҳаси тожик аҳолиси орасида кенг тарқалган бўлиб, ёши катта эркак ва аёлларга ўтказишади. Тадқиқотимиз давомида Бойсун, Олтинсой, Сариосиё, Денов ва Термиз Шаҳар тожиклари орасида Обрў маросими нима ва у нима мақсадда, қандай ўтказилиши ҳақида илмий изланишлар олиб бордик. Бу маросимлар ҳамма жойда Обрў деб аталмаслигини ва ҳамма туманларда бир хилда ўтказилмаслигини аниқладик. Бойсун, Денов ва Олтинсой тожиклари орасида Обрў дейилар экан. Бойсун тумани Панжоб ва Сайроб қишлоғида Обрў оши дейилади ва бу маросим ҳар бир уруғида ўтказишади. Тоғлик тожиклар орасида бу маросим инсон умри давомида бир марта қилиниши шарт бўлган. Бу ош 50 ёки 60 ёшдан ошган, ҳаётида ўз мақсадларига эришган ва яхши фарзандларни тарбиялаб уларни уйли жойли қилиб етиштирган, эл орасида обрўга эга бўлиб, жамиятда ўз ўрнини топган киши шарафига амалга оширилган. Обрў тўйи белгиланган кун дастурхонларга қайнатма шўрва тортилган. Кузатиш чоғида меҳмонларга XIX-XX асрларда биттадан нон тарқатилган. Вақт ўтиши билан бу маросим трансфарматсион жараёнга учраб бугунги кунда меҳмонларга иккитадан нон ва эркак кишига ўн минг сўм, аёлларга беш минг сўм пул берилади. Бу амалларни бақовуллар бажаришган. XX аср бошларида меҳмонлар учун ёзилган дастурхон бўздан бўлган. Меҳмонларга

қараш учун икки киши тайинланган бир киши дастурхондаги ноз-у неъматларга, иккинчиси келган меҳмонларга пул ва нон тарқатишган. Обрў тўйининг “меҳмондорчилик” қисми тугагач, “сарпо кийдириш” қисми бошланган. Киши вафот этганда, мулла марҳум фарзандларидан дафн маросимида “обрў оши берганми?” деб сўраган, фарзандлари “ҳа” жавобини беришса, халойиққа марҳум обрўли экан, деб эълон қилган ва жанозасида пул (хайрот) тарқатилмаган. Агар ҳаёти давомида “обрў оши” бермай вафот этган бўлса, марҳумнинг дафн маросимида фарзандлари хайрот тарқатган ва марҳум “обрўли” қаторига киритилган.

Сўйиш урф-одати

Воҳа тоғлик тожик аҳолисининг тўй маросимларида жуда кўп урф-одат ва анъаналар мавжуд бўлиб, улардан бири Суннат тўйларида ўтказиладиган Сўйиш урф-одатидир. XIX аср охири ва XX аср бошларидан бу одат урфга айланган. Бу урф-одатни ҳамма аҳоли бирдек ўтказа олмаган. Сабаби бу урф-одатни ўтказиш учун жуда кўп маблағ талаб этилган. Бу маросим Сурхон воҳасининг Бойсун тумани қишлоқлари, Сайроб, ички ва ташқи Панжоб, Денов, Олтинсой ва қисман Лайлагон қишлоқларида ўтказилган. Сўйиш тўй болалар учун қилинади ва ҳар бир уруғ вакиллари учун алоҳида берилади. Тадқиқотимиз давомида Олтинсой ва Бойсун туман қишлоқларидаги суннат тўйларида иштирок этганимизда улардаги сўйиш бир хил ўтказилишини аниқладим. Сўйишга бериладиган маҳсулотлар ва жонлик тўй ва хонадон эгаси томонидан тайёрланиб қўйилади. Бойсун тумани тоқчи ва тоғлик тожиклар аҳолиси Сўйиш берилиши олдидан бақовуллар сўйиш олиш кимнинг навбати ёки қайси хонадон эгаси олишини аниқлаб олишади. Ички Панжоб аҳолисининг Сўйиш маросимида бевосита иштирок этганимизда сўйиш маросими бешта уруғ вакилларига беришар экан. Панжобликлар тоғлик аҳоли бўлиб, кўпроқ чорвачилик билан шуғулланишган. Сўйиш одати ҳам айнан чорва билан боғлиқ

маросим ҳисобланади. Бешта уруғ вакилларига жонлиқ тарқатишган. Азалдан бешта уруғ аъзолари ичидан Санони уруғи битта кўп жонлиқ кўй олишган. Бунинг сабаби сон жиҳатдан Санони уруғи вакиллар кўпчиликини ташкил этишидир. Сўйишни тарқатиш (кўйни) олдида барча уруғ вакиллари айлана шаклида ўтириб олишиб тўй эгаси тайёрлаган маҳсулотларни тақсимлашга киришади. Аввало беш уруғ баковуллари кўйларни саралаб чиқишади. Биттадан бош кўй (40-50 кило қиладиган)ни аниқлаб, бўйнига рўмол билан боғлаб кўйишган. Қолган кўйларни кўйидагича тақсимлашган:

1. Шехони уруғига 1 та бош кўй, 2 та ўртача кўй берилган.
2. Шахистонаги уруғига 1 та бош кўй, 2 та ўртача кўй берилган.
3. Саънони уруғига 1 та бош кўй, 3 та ўртача кўй берилган.
4. Ошиқи уруғига 1 та бош кўй, 2 та ўртача кўй берилган.
5. Каънони уруғига 1 та бош кўй, 2 та ўртача кўй берилган.

Бундан ташқари ўзларига яқин олган тожик-чиғатоилардан ёки Лайлагонлик элбегиларга 1 та кўй, Сайроблик эшонларга 1 та кўй, Панжоб эшонларига 1 та кўй беришган. Шунингдек тўй бўлган хонадонда меҳмон бўлиб қолган аёллар учун 1 та кўй беришган. Ҳозирги кунда эса Сайроби эшонларга ва элбеги уруғларига беришмайди. Сабаби улар ўз тўйларида панжобликларга беришмай кўйганлигидир. Сўйишда кўйга кўшиб, нон, қанд, сабзи, гуруч, мой, куруқ чой ва гугурт маҳсулотлари бешта уруғ вакилларига тенг тақсимланади. Сўйишни олган оила аъзолари ўзлари бир тандир нон ва меваларни меҳмонларга кўйишади. Сўйишни олган оилага бунинг нима фойдаси бор деган савол берганимизда улар олган кўйни 2 тасини сўйиб биттасини иримига молхонасига қолдирган. Яъни шу қолдирилган кўй шу хонадонда ҳам катта тўй қилишлик учун сабаб бўлсин дейишган. Аслида сўйишда сўйилган кўй гўштини ейиш учун сўйиш бўладиган хонадонга эркак кишилар тўпланган. Ўғил болалар 7

ёшга тўлган бўлса боришга ҳақли ҳисобланган. Аёллар сўйишга умуман боришмаган. Сўйилган кўйнинг гўштини қовуришиб келган ҳар бир меҳмонга 2 бўлак гўшт ва 1 бўлакдан ёғи берилган ва ҳамма ўзига берилган насибани еб бир бирлари билан дилдан суҳбат қуришган. Юқоридаги учта урф-одат ва маросимларни ўтказишган мақсад ўсиб келаётган ёш авлод қариндош уруғларини яхши таниб олиш, бир дастурхон атрофида тўпланиш эса бирлашиш ва илиқлик муносабатларни келтириб чиқарган. Шунинг учун ҳам тоғлик аҳоли доимо бирлашиб тўй ва маросими ўтказишган. Қолаверса Воҳада анъанавий равишда тайёрланиб келган маросим таомларидан бири ҳолвайтардир. Ҳолвайтарнинг қадимий таом эканлигини Ўрта Осиёнинг қомусий олими Абу Райҳон Беруний, унинг асосан таъзия маросимларида пиширилганлигини К. Шониёзов ва Б.Х. Кармишевлар ҳам қайд этиб ўтишган. Ҳолвайтар Ўрта Осиёнинг ҳамма аҳоли манзилларида тайёрланиб, номи форс-тожик тилидан олинган бўлиб, “суяқ ҳолва” ёки “хўл ҳолва” маъносини беради, деб ёзади К. Маҳмудов. Сурхон воҳасида мотам маросимлари ҳолвайтарсиз ўтказилмаганидек, Наврўз, Рамазон ва Қурбон ҳайити байрамлари ҳам ушбу таомсиз ўтказилмаган. Шунингдек тоғлик тожиклар яъни панжобликлар ҳам Номгузарон ва Обрў маросимларида бу таомни тайёрлашган. Сурхон воҳаси аҳолисини бир дастурхон атрофида ўтириши ва таомланишида яқинлик ва яхши муносабатни йўлга кўйиши билан бирга, таомлар инсонларни бир биридан узоклаштириш жиҳатлари ҳам мавжуд. Мисол учун тоқчиларда ва панжоблик тожикларда сўйилган жонлиқнинг етим қовурғасини ота-онаси тирик инсонга сузиб олиб боришса у меҳмон хафа бўлим баъзида тўй ва маросим бўлаётган хонадонда жанжал кўтариб чиқиб кетган ҳоллари мавжуд. Шунинг учун етим қовурғани иложи борича ҳеч кимга сузишмаган ёки таомга солишмай жонлиқни ким сўйган бўлса шу кишига калла почасига кўшиб бериб юборишган

ҳоллари ҳам мавжуд. Тоқчиларда ва тожикларда меҳмоннинг даражасига қараб овқат сузиш ҳолатлари ҳозиргача сақланиб қолинган. Агар уруғнинг ёши катта инсонига, бакавулларга ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлган инсонларга илик сузишади.

Тўпиқ ютиш одати

Сурхон воҳаси этнографик макон деб тарифланиши бежизга эмас. Воҳада яшовчи аҳоли орасида турли маросим ва одатлари сақланиб келинмоқда. Шундай одатлардан бири бу тўпиқ ютиш одатидир. Бу одат Сурхон воҳасининг Бойсун, Денов, Олтинсой, Сарийосиё туманларда яшовчи тоқчи ва тожикларда сақланиб қолинган. Бу одатни эркакалар даврасида ўтказишади. Асосан ёши катта эркак кишилар бакавулларга ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлган инсонларга илик сузишади. Битта қўйда 2 та тўпиқ бўлади. Шу тўпиқ илик билан сузилади ва ёши катта инсонлар дўстларига ва яқин қариндошларига илқининг тўпиғи бор жойини гўшти билан ейишга беришади. Бойсун тумани Панжоб

қишлоғи аҳолисининг суннат тўйларидаги сўйиш маросимида кўпроқ шу одатлар бажарилган. Шундан кейин гўшти олган инсон гўштини еб бошласа ичидаги суяк тўпиқ чиқади. Маҳаллий аҳоли орасида бу тўпиқни олган инсон тўпиқдор дейилади. Лекин тўпиқнинг ҳақиқий эгаси уни берган инсонлигича қолади. Тўпиқни олган инсон шу дастурхон атрофида ҳаммани олдида тўпиқни бутунлигича ютиши шарт бўлган. Акс ҳолда тўпиқни берган инсон ҳоҳлаган жойда ва ҳоҳлаган пайтда тўпиғимни бер деганда кўрсатиб бериши шартлари бўлган. Агар бу тўпиқни юта олмаса ёки ҳоҳлаган вақтда сўралганда кўрсата олмаса ютқизган бўлади ва битта қўй қарз бўлади. Шундан сўнг тўпиқни олганда кимки гувоҳ бўлган бўлса шуларни бир дастурхон атрофида жамлаш шarti ҳам бажарилади. Баъзилар бу тўпиқ ютиш одатида ютқазмасик учун тўпиқни бўйнига тумор қилиб осиб юришган. Агарда бу тўпиқни ютса ёки ҳоҳлаган пайтда кўрсат дейилганда кўрсатса, тўпиқни берган инсон ўзи бир қўйга қарз бўлиб қолишган.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Турсунов С.Н., Пардаев Т.Р, Мамадиёрова Н. «Сурхондарё – этнографик макон».-Т. -2012. -79.
2. Турсунов С.Н.«Бойсун» -: Т.Академнашр 2011 йил.
3. авлюда Файзуллаева М.Ҳ. “Ўзбек таомлари билан боғлиқ анъаналар” (Сурхон воҳаси мисолида) номзодлик диссертацияси 2010 йил 123-бет
4. Умаров И. Сурхондарё тоқчилари // «Турон тарихи» журналлари, Тошкент, 2013, Но4-6, 52-бет.
5. Кармышева Б. Х. Жилище узбеков племени карлук южных районов Таджикистана и Узбекистана.//ИООН АН Тадж.ССР. Вып.10–11.1956.С.13-23.
6. Қаландаров Р. “Панжоб ва панжовликлар тарихи” Жайхун нашриёти Термиз – 1997 йил 92 бет.
7. Абу Райхон Беруний, Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Танланган асарлар. – Тошкент, 1968. I-том. – Б. 281;
- 8.Шониёзов К. Беруний асарларида этнографияга оид материаллар // Беруний ва ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1973. – Б. 132;
- 9.Кармышева Б.Х. Архаическая символика в погребально-поминальной обрядности узбеков Ферганы... – С. 151.
10. Маҳмудов К. Меҳмоннома. – Тошкент, 1989. – Б. 90.
11. Дала ёзуви, Бойсун тумани ички ва ташқи Панжоб қишлоғи, 2022 йил.
12. Дала ёзуви, Термиз шаҳар Дўстлик ва Бойқишлоқ маҳалалари, 2021 йил.

SURXON VOHASI AHOLISINING TABIAT BILAN BOG‘LIQ ARXAIK E‘TIQODLARI

Ergashov Isroil Abdumalik o‘g‘li,
Termiz davlat universiteti Tarix fakulteti o‘qituvchisi
isroilergashov94@gmail.com
+99891-518-33-94

Annotatsiya: Ushbu maqolada Surxon vohasi aholisining tabiat kultlari bilan bog‘liq e‘tiqodiy qarashlari, uning arxaik xususiyatlari jumladan, daraxtlarni tabiat kuchlarini turli xil giyohlarni ilohiylashtirish bilan bog‘liq jihatlar va u bilan bog‘liq marosimlar tahlil etilgan.

Kalit so‘zlar: tabiat, kult, urf-odat, sehrgarlik, shomanizm, fetishizm, totemizm, daraxt, qadamjo, aziz joy, marosim, tumor.

Абстрактный: В данной статье анализируются верования жителей Сурханского оазиса, связанные с культурами природы, их архаическими особенностями, в том числе аспектами, связанными с обожествлением деревьев, сил природы, различных трав и связанных с ними ритуалов.

Ключевые слова: природа, культ, традиция, магия, шаманизм, фетишизм, тотемизм, дерево, святилище, священное место, обряд, амулет.

Abstract: This article analyzes the beliefs of the inhabitants of the Surkhan oasis related to nature cults, its archaic features, including aspects related to the deification of trees, natural forces, various herbs, and related rituals.

Keywords: nature, cult, tradition, magic, shamanism, fetishism, totemism, tree, shrine, sacred place, ceremony, amulet.

Surxon vohasi aholisining tabiat unsurlariga nisbatan ehtiyotkorona munosabati va ularni e‘zozlash bilan bog‘liq qarashlar xalqimiz orasida “qadamjo”, “aziz joy”, “muqaddas qadamjo” kabi nomlar bilan ataladi.

Bunda odamlar asosan, shifo izlab, iltijo qilish bilan bir qatorda muqaddas ob‘yektdan davolovchi kuchni olish maqsadida ma‘lum harakatlar va marosimlar (buloq suvlaridan ichish, cho‘milish, toshni tavof qilish, atrofini

aylanib niyat qilish, tosh ustida yotish, daraxtlarni quchoqlash, mato bog‘lash, niyat qilish, suvga tanga tashlash) bajariladi.

Musulmon ulamolari tomonidan tabiat kulti bilan bog‘liq qarashlar shirk amal sifatida qaraladi. Ammo, shunday bo‘lsada, barcha tabiat kultlari, ya‘ni muqaddas tog‘, g‘or, daryo, daraxt va buloqlar poklik ramzi hisoblanib, niyat qilish amallari baribir uchray turadi.

Surxon vohasi tabiati, iqlimi va joylashuv geografiasining qulayligi bois tabiat kulti bilan bog‘liq tabiat yodgorliklari, bahaybat va qadimiy daraxtlar, tosh hamda suv manbalari, bahaybat tog‘lar bag‘ridagi ulkan g‘orlar, chuchuk suv manbai bo‘lgan mo‘jizaviy buloqlar kabi g‘ayrioddiy tabiiy majmualardan iborat.

Ziyoratgohlarga xos yana bir narsa shundaki, uning hududida biror qadimiy daraxt yoki buloq mavjuddir. Masalan, Oltinsoy tumanidagi Xo‘jasoat qishlog‘i chekkasida joylashgan Qurbon Soat ziyoratgohida (XVII a.) qadimiy azim tut daraxti o‘sadi. Bu joy XVII asrning o‘rtalarida yashagan islom ilmining bilimdoni Qurbon o‘g‘li Soat dafn etilganligi sababli Qurbon Soat ostonasi deb atalgan[1].

Daraxtlar kultiga alohida to‘xtalib o‘tish lozim. Xonjiza mahallasi yo‘lining chap tomonida, qishloqdan ancha uzoqda Mozori To‘q ziyoratgohi joylashgan bo‘lib, uning atrofida do‘lana daraxti bor. Xonjiza mahallasi Debodom qishlog‘ining tepasida Xo‘jai Murid ziyoratgohi, undan sal yuqoriroqda Darvozaho ziyoratgohi joylashgan bo‘lib, bu yerda tog‘ning uch joyidan suv chiqib turadi. Xonjiza jamoa xo‘jaligi Xo‘jai Asmin qishlog‘i tepasida Ko‘yi safet (Oq tog‘) etagida Qirq qiz (Chil duxtaron) ziyoratgohi joylashgan. Tog‘ oppoq ko‘ringani va tepasida doim qor bo‘lgani uchun shunday deb ataladi. Tog‘

orasida qirqta archa bor. Bu yerda Shakarsib (Shakar olma) bulog'i ham bor. Xo'jai Asmin nomli avliyo bilan bog'liq ziyoratgoh qishloq tepa qismidagi Ko'yi safet tog'i etagida joylashgan[2].

Shuningdek, Boysun tumanidagi Sayrob chinoriga nisbatan ham aholi orasida ehtiyotkorona munosabat va uni e'zozlash bilan bog'liq diniy-ekologik qarashlar shakllangan. Bu daraxt tabiat yodgorligi sifatida davlat qaramog'iga olingan. Chinorning yoshi 950 yilga yaqin. Balandligi – 26 m. Shox-shabballarning diametri – 21 m. Tanasining balandligi bo'yicha o'lchami — 9,7 m. Tanasining ildizi bo'yicha o'lchami - 16,5 m. Kavagining yer sathidan o'lchami — 3,5 m. Kavagining balandligi bo'yicha o'lchami – 7 m. Kavagining og'zi to'g'ri uch burchak shaklida[3]. Daraxtning kavagida oktyabr to'ntarilishiga qadar eski maktab joylashgan.

1920 yilda qishloq kengashi idorasi bo'lgan. 1932-1934-yillarda 1-otliq askarlar polkining lageri kutubxonasi joylashgan. 1936-yilda qishloq savdo do'koni bo'lgan. Sayrob chinori yonida muqaddas buloq va unda baliqlar bemaolol suzib yuradi. Hech kim baliq ovlamaydi, aksincha, ziyoratga kelganlar baliqlarni oziqlantiradilar.

Umuman olganda, tabiat kultlari asosan, davolovchi funksiyani bajargan. Masalan, buloq suvlari tarkibidagi turli minerallar sababli ularning shifobaxsh xususiyatlari buloqlarga nisbatan “muqaddaslik” tushunchasini shakllantirgan.

Dunyo xalqlari o'rtasida ham daraxt kultiga sig'inish va uni muqaddaslashtirish bilan bog'liq bir qancha qarashlar hamda marosimlar mavjud. Bunday qarash va marosimlar zahirida olam hamda odamning yaratilishini daraxt timsoli bilan bog'lab, “Hayot daraxti” ni olamning asosi (o'zak, o'q, ustun) sifatida tasavvur etish yotadi. Shu sababli, turli ezgu niyat va tilaklarni amalga oshirish hamda kasalliklarga shifo izlash maqsadida daraxtlar bilan bog'liq marosimlar o'tkazilgan. Dunyoning turli xalqlarida “Hayot daraxti” ramzlari mavjud bo'lib, mazkur ramzlar kundalik turmushda keng foydalanilgan. Jumladan, sopol va chinni

buyumlar hamda me'moriy obidalardagi naqshlarda “Hayot daraxti” ramzlarini ko'rish mumkin[4]. Umuman olganda, daraxt kulti bilan bog'liq qarashlarda hayotning boshlanish nuqtasi o'simliklar hisoblanadi. O'lim – hayot bilan aloqani qayta tiklashdir. Ya'ni, inson vafot etgach, ruh sifatida daraxtga aylanadi: jasad inson shaklini daraxt shamoyiliga o'zgartiradi. Ya'ni, o'lim shunchaki moddiylikning o'zgarishi va insonning boshqa darajaga o'tishini anglatadi. Bu hayot formulasi bo'lib, tabiat va inson o'rtasidagi uzviylik hamda bog'liqlikni anglatadi. Insonning daraxt va o'simlikka aylanishini ko'p hollarda inson qoni bevaqt to'kilgan joyda paydo bo'ladigan o'simliklar misolida ko'rish mumkin.

Surxondaryo viloyatining xushmanzara manzillaridan sanalgan Sherobod tumanidagi ko'hna, tabiat sir-asrorlariga boy, o'zining xushmanzara va shifobaxsh buloqlari bilan mashhur bo'lgan Zarabog' qishlog'i hududida taxminiy biologik yoshi qariyb 500-650-yillik bir tup “Chinor daraxti” bor. Ushbu chinor yonida uyi joylashgan 78 yoshli Jo'rayev Hosiyatjon boboning so'zlariga qaraganda chinor tabiiy yodgorlik sifatida muhofazaga olingan bo'lib, aylana diametri taxminan 16 metr, balandligi 50 metrcha bo'lgan ushbu chinor daraxti o'ng tomonida qurilgan ayvoncha hamda xalq tilida mashhur Jo'ra miyon nomi bilan ataladigan taxminan 15-20 kishi namoz o'qishi uchun mo'ljallangan kichik masjid joylashgan bo'lib rivoyatlarga qaraganda, O'tgan asr boshlarida ko'hna chinor daraxti atrofida Ramazon, Qurbon hayiti diniy marosimlari, Darveshona shukronalik ayyomlari, Navro'z bayramlarida aholi yig'ilib doshqozonlarda sumalaklar tayyorlashgan, hamda Darveshlar yig'ilganda muqim xalq tomonidan ayvonchada mehmonlar uchun ziyofatlar tashkil etilgan[5].

Bundan tashqari ruhiy kasalliklarga (jin chalgan) uchragan odamlarini chinor ichida bir kecha-bir kunduz davomida saqlanib sog'ayib ketishgani, farzand istab kelib daraxt shoxlarida latta-puttalar bog'lob ketishlari, chinor tagidagi tuproqdan har-xil teri tanosil kasalliklariga uchragan odamlar niyat qilib, surtib shifo topishgan, Hozirgi kunga qadar

ushbu Chinorni ziyorat va ixlos qilib keluvchi insonlar soni ko'pchilikni tashkil qiladi desak mubolag'a bo'lmaydi[6].

Oltinsoy tumani Vaxshivor mahallasida joylashgan So'fi Olloyor eshon bobo ziyoratgohida bir tup yoshi kattaroq chinor darxti o'sadi. Aytishlariga qaraganda o'sha chinor daraxtini beli og'rig'an odam borib yetti marta aylanib o'tsa beli og'rig'idan forig' bo'lar ekan. U yerga juda ko'plab odamlar ziyoratga borishadi va chinorni yetti marta aylanib o'tib ziyorat qilishadi. Oltinsoy tumanida ko'plab tabiat kultlari mavjud. Shulardan yana biri Vaxshivor mahallasida joylashgan "Qo'tr buloq" nomi bilan mashhur bo'lgan muqaddas buloq hisoblanadi. Bu muqaddas "Qo'tr buloq" buloq mahalliy aholining aytishlariga qaraganda XIX asr oxirlaridan mavjud bo'lib, Vaxshivor tog'ining tagida joylashgan. Yilning may, iyun, iyul, avgust, sentabr oylarida suv chiqib turadi, boshqa oylari suvi qurib qoladi. O'ziga xos shifobaxsh xususiyatga ega. Odam tanasidagi turli xil yaralar va kasalliklarni davolaydi. Agar badanida biror yarasi bor odam borib o'sha buloq suviga cho'milsa, yoki kasalligi bor odam suvidan ichsa dardlaridan forig' bo'lar ekan. Ayniqsa yoz oylari buloq suviga cho'milishga yoki ichishga odamlar juda gavjumlashib ketadi. Navbat olish uchun hattoki ertalab tong sahardan kelishadi. Ba'zida suv olish uchun ertalab kelgan odamlarning navbati ochraddagilarning ko'pligidan tushdan keyin ham kelishi mumkin. Mahalliy aholi yoshi ulug'larining aytishlariga qaraganda XX asrning 60-70-yillarida mazkur buloqning suv sig'imi ko'proq bo'lgan kezlarida cho'ponlar qo'ylarini toqqa haydab chiqarishdan avval, qo'ylarning badanidagi har-xil yaralar va qo'trlaridan halos qilish maqsadida "Qo'tr buloq" suviga qo'ylarni yaxshilab cho'miltirishgan va keyin toqqa chiqib ketishgan. Kuz faslining oxirlarida tog'dan qo'ylarni qishloqdagi egalariga qaytarish oldidan ham xuddi shunday maqsadda qo'ylarni cho'miltirish marosimi o'tkazilgan.

Aziz joy hisoblangan Oltinsoy tumanidagi yana bir shifobaxsh xususiyatiga ega chashma bulog'i bor bo'lgan Xo'jaipok ota

ziyoratgohidir. Bu ziyoratgohda g'or tagidan chiqayotgan oltingurgut suvi juda foydali shifobaxsh hisoblanadi. Inson tanasining ko'plab a'zolariga foydali hisoblanadi. Mahalliy aholining aytishlariga qaraganda har qanday to'yib ovqatlangan kishi oltingurgut suvidan ichsa, yegan ovqatlari juda tez hazm bo'lib ketar ekan. Hozirgi kunda Oltinsoy tumanida zamonaviy qilib qurilgan Xo'jaipok sanatoriyasi mavjud. Sanatoriyaga O'zbekistonning turli joylaridan odamlar kelib oltingurgut suvlaridan istemol qiladi va cho'milib dam olishadi hamda davolanishadi.

Tabiatning yana bir aziz joylaridan biri Oltinsoy tumani to'xtamish mahallasi Suvlisoy qishlog'idagi "Do'g'dana bobo" ziyoratgohidir. Dala tadqiqoti davomida mahalliy aholining ma'lumotlariga ko'ra 1998-yili Vaxshivor tog'iga juda kuchli yomg'ir yog'ishi natijasida soy bo'ylab juda katta sel keladi. Bu sel ko'plab uylarga, ekin-ekinlarga va aholi tomorqalariga ziyon yetkazadi. Lekin dara bo'yida joylashgan "Do'g'dana bobo" ga sel yaqinlashmaydi, undan 10 metrlar cha'masida uzoqroqdan o'tadi. Buning natijasida bu qadimiy muqaddas darxtning orqasida joylashgan mahalliy aholiga tegishli bo'lgan o'nlab bog'-u rog'larga ziyon yetkazilishidan saqlanib qolinadi. Bu muqaddas daraxt atrofidagi uylarning birida istiqomat qiluvchi Maxmaraimov Ergash boboning ma'lumotlariga qaraganda Do'g'danaboboning yoshi 200 yoshdan ortiqroq ekan. Odamlar bu daraxt shoxlaridan kesishib, maxsus ishlov berib tumor yasab o'zlari va chorva hayvonlarining bo'ynilariga taqib qo'yishadi. Yosh bolalarning qo'llariga taqiladigan ko'zmunchoqlari qatoriga qo'shib qo'yishadi. Bundan ko'zlangan maqsad har-xil ko'z, sux va balo-qazolardan asraydi deb hisoblashadi. Daraxt shoxlaridan tumor oluvchilar tog'ridan-to'g'ri shoxlarini kesisholmas ekan. Avval Do'g'danaboboning yoniga kelib duo o'qishadi, shundan keyingina shoxlaridan kesib olishadi. Bordiyu duo va oyatlar o'qilib shoxlaridan olinmasa og'zi qiyshayib qolishi, turli xil yara va toshmalar chiqib ziyon berishi mumkin ekan.

To'xtamish mahallasidagi yana bir suv

inshooti bilan bog'liq tabiat kulti bu "G'oyirbuloq bobo" dir. Bu joyning atrofi toshlar bilan devor qilib o'ralgan. O'ralgan joyda 4-5 ta qayrag'och daraxti bor. Shu darxtni tagidan obihayot suv chiqib butun Po'staktepa guzari aholisini va ekinlarini suv bilan ta'minlaydi. "G'oyirbuloq bobo" yonidan o'tgan-ketgan odamlar to'xtab duoyi-fotiha qilib o'tishadi. Yoshi ulug'alarning ma'lumotlariga qaraganda bu yerda shayit bor ekan. O'tganda duoyi fotiha qilib o'tishmasa shayit tutib olishi, natijada insonning tana a'zolaridan turli xil toshmalar chiqishi, oyoq-qo'llari og'rib qolishi mumkin ekan. Po'staktepa guzari aholisi "G'oyirbuloq bobo" ning suvlari ko'payishi uchun har yili bitta katta qora qo'shqor so'yib qon chiqarishadi va mahallaning katta mullalari chaqirilib qur'on tilovat qilinadi. Rivoyatlarga qaraganda bu buloqni dastlab So'fi Olloyor eshon bobo hazratlari XVII asrning oxirlarida Vaxshivorga tomon o'tib ketayotganlarida to'xtab dam olgan va hassalarini yerga qaratib uch marta uradi, natijada ushbu buloq yer tagidan otilib chiqqan ekan. O'shandan buyon bu chashma buloq To'xtamish mahallasi xalqini ichimlik suvi bilan, Po'staktepa guzarini esa ekinlarini sug'rish suvi bilan ta'minlab kelmoqda[7].

Kishilarni o'z o'tmishi bilan bog'lovchi rishta, insonning tabiat, hayvonot va o'simlik

olami haqidagi ilk qarashlari totemistik tasavvurlarni aks ettirgan. Totemlar bilan bog'liq ko'plab asotir va rivoyatlar to'qilgan. Totemizmning asosi bo'lgan "totem" (Shimoliy Amerika hindularining "Ojibve" qabilasi lahjasidagi "ot-otem" so'zidan olingan – "uning urug'i") atamasini birinchi marta 1791-yilda Jon Long "insonning hayvon va o'simliklar bilan qon-qarindoshligi haqidagi ishonch" ni anglatuvchi so'z sifatida qo'llagan. Uning fikriga ko'ra, har bir qabila yoki urug' o'zlarini biror o'simlik yoki hayvon bilan atagan va ularga aloqador hisoblagan[8]. Bu aloqadorlik o'ziga xos qarindoshlik sifatida anglangan. Bunday hayvon, o'simlik yoki buyum muqaddaslashtirilib, unga sig'inilgan.

Fetishizm unsurlari hozirgi davrda ham turli xalqlar urf-odat va e'tiqodlari (haykal, surat, tumor, ko'zmunchoq va har xil ramzlar) da saqlanib qolgan. Shuningdek, muqaddas joylarga sig'inish, daraxtlarga latta bog'lash, is chiqarish, qabrlarni ilohiylashtirish, ularning mo'jizaviy kuchiga ishonish fetishizmning o'ziga xos ko'rinishidir.

Umuman olganda, tabiat kultlari asosan, davolovchi funksiyani bajargan. Masalan, buloq suvlari tarkibidagi turli minerallar sababli ularning shifobaxsh xususiyatlari buloqlarga nisbatan "muqaddaslik" tushunchasini shakllantirgan.

Foydalanilgan manbalar va adabiyotlar ro'yxati:

1. Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Б. 27.
2. Манба: tiu.uz Санобар Жўраева.
3. Дала ёзувлари. Бойсун тумани, Сайроб қишлоғи. 2022 йил.
4. Кароматов Ҳ. С. Ўзбекистонда мозий эътиқодлари тарихи. – Тошкент, 2008. – Б. 222.
5. Dala yozuvlari. Sherobod tumani, Zarabog' qishlog'i. 2023-yil.
6. Dala yozuvlari. Sherobod tumani, Zarabog' qishlog'i. 2023-yil.
7. Dala yozuvlari. Oltinsoy tumani, To'xtamish, Vaxshivor qishloqlari. 2023-yil.
8. Диншунослик асослари. (Масъул муҳаррир: И.Усмонов) – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси, 2013. – Б. 28.

ФОТИХА ТҶИИ: АНЪАНАВИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК (БУХОРО ВОҲАСИ МИСОЛИДА)

Шамсиева Зилола Аскарровна,

Термиз давлат университети этнография, этнология ва
антропология ихтисослиги таянч докторанти

Аннотация: Мақолада Бухоро воҳаси никоҳ тўйи тизимидан ўрин олган “Фотиҳа тўйи” маросими тарихий-этнографик нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Хусусан, ушбу маросимнинг анъанавий ва замонавий кўринишлари дала тадқиқотлари маълумотлари асосида ёритилган.

Калит сўз ва иборалар: фотиҳа, келин, куёв, “тўққиз тўй”, “қиз тўйи”(тож."духтар тўйи"), “рахтурди” (тож. "рахтзанон"), “соҳиби тўй”, мухаммасхонлик.

Аннотация: В статье с историко-этнографической точки зрения анализируется обряд «Фотиҳа туй», происходивший в свадебной системе Бухарского оазиса. В частности, на основе данных полевых исследований выделены традиционные и современные аспекты этого обряда.

Ключевые слова и фразы: фетиҳа, невеста, жених, «девятая свадьба», «девчачья свадьба» (тадж. «духтар тўйи»), «рахтурди» (тадж. «рахтзанон»), «саҳиби туй», мухаммасхон.

Abstract: In the article, the "Fotiha tuy" ceremony, which take place in the Bukhara oasis wedding system, is analyzed from a historical-ethnographic point of view. In particular, the traditional and modern aspects of this ceremony are highlighted based on field research data.

Key words and phrases: fetiha("fotiha"), bride, groom, "tukkiz tuy"("nine wedding"), "duxtar tuyi"("girl's wedding"), "rakhturdi" (taj. "rakhtzanon"), "sahibi toy", mukhammaskhon.

Никоҳ тўйи маросимлари халқ турмушининг, маънавий маданиятимизнинг кўпгина жиҳатларини ўзида мужассам этади ва унда миллатнинг ўтмиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданий ва маънавий қиёфаси намоён бўлади. Бухоро

воҳаси никоҳ тўйи маросимлари тизимида “фотиҳа тўйи” алоҳида аҳамиятга эга. Воҳадаги ушбу маросимнинг ўтказилиш тартиби, турли расм-русумларнинг генезиси билан боғлиқ махсус тадқиқотлар ўтказилмаган.

“Фотиҳа” сўзи арабча “очиш”, “очишиш”, “бошланиш”, “ибтидо”, “муқаддима” деган маъноларни англатади. [1;361] Қуръони Карим таркибидаги биринчи сура ҳам “Фотиҳа” деб аталади ва бу сура Қуръонни “бошлаб берувчи”, “очувчи” сура саналади. “Фотиҳа тўйи” маросимининг айнан шундай аталаши учун маълум сабаблар мавжуд. Биринчидан, ушбу маросим никоҳ тўйини бошлаб беради. Иккинчидан, маросим охирида кексалар келин-куёв ҳаққига “Фотиҳа” сураси ўқиб, уларга бахтли ҳаёт тилаб, дуо қилишади.

Республикамизнинг турли ҳудудларида фотиҳа тўйи ҳар хил номланади. Жумладан, Қашқадарё вилоятининг Яққабоғ туманида ушбу маросим “кичик тўй”, Деҳқонобод туманида “ялоққизартирар”, Қамаш туманида “жалаққизартирар тўй”, Китоб туманида “тўққиз тўй” юритилган.[2;50-51] Хоразм воҳаси никоҳ тўйи тизимида эса маросим “патир тўй”, “потия тўй” каби атамалар билан аталади.[3;35] Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларида “қиз тўйи”[4;100], тожиклари орасида эса “тўйи духтар” (ўзб.“қиз тўйи”) деб аталади.[5] Фотиҳа тўйи атамаси ўрнида дала тадқиқотлари жараёнида 1930-1940-йилларда “қиз тўйи”(тож."духтар тўйи") атамаси ишлатилганлиги аниқланди. Бундан ташқари, Бухоро шаҳрида олиб борилган дала тадқиқотларидан шу нарса аниқландики, фотиҳа тўйи қиз уйида ўтказилганлиги ва қизнинг отаси халққа ош берганлиги учун айрим ахборотчилар

“фотиҳа тўйи” билан бирга “падар оши” атамаси ҳам қўллашди.[6] Бугунги кунда эса, “фотиҳа тўйи” учун махсус тўйхоналар-ресторанлар танланиб, дабдабали тарзда ўтказилмоқда.[7]

Воҳанинг Пешкў, Шофиркон, Жондор, Ғиждувон туманлари қишлоқларидан йиғилган маълумотларга қараганда, фотиҳа тўйи билан никоҳ тўйи орасидаги муддат хонадонларда турлича белгиланган, яъни айрим хонадонларда фотиҳа тўйидан сўнг 1-2 йил ўтгандан кейингина катта тўй белгиланса, баъзи оилаларда эса бу тўйлар орасидаги муддатни чўзмаганлар.[8]

Воҳада фотиҳа тўйини ўтказиш учун бир қанча расм-русумлар бажарилган. Аниқроғи, фотиҳа тўйи кунда, аввало, “рахтурди” (тож."рахтзанон") кичик маросими ўтказилади, сўнгра меҳмонлар фотиҳа тўйи дастурхонига йиғилишади. 1970-1980-йиллардаги фотиҳа тўйларининг гувоҳи бўлган ахборотчиларнинг маълумотига кўра, "рахтзанон" маросимидан сўнг, қиз хонадонидан меҳмонларга чучвара ёки угра дастурхонга тортилган. Бундай таомларнинг халққа улашилишида ҳам рамзий маъно бор, яъни чучвара воҳа аҳолиси фикрига кўра серфарзандлилик рамзи бўлса, угра чексиз бахт, узун ва фаровон ҳаёт йўли рамзи саналган.[9]

Одатда, XX асрда тўй харажатларини кўпинча Бухоро шаҳрида "фотиҳа тўйи"да қизнинг отаси ўз зиммасига олган. Бугунги кунда эса, фотиҳа тўйи харажатлар келин ёки куёв хонадони томонидан қопланади. Айрим ҳолларда "фотиҳа тўйи" дастурхони учун барча маҳсулотлар куёв томонидан келтирилади, фақатгина келин томон қариндошлар дастурхон тузаш учун масъул бўлади. Айрим ҳолларда эса ушбу харажатлар тўлиқ қизнинг отаси ўз зиммасига олади.[10]

Бугунги кунда фотиҳа тўйлари воҳада дабдабали тарзда ўтказилаётганлиги замонавий тўйларнинг муҳим белгисидир. Хусусан, фотиҳа тўйи ресторанларда ўтказаетганлиги, тўйда махсус созандалар гуруҳи хизмат қилиши, ҳаттоки, дастурхон тузаш учун махсус "кейтеринг" (инглиз

тилидан “catering” - "хизмат кўрсатиш"[11]) лардан ҳам фойдаланиш-фотиҳа тўйларидаги яққол кўзга ташланадиган ўзгаришлар жараёнидир.

Фотиҳа тўйлари, асосан, аёллар маросими бўлганлиги учун уларда XX асрдан бошлаб аёл созандаларни чақириш урфга айланган. Айниқса, яҳудий миллатига мансуб аёл созандалар таклиф қилинган. Масалан, 1950-йилларда фақат аёллар иштирок этадиган (тож."занона") тўй маъракаларига Тухфахон [12;42-43], Олияхон каби машҳур созандаларни чақириш одатга айланган.[13] Ушбу созандалар даврадаги пул қистириш (тож."часпон кардан") учун чиққан ҳар бир аёлга атаб мухаммаслар ўқиган.[14] Бугунги кунда ҳам ушбу анъаналарга амал қилаётган хонадонлар талайгина. Хусусан, бугунги кунда Розияхон, Гулчехрахон, Саодатхон кабилар фотиҳа тўйларини ўтказишда яхши ном чиқаришган.[15]

Аёл созандалар қўлларида занг, қайроқ билан доирадастлар жўрлигида даврадаги ҳар бир аёлга атаб куйидагича мухаммасларни куйлашади:

Аз дар ки даройи, дари дарвоза тасаддуқ,

Дар ҳавли даройи гул-у гулзор тасаддуқ.

Дар хона даройи, бузу бузғола тасаддуқ,
Дар жанггоҳ даройи, мани бечора тасаддуқ.[16]

Таржимаси:

Кирсанг эшигимдан, сенга эшигим тасаддуқ,

Ҳовлимга кирсанг боғ-у гулзорим тасаддуқ,

Сенга молим, борим, давлатим тасаддуқ,
Даргоҳимга кирсанг, ўзим санга тасаддуқ.[17]

Ёки:

Аз дар ки даройи, ман нигоҳи ту кунам,
Андеша ба чашмони сиёҳи ту кунам,
Як мол надорамки закоти ту кунам,
Як жони азиз дораму қурбонат кунам[18].

Таржима:

Эшигимдан кирсанг, сенга бир боқайин,
Қаро кўзларингдан андиша қилайин,
Бир молим ёққи, закотингни берсам,

*Жони азизимни сенга қурбон
этайин.[19]*

Бухоро воҳаси фотиҳа тўйи маросимидаги мухаммасхонлик хусусида олима Г.Я.Шербекова ўзининг диссертациясида мухаммас айтишувида ҳар ким қатнаша олмаслигини, унда, асосан, сўзга чечан, шоиртабиат, бадиҳагўй аёллар иштирок этишларини, мухаммаслар, одатда, никоҳ тўйининг “фотиҳа тўйи” узвида ижро қилинишини айтиб ўтган. Шунингдек, Г.Я.Шербекова Бухорода ном қозонган мухаммасхонлар ҳам яшаб ўтган ва улар тўйларга махсус чақирилганлигини, фотиҳа тўйи даврасида улар тўй соҳибларини (тож. “соҳиби тўй”) кутлаб, эл орасида таъриф-тавсиф қилишганини, улар ўйинга тушиб, бошқаларни ҳам ўйинга таклиф қилиб, қўшиқлар айтиб, тўйнинг қизиқарли, жонли ва файзли, ёдда қоладиган бўлиб ўтишида хизмат кўрсатишганини таъкидлайди.[20;24]

Бухоро воҳаси анъанавий фотиҳа тўйларида келин даврага чиқмаган, яъни қизнинг юзи никоҳ тўйигача ҳеч кимга кўрсатилмаган. Бугунги кунда эса, келинлар фотиҳа тўйида яқин аёл қариндоши(холаси, аммаси, опаси) етакчилигида, айрим ҳолларда куёв ҳамроҳлигида даврага олиб чиқилади. Кўпчилик куёвлар фотиҳа тўйида дастурхон атрофида ўтиришса ҳам, бироқ келин билан бирга саҳнага чиқишмайди. Сабаби, воҳада фотиҳа тўйи аёллар маросими саналади ва куёвнинг келин

билан бирга аёллар даврасига чиқиши йигитлик ғурурига, ор-номусига тўғри келмайди деб тушунилади. Бундан ташқари, келинларнинг фотиҳа тўйларида камида 3-4 марта ўз либосини алмаштириб, кўз-кўз қилиши одат тусига кирган.[21]

Фотиҳа тўйи маросимида иштирок этувчи аёллар асосан, ўзбекона миллий кийимларни кийишади. Аёллар айнан фотиҳа тўйларида қадимий тақинчоқларни (асосан, “шибирма” ҳалқалар) тақишни хуш кўришади. Бухоро воҳасидаги фотиҳа тўйларида алоҳида рақс гуруҳлари таклиф қилиш урфга айланган. Ушбу тўй маросими махсус видеокомпанияларнинг операторлари томонидан тасвирга олинади ва дискларда муҳрланади.[22]

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро воҳаси никоҳ тўйи тизимида фотиҳа тўйи асосий маросимлардан бири саналади. Фотиҳа тўйи – воҳа аёлларининг ният қилиб кутадиغان маросимларидан биридир. Маросим ўзбек халқининг меҳмондўстлигини, бир-бирига дўстона, аҳил муносабатини кўрсатибгина қолмай, қариндош-уруғ, ёр-у биродарлар орасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ушбу маросимни ташкил этишда кузатиш ва юқорида қайд этилган анъана ва урф-одатлардаги ўзгаришлар трансформациялашув жараёни жадал суръатларда рўй берганидан далолат беради.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. // А. Мадвалиев таҳрири остида. -Тошкент. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006-2008.
2. Тошева Г. Қашқадарё воҳаси никоҳ тўйи маросимлари. -“Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси” нашриёти. -Т.
3. Матқаримова Н. Хоразм воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари (XX аср ва мустақиллик даври). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)...дис.-Нукус.2020.
4. Қурбонова М.Б. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъанавий таомлари (XIX аср охири XX аср бошлари). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.-Тошкент: 1994.
5. Дала маълумотлари. Бухоро вилояти Когон, Шофиркон, тумнлари.2023-йил.
6. Дала маълумоти. Бухоро тумани, Фощун МФЙ. 2022-йил.

7. Дала маълумотлари. Бухоро шаҳри Афшормаҳалла МФЙ, Бухоро тумани Кунжиқалъа МФЙ.2023-йил апрел, май.
8. Дала маълумоти. Бухоро, Когон туманлари.2022-йил.
9. Дала маълумоти. Бухоро шаҳри, Файзулла Хўжаев МФЙ.2022-йил.
10. Дала маълумоти. Бухоро шаҳри, Рози Ҳамроев МФЙ. 2022-йил.<https://ru.wikipedia.org/wiki>.
11. Таджикова З.Тухфахон-подарок Бухары. /The Bukharian times.-2011,11-17-февраль.№470.
12. Дала маълумоти. Бухоро шаҳри, Тағбандбофон маҳалласи. 2023-йил.
13. Дала маълумоти. Ёғдувон тумани, Ташкарон МФЙ. 2022-йил.
14. Дала маълумоти. Бухоро шаҳри, Турки Жанди МФЙ.2022-2023-йил.
15. Бухоро шаҳри Тағбандбофон гузарида истиқомат қилувчи 1936-йилда туғилган Шамсиева Бахшандадан ёзиб олинган.2019-йил июнь.
16. Дилором Жўраева таржимаси.
17. Бухоро шаҳри Тағбандбофон гузарида истиқомат қилувчи 1936-йилда туғилган Шамсиева Бахшандадан ёзиб олинган.2019-йил июнь.
18. Дилором Жўраева таржимаси.
19. Бухоро шаҳри Тағбандбофон гузарида истиқомат қилувчи 1936-йилда туғилган Шамсиева Бахшандадан ёзиб олинган.2019-йил июнь.
20. Шербекова Г.Я. Бухоро никоҳ тўйи фольклорининг локал хусусиятлари, жанрий таркиби ва бадиияти Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2022.
21. Дала маълумоти. Бухоро шаҳри, Шофиркон, Жондор тумани.2022-йил.
22. Дала маълумоти. Бухоро шаҳри, Ёғдувон, Жондор, Вобкент туманлари.2023-йил август-сентябрь ойлари.

ETNOGRAF B.X.KARMISHEVANING O'RTA OSIYO ETNIK TARIXINI O'RGANISHDAGI HISSASI

To'rayev Sherzod Gulboy o'g'li
Termiz davlat universiteti tayanch doktoranti

Annotatsiya: Maqolada boshqird etnograf olimasi Bilqiz Xalilovna Karmishevaning hayot yo'li va ilmiy faoliyati keng miqyosda yoritib berilgan. Shuningdek, olima tomonidan O'rta Osiyo jumladan, Surxondaryo etnik tarixini o'rganish borasida olib borilgan ulkan ilmiy ishlari va ular asosano'ziga xos uslubda etnik guruhlarning madaniyati va etnik xususiyatlaridan kelib chiqib amalga oshirilganligi bilan harakterlanishi ko'rsatilgan. Tadqiqotchining hayot va ilm yo'li yetuk olimlar tomonidan berilgan ta'riflar vositasida ochib berilgan.

Kalit so'zlar: O'rta Osiyo, laqaylar, etnik tarix, ko'chmanchi, toponimika, etnografiya.

Аннотация: В статье широко освещены жизненный путь и научная

деятельность башкирского этнографа Билкиз Халиловны Кармишевой. Также показано, что великие научные работы, проведенные ученым по изучению этнической истории Средней Азии, в том числе Сурхандарьи, проводились уникальным образом с учетом культурно-этнических особенностей этносов. Образ жизни и науки исследователя раскрывается через определения, данные зрелыми учёными.

Ключевые слова: Средняя Азия, холуи, этническая история, кочевник, топонимика, этнография.

Abstract: The life path and scientific activity of the Bashkir ethnographer Bilqiz Khalilovna Karmisheva are widely covered in

the article. Also, it is shown that the great scientific works carried out by the scientist on the study of the ethnic history of Central Asia, including Surkhondaryo, and that they were carried out in a unique way based on the culture and ethnic characteristics of ethnic groups. The researcher's way of life and science is revealed through the definitions given by mature scientists.

Key words: Central Asia, lakays, ethnic history, nomad, toponymy, ethnography.

1916-yil 13-iyulda Xitoyning Shinjon viloyatidagi G'ulja shahrida Bilqiz Xalilovna Karmisheva tug'ildi. Uning otasi Xalil Fatyoxovich Karmishev Samara viloyati, Oltata tatar qishlog'idagi mulla oilasidan chiqqan. Madrasani bitirgach, Quljalik uyg'ur savdogariga mulozim qilib ishga olinadi. Uning onasi Qozon viloyatidan Galiya Shaxmuhammedovnadir. Karmishevlar oilasi Qozon, Orenburg, Boku va Qrindagi jurnallarga obuna bo'lgan, bu yerda Ismoil Gasprinskiyning "Tarjimon" gazetasini o'qishgan.[2:C.25].Uning yoshligida egallagan qarashlari, dunyoqarashi kengligi O'rta Osiyo xalqlarining atoqli etnograf olimi va tadqiqotchisining ilmiy yo'liga asos soldi. 1923-yilda oila Moskvaga ko'chib o'tdi, lekin 30-yillarda oila boshlig'i hibsga olinib, Kolimaga surgun qilindi, Galiya Shaxmuhammedovna esa olti bolasi bilan O'zbekiston Respublikasi Andijon viloyatiga ko'chib o'tdi, sababi u yerda Quljalik tanishlari yashardi edi.

Bilqiz Xalilovna uzoq yo'lnibosib o'tdi. U to'qimachilik fabrikasida ishchi, qishloq kengashi kotibi, Oqsuv-Jabarli qo'riqxonasida laboranti, meteorolog va maktab o'qituvchisi bo'lib ishladi. O'rta Osiyo davlat universiteti tarix fakultetida sirtqi bo'lim talabasi bo'lgan vaqtdayoq Karmisheva Tojikistonning turkiy aholisini, laqaylarni, 1954-yildan boshlab qarluqlarni etnografik jihatdan o'rgana boshladi.[4:C.68]1945-yilda Karmisheva turmush qurishi munosabati bilan Dushanbega ko'chib o'tadi. Bu yerda u SSSR Fanlar akademiyasining Tojikiston filiali Tarix, arxeologiya va etnografiya institutida ishlagan va 1950-yilda Leningraddagi SSSR Fanlar akademiyasining Etnografiya instituti

aspiranturasiga o'qishga kirgan. Bilqiz Xalilovna aspiranturani tugatgach, Dushanbega qaytib keladi va yana SSSR Fanlar akademiyasining Tojikiston filialida ishlaydi. Karmishevaning birinchi fundamental etnografik asari ham shu yerda yaratiladi. Shunda uning ustozlari M.E. Masson bundan buyon "Bilqiz Xalilovna arxeologiya sohasini o'zgartirib, etnograf bo'ldi va bundan afsuslanmaydi" degandi[3:C.154] va 1956-yilda Karmisheva Moskvadagi SSSR Fanlar akademiyasi Etnografiya institutiga xodim bo'lib ishga kirdi.

Karmishevaning ona tili tatar tili bo'lib, rus va o'zbek tilini keyinroq o'rgangan. Bundan tashqari, uning qarindoshlari ta'kidlashicha, Bilqiz Xalilovna o'z til bilimlarini doimiy ravishda yaxshilashga harakat qilgan.[6:C.22]. Turkiy tillarni bilishi va tadqiqotchilik qobiliyati tufayli Karmisheva etnogenez va etnik jarayonlar, chorvachilik va dehqonchilik, hunarmandchilik, kiyim-kechak va uy-joy, nikoh, oila va bola tarbiyasi, dafn marosimi va yodgorlik marosimlari, islom, folklor, Markaziy Osiyo xalqlari onomastikasi va terminologiyasini o'rgandi. Tadqiqotchining asosiy ilmiy mavzulari Tojikiston va O'zbekiston aholisining etnik tarkibi shakllanishi muammosi, o'zbek qabilalari- laqaylar, turklar, qarluqlar, qo'ng'irotlar, yuzlar va boshqalarni o'rganish, shuningdek, O'rta Osiyoda o'troq va ko'chmanchi aholi o'rtasidagi munosabatlarni o'rganish va boshqalardir.

Surxondaryo elshunosligining sho'rolar davridagi eng yuqori nuqtasi kelib chiqishi boshqird bo'lgan professor Bilqiz Xalilovna Karmisheva nomi bilan bog'liqdir. Tadqiqotchi o'zining uzoq yillar mobaynida olib borgan izlanishlari natijasida O'zbekiston va Tojikiston aholisining etnografiyasiga doir asarini yozdi.[7;B.77]. Ushbu asar 1976-yilda nashr etilgan "Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана" monografiyasidir. Olima ko'plab tadqiqotchilar yetolmagan joylarni kuzatib, Surxondaryo, xususan, - Omonxona, Darbant, Vaxshuvar, Xufar, Poshxurd, Vandob kabi tog'li hududlarga dala tadqiqotini amalga oshiradi. B.X. Karmishevaning tavsiyasi bilan

“Sovet etnografiyasi” jurnali nashr etildi. Akademik Rtveladze olimaning ilmiy ishini yuqori baholagan. Markaziy Osiyoda chinakam etnografiya fanini yuqori cho‘qqiga olib chiqqan, balki O‘rta Osiyo etnografiya maktabi asoschisi edi deya ta’rif ham bergan[8;C.28].

O‘rta Osiyo xalqlari hayoti va madaniyatining bilimdoni Bilqiz Xalilovna 60 ga yaqin monografiya va maqolalar chop ettirgan. Ulardan «Кочевая степь Мавераннахра и ее население в конце XIX — начале XX века (по этнографическим данным)» (1980), «О торговле в восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. В связи с хозяйственной специализацией (по этнографическим данным)» (1979), «Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана (по этнографическим данным)» (1976), «К вопросу об украшениях из птичьих перьев у народов Средней Азии и Казахстана» (1989), «Среднеазиатские арабы» (1963), «Таджикско-узбекский народный географический термин вилайат» (1971), «Следы средневековых этнонимов и антропонимов в узбекских генеалогиях» (1978), «Архаическая символика в погребально-поминальной обрядности узбеков Ферганы» (1986), «К вопросу о культовом значении конных игр в Средней Азии» (1987), «Этническая история туркмен Среднеазиатского междуречья» (1989), «Узбеки племени кыргыз в Среднезеравшанской долине» (1997), «Этнические процессы у населения горной зоны Средней Азии в новое время» (1999), «Узбеки племени кыргыз в Среднезеравшанской долине» (1997), «Основные виды переносного жилища узбеков» (2000), «Этнографическое изучение народов Средней Азии и Казахстана в 1920-е годы (Полевые исследования Ф.А. Фиельструпа)» (1988), «От тропических лесов Амазонки до центральноазиатских степей: жизненный путь Ф.А. Фиельструпа» (1999) kabi ilmiy tadqiqot asarlari mashhurdir.

В. Х. Karmishevaning bir qancha asarlariga qisqacha tavsif bersak, avvalo

“Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. Историко-этнографический очерк животноводства в до революционный период” monografiyasi 1954-yilda Stalinobodda nashr etilgan. Laqaylarni o‘rganish vazifasi 1945-yilda etnografga topshirilgan. 1920-yillar boshida Laqaylar Sharqiy Buxoroda sovet tuzumiga qarshi turgan asosiy kuch bo‘lgandi[1;C.36]. Sovet mafkuraviy asoslari asarning akademik qiymatiga ta’sir qilmadi, Tadqiqotchi laqaylarning kelib chiqish tarixiga alohida e’tibor bera oldi. Karmisheva Laqaylarning qabilaviy tarkibini qayta tiklab, uni boshqa turkiy xalqlarning belgilari bilan taqqoslab, Janubiy Sibir qozoqlari, qirg‘izlari va tatarlar bilan o‘xshashlik va farqlarni aniqladi.

В.Х.Кармисхева “Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана (по этнографическим данным)” monografiyasi orqali tadqiqotini davom ettiradi. Monografiyada Panj va Amudaryoning o‘ng irmoqlari havzasi, Sharqiy Buxoro aholisining etnik tarkibi shakllanish jarayoni o‘rganiladi. Monografiya dala materiallariga asoslangan bo‘lib XIX asr oxiri – XX asr boshlaridagi etnik tarkib va etnik guruhlarning joylashishi, qabila va urug‘larga oid guruhlarning kelib chiqishi, qishloqlarga asos solinishi, etnik guruhlarning ko‘chishi va buning sabablarini mahalliy aholi vakillari va xalq rivoyatlari orqali yoritib bergan. Etnograf Surxon vohasi aholisining kelib chiqishi, lahjalari, antropologik tuzilishi, turmush tarxi, xo‘jaligi, urf odatlari va urug‘ qarindoshchilik an‘analarining o‘ziga xos xususiyatlari nuqtai nazaridan uch guruhga bo‘lgan. Asarda etnik guruhlarning joylashgan qishloqlarning nomlari batafsil berilishi Surxondaryo toponomikasi rivojiga katta hissa qo‘shganligini anglatadi. Bugungi kunda Surxondaryo viloyatining o‘zida 15 mingga yaqin toponimlar mavjud bo‘lib, shundan mingga yaqini aholi yashash joylari bilan bog‘liqdir. Birgina Boysun tumaning o‘zida yeti mingdan ortiq mikrotoponimlar to‘planib, ilmiy tahlil etilgan.

1980-yilda “Sovet etnografiyasi” ilmiy jurnalida “Кочевая степь Мавераннахра и ее население в конце XIX — начале XX века

(по этнографическим данным” maqolasi e’lon qilingan. Ishning asosiy qiymati birinchi marta vohalarning o’troq aholisi va ko’chmanchilar o’rtasidagi iqtisodiy o’zaro munosabatlarning ahamiyati to’g’risida aytilgan g’oya mavjudligidadir. [5;C.46]. Shuningdek, u ikki iqtisodiy tuzilma – ko’chmanchi va o’troqlikning yonma-yon yashashi mintaqadagi etnik jarayonlarga qanday ta’sir ko’rsatganligini ko’rsatadi.

Karmishevaning nabirasi Elena Luninaning aytishicha, 1978-yilda Bilqiz Xalilovna xizmat safaridan qaytayotgan Buxoroda samolyot yonib ketgan. U evakuatsiya qilindi, lekin doktorlik dissertatsiyasining loyihalari zalda qolganini eslab, ularni qutqarishga shoshildi. Karmisheva oxirgilardan bo’lib o’ta og’ir ahvoldava nafas yo’llarining og’ir kuyishitufayli evakuatsiya qilingan. U Buxorodagi kasal xonada uzoq vaqt yotdi va

doktorlik dissertatsiyasi himoyasi qoldirildi[6;C.22]. Bu fojiali voqea Bilqiz Xalilovnaning o’zishiga sidqidildan sadoqatini yorqin tasvirlaydi.

Xulosa qilib aytganda B.X.Karmisheva o’z davrining eng yetuk etnograf olimalaridan biri edi. Sovet davri etnografik tadqiqotlarda ham marksizmga havolalar bo’lishi, etnografiyaning “milliy siyosat” va “millatlararo munosabatlar” bilan aloqasida maxsus konsepsiyalardan foydalanishi talab etilgan.[1;C.34] Shunga qaramay, Karmishevaning asarlari sovet mafkurasiga yo’g’rilmagan, bu esa katta jasorat desak mubolag’a bo’lmaydi. Muallif tomonidan to’plangan etnografik ma’lumotlar 1940-1950/1970-1980 yillardagi etnik jamoalar haqida haqiqiy ma’lumot olishga imkon beradi va shuning uchun bugungi kungacha o’z ahamiyatini yo’qotmagan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. Абашин С. «В лабиринтах этногенеза и этнической истории»: труды Б.Х. Кармышевой как наследие советской этнографии// ОАЗИСЫ ШЕЛКОВОГО ПУТИ: современные проблемы этнографии, истории и источниковедения народов Центральной Азии: К 100-летию доктора исторических наук Балкис Халиловны Кармышевой, 2018: сб. науч. ст. / отв. ред. и сост. Котюкова Т.В. –М.: Исламская книга, 2018. с. 34.
2. Губаева С. Слово об учителе// ОАЗИСЫ ШЕЛКОВОГО ПУТИ: современные проблемы этнографии, истории и источниковедения народов Центральной Азии: К 100-летию доктора исторических наук Балкис Халиловны Кармышевой, 2018: сб. науч. ст. / отв. ред. и сост. Котюкова Т.В. –М.: Исламская книга, 2018. Сс. 25.
3. Губаева С.С. Балкис Халиловна Кармышева. (13.07.1916-09.10.2000)// М.: Этнографическое обозрение, 2001. №3. Сс. 154.
4. Додхудоева Л. «Фокусный центр» исследований профессора Б.Х. Кармышевой в Таджикистане/ ОАЗИСЫ ШЕЛКОВОГО ПУТИ: современные проблемы этнографии, истории и источниковедения народов Центральной Азии: К 100-летию доктора исторических наук Балкис Халиловны Кармышевой, 2018: сб. науч. ст. / отв. ред. и сост. Котюкова Т.В. – М.: Исламская книга, 2018. Сс. 68.
5. Кармышева Б.Х. Кочевая степь Мавераннахра и ее население в конце XIX — начале XX века (по этнографическим данным)// Советская этнография, 1980, №1, стр. 46.
6. Лунина Е.О. Балкис Халиловне Кармышевой// ОАЗИСЫ ШЕЛКОВОГО ПУТИ: современные проблемы этнографии, истории и источниковедения народов Центральной Азии: К 100-летию доктора исторических наук Балкис Халиловны Кармышевой, 2018: сб. науч. ст. / отв. ред. и сост. Котюкова Т.В. –М.: Исламская книга, 2018. С. 22.
7. Mirzayev J.Z. Surxondaryo elatlari: o’rganilish muammolari va istiqbollari. “Boysun bahori” ochiq folklore festivalini Jahon sivilizatsiyasidagi Boysunning moddiy va ma’naviy madaniyati” mavzusidagi Xalqaro ilmiy konferensiyasi maqolalar to’plami. – T.: Yangi nashr, 2019. – B. 77.

8. Ртвеладзе Э. Балкис Халиловна Кармышева (малоизвестные страницы биографии и экспедиционной деятельности) // ОАЗИСЫ ШЕЛКОВОГО ПУТИ: современные проблемы этнографии, истории и источниковедения народов Центральной Азии: К 100-летию доктора исторических наук Балкис Халиловны Кармышевой, 2018: сб. науч. ст. / отв. ред. и сост. Котюкова Т.В. –М.: Исламская книга, 2018. с. 28.

9. Турсунов С., Умаров И., Пардаев Т., Холмонова Ф. Турсунов А., Махмадиярова Н., Нарзуллаева Н. Ўзбекистонда топонимик номлар ва уларнинг тарихи Термиз Сурхон-Нашр. 2017 Б 17.

ТАРИХ

- Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич.** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор. *1921-1922 йилларда Сурхондарё ҳудудида совет ҳокимияти қарши миллий озодлик ҳаракати*.....3
- Якубов Ўткир Шермаматович.** Термиз давлат педагогика институти доценти, география фанлари номзоди. *Демографик жараёнлар ривожланиши ҳақида "ўтмиш"даги ва замонавий ёндошувлар*.....9
- Karimova Naila Minnigayanovna.** Senior lecturer, associate professor of the Department of Music Education. Termez State University. **Karimova Kamilla Vyacheslavovna.** Teacher of the department of music education. Termez State University. *Relationship between religious and musical cultures in historical development of society*.....13
- Абдуқаюмов Асрор Раимович.** Термиз давлат университетини Жаҳон тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди. *Сўғдинг илк ўрта асрлар даври халқаро савдо алоқалари тарихидан*.....16
- Аннаева Зарифа Мусурмонқуловна.** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси каттаўқитувчиси тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). *Экологик муаммолар ва халқаро ҳамкорлик*.....21
- Xolmanova Feruza Uralovna.** Termiz davlat universiteti Jahon tarixi kafedrasida katta o'qituvchisi, tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD). *Surxondaryo viloyati iqtisodiyotini rivojlantirishda sohalar samaradorligini oshirish*.....25
- Жураев Боходир Турдалиевич.** Денов тадбиркорлик ва педагогика институти илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). *Бухоро хонлиги тарихи тарихнавислар томонидан ўрганилиши ва турли ёндашувлар*.....28
- Allamuratov Shuxrat Ashurovich.** Termiz iqtisodiyot va servis universiteti, tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD). *Amudaryo kechuvlari orqali savdo munosabatlarining rivoji*...33
- Умаров Жамшид Саидмуратович,** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси тадқиқотчиси, Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). *Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда жанубий вилоятлар таълим тизимини ўқитувчилар билан таъминлаш масаласи*.....38
- Kadirova Yakitjan Buvabaevna,** Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti dotsenti. *Janubiy O'zbekistonda agrar sohada amalga oshirilgan islohotlar va uning soha infratuzilmasiga ta'siri*.....43
- Xujanazarov Absalom Ziyadullayevich.** Termiz davlat universiteti katta o'qituvchisi. *Surxondaryo viloyatida tibbiyot tizimini kadrlar bilan ta'minlash muammolari va tizimdagi islohotlar*.....47
- Tojiyev Jasur,** Termiz davlat pedagogika instituti o'qituvchisi. *Buxoro amirligining Boysun va Denov beklilarida ta'lim tizimi*.....54

Ўролова Малика Тўлқин қизи. Термиз давлат педагогика институти ўқитувчиси. *Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон ва Марказий Осиё республикалари ўртасида маданий алоқалар*.....58

Дусматова Олтиной Турсун кизи. Преподаватель кафедры всемирной истории ТерДУ. *Взгляд на историю культурных связей Узбекистана и Афганистана*.....62

Isarov Umidulla Isar o'g'li. Termiz davlat universiteti tayanch doktoranti. *Ko'chmanchi chorvador Andronovo madaniyati sohiblarining O'rta Osiyoda bronza davri ijtimoiy-migratsion jarayonlariga ta'siri*.....66

Аширов Валижон Илхомович. Навоий давлат педагогика институти “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси” ўқитувчиси. *XX аср Қизилқум қаҳрамонлари*.....71

Ахмедов Анвар Тоирович. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи, мустақил изланувчи. *Совершенствование организационно-правовых механизмов применения методов стимулирования в государственном управлении (на примере органов внутренних дел)*79

Суёнов Илёс Жума ўғли. Сурхондарё вилояти ИИБ ходими, Илмий изланувчи. *Экстремизм ва терроризмнинг Ўзбекистон республикасига кириб келиши*.....83

Ҳотамов Абдувоҳид Бобохонович. Мустақил тадқиқотчи. *Совет мафкурасининг Сурхондарё вилоятидаги таълим жараёнларига таъсири*.....89

Muxammadiyev Omon Mamataliyevich, DXX ChQ "Yosh chegarachilar" harbiy akademik litseyi o'qituvchisi. *Buxoro amirligi davrida boysun va denovda adabiy muhit*.....93

Mirzayev Husniddin Xolmo'minovich, Surxondaryo viloyati Termiz Shahar kasb-hunar maktabi yoshlar bilan ishlash bo'yicha direktor o'rinbosari. *Surxondaryo viloyati qishloqlarda madaniy-ma'rifiy ishlarning holati*.....97

Bo'riyev Odil, Termiz davlat universiteti yuridik fakulteti o'qituvchisi, **Kamalova Shaxzoda Oybek qizi,** ilmiy izlanuvchi. *Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi - Harakatlar strategiyasining mantiqiy davomi sifatida*.....102

ЭТНОГРАФИЯ

Абдуллаев Улуғбек Сайданович. Андижон машинасозлик институти профессори, тарих фанлари доктори. *XIII-XV асрларда Моворауннаҳр ва унга туташ ҳудудлардаги этник ҳолат*.....106

Турсунов Нурулло Нарзуллаевич. Термезский университет экономики и сервиса «Социально-гуманитарные науки» доцент кафедры, доктор исторических наук, **Аймуратова Дильфуза Бориевна.** Филиал ТТА Термез Работа с обращениями физических и юридических лиц начальник отдела контроля и мониторинга. *История Сурханского оазисного искусства вышивки*.....110

- Turdimuratov Yangiboy Allamuratovich.** O‘zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti dotsenti, tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD). *Milliy qadriyatlar tizimida xalq o‘yinlarining o‘rni va ahamiyati*.....116
- Axmedova Gulchehra O‘skinovna.** Termiz davlat universiteti Jahon tarixi kafedrasida katta o‘qituvchisi, tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD). *Go‘ro‘g‘li qiyofasida o‘zbek xalqining milliy qahromoni*.....121
- Qarshiyev Islom Maxmarahim o‘g‘li.** Termiz davlat universiteti Jahon tarixi kafedrasida dotsenti v.b., tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD). *Surxon vohasi turklari*.....124
- Рахмонов Махаммад Ҳабибулло ўғли.** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси. *Сурхон воҳаси тоғлиқ тожик аҳолисининг маросим ва урф-одатлари (Бойсун тумани панжоб қишлоғи мисолида)*127
- Ergashov Isroil Abdumalik o‘g‘li.** Termiz davlat universiteti Tarix fakulteti o‘qituvchisi. *Surxon vohasi aholisining tabiat bilan bog‘liq arxaik e‘tiqodlari*.....132
- Шамсиева Зилола Аскарровна.** Термиз давлат университети этнография, этнология ва антропология ихтисослиги таянч докторанти. *Фотиҳа тўйи: анъанавийлик ва замонавийлик (Бухоро воҳаси мисолида)*136
- To‘rayev Sherzod Gulboy o‘g‘li.** Termiz davlat universiteti tayanch doktoranti. *Etnograf B.X.Karmishevaning O‘rta Osiyo etnik tarixini o‘rganishdagi hissasi*.....139

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ТРАНСФЕРИ МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ЦЕНТРА РЕГИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ТРАНСФЕРА
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И ЦЕНТРА РАЗВИТИЯ НАУКИ И
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИ

SURKHANDARYA REGIONAL TERRITORIAL INNOVATION ACTIVITY AND TECHNOLOGY
TRANSFER AND SURKHANDARYO SCIENTIFIC JOURNAL OF SCIENCE AND
TECHNOLOGY DEVELOPMENT CENTER

Илм келажасимиз равнақидир

СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР
SURKHANDARYO: ILM VA TAFAKKUR
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ
SURKHANDARYA: SCIENCE AND
CONTEMPLATION

Илмий мақолалар журнали

N-4 2023

«СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР» ЖУРНАЛИДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН МАҚОЛАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

1. Журнал таҳририятига тақдим этилаётган мақолага 1) муаллиф(лар) ишлаётган муассаса раҳбариятининг йўлланма хати; 2) эксперт ҳайъати далолатномаси 2 нусхада; 3) мақола ёзилган фан йўналиши бўйича фан доктори имзолаган (имзо тегишли тартибда тасдиқланган бўлиши лозим) тақриз-тавсия илова қилинади (Изоҳ: Бу талаб четдан келадиган мақолалар учун).

2. Мақолалар ўзбек, рус ёки инглиз тилларида ёзилиши мумкин.

3. Қайси тилда ёзилишидан қатъи назар, мақолага уч тилда - ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги аннотацияси ҳамда таянч сўз ва иборалар (калит сўзлар) илова қилинади.

4. Мақола журнал таҳририятига «Microsoft Word» дастурида («Times New Roman» 14 ўлчамли шрифтда, сатрлар ораси бир ярим интервалда) терилган ҳолда икки нусхада, электрон варианты (флешка ёки СБда) билан топширилади.

5. Мақоланинг умумий ҳажми (расм, жадвал ва диаграммалар билан биргаликда) 8- 10 саҳифадан, илмий хабарларнинг ҳажми 4-5 саҳифадан ошмаслиги талаб этилади. Мақоланинг бир нусхаси муаллиф(лар) томонидан имзоланади.

6. Муаллифнинг фамилияси, исми шарифи, иш жойи, лавозими, у билан боғланиш мумкин бўлган манзил (уй ваҳизматтелефон рақамлари, электрон почта) кўрсатилади.

7. Агар мақолага расм, жадвал, диаграмма, схема, чизма, турли график белгилар киритилган бўлса, оқ-қора рангларда чизилган бўлиши, аниқ ва равшан тасвирланиши, қисқартмаларнинг тўлиқ изоҳи ёзилиши лозим. Рангли расм, жадвал ва диаграммалари мавжуд мақолалар фақат истисно тарзида, қўшимча ҳаражатларни муаллифлар ҳисобидан қоплаш шарти билангина қабул қилиниши мумкин. Формулалар матнга махсус компьютердастурларида киритилиши керак.

8. Иқтибос олинган ёки фойдаланилган адабиёт сатр ости изоҳи тарзида эмас, балки мақола охирида умумий рўйхатда кўрсатилади. Матн ичидаги кўчирмадан сўнг иқтибос олинган асарнинг рўйхатдаги тартиб рақами ва саҳифаси квадрат қавс ичида берилади. Бу ўринда китоб, тўплам, монографиялар учун муаллифларнинг исм- фамилиялари, манбанинг тўлиқ номи, нашр кўрсаткичи (шаҳар, нашриёт ва нашр йили) кўрсатилади. Журнал мақолалари ва бошқа даврий нашрлар учун муаллифларнинг исм- фамилиялари, мақола номи, журнал номи, йили ва сони, саҳифа номери кўрсатилади.

9. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар таҳририят томонидан қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

10. Таҳририятга тақдим қилинган мақола энг аввал муаллифлик нуқтаи назаридан текширилади. Матнда плагиат аниқланган тақдирда мақолани кўриб чиқиш тўхтатилади. Таҳририят плагиат ҳолати аниқланган мақолалар юзасидан муаллиф фаолият юритаётган муассасага кўчириб олинган манбаларни илова қилган ҳолда ахборот юбориши мумкин. Плагиатга йўл қўйган муаллифларнинг мақолалари кейинги уч йил давомида қабул қилинмайди.

11. Муаллифлик жиҳатидан текширувдан ўтган мақола таҳририят томонидан ўрнатилган тартибда тақризга берилади. Мақола тақриздан қайтгач, агар зарур бўлса, барча савол ва эътирозлар бўйича муаллифга қайта ишлаш учун тақдим этилади. Мақола нусхалари муаллифларга қайтарилмайди.

12. Ижобий тақриз олган мақола таҳририят томонидан қабул қилинган саналади. Журнал таҳририяти мақола матнини қисқартириш ва унга таҳририй ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.

13. Профессор-ўқитувчилари томонидан тақдим қилинган мақолалар муайян йўналишлар бўйича таҳририят аъзоларининг ёки фан докторларининг тақриз-тавсияси (тегишли тартибда тасдиқланган бўлиши лозим) асосида қабул қилинади.